

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

**“ФАЛСАФИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАНЛАР”
КАФЕДРАСИ**

НАЖМИДИНОВА КАРИМАХОН УСМОНОВНА

**СОЦИОЛОГИЯ
ФАНИДАН**

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

ТОШКЕНТ – 2014

«Социология» фани бўйича маърузалар матни.—Тошкент, 2014й. ,165 бет.

Ушбу маърузалар матни 2011 йили Социология фанидан тузилган янги Намунавий дастур асосида яратилган бўлиб, унда ўқув режага асосан барча таълим йўналишлари учун муллик тузган ишчи ўқув дастур бўйича 18 соатга мўжалланган 9 та маърузалар, режалар, асосий тушунчалар, уларнинг таърифлари, мазмун - моҳияти, такрорлаш учун саволлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати жамланган.

Мазкур маърузалар матни олий ўқув юртлирининг барча таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабалар учун тавсия этилади.

Тузувчи: катта ўқитувчи Нажмидинова К.У.

Такризчи: сиёсий фанлар доктори професор Т.Т.Алимардонов

МУНДАРИЖА

1	Кириш	4-6
2	Социология фан сифатида	7-18
3	Социология структураси	19-28
4	Жамият яхлит тизим сифатида	29-44
5	Социал гуруҳлар ва социал институтлар	44-86
6	Шахс социологияси ва девиант хулқ-атвор	86-100
7	Жамият социал структураси ва стратификацион жараёнлар	100-111
8	Социал муносабатлар	111-126
9	Ижтимоий тараққиёт социологияси	126-144
10	Эмпирик социологик тадқиқот ва унинг методлари	145-165

КИРИШ

Социология гуманитар фанлар доирасидаги шундай йўналишки, у бутун жамият ва унинг ижтимоий тизимини ташкил этадиган таркибий қисмларининг ривожланиш ва мавжуд бўлиш қонуниятларини, турли социал жараёнлар ўртасидаги ўзаро алоқалар ва кишиларнинг социал хулқ-атвори қонуниятларини ўрганади.

Социология фани жамиятда рўй бераётган йирик ижтимоий-сиёсий воқеаларни шунчаки қайд этиш билангина чекланмайди, балки унинг асл моҳияти ва мазмунини атрофлича очиб беради. Бу фан ўзининг илмий хулосаларини эмпирик даражада асосланган ҳолатда илгари суради.

Социология фан сифатида ҳозирги ижтимоий жараёнлар ҳолатига тўлақонли жавоб бериш билангина чекланмасдан, балки уларнинг истиқболдаги ўзгариш даражаси ҳусусида башорат қилади. Ана шу жиҳатдан социология фани назарияси, амалиёти ва тадқиқот усуллари атрофлича ўрганиб чиқиш зарурати туғилади.

Фаннинг асосий моҳияти социология ривожланишининг назарий-услубий асослари, фаннинг предмети ва объекти, институтлашган шакллари, ижтимоий фикрнинг тарихий ривожланиши, фанлар тизимида социологиянинг ўрни, социологияни тушунишдаги илмий назариялар, унинг тушунчалар тизимини кўриб чиқишда намоён бўлади.

Фаннинг назарий асослари долзарб ижтимоий жараёнлар, социал структура ва социал тизимларнинг мавжуд бўлиши ва ривожланиш муаммолари, жамият социал-маданий тизим сифатида, шахс ижтимоий муносабатларнинг объекти ва субъекти сифатида, социал муносабатлар, ижтимоий жамоалар, социал алоқалар, социал ташкилотлар, гуруҳлар, социал институтлар ва институтлашган муносабатлар, жамиятдаги ижтимоий ўзгаришларни батафсил баён қилиш билан мос келади. Бунда асосий эътибор амалий фаолиятда социологик билим ва усуллардан фойдаланиш имкониятларини ишлаб чиқишга, Ўзбекистон ва жаҳондаги социал муаммоларга нисбатан қизиқишнинг ошганлигига қаратилади.

Ушбу дастур социология фани қўлга киритган ва мунозарали социологик масалалар юзасидан кейинги йилларда монография, диссертация, илмий мақолалар, дарслик ва ўқув қўлланмаларда билдирилаётган фикрлар, Ўзбекистонда социология таълим тизимини ривожлантириш йўлида қилинаётган ҳаракатлар ҳамда бир неча йиллардан буён бу фанни олий таълим тизимида ўқитиш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда тузилди.

Дастурда социологияни фан сифатида шаклланиши, унинг таркибий тузилиши, жамиятни яхлит тизим тариқасида таҳлил қилиш, ижтимоий ҳаётда социал институтлар роли, девиант хулқ-атвор ва социал назорат масалалари, жамиятнинг социал структураси ва стратификацион жараёнлар, социал муносабатлар, ижтимоий тараққиёт тенденцияларини ифодалайдиган мавзулар ёритилган.

Дастурнинг якунловчи қисмида эмпирик социологик тадқиқотларни олиб боришга бағишланган мавзу тавсия қилинган. Бунда эмпирик социологияда

кенг ўрин олган социологик маълумотларни тўплаш, уларни қайта ишлаш ҳамда таҳлил қилиш услубларига ҳам етарлича эътибор қаратилди.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларда социология фани мазмуни ва моҳияти, социология мутахассислигининг жамиятдаги ўрни, хусусиятлари ва келажаги тўғрисида тасаввурларни пайдо қилиш, ижтимоий ҳаёт муаммолари ечимига мос келадиган таклиф ва тавсиялар механизмини ишлаб чиқишда мазкур фаннинг роли ҳақида билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш.

Фаннинг вазифалари – талабаларга жамият тараққиётидаги ижтимоий муаммоларни социологик нуқтаи назардан тушунтириш ҳамда фаннинг долзарб масалаларини ечишнинг услуб ва услубиётларини, социологик таҳлил ва тавсияномалар яратишни ўргатиш.

Фан бўйича талабаларнинг билим, малака ва кўникмага қўйиладиган талаблар

«Социология» ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

– жамиятни яхлит ижтимоий тизимлиги, шахс ва жамият муносабатлари, ижтимоий ҳодисалар ва муаммоларга социологик ёндашиш, ижтимоий тараққиётнинг асосий омиллари, ижтимоий ҳаёт фаолиятини мувофиқлаштирадиган социал институтлар фаолиятини таҳлил қилишни билиши керак.

– талаба социология фанини мустақил ижтимоий фан сифатида шаклланишининг тарихий-сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-фалсафий асосларини; социология фани объекти ва предмети, унинг структураси ва фанлар тизимидаги ўрнини; Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг социологик таълимотлари мазмунини; ижтимоий тараққиёт ва унинг асосий шакллари; ижтимоий ҳаётда миллий ғоя ва мафкуранинг социологик аҳамиятини; шахс ижтимоийлашуви омилларини; жамиятнинг социал структураси ва унинг ўзгариб бориш хусусиятларини; ижтимоий-сиёсий жараёнлар маълум бир қонуниятлар асосида кечишини; жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ўзаро боғлиқликда эканлигини яхлит идрок этишни; жамият ривожининг асосий омилларини таснифлай олиш кўникмаларига эга бўлиши керак.

– талаба замонавий жамиятда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ҳодисаларни тўғри тавсифлай олиши; турли ижтимоий-маданий хусусиятда кечаётган ҳодисаларни холис қиёсий таққослай олиш; замонавий жамиятдаги мавжуд ижтимоий муаммолардан устуворларини аниқлаш ва уларни объектив таҳлил қила олиши; муайян ҳодиса ва воқеаларга кишиларнинг шахсий муносабатларини ўрганишга қаратилган тадқиқотларда иштирок этиши; ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларда ўтказилган амалий социологик тадқиқотлар натижаларидан фойдалана олиш малакаларига эга бўлиши керак.

Фанининг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги

Социология фани ижтимоий ҳаёт муаммолари ва ижтимоий тараққиёт жараёнининг турли омилларини комплекс тарзда ўрганувчи фан ҳисобланиб, у тарих, ҳуқуқшунослик, фалсафа, маданиятшунослик, диншунослик, психология, сиёсатшунослик, этнография, иқтисод назарияси, математика, статистика каби фанлар билан яқин ҳамкорликда фаолият юритади.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни

Социология мустақил ижтимоий фан сифатида ўз методологияси ва назариясига эгадир. Социология фани жамият ҳаётидаги ижтимоий муаммоларни ўзининг эмпирик базасига эга бўлган конкрет амалий тадқиқотлари билан комплекс тарзда тадқиқ этади. Жумладан, ижтимоий меҳнат ва унинг самарадорлигини ошириш, маркетинг тадқиқотларини фаол олиб боради.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг социология фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларида фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллардан фойдаланилади. Маъруза ва амалий машғулотлар фаннинг мавзуларига мос равишда илғор педагогик технологиялари асосида олиб борилади.

1-Мавзу: Социология фан сифатида

Режа:

1. **О.Конт - позитив социологиянинг асосчиси.**
2. **Антик даврнинг қомусий олимлари ва Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий-фалсафий таълимотлари.**
3. **Ғарб социологияси классиклари социологиянинг объекти ва предмети ҳақида.**
4. **Социологиянинг турли йўналишларида фаннинг объекти ва предмети.**
5. **Социологиянинг бошқа фанлар билан муносабати.**

1.О.Конт - позитив социологиянинг асосчиси.

О.Конт томонидан 1839 йилда “Позитив фалсафа курси” асарининг учинчи томи нашр этилганлиги натижасида, биринчи маротиба у жамиятни илмий асосда ўрганиш сифатида социология терминини қўллади ва бу социологиянинг шаклланиши ва ривожланишига олиб келди.

О.Конт томонидан таърифланган инсоннинг интеллектуал ривожланишининг учта изчиллик босқичи: теологияга оид, метафизик ва позитивик ҳақидаги қонуни ушбу саволга жавоб бериш учун имкон беради.

Биринчи, теологик босқичда инсоннинг ғайритабiiй тушунчаси диний тасаввурлар асосида қурилган.

Иккинчи, метафизик босқичда инсон ғайритабiiй кучдан воз кечиб, мавҳум моҳият сабаб ва бошқа фалсафий меъёрлар ёрдамида воқеликни тушунтиришга ҳаракат қилади.

Учинчинчи босқич, позитив ёки илмий босқич, бу даврда мавҳум фалсафий қарашлардан инсонлар воз кечиб, атрофдаги воқеликни, нарсаларни кузатадилар ва улар ўртасида мавжуд бўлиши мумкин бўлган доимий алоқаларни, боғлиқликларни аниқлайдилар, бу босқич 1800 йилдан бошланган бўлиб, жамият тараққиётининг кейинги даврларида ҳам давом этади.

Бир босқичдан иккинчисига ўтиш ҳамма фанларда бир вақтларда бўлмасада изчиллик билан амалга оширилади. Бу жараён оддийдан мураккабга (юқоридан қуйига) тамойили асосида амалга оширилади.

Ўрганилаётган объект қанчалар оддий бўлса, у ерда позитив билимлар шунча тез қарор топади. Шунинг учун позитив билимлар аввало математикада, физикада, астрономияда, химияда, сўнг эса биологияда тарқалади.

Социология эса бу позитив билимлар чўқисидир. У ўз тадқиқотларида позитив услубга суянади. Позитив услуб кузатишлардан тўпланган тажриба ва тадқиқотларни таққослаш, ишончли, текширилган, эътирозни туғдирмайдиган эмпирик маълумотлар мажмуини назарий таҳлил этишга суянган. О.Конт томонидан жамият ҳақидаги фанни шакллантиришда меҳнат тақсимоти ва коперациялашнинг зарурлиги ҳақидаги қонуннинг очиқ берилиши навбатдаги муҳим якун бўлади. Бу омиллар жамият тарихида жуда катта ижобий аҳамиятга эга. Шу туфайли социал ва касбкорлик гуруҳлари

юзага келади, жамиятнинг хилма-хиллиги ўсади ва одамларнинг моддий фаровонлиги кўтарилади.

О.Конт ўз қарашларидан келиб чиқиб, социологияни икки қисмга бўлади:

- ❖ **социал турғунлик,**
- ❖ **социал жўшқинлик.**

Социал турғунлик ижтимоий тузумларнинг амал қилиш шароитлари ва қонуниятларини ўргатади. О.Конт социологиясининг ушбу бўлимида асосий ижтимоий институтлар: оила, давлат, дин, ижтимоий гуруҳларнинг ижтимоий функциялари ва уларнинг бирдамлик ва ҳамкорликни ўрнатишдаги роллари кўриб чиқилади. Социал жўшқинликда О.Конт инсонни маънавий, ақлий ривожлантиришнинг муҳим омили бўлган ижтимоий тараққиёт назариясини ривожлантиради.

2.Антик даврнинг қомусий олимлари ва Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий-фалсафий таълимотлари.

Социологияни фан сифатида тасаввур этиш учун энг аввало унинг вужудга келиши ва тарихий ривожланиш босқичларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ижтимоий ҳаёт ривожланиши қонуниятларини ўрганишга қаратилган таълимотлар, қарашлар эрамиздан аввалги IV асрдаёқ юнон файласуфлари Афлотун (эрамиздан аввалги 427-347 йил) нинг “Қонунлар”, “Давлат тўғрисида”, Арасту (эрамиздан аввалги 384-322 йил) нинг “Сиёсат тўғрисида”, “Метафизика”, “Этика”, Протагорнинг (эрамиздан аввалги 490-420 йил) “Ҳақиқат” каби асарларида ёритилган.

Марказий Осиёнинг мутафаккирлари бўлмиш Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо каби улуғ алломалар ўз даври ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини илмий асосда тадқиқ қилганлар ва ўзларининг ижтимоий қарашларини асарларида ёзиб қолдирганлар.

Абу Наср Фаробий ўзининг “Фозил шаҳар аҳли қарашлари ҳақида китоб”, “Сиёсат ал – мадания” каби асарларида олийжаноб жамият, адолатли тузум, одил ҳукмдорлар ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини баён қилган. У ўзи яшаган даврнинг ижтимоий тизимини, унинг зиддиятлари ва бу зиддиятларнинг келиб чиқишидаги муаммоларни назарий жиҳатдан таҳлил қилишга уринган.

Давлат ва жамият масалаларида давлатни ижтимоий тизимни бошқарувчи ташкилот деб, уни муваффақиятли бошқариш эса кўп жиҳатдан давлат бошлиғи, ҳокимнинг характериға, фазилатларига боғлиқ деб билган. “Фозил шаҳрининг биринчи бошлиғи”, деб таъкидлайди Фаробий, - шу шаҳар аҳолисига имомлик қилувчи оқил киши бўлиб, у табиатан ўн иккита ҳислат фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур:

- ❖ ҳокимнинг 4 мучали соғлом бўлиб, ўзига юкланган вазифаларни осон бажарилиши лозим;
- ❖ нозик фаросатли бўлиб, фикрларни тез тушуниб, тез илғаб олиши, шу соҳада умумий аҳвол қандайлигини равшан тасаввур қила олиши зарур;

- ❖ у англаган, кўрган, эшитган, идрок этган нарсаларини хотирасида тўла-тўқис сақлаб қолиши, барча тафсилотларини унутмаслиги зарур;
- ❖ у зехни ўткир, зукко бўлиб, ҳар қандай нарсанинг билинар-билинемас аломатларини ва у аломатлар нимани англатишини тез билиб, сезиб олиши зарур;
- ❖ фикрини равшан тушунтира оладиган;
- ❖ билим, маърифатга ҳавасли бўлиши шарт;
- ❖ таом ейишда, ичимликда, аёлларга яқинлик қилишда очофат бўлмаслиги, ўзини тия оладиган бўлиши;
- ❖ ҳақиқатни севадиган, ёлғон ва ёлғончиларни ёмон кўрадиган;
- ❖ олийҳиммат бўлиши, олий ишларга интилиши зарур;
- ❖ мол – дунё кетидан қувмайдиган;
- ❖ табиатан адолатпарвар, истеъдод ва жабр-зулмни ёмон кўрувчи,
- ❖ саботли, журъатли, жасур бўлиши, кўрқоқлик ва хадиқсирашларга йўл қўймаслиги каби хислатлар киради.

“Маданий жамият ва маданий шаҳар шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисида бўлган ҳар бир одам касб - ҳунарда озод, ҳаммага барабар бўлади, кишилар ўртасида фарқ бўлмайди, ҳар ким ўзи озод бўлади” - каби фикрлари Фаробийнинг жамият ҳаётини чуқур таҳлил қилганлигидан далолат беради.

Абу Райҳон Беруний ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Минерология”, “Ҳиндистон” асарларида ижтимоий ҳаёт масалаларини ёритган.

“Минерология” асарининг муқаддимасида инсон ва унинг ижтимоий адолат тўғрисидаги қимматли фикрларни баён этган. Беруний ўз даврининг этносоциологи ҳам эди. “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида турли халқлар: форслар, юнонлар, яҳудийлар, христиан моликийлар ва христиан настурийлар, мажусийлар, собитлар, будпараст араблар, мусулмон араблар, турклар тўғрисида қимматли маълумотлар ёзиб қолдирган.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳам “Бобурнома” асарида ўз даври ижтимоий ҳаёти воқелигини, инсон шахси хусусиятларини, яхши ва ёмон томонларини, Андижондан – Ҳиндистонга қадар бўлган улкан ҳудудида яшаган халқларнинг ижтимоий жиҳатларини шахсий кузатишлари, илмий тадқиқотлари асосида ўрганган ва ёзиб қолдирган.

Юқорида номлари зикр этилган буюк мутафаккирлар яшаган даврда социология ҳали мустақил фан сифатида шаклланмаган эди. Уларнинг ижтимоий ҳаёт жараёнлари тўғрисидаги илмий тадқиқотлари натижалари эса ижтимоий – фалсафий қарашлар тарзида намоён бўлган.

3. Ғарб социологияси классиклари социологиянинг объекти ва предмети ҳақида.

XIX асрнинг охири XX аср бошларидаги социологик позивитизмнинг кўзга кўринган вакилларида бири, бу француз социологи **Эмиль Дюркгейм** (1858-1917). У бир неча маротаба О.Конт ва Г.Спенсерлар социологик қарашининг аҳамиятини таъкидлаган, уларни танқидий англаган

ва янада ривожлантирган. У бир бутун социал организм бўлган жамият ҳақидаги назариясини ишлаб чиқишни ривожлантирган. У социал реализм назариясида социал воқелик табиатини социал воқеалар орқали тушунтириш лозимлиги, одамларнинг феъл-атворини таҳлил этишнинг бошланғичи бўлиб, индивидлар, ижтимоий гуруҳлар ва тегишли социал институтларнинг ўзаро муносабати тизимини ташкил этган жамият ҳисобланишини ёритади.

Дюркгейм “Социология услуги” номли асарида социология соҳасидаги жамият ривожланиши назарияларини ишлаб чиқишга эътиборини қаратиб, социал омилларни илмий таҳлил этишга қаратилган тавсилотларни яратиш устида шуғулланган.

Социология, - деб ёзади у, социал далиллар ҳақидаги фан бўлиб, унинг остида сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний ва бошқа ғоялар, қоида ва қадриятлар ётади. Дюркгейм фикрича, социал воқеаликнинг якуний сабаблари бўлиб, амалиётда рўёбга ошириладиган одамларнинг ғоя ва маданий қадриятлари ҳисобланади. Айнан ана шунда, у ҳар қандай социал эволюциянинг манбаи мавжудлигини кўради. Бунда сўз жамоавий онгни намоён бўлиши сифатидаги ғоялар ва маънавий қадриятлар устида боради.

Айрим шахсларда нисбатан социал қоидалар, қадриятлар ва бошқа ижтимоий онгнинг намоён бўлиши объектив амал қилади. Социал назария ва услуб муаммоларини ишлаб чиқишда, Дюркгейм социология ва фалсафанинг ўзаро таъсири муаммоларига ҳам эътиборини қаратган.

У социология буюк фалсафий таълимотлардан юзага келганлигини эътироф этади ва доимо қандайдир фалсафий ёндашувларга суянганлигини таъкидлайди. Социология – деб ёзади Дюркгейм – аллақачон мустақил фан бўлиб шаклланган, ўз предметига эга ва шу туфайли ўз иши билан шуғулланиши керак. Дюркгейм асарлари социологиянинг мустақил фан сифатида қарор топишида муҳим ролни ўйнайди.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида социологиянинг ривожланишига буюк ҳисса қўшганлардан бири, бу немис мутафаккири **Макс Вебер**дир (1864-1920). Ҳозирги кунда М.Вебер социологияси ҳақиқий уйғониш даврини бошидан кечирмоқда. Унинг фалсафий социологик қарашларининг кўп томонлари янгидан қайта англономқда. Унинг фикрича, ишлаб чиқилган социологик билим, методологиясини тушуниш концепцияси, маданият, этика, социология, дин ҳақидаги таълимотлари ҳаракат учун қўлланма сифатида қабул қилиномқда.

Вебернинг фикрича, социология аввало, инсон ёки гуруҳ, одамларнинг феъл-атвори ва социал фаолиятини ўрганиши керак. Вебер кўплаб илмий асарларнинг, жумладан, “Социал-илмий ва социал- сиёсий билишнинг объективлиги”, “Маданият ҳақидаги мантиқ фани соҳасидаги танқидий тадқиқотлар”, “Социология” ва бошқаларнинг муаллифидир.

Социал ҳаракат Вебернинг фикрича одамларнинг англаб етилган ўзаро муносабати тизимини ташкил этади. Бундай ҳолатда у социологиянинг предмети ҳисобланади.

Вебер ўз асарларида социология назарияси ва методологиясига оид кенг қамровли муаммоларни атрофлича муҳокама этишга катта аҳамият

берган. Шундай қилиб, Вебер асарларидаги илмийлик ва объективлик бири-биридан ажралиб кетмаган.

4. Социологиянинг турли йўналишларида фаннинг объекти ва предмети.

Эмпирик социологиянинг вужудга келиши “социал образлар” ёки “далилларни тадқиқ қилиш” деб аталган нарсаларни эълон қилишдан бошланган эди. Бу ўринда гап муайян социал далил ва ҳодисаларни батафсил баён қилиш ва ишлаб чиқариш тўғрисида боради. Социологик муаммоларни ҳал қилишнинг бундай усули тез орада биринчи бўлиб АҚШда, айниқса, кенг тарқалди. Эмпирик социология шаклланишининг маркази Чикаго университети бўлди (уни Чикаго “хаёт маркази” деб ҳам аташган). Бу ерда 20-30 йилларда эмпирик социологиянинг яққол ривожланишини ифодаловчи кўп қиррали амалий тадқиқотлар кенг суръатда амалга оширилади. Бу йўналишлар аниқ ҳолатларда кишилар ҳаёт фаолиятларини мукаммал тадқиқ этишга қаратилган эди. Масалан, эмпирик социологиянинг асосчилари деб ҳисобланувчи У.Томас ва Ф.Знанецкий беш томли “Поляк деҳқони Европада ва Америкада” (1918-1920) деган асарида АҚШга кўчиб келган поляк деҳқонларининг ҳаётини батафсил таҳлил қилдилар. Бунда улар ашёвий далиллардан, шахсий ҳужжатлардан – 28 поляк оиласининг шахсий ёзишмаси, айрим кишиларнинг таржимаи ҳоли, анкеталар ва шу каби бир қанча материаллардан кенг фойдаландилар.

Бу социологияда тадқиқотлар ўтказишнинг янги тури бўлиб, унда замон ва макон билан чекланган жуда кўп далиллар ўрганилар, аммо, одатда жамият ҳаётининг муҳим томонлари қонуниятларига оид умумлаштирувчи текширишнинг махсус тартиби ва техникаси ҳам қўлланила бошлади: кузатиш, интервью, анкета тарқатиш, ҳужжатларни ўрганиб чиқиш, тажриба ўтказиш ва моделлаштириш тўпланган материалларни статистик жиҳатдан ишлаш, диаграмма, графиклар тузиш кабилар.

Оммавий сўровлар усули ва техникаси ривожига Ж.Г.Гэлланинг “Жамоатчилик фикрини ўрганиш Америка институти” фаолияти катта рол ўйнайди. У 30- йилларда 10 кунлаб давом этадиган умуммиллий сўровларни ўтказди.

XX-асрнинг 20-йилларидан бошлаб Америка штатлари жаҳон социологияси ривожига етакчи мавқеини эгаллади. АҚШда социологиянинг фан сифатида жадал ривожланишида қуйидаги омил муҳим рол ўйнайди. Капитализмнинг юқори босқичга кўтарилиши, Европада синфий курашнинг кучайиши натижасида мавжуд ижтимоий–иқтисодий ва сиёсий зиддиятларни ҳал этишга қаратилган эмпирик тадқиқотларнинг катта ҳажмда тўпланганлиги АҚШда социологиянинг фан сифатида жадал ривожланишига сабаб бўлди. Бу ерда социология дастлаб университет фани сифатида шаклланди. 1892-йилда жаҳонда биринчи марта Чикаго университетида социология кафедраси ва факультети очилди. 1901 йилда социология 196 университет ва колледжларда фан сифатида ўқитилган бўлса, 80-йилларнинг охирларига келиб рақам 250 ни ташкил қилди.

АҚШда социология ўзининг илк давридаёқ амалий-эмпирик фан сифатида шаклланди. 1910-йилдаёқ мамлакатда 3000 дан ошиқ эмпирик тадқиқотлар ўтказилган эди. Ҳозир бу кўрсаткич 2 баравардан ошиб кетди. Социологик тадқиқотлар ўзининг жуда катта молиявий асосига эга. Социологик тадқиқотлар ўтказиш учун йилига 2 миллиард доллар ажратилади. Бу харажатларнинг ярмини АҚШ ҳукумати, қолган ярмини хусусий бизнес ўз зиммасига олган. АҚШда ҳозирга келиб 100 минг социолог мутахассислар фаолият кўрсатмоқда. Ҳукумат ва мулк эгалари социологияга социал зиддиятларни ҳал этиш қуроли сифатида, ижтимоий барқарорликни таъминлаш воситаси, ижтимоий назорат ва бошқарув омили, меҳнат унумдорлигини оширувчи кишиларнинг моддий ва маънавий муносабатларни тартибга солиб туришнинг илмий асоси сифатида жиддий эътибор бериб келмоқдалар. Эмпирик тадқиқотлар мунтазам равишда олиб борилиши фундаментал методологик ва назарий асоснинг ишлаб чиқарилганлиги, унинг математик статистик, компьютер технологияси юқори даражадалиги, моделлаштириш ва социал экспериментларнинг юқори савияда олиб борилиши оқибатида ҳозирга келиб АҚШда социология аниқ прогнозлар берувчи фанга айланган.

XX – асрнинг 20-йилларидан бошлаб АҚШ социологиясида меҳнат муносабатлари, инсоний муносабатларни ўрганиш янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларга ўтиш жараёнларини тезлаштирди. Масалан, 1927-1932 йилларда Э.Мэйо раҳбарлигида меҳнат ва бошқарув муносабатларини ўрганишга қаратилган ва Хоторн экспериментлари номи билан машҳур бўлган социологик тадқиқотлар (бу тадқиқотлар Фарбий Европани ларзага солган кучли иқтисодий таназзул даврида ўтказилган бўлиб унинг ўз олдига қўйган мақсади – ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг қўшимча омилларини қидириб топишдан иборат эди). Шу асосда 1943 йилда Абрахаам Маслоу томонидан ишлаб чиқарилган “истеъмолнинг иерархик назарияси” яратилди ва амалиётда қўлланилди. Кейинчалик, шу назария асосида 1950 йили Ф.Херцберг томонидан “мотивация назарияси” (меҳнат шароитларининг ички ва ташқи омиллари ҳақидаги назария) ва 1957 йили Д.Макгрегор томонидан “бошқарув усуллари назарияси” яратилди (бунда бошқаришнинг 3 асосий усуллари – авторитар, демократик ва аралаш тип ҳақида фикр юритилади). Ф.Херсберг назариясига кўра, фақат ички омиллар меҳнат мазмунини, меҳнатдан қониқишни оширади. Меҳнат шароитлари: иш ҳақи, шахслараро муносабатлар, корхона раҳбариятининг тутган сиёсати, бошқарув усули ва бошқа шу кабиларга ташқи омиллар сифатида қарайди.

Бу омиллар меҳнатдан қониқмаслик даражасини пасайтириб, кадрларни, мутахассисларнинг корхонага боғланишини мустаҳкамлайди. Аммо, бу омиллар меҳнат унумдорлигининг ошишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатмайди, бу билан Ф.Херцберг қуйидаги ўзаро боғлиқликни асослайди: меҳнатдан қониқиш ҳосил қилиш меҳнат мазмунининг функциясидир. Қониқмаслик эса меҳнат шароитининг функциясидир.

60-йилларда АҚШ назарий социологияси **феноменологик йўналишнинг** кучайганлиги билан характерланади. Феноменологик

социологиянинг шаклланиши А.Шнетц номи билан боғлиқ. Ўз моҳиятига кўра, феноменологик социология антипозитив йўналишда бўлди. АҚШда яна бир антипозитив социологик йўналиш - символик интеракционизм бўлиб, унга Г.Блумер асос солган. **“Янги социология”** номи билан аталган учинчи антипозитив социологик йўналиш Ч.Р.Миллс номи билан боғлиқ. **Символик интеракционизм, феноменологик социология, “янги социология”, конфликт социологияси, ижтимоий айирбошлаш назарияси, неофункционализм** ва бошқа шу каби назариялар – ҳозирги замон социологиясининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Ҳозирги шароитда социология фанининг ривожлантирилиши.

Ўзбекистонда социал фикрлар ривожда 20-30-йиллардаги жадиличлик ҳаракати ғоялари муҳим рол ўйнайди. Маърифатпарвар жадиждар шартли равишда 3 та гуруҳга бўлинган ҳолда (ижтимоий сиёсий, маданий-маънавий, диний-маърифий) миллий мафкурани яратиш, янгича таълимни жорий этиш миллий маданиятни ривожлантириш диний ва маҳаллий урф-одатларни кенг ёйишнинг ижтимоий маънавий жиҳатлари билан бир қаторда социал жиҳатларини ҳам атрофлича таҳлил қилганлар. Уларнинг бу ғоялари республикамизда кейинги даврларда социал қарашлар ривожда муҳим аҳамият касб этди.

Маъмурий-буйруқбозлик тизими бағрида бўлишига қарамасдан Ўзбекистонда 60-90 йилларда социология фанининг бир қанча соҳалари бўйича илмий изланишлар олиб борилди. Жумладан, социал синфий структура (С.Турсунмухамедов, А.Валиев), бошқариш социологияси (А.С.Тамкин), оила социологияси (У.Тоштемиров, Г.Хамидова, Б.Умаров, М.Сангилов) соҳаларда эътиборга молик ишлаб амалга оширилди.

1989 йилда Москвада ташкил қилинган жамоатчилик фикрини ўрганиш бутун иттифоқ марказининг Ўзбекистон бўлими иш бошлади. Бўлим социологлари республикамиз вилоятлари ва туманларида хилма-хил мавзулар бўйича социологик тадқиқотлар ўтказиб, улар асосида кишиларнинг руҳияти ва кайфиятидаги ўзгаришларни аниқлашга муваффақ бўлдилар. Маълум маънода, бу ҳолат республикамизда миллий онгнинг ўсишига ва шунинг натижасида миллий мустақилликка эришишни тезлашувига туртки бўлди.

Ўзбекистонда дастлаб 1989-йилда Тошкент Давлат Университети ҳозирги ЎзМУ фалсафа факультети таркибида социология бўлими ва кафедраси ташкил қилинди. Шу йилдан бошлаб социологлар тайёрлана бошланди ва 1994 йили 40 мутахассис битириб чиқди. 1995-йилда 30 та, 1996-йилда 21 талаба, 1997-йилда 12 та талаба социолог мутахассислигига эга бўлдилар.

Фарғона Давлат Университетида дастлаб 1990-йилда социология кафедраси ташкил этилди. 1992-йилда эса шу кафедра асосида “Умумий социология” ва “Амалий социология” кафедралари ташкил этилди. “Амалий социология” кафедраси илмий тадқиқот йўналиши – ёшлар фаолиятида

меҳнат омилини фаоллаштириш йўллари бўлиб, бу борада аниқ тадқиқотлар олиб борилмоқда.

1991-йилда социология бўйича мутахассислар тайёрлаш бўлими очилиб, унга қабул қилинган дастлабки талабалардан 17 киши, 1996-йилда социология бўйича мутахассис сифатида битириб чиқди.

Ўзбекистон ФА фалсафа ва ҳуқуқ институти қошида 1993-йилда Ўзбекистон социологларининг ассоциацияси тузилди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг 18-июль 1994-йил 87-01-242 сонли буйруғи билан 1995-1996 ўқув йилидан бошлаб республиканинг барча олий ўқув юртларида социология фани ўқитилиши жорий қилинди. Аммо, республика ижтимоий ҳаёти муаммоларини барча ўқув юртлари олимлари томонидан ўрганилиши суствик билан бормоқда. Социологик тадқиқотларнинг жамиятимиз ижтимоий ҳаётини ўрганишдаги салмоғи ҳали жуда паст даражада.

Республикаимиз миллий мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатимизда социология фанини ривожлантиришга жиддий эътибор берилди. Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультети таркибиди социология бўлими ва кафедраси ташкил қилинди. Фарғона Давлат Университетида социология кафедраси ташкил этилди.

1992-йилда Меҳнат Вазирлиги қошида социологик тадқиқотлар маркази ташкил қилиниб, бу марказ томонидан республикаимизда кенг суратда тадқиқотлар ўтказилиб, унда аҳолининг иқтисодий ислохотларга, демократлаштириш жараёнларига бўлган муносабатлари атрофлича ўрганила бошланди.

Ҳозирги кунда республикаимизда ижтимоий фикрларни ўрганиш маркази фаолият кўрсатмоқда. Унинг барча вилоятларда ва туманларидаги шахобчаларида мутасадди илмий ходимлар, социологлар жамият ҳаётини ўрганиш аҳоли ичига тобора чуқурроқ кириб боришда жонбозлик кўрсатмоқдалар.

5.Социологиянинг бошқа фанлар билан муносабати.

Ҳар бир алоҳида олинган катта-кичик ижтимоий тизим тарихий ривожланиш жараёнида жамиятнинг бошқа тизимлари билан диалектик алоқада, муносабатда бўлади. Шунинг учун, айрим олинган ижтимоий тизим тадқиқи жамият тараққиётнинг умумий қонуниятига ўзаро мос тушгандагина тўғри ва объектив характерга эга бўлади. Ижтимоий воқелик занжиридаги бирон-бир халқа тадқиқотчининг эътиборидан четда қолиши мумкин эмас.

Ижтимоий ҳаёт масалаларнинг ўрганиш доираси тобора кенгайиб бораётганлиги сабабли социология фани ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Масалан, ҳозирги замон социологияси асосида, “фанлар социологияси”, “маданият социологияси”, “эргономика”, “бошқарув социологияси”, “микро-социология” каби соҳалар шаклланади. Иккинчи томондан, социологиянинг бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билан диалектик алоқадорлиги кучайиб бормоқда.

Социологиянинг иқтисодиёт, фалсафа, ҳуқуқ, этика, психология, педагогика, тарих, экология каби фанлар билан алоқадорлиги бозор

муносабатларига ўтиш жараёнида янада ортмоқда. Кейинги йилларда унинг техника фанлари билан ўзига хос алоқадорлиги кучаймоқда. Социологияда борган сари математика фани ва усулнинг аҳамияти ортмоқда.

Иқтисод фанлари билан социологиянинг диалектик алоқадорлиги моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш, истеъмол жараёнларини ўрганишда намоён бўлади. Айниқса, ҳозирда бозор муносабатларига ўтиш, меҳнатга янгича муносабат шаклланиши жараёнида унинг аҳамияти жуда каттадир. Иқтисодиёт социологияси, меҳнат социологияси каби социологиянинг махсус соҳалари иқтисодиётга боғлиқ масалаларни ўрганади ва унга боғлиқ бўлган барча муаммони ҳал этишга хизмат қилади. Шу жиҳатдан социология жамиятда ва унинг иқтисодий ҳаётида ўта муҳим вазифаларни ўтайди. Социология иқтисод фанлари билан, уларнинг ўрганиш объекти билан узвий боғлиқдир. Иқтисодий назариянинг илмий ғоялари юқорида тилга олинган социология соҳалари учун методологик асос бўлиб хизмат қилса, ўз навбатида, шу соҳаларда олиб борилган илмий тадқиқот натижалари иқтисодиёт муаммоларини ҳал этишга хизмат қилади.

Социология **фалсафа** фани билан ҳам узвий боғлиқдир. Ижтимоий фалсафа қонун ва категориялари бевосита умумсоциологик назария ва концепцияларни ўз ичига олади. Махсус социологик назариялар учун эса назарий ва методологик асос бўлади. Умумсоциологик ва махсус социологик назарияларнинг ривожланиши ўз навбатида мазкур давр ижтимоий фикрини шакллантиради, унга назарий ва амалий манба бўлиб хизмат қилади. Социологик тадқиқот эмпирик маълумотлар, экспериментлар ёрдамида ижтимоий фалсафий таълимотларнинг қанчалик тўғри, мазкур ижтимоий давр мазмунига мос ёки уларнинг эскириб, ижтимоий тараққиёт талабига жавоб бераолмай қолганлигини аниқлаб бериш имкониятига эга. Аммо, социология ҳар қандай сиёсий ва идеологик тизимдан ҳоли бўлсагина, унинг юқорида кўрсатилган илмий қиммати сақланади.

Ҳукуқий давлатни шакллантириб, уни янада ривожлантиришда жинойтчиликка қарши курашни кучайтириш, ҳукуқий муносабатларни тартибга солиш катта аҳамиятга эга. Ҳукуқий ташкилотларга фаолиятини янги давр талабларига мос равишда ташкил этиш, уларнинг ижтимоий муносабатлар соҳаларидаги таъсирини такомиллаштиришга эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Сир эмаски, кейинги вақтда жинойтчилик ортди. Жинойтга қарши кураш ва унинг олдини олиш – давлат аҳамиятидаги масала ҳисобланади. Унга қарши кураш жинойт содир этилгандан сўнг эмас, балки унга қадар олиб борилмоғи лозим. Жинойтчиликнинг олдини олиш, унинг туб моҳиятини, мотиви ва келтириб чиқараётган сабабларнинг ўрганишда социологик тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Демак, ҳуқуқ фанларининг ривожланишида ҳам социологиянинг ўрни каттадир.

Истиқлол шарофати билан миллий кадриятларнинг қайта тикланиши, миллий онгнинг ривожланишида, ҳозирги мураккаб иқтисодий ўтиш даврида кишилар, ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги маънавий муносабатлар, тамойил ва нормаларнинг ички моҳиятини, ривожланиш хусусиятларини ўрганишда

социология билан **аҳолишунослик** фанларининг диалектик ўзаро алоқадорлиги жуда ҳам зарур. Социологик тадқиқот асосида ахлоқ фани жамият ҳаётидаги ўз мавқеини янада оширади.

Жамият ривожланиши билан кишиларнинг **эстетик** эҳтиёжлари ҳам ўзгариб, янада ривожланиб боради. Кишилардаги бу эҳтиёжни ўрганиш ва ижобий сифатларни шакллантиришда, тарбиялашда социологик тадқиқотларнинг натижалари, хулоса ва таклифлари ўзининг илмий қимматига эга. Шу жиҳатдан социология фани нафосат (эстетика) фани билан ўзаро боғлиқ.

Янги иқтисодий муносабатларга ўтиш кишилардаги ўзини кўзлаш, ўз шахсий манфаатини жамият, миллат манфаатидан устун кўришлик ҳоллари кучаймоқда.

Кишиларда ҳаловатлик, асабийлик ортмоқда. Одамлардаги асабийликнинг ортиши худди юқумли вирус каби тез тарқалиб, ижтимоий муаммога айланмоқда. Ушбу муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш боришда социология билан **психология** фанларининг ҳамкорлиги муҳимдир.

Бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки қадамлари, аъникса таълим-тарбия жараёнида жуда катта таъсир кўрсатмоқда. Ўқувчи ёшлар дунёқарашида кескин ўзгаришлар юз бермоқда. Нафақат ўқувчи – ёшларда, балки педагог-ўқитувчилар таркибида ҳам жиддий муаммолар келиб чиқмоқда. Ўқувчилар онгида илмдан қайтиш, фанга эътиборсизлик, енгил меҳнат эвазига яхши яшаш, кўп пул топиш «инстинкти» кучайган.

Юқоридаги фикрлардан шуни хулоса қилиш мумкин: миллий **педагогика** ҳозирда социологик тадқиқотларга муҳтож. Бу тадқиқотларнинг натижалари қанчалик бешафқат бўлмасин, улардан тўғри хулосалар чиқариш ва амалий тадбирлар ишлаб чиқиш давлат аҳамиятига эга бўлган масаладир.

Социология ва **тарих** фанлари жамият ҳаётини изчил, тизимли тарзда ўрганади. Ўтмиш тарихимизни яратишда мутафаккирлар социология усулларида кенг фойдаланганлар. Чунончи, тарихий маълумотларни, манбаларни тўплаш, уларнинг ҳаққонийлигини аниқлаш, тарихий шахслар эсдаликларидан, тарихий воқеалар гувоҳларининг хотираларидан кенг фойдаланилган. Масалан, Ат-Термизий, Имом Ал Бухорий каби ҳадисшунослар, Абу Райҳон Беруний, Шарофиддин Али Яздий, Хондамир, Херман Вамбери каби буюк мутафаккир олимлар ўзларининг тарихга оид қимматли асарларини яратишда социология усулларида унумли фойдаланганлар.

Тарихий воқеаларга бой бўлган бугунги кунимиз эртанги келажагимиз учун ўтмиш саҳифаларига айланади. Шундай экан, ҳаётимизнинг кенг қамровли соҳаларининг илмий социологик тадқиқотлари ва таҳлили натижалари тарих фани учун хизмат қилиши табиий.

Асримизнинг кейинги босқичида жамият билан табиат ўртасидаги муносабатнинг кескинлашуви – социологиянинг **табиатшунослик** фанлари билан алоқадорлигини кучайтиради. Инсоннинг табиатига, табиий муҳитга таъсири ортиб бормоқда. Экологик, демографик вазиятнинг кескинлашуви социология фанини бевосита ушбу муаммоларни ҳал этишга жалб қилади.

Ҳозирги замон социологиясини **математика**сиз тасаввур этиб бўлмайди. Математик усулларсиз социология мавҳум бир қараш бўлиб қолади. Айниқса, унинг эмпирик даражадаги тадқиқот ўтказишдаги ўрни катта.

Ҳозирги замон ғарб социологияси кибернетик усуллардан, ахборот назарияси, уйин назарияси билан муваффақиятли ривожлантирилган. Уларда махсус математик усуллардан даража кўрсаткичи, омиллик, сабабли ва сиртдан таҳлил қўлланилмоқда. Социологик тадқиқотларни кенг ва унумли фойдаланилмоқда.

Ҳозирги замон илмий-техника тараққиёти асрида социология ва техника фанлар алоқадорлиги табиийдир. Чунки, “инсон – техника”, “жамият-техника”, “маиший турмуш – техника” каби тизимларни илмий ўрганиш улар зиммасига ягона вазифани юклайди. Инсон яратган барча техника фақат инсон ва жамиятнинг ижобий тараққиётига хизмат қилсин. Аммо, доимо кутилган натижа бўлавермайди. Уларни ўрганишда эса социология фанининг роли беқиёсдир.

Жамият ҳаёти ва инсон фаолиятининг турли жиҳатларини ўрганиш жараёнида юқорида номи тилга олинган фанлар таркибида ижтимоийлик йўналиши мавжуд бўлади. Шу жиҳатдан, ўз навбатида уларнинг социология фани ривожланишидаги аҳамияти каттадир.

Асосий тушунчалар:

Теологик босқич-инсоннинг тушунчаси ғайритабиий диний тасаввурлар асосида қурилган босқич. Бу босқич қадимдан - 1300 йилгача бўлган даврларни ўз ичига олади.

Метафизик босқич - инсон ғайритабиий кучдан воз кечиб, мавҳум моҳият сабаб ва бошқа фалсафий меъёрлар ёрдамида воқеликни тушунтиришга ҳаракат қиладиган босқич. Бу босқич 1300 йилдан 1800 йилгача давом этган.

Позитив босқич - инсон моҳиятни ифодалашдан воз кечиб, улар устидан кузатиш, таққослаш, таҳлил этишга суянадиган босқич. Бу босқич 1800 йилдан бошланиб, ҳозиргача давом этмоқда.

Социал турғунлик - ижтимоий тузумларнинг амал қилиш шароитлари ва қонуниятларини ўрганувчи назария. О.Конт социологиясининг ушбу бўлимида асосий ижтимоий институтлар: оила, давлат, дин, ижтимоий гуруҳларнинг ижтимоий функциялари ва уларнинг бирдамлик ва ҳамкорликни ўрнатишдаги роллари кўриб чиқилади.

Социал жўшқинлик-О.Контнинг инсонни маънавий, ақлий ривожлантиришни муҳим омили бўлган ижтимоий тараққиёт назарияси.

Социология - шахс, жамият, унинг иқтисодий сиёсий маънавий-маданий соҳалари, социал гуруҳлар, институтлар одамларнинг ўзаро муносабатлари, фаолиятлари, турмуш ва тафаккур тарзлари масалаларини илмий-назарий ва амалий-эмпирик ўрганувчи фан.

Мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш учун саволлар:

1. Позитив социологиянинг асосчиси ким?

2. Антик даврнинг қомусий олими Платон жамият аъзоларини неча табақага бўлган?
3. Платоннинг фикрича давлат бошқарувининг қайси турлари мавжуд?
4. Аристотелнинг фикрича давлат бошқарувининг қайси турлари мавжуд?
5. Аристотел муносабатларни қайси турларга бўлган?
6. Аристотел бой одамларни қайси турларга бўлган?
7. Форобийнинг фикрича ҳоким нечта фазилатларга эга бўлиши керак?
8. Ғарб социологияси классиклари социологиянинг объекти ва предмети ҳақидаги фикрлари ҳақида гапириб беринг!
9. Социологиянинг турли йўналишларида фаннинг объекти ва предмети ҳақида гапириб беринг!
10. Социология қайси фанлар билан алоқадор?

ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ ҚўЛЛАНМАЛАР:

1. Алиев Б., Рафиқов Ғ., Султонов Т., Муллажонов М., Раҳмонов Б. ва бошқалар. Социология. (Ўқув қўлланма). –Тошкент: ТДЮИ нашриёти. 2006.
2. Социология //Ўқув қўлланма. Убайдуллаева Р.А., Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б. ва бошқ. –Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси, 2002.
3. Социология. Маърузалар курси. Алиқориев Н.С, Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б., ва бошқ. – Тошкент, 2001
4. Умумий социология. (Алиқориев Н.С ва Убайдуллаева Р.Т таҳрири остида) – Тошкент: 1999.

ҚўШИМЧА АДАБИЁТЛАР:

1. Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: А.Қодирий номидаги нашриёт, 1993.
2. Вебер М. Избранные произведения. – М.: Прогресс, 1990.
3. Ганиева М.Х. Этносоциология. Учебное пособие для студ. высших учебных заведений. – Ташкент: Университет, 2006.
4. Ганиева М.Х. Введение в социальную работу. –Ташкент., 2011. 98 с.
5. Гараджа. В.И. Социология религии. – М., 2005.
6. Гидденс Э. Социология. – Тошкент, 2002
7. Кравченко А.И. Социология. – М., 2006.
8. Латипова Н.М. Политическая социология. Методическое пособие. – Ташкент., 2010.
9. Современная западная социология. Словарь. – М.: Прогресс, 1990.
10. Социология религии. В.И.Гараджа. – М., 2005.
11. Социология //Учебное пособие. Под редак. д.ф.н. Мухамедовой З.М., – Ташкент: Sanat, 2010
12. Қодиров А.Қ. Социология. –Тошкент, 2006.
13. Saitxodjayiv Н.В. Sotsiologiya. Ma`ruzalar kursi. –Тошкент: Академия, 2008.
14. Ҳолбеков А.Ж., Идилов У.Ю. Социология: изохли лугат-маълумотнома. –Тошкент: Ибн-Сино номидаги нашриёт, 1999.

15.Холбеков. А.Ж. Бошқарув социологияси (ўқув қўлланма). –Тошкент: Akademiya, 2007.

16.Убайдуллаева Р.А., Ота-Мирзаев О.Б. ва бошқ. Социологик тадқиқотлар амалиёти (Ўқув-услубий қўлланма). –Тошкент.: «Ижтимоий фикр», 2001.

17.Фарфиев Б.А., Нуруллаева У.Н. Социология тарихи. (Услубий қўлланма). Тошкент: Университет, 2009.

2-Мавзу: Социология структураси.

Режа:

- 1.Социологиянинг структураси ва унинг асосий таркибий қисмлари.**
- 2.Назарий ва амалий социология: уларнинг умумийлиги ва фарқи.**
- 3.Ҳозирги замон социологик назариялари.**
- 4.Макросоциология ва микросоциология**
- 5.Социологиянинг методлари ва қонунлари.**
- 6.Социологиянинг асосий муаммо ва вазифалари.**

- 1.Социологиянинг структураси ва унинг асосий таркибий қисмлари.**
Социологиянинг структураси (таркибий тузилиши):

- 1.Умумсоциологик.**
- 2.Махсус ва тармоқ йўналишлар.**
- 3.Эмпирик социологик тадқиқотлар.**
- 4.Назарий социология.**
- 5.Амалий социология.**
- 6.Социологик назариялар.**
- 7.Макросоциология.**
- 8.Микросоциология.**

1. Умумсоциологик назарияга мисол қилиб америкалик Т.Парсонс ва Р.Мертонларнинг структуравий-функционализм таълимоти, янги индустриал жамият таълимоти ва бошқа Ғарбий Европа ва Америка олимларининг таълимотларини келтириш мумкин. Умумсоциологик назарияларнинг мазмуни жамият ривожланишининг асосий йўлини белгиловчи динамик қонуниятига асосланган бўлади.

2. Махсус ва тармоқ йўналишлар:

- ❖ **иқтисод социологияси,**
- ❖ **меҳнат социологияси,**
- ❖ **турмуш тарзи социологияси,**
- ❖ **шаҳар ва қишлоқ социологияси**
- ❖ **бошқариш ва ташкил қилиш социологияси**
- ❖ **сиёсат социологияси,**
- ❖ **маданият социологияси,**
- ❖ **имл-фан социологияси,**

- ❖ таълим социологияси,
- ❖ шахс социологияси,
- ❖ оила социологияси,
- ❖ ёшлар социологияси,
- ❖ бўш вақт социологияси,
- ❖ тиббиёт социологияси,
- ❖ этносоциология,
- ❖ қизиқишлар социологияси,
- ❖ ижтимоий ўзгаришлар ва бошқалар.

Умумсоциологик ва махсус социологик назариялар социология фанининг назарий жиҳатини ташкил қилади. Ҳозирда конкрет ва хусусий социологик тадқиқот сифатида ортиб бораётган амалий социология эса конкрет социологик тадқиқот усуллари ёрдамида махсус социология соҳалар доирасида олиб борилаётган тадқиқотлардан ва улардан олинadиган хулосалардан иборат бўлиб қолади.

2. Назарий ва амалий социология: уларнинг умумийлиги ва фарқи.

Назарий ва амалий социология ўзаро диалетик алоқадорликда бўлиб, ягона социология фанини ташкил қилади.

Назарий социология жамият ижтимоий ҳаётининг умумсоциологик, ҳамда умумилмий даражалардаги функционал ва ривожланиш қонуниятларини ўрганади. Назарий социология жамият ҳаётининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий соҳаларининг функционал ва ривожланиш қонуниятлари, ўзига хос хусусиятларини илмий-назарий асосда ўрганади.

Амалий социология инсон фаолиятини, жамият ҳаётининг турли соҳаларини, жараёнларини бевосита амалий асосда ўрганади. Амалий социологияда **эмпирик тадқиқотлардан** олинган маълумотлар назарий жиҳатдан умумлаштирилади.

Амалий социология эмпирик тадқиқот усуллари ёрдамида олиб бориладиган ижтимоий ҳаётнинг ҳар қандай жараёнини ўрганишга қаратилган тадқиқотни англатади. У ўзининг икки жиҳати билан характерланади: биринчидан, комплекслилик хос бўлиб, тадқиқот объекти бир бутун ҳолда олиб қаралади, шу жиҳатдан социология доирасида бошқа ижтимоий фанларнинг усулларида фойдаланиш мумкин. Иккинчидан, объектив ва субектив омиллар бирлигини ташкил қилувчи инсон фаолиятининг натижаси бўлган ижтимоий жараённи ўрганади. Амалий социология назарий асосда тадқиқ этилган жамият ҳаётининг функционал ва ривожланиш қонуниятларидан илмий мақсадларда фойдаланиш усуллари, воситаларини ишлаб чиқиш мақсад қилиб қўйилади. Шу жиҳатдан амалий социология ўзининг эмпирик хусусиятига эга ва назарий социология билан узвий боғлиқ.

3. Ҳозирги замон социологик назариялари.

Социология фанида турли хил назариялар мавжуд. Масалан:

Элтон Мэйо(1880-1949 йй.)нинг меҳнат ва бошқарув муносабатларини ўрганишга қаратилган ва **Хоторн экспериментлари** номи билан машҳур

бўлган социологик тадқиқотлар (бу тадқиқотлар Ғарбий Европани ларзага солган кучли иқтисодий таназзул даврида ўтказилган бўлиб унинг ўз олдига қўйган мақсади – ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг қўшимча омилларини қидириб топишдан иборат эди).

1943 йилда Абрахаам Маслоу томонидан ишлаб чиқарилган **“истеъмолнинг иерархик назарияси”** яратилди ва амалиётда қўлланилди.

1950 йили Ф.Херцберг томонидан **“мотивация назарияси”** (меҳнат шароитларининг ички ва ташқи омиллари ҳақидаги назария) яратилди.. Унинг назариясига кўра, фақат ички омиллар меҳнат мазмунини, меҳнатдан қониқишни оширади. Меҳнат шароитлари: иш ҳақи, шахслараро муносабатлар, корхона раҳбариятининг тутган сиёсати, бошқарув усули ва бошқа шу кабиларга ташқи омиллар сифатида қарайди. Бу омиллар меҳнатдан қониқмаслик даражасини пасайтириб, кадрларни, мутахассисларнинг корхонага боғланишини мустаҳкамлайди. Аммо, бу омиллар меҳнат унумдорлигининг ошишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатмайди, бу билан Ф.Херцберг қуйидаги ўзаро боғлиқликни асослайди: меҳнатдан қониқиш ҳосил қилиш меҳнат мазмунининг функциясидир. Қониқмаслик эса меҳнат шароитининг функциясидир.

1957 йили Д.Макгрегор томонидан **“бошқарув усуллари назарияси”** яратилди (бунда бошқаришнинг 3 асосий усуллари – авторитар, демократик ва аралаш тип ҳақида фикр юритилади).

60-йилларда **феноменологик назария** вужудга келди. Феноменологик социологиянинг шаклланиши Альфред Шюц(1899-1959й.) номи билан боғлиқ. Ўз моҳиятига кўра, феноменологик социология антипозитив йўналишда бўлди.

АҚШда яна бир антипозитив социологик йўналиш - **символик интеракционизм** бўлиб, унга Г.Блумер асос солган.

“Янги социология” номи билан аталган учинчи антипозитив социологик йўналиш Ч.Р.Миллс номи билан боғлиқ.

Социологияда яна муҳим бўлган қуйидаги назариялар ҳам мавжуд: **конфликт социологияси, ижтимоий айирбошлаш назарияси, неофункционализм** ва бошқа шу кабилар.

Ўзбекистонда социология фанининг ривожига 20-30-йиллардаги жадидчилик ҳаракати ғоялари муҳим роль ўйнайди. Маърифатпарвар жадидлар шартли равишда 3 та гуруҳга бўлинган ҳолда (ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий, диний-маърифий) миллий мафкурани яратиш, янгича таълимни жорий этиш миллий маданиятни ривожлантириш диний ва маҳаллий урф-одатларни кенг ёйишнинг ижтимоий маънавий жиҳатлари билан бир қаторда социал жиҳатларини ҳам атрофлича таҳлил қилганлар. Уларнинг бу ғоялари республикамизда кейинги даврларда социологик қарашлар ривожига муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистонда 60-90 йилларда социология фанининг қуйидаги йўналишларида муҳим илмий изланишлар олиб борилди:

- ❖ социал синфий структура (С.Турсунмухамедов, А.Валиев),
- ❖ бошқариш социологияси (А.С.Тамкин),

❖ оила социологияси (У.Тоштемиров, Г.Хамидова, Б.Умаров, М.Сангилов).

1989 йилда Москвада ташкил қилинган жамоатчилик фикрини ўрганиш бутун иттифоқ марказининг Ўзбекистон бўлими иш бошлади. Бўлим социологлари республикаимиз вилоятлари ва туманларида хилма-хил мавзулар бўйича социологик тадқиқотлар ўтказиб, улар асосида кишиларнинг рухияти ва кайфиятидаги ўзгаришларни аниқлашга муваффақ бўлдилар.

Ўзбекистонда дастлаб 1989-йилда Тошкент Давлат Университети ҳозирги УзМУ фалсафа факультети таркибида социология бўлими ва кафедраси ташкил қилинди. Шу йилдан бошлаб социологлар тайёрлана бошланди ва 1994 йили 40 мутахассис битириб чиқди. 1995-йилда 30 та, 1996-йилда 21 талаба, 1997-йилда 12 та талаба социолог мутахассислигига эга бўлдилар.

Фарғона Давлат Университетида дастлаб 1990-йилда социология кафедраси ташкил этилди. 1992-йилда эса шу кафедра асосида “Умумий социология” ва “Амалий социология” кафедралари ташкил этилди. “Амалий социология” кафедраси илмий тадқиқот йўналиши - ёшлар фаолиятида меҳнат омилини фаоллаштириш йўллари бўлиб, бу борада аниқ тадқиқотлар олиб борилмоқда.

1991-йилда социология бўйича мутахассислар тайёрлаш бўлими очилиб, унга қабул қилинган дастлабки талабалардан 17 киши, 1996-йилда социология бўйича мутахассис сифатида битириб чиқди.

Ўзбекистон ФА фалсафа ва ҳуқуқ институти қошида 1993-йилда Ўзбекистон социологлариининг ассоциацияси тузилди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг 18-июль 1994-йил 87-01-242 сонли буйруғи билан 1995-1996 ўқув йилидан бошлаб республиканинг барча олий ўқув юртларида социология фани ўқитилиши жорий қилинди.

1992-йилда Меҳнат Вазирлиги қошида социологик тадқиқотлар маркази ташкил қилиниб, бу марказ томонидан республикаимизда кенг сурада тадқиқотлар ўтказилиб, унда аҳолининг иқтисодий ислохотларга, демократлаштириш жараёнларига бўлган муносабатлари атрофлича ўрганила бошланди.

Ҳозирги кунда республикаимизда ижтимоий фикрларни ўрганиш маркази фаолият кўрсатмоқда. Унинг барча вилоятлар ва туманлардаги марказларида илмий ходимлар, социологлар жамият ҳаётини ўрганмоқдалар.

4.Макросоциология ва микросоциология

Макросоциология (юнонча makros —узун, катта —социология) —катта ижтимоий гуруҳлар ва тизимларни (масалан, жамият, цивилизация ва ҳ.к.) жараёнларни, ҳаракатларни ва ходисаларни, шунингдек, гуруҳларни ўрганади.

Микросоциология (юнон. micros - кичкина ва социология) — социологияда нисбатан катта бўлмаган ижтимоий тизимлардаги ижтимоий ходисалар ва жараёнларни таҳлил қилишга қаратилган, алоҳида олинган

ходисаларнинг микродаражадаги жараёнлар билан алоқасини эмпирик тасвирлаш билан чегараланадиган йўналиш.

5.Социологиянинг методлари ва қонунлари.

Метод деганда кенг маънода у ёки бу масалани ечишда қўлланиладиган усуллар, қоидалар тушунилади. Методлар ҳар қандай илмий билишнинг муҳим ташкилий қисми ҳисобланади. Ҳар қандай олим, хоҳ у ҳуқуқшунос, хоҳ социолог ёки иқтисодчи бўлсин, ўз олдига маълум бир илмий муаммони қўя туриб, уни у ёки бу методлар ёрдамида ҳал қилади. Қуйидаги методлар мавжуд:

1. Умумилмий билиш методлар(барча фанларда қўлланиладиган):

- ❖ **индукция ва дедукция,**
- ❖ **анализ ва синтез**
- ❖ **мантиқийлик ва тарихийлик,**
- ❖ **моделлаштириш.**

2.Хусусий-илмий методлар, конкрет фанларнинг ўзига хос масалаларини ечишда фойдаланиладиган, масалан, геометриядаги координаталар методи ёки медицинадаги диагностика методи ва ҳ.

У ёки бу фанда қўлланиладиган методлар йиғиндиси шу фаннинг методологиясини ташкил этади. Методология қўйилган муаммоларни ечиш усулларини танлаш, илмий ечимнинг йўналишини ва этапларини аниқлаб беради.

Социологик методлар деганда социологик билимни асослаб бериш ва кўриш усули, ижтимоий тизимларни эмпирик ва назарий ўрганишнинг усул ва амаллари тушунилади.

Социологик назарияларни ташкил этишда, социологик тадқиқотлар методологиясини тузишда фалсафа муҳим ўрин эгаллайди. Социологнинг фалсафий дунёқараши унинг социологик концепциясининг асоси бўлиб хизмат қилади. Социология фан сифатида умумилмий методлардан ҳам, ўзи учун характерли бўлган методлардан ҳам фойдаланади. Социологияда қўлланиладиган умумилмий методларга математик, индуктив, дедуктив, аналитик, синтетик, тарихий, моделлаштириш ва бошқа методлар киради.

Эҳтимолий жараёнларни ўрганадиган фанлар қўллайдиган методлар социологияда ҳам қўлланилади: статистика ва эҳтимоллар назарияси методлари. Уларга қуйидагилар киради:

- ❖ **факторли-ижтимоий** объектларнинг белгилари ўртасидаги ўзаро алоқадорликларини ўлчаш ва уларга асосланиб белгилар классификациясини ўлчаш,
- ❖ **латент-респондентларнинг** айрим саволларга берган жавобларидан келиб чиқиб, уларни маълум бир яширин, яъни латент белгиларига кўра ажратиш(,
- ❖ **корелляцион анализ-ижтимоий** объектлар белгилари ўртасидаги статистик алоқларни ўрганиш(ва шунингдек, шкалалар куриш ва анализ қилиш, яъни савол-жавоб, кузатиш ёки ҳужжатларни анализ қилишда йиғиладиган ижтимоий маълумотларни баҳолашда

фойдаланиладиган инструментларнинг ўлчамли қисмларини кўриш ва анализ қилиш процедураси

Даражасига кўра социология методлари иккига бўлинади:

- ❖ амалий (эмпирик),
- ❖ назарий.

Социологик тадқиқотнинг унумдорлиги социологнинг ижтимоий воқеа-ҳодиса ва жараёнлар тўғри, етарли маълумотлар олишда, уларни анализ қилиш ва умумлаштиришда қандай методлардан фойдаланганлиги ва вазифани қай даражада бажара олганлигига боғлиқ.

Социологик қонунларни аниқлашда ижтимоий бирликлар, ташкилотлар институтлардан ташкил топган ижтимоий тизимнинг ўзига хослигини тасаввур қилишдан келиб чиқиш керак, бу компонентларнинг ёки ижтимоий муносабатларнинг ўзаро ҳатти-ҳаракатини ўрганиш социологик қонуннинг ўзига хослигини белгилашда асос бўлади.

Социологик қонунлар – ижтимоий тизимнинг турли босқичларида намоён бўлувчи турли хил ижтимоий бирликлар, ташкилотлар ва институтларга бирлашган одамлар ўртасидаги мавжуд ўзига хос, муҳим, такрорланиб турувчи алоқлардир.

Социологик қонунлар тизимлилик хусусиятига эга, яъни улар фақатгина биргаликда ижтимоий тизимни бир бутунлик сифатида тушунтириб беради. Социологик қонунлар икки турга бўлинади:

- 1. Умумсоциологик қонунлар.**
- 2. Хусусий қонунлар.**

Умумсоциологик қонунлар – шундай қонунларки, улар биринчидан, барча ижтимоий тизимларнинг ривожланиши давомида амал қилади, иккинчидан, ижтимоий тизимларнинг ижтимоий муҳитда амал қилувчи бошқа қонуниятларини аниқлаб берувчи моҳиятини, фундаментал асосларини акс эттиради.

Умумсоциологик қонунлар қуйидагилар:

- ❖ **ижтимоий муносабатларнинг ишлаб чиқариш усуллари билан боғлиқлиги,**
- ❖ **ижтимоий муносабатларнинг ишлаб чиқариш - иқтисодий муносабатларига нисбатан актив роли,**
- ❖ **эҳтиёж ва қизиқишларнинг ижтимоий шартланганлиги,**
- ❖ **шахс шаклланишида ижтимоий муҳитнинг муҳим роли.**

2. Хусусий қонунлар Умумсоциологик қонунлардан ташқари бир ёки бир неча (бир типли) ижтимоий тизимлар доирасида, шунингдек, ижтимоий тизимнинг алоҳида структуравий соҳаларида амал қилувчи ўзига хос хусусий қонунлар ҳам мавжуд. Масалан, ижтимоий бирликлар ўзига хос қонуниятларга эга синфий, миллий, оилавий-қундалик ва б. муносабатлар.

Ижтимоий ривожланиш қонунлари объектив ва инсон онги иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда амал қилади. Лекин ижтимоий ҳаётда ҳеч нарса инсонсиз амалга ошмайди, шунинг учун социологик қонунлар - инсонлар фаолиятларининг ижтимоий фаолият субъектларининг детерминацияси механизмидир.

6. Социологиянинг асосий мақсади ва вазифалари.

Социологиянинг асосий мақсади унинг предмети соҳасидан келиб чиқади. Унинг асосий мақсади - жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий соҳаларидаги мавжуд муаммоларни илмий-назарий ва амалий ўрганиш ҳамда уларни ҳал этиш йўлларини излаб топиш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб социологиянинг асосий вазифалари қуйидаги масалаларни илмий таҳлил этиш:

- ❖ жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий соҳаларининг вужудга келиши ва ривожланишини,
- ❖ жамият тўғрисидаги концепцияларни,
- ❖ социал гуруҳ ва социал институтларнинг жамият ҳаётидаги ролини,
- ❖ оиланинг турлари, вазифалари, оиладаги муносабатлар, ажралишларнинг сабабларини,
- ❖ фаннинг жамиятдаги роли, ривожланиш хусусиятлари(интеграция ва дифференциация жараёнлари),
- ❖ таълим тизимини ривожлантирувчи омилларни,
- ❖ диннинг жамият ва инсон ҳаётидаги аҳамияти, вазифалари, инсонларнинг динга бўлган муносабатларини(секуляризация, прозелитизм, экуменизм, атеизм)
- ❖ шахснинг ижтимоийлашуви, ижтимоий мавқеи, манфаати ва ижтимоий роли, девиант феъл-атворининг сабабларини,
- ❖ социал назоратнинг инсонлар ҳатти-ҳаракатини тартибга солиш механизми сифатидаги ролини,
- ❖ жамият социал структураси ва стратификацион жараёнларни,
- ❖ социал муносабатларни, улардаги мавжуд муаммоларни, бегоналашув ва таназзулнинг турлари, пайдо бўлиш сабаблари, ҳамда ижтимоий оқибатларини,
- ❖ меҳнатнинг самарадорлигига таъсир этувчи омиллар, меҳнат жамоаларининг роли, меҳнатни илмий ташкил қилиш, раҳбар ва ходимлар ўртасидаги муносабатлар, ишсизликни бартараф этиш, аҳоли моддий турмуш даражасини,
- ❖ ижтимоий тараққиёт шакллари, давлат ҳокимияти ва бошқарувни демократиялаштириш жараёнларини,
- ❖ эмпирик социологик тадқиқотлар ўтказиш, натижаларини илмий таҳлил этиш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Социологиянинг жамият тараққиётидаги аҳамияти у бажарадиган қуйидаги вазифалар билан белгиланади:

- ❖ **илмий билиш вазифаси,**
- ❖ **маънавий-марифий ва тарбиявий вазифаси,**
- ❖ **жамият соҳаларининг тараққиётини илмий башорат қилиш вазифаси,**
- ❖ **дунёқарашни шакллантириш вазифаси,**
- ❖ **амалий вазифаси.**

Ўзининг билиш вазифаси орқали жамият тараққиётининг объектив қонунларини, конкрет ҳаётий жараёнларни илмий асосда ўрганади. Мавжуд

ижтимоий воқеликдаги жараёнларни ўрганиш билан жамият ҳаётининг келгусидаги ривожланиш олдиндан пайқаш, таҳлил қилиш учун хизмат қилиш вазифасини бажаради. Ижтимоий билиш илмий социологик назария ва услубиётни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ижтимоий тараққиёт қонуниятларини, тенденцияларини социологик тадқиқот орқали амалий жиҳатдан ўрганиш жамиятни илмий бошқариш ва режалаштириш, прогноз бериш учун асос бўлади. Шунинг учун ҳар бир вилоят ва шаҳарларда социологик тадқиқотлар ўтказиш, улардан олинган илмий натижаларни республика миқёсида марказлашган илмий лабораторияларда умумлаштириш - давлат аҳамиятига молик масаладир. Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида бундай илмий хулосалар амалий аҳамиятга эга бўлиб, мустақил Ўзбекистон тараққиётини илмий асосда бошқаришни таъминлайди. Янги иқтисодий муносабатлар таркиб топиши ва ривожланиши билан социологиянинг амалий вазифасининг аҳамияти ҳам ортиб боради.

Меҳнатни ташкил қилиш, ишсизликни бартараф этиш, аҳоли моддий турмуш даражасини янада юксалтириш да социологиянинг амалий вазифаси яққол кўринмоқда.

Фаннинг объектив ривожланиши кўп жиҳатдан мавжуд сиёсий жараёнлар билан боғлиқ бўлади. Амалий ва назарий социология эса ўз навбатида жамиятни илмий-режали бошқаришда давлатга жуда катта ёрдам бериш имкониятига эга. Бунинг учун:

- ❖ фан сифатида социологиянинг назарий ва амалий томонларини ривожлантириш;
- ❖ шу соҳанинг малакали мутахассисларини тайёрлашга эътибор бериш;
- ❖ вилоятларда, олий ўқув юртларида социологик илмий лабораториялар ташкил қилиш;
- ❖ уларни давлат томонидан моддий жиҳатдан рағбатлантириш;
- ❖ замонавий компьютер ва ҳисоблаш техникасини модернизация қилишга янада кўпроқ аҳамият бериш зарур.

Асосий тушунчалар:

Позитивизм — фалсафий йўналишлардан бири бўлиб, ушбу йўналиш вакиллари конкрет (эмпирик) фанларни чинакам, ҳақиқий билимнинг бирдан-бир манбаи деб эълон қилади. Позитивизмнинг асосчиси О.Конт ҳисобланади ва фанга «позитивизм» терминини ҳам айнан у киритган.

Структура-функционал таҳлил — ижтимоий тизимларни тадқиқ қилиш усули. Ижтимоий ҳаёт турли шакллариининг структура-функционал таҳлили ижтимоий тизимларда тузулмаларни ташкил этувчи тизимларни ва уларнинг бир-бирига нисбатан ролини (функциясининг) ажратиб кўрсатиш асосида қурилади. Социологияда структура-функционал таҳлил дастлаб Т.Парсонс ҳамда Р.Мертон асарларида ишлаб чиқилган.

Тушунувчан социология — социологияда XIX аср охири — XX аср бошларида шаклланган назарий-методологик йўналиш. «Ҳаёт фалсафаси» ғоялари асосида шаклланган ушбу йўналиш ижтимоий ҳаётнинг мазмуний

унсурларига асосий эътибор қаратади. Асосчиси В.Дильтей бўлган тушунувчан социология таъминоти, кейинчалик М.Вебер, Зиммель, Знанецкий, Томас, ҳозирги кунда эса феноменологик социология вакиллари ривожлантириб келишмоқда.

Мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш учун блиц-сўров ўтказиш саволлари:

- 1.Социологиянинг структураси ва унинг асосий таркибий қисмларини айтинг.
- 2.Назарий ва амалий социология: уларнинг умумийлиги ва фарқини тушунтиринг.
- 3.Ҳозирги замон социологик назариялари қайсилар.
- 4.Макросоциологиянинг микросоциологиядан фарқини айтинг
- 5.Социологиянинг методлари ва қонунларини санаб беринг.
- 6.Социологиянинг асосий муаммо ва вазифаларини тушунтиринг.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар:

1. Алиев Б., Рафиқов Ғ., Султонов Т., Муллажонова М., Раҳмонов Б. ва бошқалар. Социология. (Ўқув қўлланма). –Тошкент: ТДЮИ нашриёти. 2006.
2. Социология //Ўқув қўлланма. Убайдуллаева Р.А., Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б. ва бошқ. –Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси, 2002.
3. Социология. Маърузалар курси. Алиқориев Н.С, Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б., ва бошқ. – Тошкент, 2001
4. Умумий социология. (Алиқориев Н.С ва Убайдуллаева Р.Т таҳрири остида) – Тошкент: 1999.

Қўшимча адабиётлар:

1. Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: А.Қодирий номидаги нашриёт, 1993.
2. Вебер М. Избранные произведения. – М.: Прогресс, 1990.
3. Ганиева М.Х. Этносоциология. Учебное пособие для студ. высших учебных заведений. – Ташкент: Университет, 2006.
4. Ганиева М.Х. Введение в социальную работу. –Ташкент., 2011. 98 с.
5. Гараджа. В.И. Социология религии. – М., 2005.
6. Гиддингс Э. Социология. – Тошкент, 2002
7. Кравченко А.И. Социология. – М., 2006.
8. Латипова Н.М. Политическая социология. Методическое пособие. – Ташкент., 2010.
9. Современная западная социология. Словарь. – М.: Прогресс, 1990.
10. Социология религии. В.И.Гараджа. – М., 2005.
11. Социология //Учебное пособие. Под редак. д.ф.н. Мухамедовой З.М., – Ташкент: Sanat, 2010
12. Қодиров А.Қ. Социология. –Тошкент, 2006.
13. Saitxodjayiv Н.В. Sotsiologiya. Ma`ruzalar kursi. –Тошкент: Академия, 2008.

14. Ҳолбеков А.Ж., Идилов У.Ю. Социология: изоҳли луғат-маълумотнома. –Тошкент: Ибн-Сино номидаги нашриёт, 1999.
15. Ҳолбеков. А.Ж. Бошқарув социологияси (ўқув қўлланма). –Тошкент: Akademiya, 2007.
16. Убайдуллаева Р.А., Ота-Мирзаев О.Б. ва бошқ. Социологик тадқиқотлар амалиёти (Ўқув-услубий қўлланма). –Т.: «Ижтимоий фикр», 2001.
17. Фарфиев Б.А., Нуруллаева У.Н. Социология тарихи. (Услубий қўлланма). Тошкент: Университет, 2009.
18. Бекмуратов М.Б. Роль общественного мнения в социально-культурном развитии общества: Дис....док.социол.наук. – Ташкент, 1997.
19. Фарфиев Б.А. Ўзбекистонда жамиятни демократилаштириш жараёнида тафаккур тарзини такомиллаштиришнинг ижтимоий маъданий хусусиятлари: Дис....социол. фан.ном. – Тошкент:, 1999.
20. Калонов К.К. Ўзбекистон ўзини ўзи бошқарув тизими динамикаси таҳлил қилишда авторитетнинг тутган ўрни: Дис....социол. фан.ном. – Тошкент, 2000.
21. Юнусов А.Б. Ўсмир ёшларда ижтимоий девиантлик ҳолатларининг социологик хусусиятлари: Дис....социол. фан.ном. – Т: ЎзМУ, 2004.
22. Норбеков А.Ш. Ўзбекистонда ижтимоий кафолат тизимини яратиш муаммолари: сиёсий-социологик таҳлил. Дис....социол. фан.ном. – Тошкент, 2004.
23. Латипова Н.М. Роль молодых специалистов в трансформации социальной структуры узбекистанского общества: Дис.... канд. социол. наук. – Ташкент, 2009.
24. Ганиева М.Х. Общественное мнение как фактор развития межнациональных отношений: Дис....док.социол.наук. – Ташкент. – Ташкент. 2009

Электрон таълим ресурслари:

1. <http://www.lib.socio.msu.ru>
2. <http://www.socioline.ru>
3. <http://www.socio.rin.ru>
4. <http://www.sociologos.narod.ru>
5. <http://www.socionet.narod.ru>
6. <http://www.sociograd.ru>

3-Мавзу: Жамият яхлит тизим сифатида.

Режа:

- 1. Жамият ва ижтимоийлик тушунчаси.**
- 2. Шарқ мутафаккирларининг жамият тўғрисидаги қарашлари.**
- 3. Ғарб социологияси асосчиларининг жамият тўғрисидаги концепциялари.**
- 4. Тоталитар, авторитар, демократик жамият.**
- 5. Замонавий жамиятнинг турлича таърифлари.**

1. Жамият ва ижтимоийлик тушунчаси.

Жамият – кишилар ҳаётий фаолиятининг тарихий ривожланиш шакли бўлиб, ўз тузилиши жиҳатидан мураккаб тизимни ташкил қилади. Бизнинг ҳозирда яшаб турган жамиятимизни социал тизимнинг муайян конкрет шакли сифатида, унинг функционал ва ривожланиш қонуниятини, ҳар бир бўлакчаларининг ўзига хос томонларини, ўзаро муносабатларини илмий жиҳатдан ўрганиб, тўғри бошқариш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, ўз вақтида кейинги оқибати олдиндан социологик асосда таҳлил қилинмаган ва олди олинмаган нуқсонлар жамият тараққиётининг салбий оқибатларига олиб келади.

Социология тарихда жамият - ўз ижтимоий эҳтиёжларини қондирувчи кишилар бирлиги сифатида тушунилган. Шу билан бирга, жамият айрим кишиларнинг бирлигига эмас, балки ижтимоий муносабатлар мажмуаси ҳамдир.

Социология жамият тўғрисидаги таълимот бўлиб, ижтимоий тизимлар ривожланиш ва функционал қонуниятлари, ҳаракатлантирувчи кучларини ўрганувчи фандир. У турли ижтимоий ҳодисалар, жамият ва табиат ўртасидаги алоқадорликни, шунингдек, шахс кишиларнинг ижтимоий ҳулки, унинг элементлари ва ривожланиш қонуниятларини ўрганади.

Социология жамиятни қуйидагича ўрганади:

1) Жамиятнинг тузилиши ва таркиби ўрганилади (яъни жамият қандай кишилардан иборат, улар қанча ва қандай синф ёки табақаларга мансублиги кўйилади);

2) Жамиятда истиқомат қилаётган кишиларнинг ҳатти-ҳаракатлари нималардан иборат (яъни, уларнинг ўзаро муносабатларидаги характерлари кўрилади). Бунда биз жамиятда истиқомат қилаётган кишиларнинг фаолиятларини тасодифий эмас, балки айнан ўша жамият қонуниятлари асосида ривожланиб боришини таъкидлашимиз керак.

Жамиятдаги кишиларнинг қандай табақаларга тақсимланиши, ушбу жамиятнинг қандай кишилардан иборат эканлиги, жамият ички фаолиятида кишиларнинг ўзларини қандай тутишлари ва ўзаро муносабатларнинг қай даражада эканлиги, алоҳида бир кишиларнинг ҳатти-ҳаракатларини қандай кучлар бошқариб туришлиги –кишиларнинг ўзаро муносабатларидаги характерининг ўзагини ташкил этади.

3) Жамият тараққиёти унинг ривожланиши нуктаи-назаридан ўрганилади. Дунёдаги барча ҳодисалар вақтлар ўтиши билан ўзгаради.

Тараққиётнинг мисли кўрилмаган суръатлар билан ривожланиб бориши жамиятдаги ўзга иккинчи ёки учинчи бир қадриятлар билан қориштириб юбормоқда. Кечаги авлоднинг яшаш тарзи бугунги авлодникига мос келмай қолмоқда, бугунги авлодники эса эртанги авлоднинг яшаш тарзига мос келмайди. Шунинг учун жамиятни тўлиқ тушуниш учун нафақат унинг тузилиши ва ривожланишини, балки унинг ўтмишини, яъни тарихини ҳам синчиклаб ўрганиш, бу жамиятнинг қандай таркиб топганлигини, қандай шаклланганлигини, ривожланганлигини билиш жамиятни тўлиқ тушунишга имкон яратади.

Жамият умумий табиий-тарихий ва мураккаб тизим сифатида ўзида қуйидаги 4 та соҳаларни органик бирлигини ташкил этади:

- ❖ **иқтисодий,**
- ❖ **сиёсий,**
- ❖ **ижтимоий,**
- ❖ **маънавий.**

Жамиятнинг ушбу соҳалари бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, прогрессив тараққиёт учун уларни бирданига тенг равишда ривожланишига аҳамият беришимиз керак.

Социологик нуқтаи-назардан жамият - бу кишиларнинг, бирликда яшаш ва ўзаро бир-бири билан ижтимоий алоқада бўлиб, ўз фаолиятларида бир-бирига таъсир кўсатувчи уюшмасидир.

Жамият ташкил топиши учун энг камида икки киши бўлиши керак, бу жамиятнинг оддий кўриниши бўлиб, унинг мураккаб шакллари шакллантириб боради, яъни оиланинг қурилиши бу оддий жамият, бу жамиятда А.Смит таърифи бўйича жамият аъзоси ҳам ўзи учун, ҳам ўзга бир кишилар учун ишлайди, мураккаб жамиятнинг шаклланишига ўз ҳиссасини ўз оиласи билан бирга қўшади.

Жамиятнинг «**ижтимоийлик**» тизими унсурлар сифатли муносабатларини ҳодисалар ҳам жараёнларда акс эттиради. «Ижтимоийлик» тизимининг асосий унсурларини ижтимоий жамоалар ташкил этади, яъни булар синфлар, миллатлар, профессионал, демографик, ҳудудий ва сиёсий гуруҳлардир. «Ижтимоийлик» тизимининг элементини кишилар ташкил этади. Бунда ҳар хил ижтимоий жамоаларга бирлашган кишилар бир-бирлари билан ўзаро алоқадорликда бўладилар. Ушбу алоқадорлик жараёнида кишилар маълум бир индивидга ва маълум бир меҳнатга таъсир ўтказадилар.

2. Шарқ мутафаккирларининг жамият тўғрисидаги қарашлари.

Маълумки, Ўрта аср Шарқининг буюк мутафаккурлари ўзларига қадар мавжуд бўлган барча илм-фан ютуқларини ўзлаштириб, деярли ҳамма соҳаларда илмий асарлар яратдилар, бу билан ҳам кифояланмай, мавжуд илмларни тасниф қилдилар, хорижий тиллардаги машҳур асарларни араб, форс ва турк тилларига таржима қилиш ишлари билан шуғулландилар. Шундай хизматлари билан «ягона минтақа маданияти» деб аталиши мумкин бўлган тарихий янги жараёнга асос солдилар. Ўз навбатида ушбу тарихий жараён бошқа халқлар илм-маърифатига кучли таъсир этиб, Уйғониш даври деб аталувчи улкан маърифатпарварлик даврининг бошланишига асос бўлди.

Шунинг учун ҳам, биз Форобий, Абу Али ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Фарғоний каби буюк қомусий олимлар асарларида, уларнинг илмий-назарий таълимотларида жамият, оила, таълим-тарбия масалаларига кенг ўрин берилганига, чунончи тарбия муаммоларига жаҳон маданияти мезонлари билан ёндашилганига гувоҳ бўламиз. Жумладан, **Форобий(873-950)**нинг «Фозил одамлар шахри», «Бахт-саодатга эришиш ҳақида кўрсатмалар», «Бахт-саодатга эришиш ҳақида», «Фуқаролик сиёсати», «Давлат арбобининг афоризмлари» каби асарларида¹ жамиятнинг келиб чиқиши, мақсад ва вазифалари ҳақида фалсафий таълимот яратди, инсон жамоаларининг жамиятда тутган роли, давлат ва оила, уларни бошқариш ҳақидаги илмий билимлар тизимини яратди. Унинг фикрича, инсон жамоалари ва жамият кишиларнинг яшаши ва камолотга эришиши учун зарур бўлган моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун интилишлари натижасида келиб чиққан. Бинобарин, инсон якка ҳолда ҳеч қачон асл маънода бахтли бўлолмайди: «Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади; у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёжи туғилади».²

Форобий жамиятни, шаҳарни инсон танасидаги аъзоларга қиёслаб, бу аъзоларнинг табиати, ҳолати ва ҳаракатига кўра турлича бўлса ҳам, лекин ягона мақсад, яъни инсон танаси фаолиятини таъминлаш мақсадида ўзининг маълум ишини бажариши ҳақида маълумот беради. Демак, бирор мамлакатда ўнлаб шаҳарлар, бу шаҳарларнинг ҳар бирида юзлаб ва минглаб оила ва хонадонлар яшаши табиий ҳол бўлиб, гарчи бу уй ёки шаҳарлар ҳар хил, бири иккинчисини такрорламайдиган бўлишига қарамай, улар ўзаро бирикиб, шаҳар ёки мамлакатни ташкил этадилар ҳамда уни такомиллаштирадilar.³

Форобийнинг фикрича: “Ҳоким Аллоҳдан бошқа ҳеч кимга бўйсунмаслиги керак. У табиатан ўн икки фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур. Булар:

- ❖ **биринчидан**, ўта соғлом бўлиши, шу туфайли ҳокимлик вазифаларини осон бажариши лозим;
- ❖ **иккинчидан**, нозик фаросатли бўлиб, фикрларни тез тушуниб, тез илғаб олиши, шу соҳада умумий аҳвол қандайлигини равшан тасавур қила олиши зарур;
- ❖ **учинчидан**, у англаган, кўрган, эшитган, идрок этган нарсаларини хотирасида тўла-тўқис сақлаб қолиши, барча тафсилотларини унутмаслиги зарур;
- ❖ **тўртинчидан**, у зехни ўткир, зукко бўлиб, ҳар қандай нарсанинг билинар-билинемас аломатларини ва у аломатлар нимани англатишини тез билиб, сезиб олиши зарур;

¹ Форобий. Рисолалар. - Тошкент: «Фан» 1975; Форобий. Фозил одамлар шахри. - Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993

² Форобий, Рисолалар. – Т.: Фан, 1974, 134-б.

³ Шу асар, 103-б.

- ❖ **бешинчидан**, у фикрини равшан тушунтира олиши, чиройли сўзлар билан ифодалай олиши зарур;
- ❖ **олтинчидан**, у устозлардан таълим олиши, билим маърифатга ҳавасли бўлиши, ўқиш, ўрганиш жараёнида сира чарчамайдиган, бунинг машаққатидан қочмайдиган бўлиши зарур;
- ❖ **еттинчидан**, таом ейишда, ичимликда, аёлларга яқинлик қилишда очофат эмас, аксинча, ўзини тия оладиган бўлиши, қимор ва бошқа ўйинлардан завқ, ҳузур олишдан узоқ бўлиши зарур;
- ❖ **саккизинчидан**, у ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган, ёлғонни ва ёлғончиларни ёмон кўрадиган бўлиши зарур;
- ❖ **тўққизинчидан**, у ўз қадрини билувчи ва номус-ориятли одам бўлиши, пасткашликлардан юқори турувчи, туғма олийҳиммат бўлиши, улуғ олий ишларга интилиши зарур;
- ❖ **ўнинчидан**, у бу дунё молларига, динор ва дирҳамларга қизиқмайдиган, мол-дунё кетидан қувмайдиган бўлиши зарур;
- ❖ **ўн биринчидан**, у табиатан адолатпарвар бўлиб, одил одамларни севадиган, истибдод ва жабр-зулмни, мустабид ва золимларни ёмон кўрувчи, барчани адолатга чақирувчи, ноҳақ жабрланганларга мадад берувчи, барчага яхшиликни ва ўзи суйган гўзалликларни раво кўрувчи бўлиши зарур; ўзи ҳақ иш олдида ўжарлик қилмай, одил иш тутгани ҳолда ҳар қандай ҳақсизлик ва разолатларга муросасиз бўлиши зарур;
- ❖ **ўн иккинчидан**, ўзи зарур деб ҳисоблаган чора-тадбирларни амалга оширишда қатъиятли, саботли, журъатли, жасур бўлиши, кўрқоқлик ва ҳадиксирашларга йўл қўймаслиги зарур”¹. Бу ўғитлар ўз аҳамиятини ва қадрини йўқотмайдиган, инсоният тафаккурининг олтин хазинасида жой олган “ақл гулшани” ҳисобланади.

Турон заминнинг Уйғониш давридаги йирик сиёсатчиларидан бири давлатшунос олим **Абу Али ибн Али Тусий-Низомулмулк (1017-1092)** ўзининг “Сиёсатнома” асрида жамият ва давлат бошқаруви ҳақида бирмунча амалий аҳамиятга эга бўлган фикрларни баён қилади. Низомулмулк давлат бошқаруви ишлари билан энг аввало одил, маърифатли подшоҳ шуғилланади, унга бу ишларда доно, тадбиркор вазир, қози, ҳокимлар ва бошқа амалдорлар ёрдам берадилар. Низомулмулк фикрича, ҳар қандай подшоҳ албатта:

- ❖ “ҳафтада икки кун зулм кўрганларни қабул қилиб, золимларнинг додини бериб, жазолаб ва раият сўзларини бевосита эшитиб бориши керак. Муҳим бўлган аризаларни қабул қилиб, ҳар бирига жавоб бериши лозим”¹ - дейди.

¹ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри - Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. - 159-160-б.

¹Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк. - Т.: Адолат, 1997. - 20-21-б.

² Ўша манба, 47-б

- ❖ “Мамлакат қозиларининг аҳволини тўла-тўқис билиши зарур ва улардан қайсилари олиму-зоҳид, камбағал, аммо камтамаъ бўлса, тарбия қилиб, шулар билан иш юритиш керак. Агарда шундай бўлмаса, уларни ишдан олиб, ўринларига бошқа лойик кишиларни қўядилар. Уларнинг ҳар бирига зарур даражада маош берадилар, токи хиёнат қилишларига хожат қолмасин. Чунки бу иш жуда ҳам нозикдир, улар мусулмонларнинг яхшию ёмонликлари устидан ҳукм чиқарадилар. Бу амални жоҳил ва нопок кишиларга ишониб бўлмайди. Агар бирон-бир ҳоким жаҳл ва зулм билан ҳукм чиқарса, подшоҳга маълум қилган ҳолда уни вазифасидан олиб, жазолаш керак”, - деган ғояни илгари суради.

Низомулмулк давлат хизматчиси ҳисобланмиш жосуслар, соҳибхабар ва мунҳий (хабарчи)ларнинг давлатдаги ўрни ҳақида гапириб, бу иш билан шуғулланадиган кишилар ҳолис бўлиб, ғараз билан иш тутмасинлар, чунки мамлакатнинг бошқа бирор киши уларнинг нима иш билан машғул эканликларини билиши мумкин эмас. Соҳибхабар ва мунҳий (хабарчи)ларнинг бўлиши подшоҳнинг адолатидан ва кучли тафаккуридан дарак бериб, вилоят ободонлигига қаратилган бўлади”¹ -деб ёзади. Юқорида келтирилган фикрлар сиёсатчи, мутафаккир Низомулмулкнинг,

- ❖ **биринчидан**, давлатни мустаҳкамлаш учун ахлоқ ва сиёсатни қўшиб олиб бориш;
- ❖ **иккинчидан** давлат амалдорларни тўғри ва ҳалол ишлашлари учун барча шароитларни яратиб бериши, яъни улар маош, уй-жой, озиқ-овқат билан таъминланган бўлишлари;
- ❖ **учинчидан**, жосуслик одамларни бир-бирларига чақиш учун эмас, балки давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш учун зарурлигини чуқур англаб етганлигидан, уни давлат сиёсатининг ажралмас қисми деб билганидан дарак беради. Бу ғоялар эса ҳозирги кунда ҳам ўзининг амалий қийматини йўқотгани йўқ.

3.Ғарб социологияси асосчиларининг жамият тўғрисидаги концепциялари.

Жамиятни тушуниш ва жамият тўғрисидаги фикрлар О.Контнинг социологик назариясида ҳам акс эттирилган. О.Конт, Д.Юм, А.Смит, Руссо, Сен-Симонларнинг жамият тўғрисидаги назарияларини ривожлантирди. О.Конт социологияда психология, сиёсий иқтисод, этика, фалсафа тарихи фанларининг тушунча ва методологияси синтезлаштирилади. Жамият – ўзаро муносабатда бўлган «заррачалар», «элементлар», «атомлар»нинг (автоматик) ҳаракатда бўлган механизми деб қаралади. Индивид ҳатти-ҳаракатлари ва қизиқишларини О.Конт абстракция деб ҳисоблайди.

О.Конт “Позитив фалсафа курси” асарида биринчи маротаба жамиятни илмий асосда ўрганиш сифатида социология терминини қўллади ва бу социологиянинг шаклланиши ва ривожланишига олиб келди.

¹ Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк. - Т.: Адолат, 1997., 69-70-б

О.Контнинг таълимотига кўра жамият ривожланишида қуйидаги уч босқични босиб ўтган:

- ❖ биринчи босқич, теологик босқич бўлиб, бунда инсонлар атрофларидаги нарса ва ҳодисаларни диний нуқтаи назардан келиб чиқиб тушунадилар. Бу давр қадимдан 1300 йилгача давом этган;
- ❖ иккинчи босқич, метафизик босқич, бу даврда инсонлар диний қарашлардан воз кечиб, ҳамма нарсаларнинг мазмун - моҳиятини фалсафий тушунишга ҳаракат қилганлар, бу босқич 1300 йилдан бошланиб 1800 йилгача давом этган;
- ❖ учинчинчи босқич, позитив ёки илмий босқич, бу даврда мавҳум фалсафий қарашлардан инсонлар воз кечиб, атрофдаги воқеликни, нарсаларни кузатадилар ва улар ўртасида мавжуд бўлиши мумкин бўлган доимий алоқаларни, боғлиқликларни аниқлайдилар, бу босқич 1800 йилдан бошланган бўлиб, жамият тараққиётининг кейинги давларида ҳам давом этади.

Герберт Спенсер(1820-1903) буюк инглиз мутафаккири, социология фанида организмга оид мактабнинг асосчиси ҳисобланади. У “Адолат”, “Этика асослари” “Социал статика”, “Синтетик фалсафа системаси”, “Илмий, сиёсий ва фалсафий тажрибалар” каби асарларида фалсафа, этика, социология, психология, политология фанларига оид илмий - назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган ғояларини баён этган.

Аниқса Герберт Спенсернинг жамият ҳақидаги таълимоти социология фанида муҳим аҳамиятга эга. Спенсернинг фикрича жамият бир-биридан тубдан фарқ қилувчи икки турга бўлинади, жамиятнинг биринчи тури ҳарбийлашган жамият бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари:

- ❖ ҳарбий кастанинг ҳукмронлиги,
- ❖ ҳокимиятнинг мерос бўлиб ўтиши,
- ❖ бошқаришнинг иерархик таркиби,
- ❖ диний дунёқарашнинг устиворлиги,
- ❖ ҳарбий институтларнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларига кучли тасир кўрсатиши,
- ❖ босқинчилик,
- ❖ жамоа мақсадининг шахсий мақсаддан устун туриши,
- ❖ юқори даражада уюшқоқлик,
- ❖ қатъий интизом,
- ❖ мажбурлаш тизимининг мавжудлиги,
- ❖ фуқароларни ватанпарварлик, бетарафлик, мурасизлик ва ўзини фидо қилиш руҳида тарбиялаш ва шундай фазилатларга эга бўлганларни рағбатлантириш.

Ҳарбийлашган жамият ўта консерватив жамият бўлиб, фаол фаолият кўрсатадиган тизимни яратади, лекин у итимоий ўзгаришларга унча мослаша

олмайди. Герберт Спенсернинг фикрича буюк давлат ва империялар халокатининг туб сабаби ана шунда.

Жамиятнинг иккинчи тури саноатлашган жамият бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар:

- ❖ бошқаришнинг ўзи-ўзини бошқариш тамойилига асосланиши,
- ❖ норасмий ташкилотларнинг кенг фаолият олиб бориши,
- ❖ позитив бошқариш,
- ❖ плюрализм,
- ❖ самарадор меҳнатни рағбатлантириш,
- ❖ халқаро ҳамкорлик учун кенг имкониятларнинг мавжудлиги,
- ❖ янгиликларга сезгирлик,
- ❖ ижтимоий назоратнинг чекланиши ва шахс эркинлигининг ортиши,
- ❖ шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

Г.Спенсер ўзининг организмга оид назариясини ва социал эволюция ҳақидаги қарашларини “Илмий, сиёсий ва фалсафий тажрибалар” асарида батафсил баён этган. У жамиятни табиий, энг аввало биологик қонунлар асосида ўзгариб, ривожланиб ва такомиллашиб боровчи жонли биологик организм сифатида тадқиқ этган. Унинг фикрича, жонли биологик организм сифатида ҳар бир жамият:

- ❖ биринчидан, пайдо бўлиш, ўсиш ва ривожланиш жараёнида ўз массасида ортиб, мураккаблашиб боради;
- ❖ иккинчидан, унинг барча соҳалари тобора бир-бирига боғлиқлиги кучайиб боради;
- ❖ учинчидан, уни ташкил этган бирликлар гоҳо пайдо бўлиб ва гоҳо йўқ бўлиб туришига қарамай, бир бутун ҳолда яшашни давом эттирадilar.

Г.Спенсер социал эволюция жараёнининг ўзига хос қуйидаги асосий жиҳатларини кўрсатади:

- ❖ оддийдан мураккабга ўтиш (интеграция);
- ❖ бир турдан хилма-хилликка ўтиш (дифференциация, ноаниқлика ўтиш тартибининг ўсиши).

«Жамият аъзолари жамият фаровонлиги учун хизмат қилиши эмас, балки жамият жамият аъзолари фаровонлиги учун хизмат қилиши керак» деб Спенсер индивидуализм органицистик концепциясига ёндошади, - инсонни социологиянинг энг асосий муаммоси сифатида олиб қарайди. Жамият табиат феноменининг умумлашмаси сифатида, унинг тараққиёти (эволюция) дифференциал бўлаклар ва функцияларнинг табиий жараёни сифатида қаралади. Индивидуализмнинг ахлоқий-ижтимоий муаммоси янги муаммо бўлиб, дифференциаллашган жамиятда индивид кам иштирок этади, эволюция унга туғилган муаммони ечишга рухсат этиб туради.

XIX асрда «жамият» тушунчаси янги маъно билан бойитилди. Жамият тараққиётининг механик структураси органик структураси билан биргаликда олиб қаралди. Муаммони ечиш йўлини социологлар жамиятнинг икки йўналишини тарихий нуқтаи-назардан ўрганиб, икки қарама-қарши тенденцияни: **анъанавий ва замонавий жамият** турларини бир-бири билан

солиштириб ўрганадилар. Бундай жамият йўналишини Тённис ва Дюркгейм «статус» ва «контракт» (шартнома) дихотомик ғояларини илгари сурган ҳолда ўганиб чиқадиладар. Тённис ўзининг «жамоа» ва «жамият» дихотомиясида органицистик методологияни мужассамлаштирган. Унинг концепциясида индивиднинг умумийликка ёки индивидларнинг ички умумийликка муносабатлари тўғрисида сўз боради. Эркинлик ёки «моҳиятан» ёки «сайланган» бўлиб, «моҳият эркинлиги» бирлиги, «организм ва органик бўлакларга хос» бирликни ташкил этади, ҳар бир ушбу бирликни акс эттиради ва жамоа геманшафт учун яшайди. Аксинча, ҳар бир ижтимоий муносабатлар юқори турувчи, қарамоғида маълум бир куч ва имкониятларга эга бўлган сунъий индивидни намоён қилиб, натижада жамият ижтимоий умумийлик нуқтаи-назаридан фикр юритади. Жамиятни икки хил тушуниш тўғрисидаги дихотомияда, яъни кенг маънода «жамоа»ни жамиятга қўшиб ва тор маънода «жамоа» ни жамият таркибидан чиқариб, Тённис турли хил ижтимоий алоқа ва таълимотларни таҳлил қилди. Тённис давлат тушунчасини жамият билан ўзаро алоқадорликда кўради, тарихий тараққиёт жараёнида барча йирик ривожланган давлатлар «бирлик» тенденцияси сари интилиб боради деб қарайди. Бу башоратми ёки билишми, ҳар қалай ҳозирги кунда Европа иқтисодий иттифоқини тузиш учун ривожланган давлатларнинг ўзаро музокаралар олиб бориб, баъзи бир муваффақиятларга эришганини ҳисобга оладиган бўсак, бу нафақат Тённиснинг, балки социология фанининг жамиятни ўрганишдаги ҳақиқий ютуғи деб ҳисоблаш мумкин.

Мана шу дихотомияни Тённисдан кейин Дюркгейм ҳам қўллаб-қувватлаб, уни ривожлантирди. Агар Тённисни жамоанинг организм билан мос келмаслиги қизиқтириб, жамиятни тасаввур қилишда у ижтимоий бирлик дихотомиясига амал қилган бўлса, Дюркгейм ижтимоий алоқанинг **органик ва механик** турларини бир-бирига қарама-қарши қўяди ва жамиятни бир қадар ижтимоийликнинг табиий ва органик тури деб эълон қилади. Дюркгейм жамиятдаги бирликни «тиник ахлоқий ҳодиса» деб талқин қилиб, жамиятнинг ахлоқий мустаҳкамлигини ўз тадқиқотларининг асосига, марказига қўяди. **Механистик ва органистик бирлик** фарқлаш учун икки хил хулосага келади:

- ❖ гуруҳларнинг барча аъзолари озми ёки кўпми маънода эътиқодлар ва ҳиссиётларнинг жамланмасини ташкил этади, натижада коллектив турини ҳосил қилади;
- ❖ жамият – бу турли махсус функцияларнинг тизимидир.

Органик бирликнинг механик бирликдан фарқи шундаки, у меҳнат тақсимооти натижасида вужудга келади. Меҳнат тақсимооти ижтимоий бирликнинг олий функцияси сифатида ахлоқий функцияларни вужудга келтиради, «шахс индивидуаллиги»нинг вужудга келиши ва ривожланишини таъминлайди.

Жамият ва унинг ривожланиш қонуниятлари тўғрисида кўпгина социологлар ўз таълимотларини яратганлар, жамият тўғрисидаги

назарияларни бойитиб, ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшганлар. Булар Зиммель, Парсонс, Луми, Чикаго мактаби намояндалари ва бошқалар.

Социологияда жамиятнинг қуйидаги йўналишлари мавжуд:

- ❖ **механицистик,**
- ❖ **органицистик,**
- ❖ **культурологик.**

1. **Жамиятнинг механицистик йўналиши XIX асрда вужудга келди.** Механицистик йўналишда классик механика концепцияси, оламни механик талқин қилиш, жамият ривожланиши қонуниятларини асосан физик ва механик қонуниятлар асосида деб билиш билан асосланарди. Механицизм тарафдорлари, Т.Керн жамият структурасини ва ундаги жараёнларни ноорганик олам билан солиштириб, шунинг асосида жамият қонунларини яратишга ҳаракат қилдилар. Табиий фанларнинг ривожланиши натижасида механицизмда янги «энергетик» ва «термодинамик» деган терминлар пайдо бўлди. Механицизм намоёндалари асосан аниқликка риоя этишни ўз вазифалари деб билиб, миқдор ва статистик методларга суяниб жамият қонуниятларини белгилайдилар.
2. **Жамиятнинг органицистик концепцияси XIX аср охири XX аср бошларида вужудга кела бошлаган.** Бу таълимотга кўра, жамиятни организм билан айнан бир нарса деб қараш ташкил этади. Жамиятни унсурларнинг бўлақлардан агрегати деб қараб, организм, нисбий автономиялардан иборат бўлган, амма ягона тамойилларга асосланган жамият динамикасини яратади. Органицистик жамият концепциясининг намоёндалари О.Конт, Г.Спенсер, Э.Дюркгейм ва бошқалар.
3. **Ижтимоий ахлоқ нормалари ва қадриятларнинг тарихий мураккаблашиши натижасида ушбу ижтимоий тизим маданиятни вужудга келтиради.** Маданият – ижтимоий-тарихий амалиёт жараёнида инсоният яратган ва яратаётган, ҳамда жамият тараққиётида тарихан эришилган босқични характерлайдиган моддий ва маънавий қимматдорликлар мажмуи. Моддий маданият – техника ишлаб чиқариш тажрибаси, ишлаб чиқариш жараёни вужудга келтирилган моддий қимматдорлик мажмуидир. Маънавий маданият – фан, санъат ва адабиёт, фалсафа, ахлоқ, маъриф ва бошқалар соҳасида маънавий қимматдорликлар мажмуасидир. Маданиятнинг вужудга келишини натуралистлар (табиатшунос) инсониятнинг табиий табиатида деб биладилар. Бошқа бир гуруҳ социологлар инсониятнинг ахлоқий тараққиётида, ахлоқий томонида бўлади деб билдилар. Маданият тушунчасидан келиб чиққан ҳолда культурологик жамиятнинг вазифаси коллективнинг мақсадли тузилиш даражасини қиёслаб, унинг динамикасини ёритиш, «ижтимоий» факт эканлигини кўрсатишдан иборатдир. «Культурологик» жамият ҳар қандай ижтимоий фаолиятга асосланган мақсадли комплексларнинг аспектига диққат билан қарайди. Культурологик жамиятнинг функцияси ўзаро алоқадорликни

системали равишда изоҳлаб, шарҳлаб беради.культурологик жамият тўғрисида М.Вебер, Г.Зиммель, Ф.Тенбурк, В.Липп, Й.Вайс ва бошқалар ўз социологик қарашларида фикрлар билдирганлар.

Инглиз социологлардан бири А.Р.Радклифф-Браун жамиятни фаолиятдаги тирик организм сифатида қараб, унинг таркибий тадқиқи ижтимоий бирликлар вазифаси тадқиқидан ажралмас, деб ҳисоблайди. У жамиятнинг қуйидаги асосий таркибий тузилишини бошланғич асос сифатида олиб қарайди:

Жамият мавжуд бўлиши ва яшаши учун:

- ❖ унинг аъзолари ўртасида минимал бирдамлик бўлиши зарур;
- ❖ ижтимоий ҳодисаларнинг вазифаси ижтимоий гуруҳлар ўртасида бирдамликни, ҳамжиҳатликни яратиш, тутиб туриш ва шунга хизмат қилишдан иборат.

Шундан келиб чиқиб, ижтимоий тизимларнинг қисмлари, элементлари ўртасида ўзаро муносабатларнинг минимал даражагача бирлиги ва мувофиқлиги сақланиши зарур.

Жамиятнинг ҳар қандай типи инсон фаолиятининг турли кўринишлари ва таркибий жиҳатларини намоён қилади, ҳамда уларнинг мувофиқлигини сақлаб туради.

Радклифф-Брауннинг юқорида кўрсатилган концепциясини ҳар қандай кўринишдаги ижтимоий таркиб ва ижтимоий воқеликдаги тартибли тизимга тадбиқ қилиш имконияти бор.

Жамият ижтимоий таркибий тузилишини ўрганишга таркибий-функционал ёндашиш ижтимоий тизимларининг нафақат ошқора вазифаларини, балки оддий муносабатларда кўзга ташланавермайдиган яширин, салбий характердаги вазифаларини ўрганишни, уларни бартараф этиш йўллари, нейтраллаштириш имкониятларини излаб топиш вазифасини ҳам ичига олади. Ижтимоий ривожланишнинг таркибий функционал зиддиятлагини аниқлаш, тадқиқ қилиш масаласи ҳам ижтимоий муносабатлар социологиясида муҳим ўрин тутади. Социологик тадқиқотлар орқали бундай зиддиятларини ҳал этиб бориш жараёнида олинган ҳар қандай социал объектнинг ички тузилишига путур етказмаслик, ижобий вазифаларини сақлаб қолиш жуда ҳам муҳимдир.

4.Тоталитар, авторитар, демократик жамият.

Жамият тузилишига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

- ❖ **тоталитар жамият,**
- ❖ **авторитар жамият,**
- ❖ **демократик жамият.**

Жамиятнинг ушбу турларининг ўзига хос бўлган хусусиятларини баён этамиз.

Тоталитар жамият - сиёсий бошқарувчида зўравонликка асосланган тизим. Тоталитар сўзининг маъноси, латинча totus – умумий, бутун, жамики деган маънони англатиб, жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, мафкуравий ва ҳатто бошқарувчи раҳбар элитанинг маиший

ҳаётини якка лидер («фюрер», «дуче», «каудильо» ва Ҳ.) томонидан ўрнатилган ҳарбий-бюрократик аппарат томонидан бошқарилиши тушунилади. Тоталитаризмнинг асосий ижтимоий кучи шаҳар ва қишлоқларда аҳоли табақасининг синфий қиёфасини йўқотиши бўлиб, ижтимоий аморф ҳолатига эга бўлмаган барча ижтимоий табақа ва гуруҳларнинг турмуш тарзида муайянлик ва мулкка эгалик тўғрисида ҳато фикр туғдирадиган тузумдир. Тоталитаризм тараққиёт жараёнини кўрсатадиган люмпенизация даражаси, жамиятнинг ижтимоий ҳаётини ҳарбийлаштириб бориши натижасида «фавқулотда ҳолат» тамойилини амалга ошириб боради. Тоталитар жамиятнинг ҳарбийлашган муносабатларининг бюрократлашуви натижаси сурункали равишда ҳарбий кучларни ишлатишга олиб келади. Тоталитаризмнинг ғоявий манбаи, ижтимоий муносабатларини барча системаларини кўрсатма тамойилларни лойиҳалаштирилган мушоҳада йўлини кимнингдир «намунали» бўлган утопик концепциясига асосланади. Тоталитар тузумга Жентиле, Гитлер, Муссолини, Сталин ва бир қанча диктаторларнинг идеологиясини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Авторитар жамият (лотинча *auctor* - бошловчи, асосчи, ижодкор, автор, фикр, нигоҳ, ҳокимият, ҳуқуқ ва Ҳ.) - демократик бўлмаган сиёсий режимга асосланган ва сиёсий онгнинг авторитетга, умуман ҳокимият авторитетига бўлган муносабатларни акс эттирувчи шакли. Авторитаризм жамияти қандайдир бир вазиятда, нодемакратик йўл билан, тоталитаризмнинг баъзи бир элементларини қабул қилган ҳолда, бошқа ҳеч қандай «авторитет»ни тан олмай, ушбу авторитетларга тоталитаристик «уруш эълон қилиб» вужудга келади. Авторитаризм патологик, яъни нормал ҳолатини йўқотган (ўзини бошқалардан устун қўйиш, мақтовларга маҳлиё бўлиш) авторитетга агрессив мухлислик. Авторитаризм ўз таълимотидан келиб чиқиб кўринмас қобик остида фашистик ва диктаторлик режимларига замин яратади.

Демократик жамият(грекча *demos* –халқ ва *kratos* – куч, ҳокимият)- ҳокимият шаклларида бири бўлиб, унинг характерли томони озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi тамойили ҳамда фуқароларнинг эркинлиги ва тенг ҳуқуқлилиги эътироф этилиши. Бунда фуқароларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланади ҳамда уларга барча моддий ва маънавий шароитлар яратилади.

5.Замонавий жамиятнинг турлича таърифлари.

1. Фаровонлик (мўл-кўлчилик) жамияти. Ғарб социологиясида ҳозирги капиталистик давлатларнинг қиёфаси ифодаланиб, « умумий роҳат-фароғат» ва «истеъмол қилиш жамияти» деган жамият назарияси вужудга келди. Ушбу назарияга кўра иқтисодиётнинг ўсиши ва янги технологиянинг ишлаб чиқаришга тадбиқ этилиши натижасида истеъмол маҳсулотларининг кўплаб реализация қилиниши натижасида жамиятдаги ҳар бир кишининг бахтли ва низоларсиз ҳаёт кечириши таъминланади. Ҳозирги кунда шундай давлатлар фикримизча, ривожланган капиталистик давлатларда, айниқса, Скандинавия давлатлари ҳаётида аста-секин намоён бўлиб бормоқда.

2. Истеъмол қилиш жамияти. Унчалик назарий, эмпирик ва амалий аҳамиятга эга бўлмаган тушунча. Америка социологлари томонидан XX аср 40-50 йилларида жамиятнинг ҳар бир аъзосининг ҳаёт даражасини яхшилаш мақсадида пайдо бўлаётган тасаввурларнинг кенг ёйилиши натижасида вужудга келган назария. Моддий томондан кам таъминланган кишиларнинг ижтимоий жиҳатдан талаб муаммоларини қондириш учун ушбу назария ишлаб чиқилди. Индивидуал истеъмол ижтимоий онгда инсонпарварликнинг ёрқин ифодаси сифатида намоён бўлди, ўз навбатида бу иқтисодий монополизация ва давлат томонидан бошқариб туришни мустаққалади. Истеъмол қилиш тамойилнинг тараққий қилиши натижасида капитализмнинг нафақат эволюцион томонларини, балки кўп миқдордаги истеъмол эҳтиёжларини ошира бориб, истеъмол қилиш тамойилига модалар рекламаси ва маркетинг муносабатларини ҳам киритди. Истеъмол қилиш тамойилининг оммавийлашуви жаҳон миқёсида ҳарбий-сиёсий конфронтациянинг бир мунча барқарорлашувига ҳам ёрдам берди.

3. Очик ва ёпиқ жамият. Социологияга К.Поппер томонидан киритилган бўлиб, тараққиётнинг турли босқичларида турли жамиятларнинг маданий-тарихий ва сиёсий тасвирланиши ифода этилади. Очик жамият – деморактик жамият бўлиб, ташқи муҳит шароитларида осон ўзгарувчи ва мослашувчи, танқидни ёриб ўтмоққа мослашган жамият, ёпиқ жамият эса догматик – авторитар режим асосида бўлиб, сеҳрли (магик) тафаккур, догматизм ва коллективизм тамойиллари билан характерланади. К.Поппер ёпиқ жамиятларга ўзининг сиёсий ва ижтимоий келиб чиқишидан турлича бўлган давлатларни киритади, буларга Спартак, Пруссия, чор Россияси, нацистлар Германияси, Совет Иттифоқини киритади. Очик жамият оламни рационал англаш ва критицизм, индивидуализм тамойиллари билан характерланади. Очик жамиятга у қадимги Афина ва ғарб ривожланган давлатларини киритади. Очик ва ёпиқ жамият концепцияси ҳозирги замон давлатларининг мафкуравий сиёсий ва ижтимоий –психологик нуқтаи-назардан ўрганиш учун асосий омиллардан бири ҳисобланади.

4. Индустириал (саноат) жамият. Анаънавий жамият категориясидан ажралиб турувчи, ғарб социологиясида ривожланган жамиятнинг келиб чиқиши ва табиати тўғрисидаги икки асосий категориянинг бири. Ушбу терминни биринчи бўлиб, Сен-Симон ишлатган, уни О.Конт, Г.Спенсер, Э.Дюркгейм ва бошқалар ривожлантирганлар. Қайси жамиятда саноат ишлаб чиқариш иқтисодий ташкилотнинг бошқарувчиси шакли бўлса, бу ташкилот хусусий шахслар қўлида бўлса, бу тадбиркор хусусий бошқарувчиси бўлади, у меҳнат жараёни ва ишчиларни бошқариб боради. Саноат ишлаб чиқариш корхоналарини, менеджер-администраторлар назорат қиладилар.

Социологлар ушбу тамойилни бир неча хилда талқин қиладилар:

- ❖ Ҳозирги давр дунёсининг тарихий ўзгариши натижасида, яъни анъанавий аграр жамиятдан «индустириал» саноат жамиятига ўтилиши ва машина саноати, меҳнат интизом, эркин савдода миллий хўжалик системасининг ва умумий бозорнинг ташкил этилиши модернизация назарияси билан чамбарчас боғлиқдир.

- ❖ Индустрлашган жамиятларнинг қанчалик кўп бўлиши уларнинг шунчалик индустрлашган тартибнинг қонунига мувофиқ бахслашиши, рақобат қилиши кучаяди.
- ❖ «Анъанавий» жамиятдан саноат жамиятига ўтилиши натижасида тарихан прогрессив ҳаракат бошланади, яъни анъанавий наслий ирсият хусусиятлари йўқолади, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётининг демократлашуви натижасида инсон қонунлари тенглашади, қобилият жиҳатидан генетик равишдагина инсонларнинг нотенглиги вужудга келади ва ҳақозо.

5. Постиндустриал жамият. Америкалик социолог Д.Белл томонидан ишлаб чиқилган концепция. Постиндустриал жамият концепциясининг назариясига кўра жамият тараққиёти учта босқичда ўрганилади:

- ❖ индустриал жамиятгача бўлган давр;
- ❖ индустриал саноат жамияти даври;
- ❖ постиндустриал жамият даври.

Индустриал жамиятгача бўлган даврда асосий омил қишлоқ хўжалиги муносабатлари, черков ва армия жамиятнинг асосий социал институти ҳисобланарди, бу даврдан индустриал-саноат жамиятига ўтилгач, саноат корпорациялар ва фирмалар жамиятнинг асосий омили бўлиб қолди, постиндустриал жамият даврида эса университетлар асосий жойи бўлган назарий билимлар саноат ва ишлаб чиқаришнинг бир жойга тупланиб қолишида асосий роль ўйнайди. Бу жамиятда Д.Беллнинг фикрича, капиталистлар ҳукмронлиги йўқолиб, унинг ўрнини юқори билимга эга бўлган малакали ҳукмрон элита эгаллайди. Индустриал жамиятда асосий низо меҳнат ва капитал орасида бўлса, постиндустриал жамиятда асосий низо билим ва чуқур билимга эга эмаслик ўртасида боради.

Асосий тушунчалар:

Жамият - табиатнинг бир қисми, ижтимоий борлиқ бўлиб, одамлар уюшмасининг махсус шакли, кишилар ўртасида амал қиладиган кўплаб муносабатлар (иқтисодий сиёсий ҳуқуқий ахлоқий диний эстетик миллий оилавий) йиғиндиси, муттасил равишда ривожланиб, такомиллашиб боровчи мураккаб тизим.

Теологик босқич - инсоннинг тушунчаси ғайритабиий диний тасаввурлар асосида қурилган. Бу босқич қадимдан - 1300 йилгача бўлган даврларни ўз ичига олади.

Метафизик босқич - инсон ғайритабиий кучдан воз кечиб, мавҳум моҳият сабаб ва бошқа фалсафий меъёрлар ёрдамида воқеликни тушунтиришга ҳаракат қилади. Бу босқич 1300 йилдан 1800 йилгача давом этган.

Позитив босқич - инсон моҳиятни ифодалашдан воз кечиб, улар устидан кузатиш, таққослаш, таҳлил этишга суянади. Бу босқич 1800 йилдан бошланиб, ҳозиргача давом этмоқда.

Тоталитар жамият - сиёсий бошқарувчида зўравонликка асосланган тизимдир. Тоталитар сўзининг маъноси, латинча totus – умумий, бутун, жамики деган маънони англатиб, жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий,

мафкуравий ва ҳатто бошқарувчи раҳбар элитанинг маиший ҳаётини якка лидер («фюрер», «дуче», «каудильо» ва ҳ.) томонидан ўрнатилган ҳарбий-бюрократик аппарат томонидан бошқарилиши тушунилади.

Авторитар жамият (лотинча auctor – бошловчи, асосчи, ижодкор, автор, фикр, нигоҳ, ҳокимият, ҳуқуқ ва ҳ.) - демократик бўлмаган сиёсий режимга асосланган ва сиёсий онгининг авторитетга, умуман ҳокимият авторитетига бўлган муносабатларни акс эттирувчи шакли.

Демократик жамият (грекча demos –халқ ва kratos – куч, ҳокимият) ҳокимият шаклларида бири, бўлиб, унинг характерли томони озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi тамойили ҳамда фуқароларнинг эркинлиги ва тенг ҳуқуқлилиги эътироф этилишидир.

Фаровонлик (мўл-кўлчилик) жамияти - Ғарб социологиясида ҳозирги капиталистик давлатларнинг қиёфаси ифодаланиб, « умумий роҳат-фароғат» ва «истеъмол қилиш жамияти» деган жамият назарияси вужудга келди. Ушбу назарияга кўра иқтисодиётнинг ўсиши ва янги технологиянинг ишлаб чиқаришга тадбиқ этилиши натижасида истеъмол маҳсулотларининг кўплаб реализация қилиниши натижасида жамиятдаги ҳар бир кишининг бахтли ва низоларсиз ҳаёт кечириши таъминланади.

Истеъмол қилиш жамияти - мерика социологлари томонидан XX аср 40-50 йилларида жамиятнинг ҳар бир аъзосининг ҳаёт даражасини яхшилаш мақсадида пайдо бўлаётган тасаввурларнинг кенг ёйилиши натижасида вужудга келган назария.

Очиқ ва ёпиқ жамият - Социологияга К.Поппер томонидан киритилган бўлиб, тараққиётнинг турли босқичларида турли жамиятларнинг маданий-тарихий ва сиёсий тасвирланиши ифода этилади. Очиқ жамият – деморактик жамият бўлиб, ташқи муҳит шароитларида осон ўзгарувчи ва мослашувчи, танқидни ёриб ўтмоққа мослашган жамият, ёпиқ жамият эса догматик – авторитар режим асосида бўлиб, сеҳрли (магик) тафаккур, догматизм ва коллективизм тамойиллари билан характерланади.

Постиндустриал жамият - Америкалик социолог Д.Белл томонидан ишлаб чиқилган концепция. Постиндустриал жамият концепциясининг назариясига кўра жамият тараққиёти учта босқичда ўрганилади:

- 1) индустриал жамиятгача бўлган давр;
- 2) индустриал саноат жамияти даври;
- 3) постиндустриал жамият даври.

Мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш учун блиц-сўров ўтказиш саволлари:

1. Жамият ва ижтимоийлик тушунчаси ҳақида гапириб беринг.
2. Шарқ мутафаккирларининг жамият тўғрисидаги қарашлари ҳақида гапириб беринг.
3. Ғарб социологияси асосчиларининг жамият тўғрисидаги концепциялар ҳақида нималарни биласиз?
4. Тоталитар, авторитар, демократик жамиятларнинг фарқи нимада?
5. Замонавий жамиятнинг турлича таърифлари ҳақида гапиринг.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар:

1. Алиев Б., Рафиқов Ғ., Султонов Т., Муллажонова М., Раҳмонов Б. ва бошқалар. Социология. (Ўқув қўлланма). –Тошкент: ТДЮИ нашриёти. 2006.
2. Социология //Ўқув қўлланма. Убайдуллаева Р.А., Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б. ва бошқ. –Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси, 2002.
3. Социология. Маърузалар курси. Алиқориев Н.С, Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б., ва бошқ. – Тошкент, 2001
4. Умумий социология. (Алиқориев Н.С ва Убайдуллаева Р.Т таҳрири остида) – Тошкент: 1999.

Қўшимча адабиётлар:

1. Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: А.Қодирий номидаги нашриёт, 1993.
2. Вебер М. Избранные произведения. – М.: Прогресс, 1990.
3. Ганиева М.Х. Этносоциология. Учебное пособие для студ. высших учебных заведений. – Ташкент: Университет, 2006.
4. Ганиева М.Х. Введение в социальную работу. –Ташкент., 2011. 98 с.
5. Гараджа. В.И. Социология религии. – М., 2005.
6. Гиддингс Э. Социология. – Тошкент, 2002
7. Кравченко А.И. Социология. – М., 2006.
8. Латипова Н.М. Политическая социология. Методическое пособие. – Ташкент., 2010.
9. Современная западная социология. Словарь. – М.: Прогресс, 1990.
10. Социология религии. В.И.Гараджа. – М., 2005.
11. Социология //Учебное пособие. Под редак. д.ф.н. Мухамедовой З.М., – Ташкент: Sanat, 2010
12. Қодиров А.Қ. Социология. –Тошкент, 2006.
13. Saitxodjayiv Н.В. Sotsiologiya. Ma`ruzalar kursi. –Тошкент: Академия, 2008.
14. Ҳолбеков А.Ж., Идилов У.Ю. Социология: изохли луғат-маълумотнома. –Тошкент: Ибн-Сино номидаги нашриёт, 1999.
15. Холбеков. А.Ж. Бошқарув социологияси (ўқув қўлланма). –Тошкент: Akademiya, 2007.
16. Убайдуллаева Р.А., Ота-Мирзаев О.Б. ва бошқ. Социологик тадқиқотлар амалиёти (Ўқув-услубий қўлланма). –Т.: «Ижтимоий фикр», 2001.
17. Фарфиев Б.А., Нуруллаева У.Н. Социология тарихи. (Услубий қўлланма). Тошкент: Университет, 2009.
18. Бекмуродов М.Б. Роль общественного мнения в социально-культурном развитии общества: Дис....док.социол.наук. – Ташкент, 1997.
19. Фарфиев Б.А. Ўзбекистонда жамиятни демократилаштириш жараёнида тафаккур тарзини такомиллаштиришнинг ижтимоий маъданий хусусиятлари: Дис....социол. фан.ном. – Тошкент:, 1999.
20. Калонов К.К. Ўзбекистон ўзини ўзи бошқарув тизими динамикаси таҳлил қилишда авторитетнинг тутган ўрни: Дис....социол. фан.ном. – Тошкент, 2000.
21. Юнусов А.Б. Ўсмир ёшларда ижтимоий девиантлик ҳолатларининг

- социологик хусусиятлари: Дис....социол. фан.ном. – Т: ЎзМУ, 2004.
22. Норбеков А.Ш. Ўзбекистонда ижтимоий кафолат тизимини яратиш муаммолари: сиёсий-социологик таҳлил. Дис....социол. фан.ном. – Тошкент, 2004.
 23. Латипова Н.М. Роль молодых специалистов в трансформации социальной структуры узбекистанского общества: Дис.... канд. социол. наук. – Ташкент, 2009.
 24. Ганиева М.Х. Общественное мнение как фактор развития межнациональных отношений: Дис....док.социол.наук. – Ташкент. – Ташкент. 2009

Электрон таълим ресурслари:

1. <http://www.lib.socio.msu.ru>
2. <http://www.socioline.ru>
3. <http://www.socio.rin.ru>
4. <http://www.sociologos.narod.ru>
5. <http://www.socionet.narod.ru>
6. <http://www.sociograd.ru>

4-Мавзу: Социал гуруҳлар ва социал институтлар

Режа:

1. Социал гуруҳ ва социал институт тушунчалари, уларнинг турлари.
2. Оила -социал институт.
3. Давлат ва жамиятнинг сиёсий тизими.
4. Иқтисодий институтлар, уларнинг кўринишлари ва вазифалари.
5. Дин социомаданий институт сифатида.
6. Таълим социал институт сифатида.

1. Социал гуруҳ ва социал институт тушунчалари, уларнинг турлари.

Кишилар ўз ҳаёт фаолиятлари давомида бирлашадиган гуруҳлар, социологиянинг муҳим масаласи ҳисобланади. Ижтимоий муносабатлар асосан социал гуруҳлар ўртасидаги муносабатларда намоён бўлади. Кишилиқ жамиятида ниҳоятда кўп турли-туман жамоалар, уюшмалар, бирликлар, ташкилотлар мавжуд. Инсон бутун ҳаёти давомида гоҳ эҳтиёжликдан, гоҳ манфаат юзасидан, баъзан мажбурийликдан, баъзан ўзи хоҳламаган ҳолатда юқорида таъкидланган гуруҳларга аъзо бўлади ва уларнинг вакили бўлиб қолади. Мана шу кишилиқ жамоаларини қандайдир мезон (белги, хусусият) билан нисбатан маълум гуруҳларга ажратиш — социологик таҳлилнинг ғоят муҳим ва жиддий масаласидир. Олдиндан шуни қайд қилиб ўтиш лозимки, гарчи «социал гуруҳ» термини социал тадқиқотларда кенг қўламда қўлланилса ҳам, лекин социологик тушунчалар категориясига мувофиқ келадиган мақомига ва назарий асосига эга эмас. Бу тушунча ижтимоий фанлар доирасида яққол категорик хусусиятга эга ва ижтимоий

муносабатлардаги ўзига хос субъектни аниқлаш учун ишлатилади. «Гуруҳ» тушунчаси ижтимоий фанлар орасида 2 та маънога эга. **Бир томондан**, у бирор бир умумий белгиларига қараб кишиларни маълум тоифаларга ажратилганда қўлланилади (кўпинча статистикада, демографияда). Баъзан бу маънода «гуруҳ» термини психология фанида ҳам ишлатилади. Масалан, тест синовлари натижаларига қараб, кишиларни у ёки бу гуруҳларга ажратиш мумкин.

Иккинчи томондан, ҳамма ижтимоий фанлар доирасида гуруҳ деганда, реал мавжуд кишилар бирлиги тушунилади. Бу ҳолатда одамлар умумий белгилар, фаолиятларининг хилма-хиллиги ёки бирор шарт, ҳолатлар билан бирлашадилар ва маълум маънода ўзларини мавжуд бирлик вакили эканликларини ҳис қиладилар. Масалан, талаба ўзини талабалар гуруҳининг аъзоси сифатида ҳис қилади.

Илмий адабиёт билан танишиш «социал гуруҳ» терминини, биринчидан, жуда кенг қўлланилаётганлигини, иккинчидан турли ҳодисаларга нисбатан ишлатилаётганлигини кўрсатапти, қайси нуқтаи назардан қарашларидан қатъий назар, конкрет ижтимоий фан вакиллари гуруҳларни социал-иқтисодий, социал-демографик, социал психологик ва бошқа гуруҳларга ажратадилар.

Социал гуруҳ тушунчасига бу каби ёндошув терминлар луғатида кўп хилликка олиб келади, ҳамда «социал гуруҳ» тушунчасининг ўзини ҳам ноаниқ таҳлил қилинишига сабаб бўлади.

Ҳозирги унда бу термин социология ва социал психологияда кенг қўлланилмоқда. Лекин бу категориянинг назарий таҳлилига, уни бошқа социологик тушунчалар билан муносабатига доир махсус илмий ишлар йўқ ҳисоб. Кўп социологлар томонидан «социал гуруҳ»га берилган таърифлар бир-биридан фарқ қилади. Масалан, жамият синфий таркиби ўрганилаётганда, социал гуруҳни синфлар структурасидаги элемент сифатида (синфлар-табақалар-гуруҳлар), социал структурани таҳлил қилиш чоғида эса, бу тушунчани кенг маънода, синфлар тушунчаси билан бир маънода ишлатишади.

Мана шулардан келиб чиқиб, қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш керак:

биринчидан, «социал гуруҳ» тушунчасини, уни шакллантирадиган ҳолатларини, унинг чегарасини, уни қўллаш имкониятини белгиладиган назария социологик асосларни келтириш;

иккинчидан, тушунчанинг айнан ўзини аниқ ифода қилиш;

учинчидан, «социал гуруҳ» тушунчасини унга яқин бўлган жамият социал структурасини ифодаладиган тушунчалар системаси («социал бирлик», «синф», «социал ташкилот», социал тўплам») билан бирга қараш керак, чунки ҳар қандай тушунча бутунлик доирасидагина натижа бериши мумкин.

Ҳамма илмий терминлар сингари «социал гуруҳ» тушунчаси ҳам конкрет тарихий реалликка тўғри келадиган ва унинг муҳим аҳамиятли хусусиятларини акс эттирадиган назарий, умумий ва мавҳум тушунчадир.

«Социал гуруҳ» тушунчасининг аниқлашнинг мушкул томони шундаки, реал ҳаётда конкрет социал гуруҳлар ўзининг тарихий ривожланиш давомида пайдо бўладиган, ўзгарадиган ва барҳам топадиган индивидуал хусусиятларга эга бўлган омма билан мураккаб бирликни намоён қилади. Бундан ташқари воқеликда ҳеч бир социал гуруҳ бошқалардан ажралган ҳолда ўз-ўзидан мавжуд бўлмайди. Улар бошқа социал гуруҳлар билан ўзаро муносабатда бўлиб, бир-бирларига сезиларли таъсир ўтказиб турадилар. Мана шулар «социал гуруҳ» тушунчасини таърифлашда муайян қийинчилик туғдиради.

Бизга маълумки, социология фанининг предмети бўлиб кишиларнинг ижтимоий муносабатлари ҳисобланади. «Социал гуруҳ» тушунчаси ижтимоий муносабатлар субъектини (жамият-гуруҳ-шахс) аниқлашга ҳизмат қиладиган умумсоциологик тушунчалар таркибига киради. Бу учликда, яъни жамият-гуруҳ-шахс муносабатида социал гуруҳ «синтез қиладиган» тушунча ҳисобланади. Алоҳида индивид жамиятга «қўшилиши» учун, энг аввало жамиятдан ажралиши, индивидуал хусусиятлардан ташқари, ўзида социал хусусиятларни шакллантириши, аниқроқ айтганда, ҳар хил социал гуруҳларга аъзо бўлиши керак.

«Социал гуруҳ» тушунчасини кейинги назарий таҳлилида «социал» тушунчасининг асосларини кўриб чиқиш лозим бўлади. Айнан шу тушунча ҳажми ва мазмунидан «социал гуруҳ» тушунчасининг моҳияти келиб чиқади.

«Социал» термини социологияда икки маънода, кенг ва тор доирада ишлатилади. Кенг маъносида «социал» тушунчаси «ижтимоий» тушунчасига синонимдир. Тор маънода эса, жамият ҳаётининг маълум соҳаларидаги ижтимоий муносабатларни аниқлаш учун хизмат қилади. Баъзи бир социологлар социал муносабатлар масаласини тадқиқ этишиб социал муносабатларни 3 нуқтаи назардан таҳлил қилиш керак деган фикрга келганлар, кенг маънода, торроқ маънода ва тор маънода.

Кенг маънода социал муносабатлар деганда, жамиятдаги кишиларнинг ҳамма муносабатлари тушунилади. Торроқ маънода социал муносабатлар деганда жамият социал субъектлари, яъни маълум социал гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг «парчаси» сифатида таҳлил қилинади. Тор маънода эса у иқтисодий ва сиёсий муносабатлар билан бир қаторда кўрилади.

«Социал» тушунчаси турлича изоҳланишдан келиб чиқиб, социал гуруҳларга ҳар қандай кишилар бирлиги (социал ёки ижтимоий гуруҳ; ҳамма ижтимоий муносабатларни ифодаловчилари (ижтимоий муносабатлар субъекти); аниқ социал, синфий, уруғ-қабилавий ва оилавий муносабатлар (социал муносабатлар) субъекти сифатида қараш керак.

Гуруҳ тушунчаси ҳақида гапиришдан олдин, бир қанча фаркларни кўриб чиқамиз. Бу масалани социал тўплам тушунчасидан бошлаймиз.

Ташқи кузатувчилар томонидан кўрсатилган қандайдир умумий белгиларга эга бўлган кишилар йиғиндиси социал тўплам деб аталади. Масалан, биз кишилар тўпламидан қора танли кишилар тўпламини, кўк кўзли кишилар тўпламини ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Бу жисмоний

белгиларга асосланиб, тўпламларга ажратиш ҳисобланади. Бу билан кўпинча антропология фани шуғулланади, тўпламни у ёки бу касб билан шуғулланувчи кишилар ҳам ташкил етишади. Айнан бир касб билан шуғулланадиган кишилар касбий (профессионал) категориялар деб аталади. Ёшига қараб ажратиладиган кишилар тўплами ёки категориялари дейилади. Жинсига қараб кишилар 2 та жинс тўпламига, яъни эркеклар ва аёл категорияларига ажратилади. Аниқ белгига асосланиб ажратиладиган ҳар қандай тўплам социал категорияни ташкил этади. Социал категориялар ҳеч қандай ички алоқалар билан бирлашмайди. Бир категорияга кирадиган, масалан, касбий (профессионал), ёш, жинс, мулк, даромади ва бошқа категорияларга мансуб кишилар қандайдир умум белгиларга эгалар. Ана шу асосга кўра, социал категориялар ички алоқа ва шахсий институтларига эга бўлишлари мумкин. Социал категориялар бирор бир социал алоқада бўлган тақдирларидагина, улар социал бирликка айланишлари мумкин.

«Социал гуруҳ» тушунчасига яқин бўлган тушунча — социал бирлик» тушунчасидир. Замонавий жамиятшунослик фанида бу тушунчалар синоним сифатида ишлатилади. Лекин бундай тушуниш тўғри эмас. «Социал бирлик» тушунчаси кишиларнинг ҳамма бирликларини ўзига қамраб оладиган кенг ҳажмдаги тушунчадир. «Социал бирлик» сўзи умумийликни билдиради. У кўпгина кишиларни бирлаштирадиган жараёнларни акс эттиради. Реал ҳаётда социал бирлик «платформа»га эга бўлади. Бу «платформа» негизида бирликка кирадиган индивидларнинг умумий томонлари, сифатлари ва хусусиятларини бирлашиши амалга ошади. Унинг асосида келиб чиқиш бирлиги (қон-қариндошликка асосланган бирлик, оила, уруғ), ҳудуд бирлиги, тил ва ҳудуд бирлиги (этник бирлик) ва бошқалар ётади.

Шундай экан, социал бирлик — бу табиий-социал асослар билан (қон-қариндошлик, ҳудуд, тил ва бошқа) бир социал гуруҳларнинг кўринишидир. Бирликлар социал гуруҳларнинг бир тури сифатида социал структура элементлари ҳисобланади.

Гуруҳ — бу хатти-ҳаракатлари расмий ва норасмий институтлар томонидан бошқариладиган, маълум норма ва қадриятларга эга бўлган, бошқа бирликлардан ўзининг хусусиятлари билан фарқ қиладиган, бир-бирлари билан ижтимоий муносабатлар системаси билан боғланган кишилар йиғиндисидан иборат бўлган социал бирликдир.

Гуруҳга хос хусусиятлар қуйидагилар:

- ❖ гуруҳ сони,
- ❖ ички ташкилот, яъни институтлар,
- ❖ назорат шакллари,
- ❖ фаолият намуналари,
- ❖ норма ва қадриятлар,
- ❖ ўзининг шахсий фарқ қиладиган хусусиятларига эга бўлиши

Гуруҳ сони дейилганда, мавжуд бирликни ҳажм жиҳатдан ташкил этадиган аъзолар йиғиндиси тушунилади, ҳозирги кунгача социологияда аъзолар сони қанча бўлиши кераклиги ҳақида аниқ бир тўпламга келингани йўқ. Бу тўғрида гуруҳ турлари ҳақида сўз кетганда, гапириб ўтилади.

Гуруҳ ўзининг сонини аъзолари сонини чегаралаши ёки чегарамаслиги мумкин. Мана шу асосга кўра гуруҳларни «берк» гуруҳлар, яъни янги аъзоларни қабул қилишда аниқ мезон кўядиган гуруҳлар; чегараланган гуруҳлар, яъни гуруҳ аъзолигига қабул қилиш мезони ҳам талабчанлик билан қабул қилинадиган гуруҳлар; ва ниҳоят хоҳлаган киши кириши мумкин бўлган очик гуруҳлар ва бу гуруҳларда аъзоларга нисбатан аниқ талаблар, кўйилмайди, кўпинча гуруҳлар аъзо қабул қилиш ва аъзоларни гуруҳдан чиқиши учун аниқ талаб кўяди. Бунинг натижасида гуруҳнинг бир хиллиги ва унинг таъсир доираси таъминланади.

Гуруҳнинг пайдо бўлиши учун ички ташкилот, яъни институтлар, назорат шакллари, фаолият намуналари бўлиши керак. Шунинг учун ҳам ўз шахсий ташкилотига эга бўлмаган, фақатгина контактлар (алоқаларга) асосланган эркин социал бирликлар гуруҳ деб аталмайди.

Гуруҳ ўзининг шахсий норма ва қадриятларига, яъни бирлашиш марказига эга бўлиши керак. Буларга ғоялар, рамзлар, шиорлар, мақсадлар, моддий предметлар ва бошқаларни киритиш мумкин. Булар гуруҳда кишиларни гуруҳга мансублик ва бирлашиш хиссини уйғотиш ва ривожлантириш учун зарур.

Бу қадриятлар асосида гуруҳда «биз» сўзи билан ифодаланадиган бирлик хисси пайдо бўлади. Бу хис кишиларни бирлаштирадиган психик (рухий) алоқа бўлиб ҳисобланади.

Ниҳоят, **гуруҳ ўзининг шахсий фарқ қиладиган хусусиятларига** эга бўлиши керак. Булар ёрдамида гуруҳ бошқа социал бирликлардан фарқ қилади. Бундай хусусиятлар бўлиб, **бир ҳудудда яшаш, алоҳида ритуал ҳаракатлар, тил, мафкура** ва бошқалар ҳисобланади.

Бу 4 шарт жуда кўп гуруҳларни таърифлаш учун кўл келади. Лекин гуруҳларни таснифлаш (классификация қилиш) вақтида бу тўғрида тўхталиб ўтамиз. Шунки бу шартлар нисбий характерга эга. Булар кўпгина гуруҳларни қаноатлантирса ҳам, баъзи гуруҳларни таҳлил қилиш вақтида тўғри келмаслиги мумкин.

Гуруҳлар энг аввало миқдор жиҳатдан **катта ва кичик гуруҳларга** бўлинади. Социология ва социал психология фанида катта социал гуруҳлар ўзининг аниқ таърифига эга эмас. Умуман, катта социал гуруҳ деганда, аъзолар сони кўп бўлган кишилар гуруҳлари тушунилади. **Катта социал гуруҳларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:**

- 1) аъзолар сонининг кўплиги;
- 2) ягона ҳудуднинг мавжуд эмаслиги;
- 3) аъзолар ўртасидаги алоқаларни асосан оммавий алоқа воситалари орқали ўрнатилиши;
- 4) гуруҳ структурасининг мураккаблиги, аниқроқ қилиб айтганда, бу гуруҳлар кўп расмий ва норасмий, уюшган ва уюшмаган гуруҳларни ўз ичига олади.

Катта гуруҳлар 2 турга бўлинади.

1. Тасодифий, стихияли пайдо бўладиган ва қисқа вақт мавжуд бўладиган гуруҳлар. Буларга оломон, халойиқ (публика), аудитория ва бошқаларни киритиш мумкин.

2. Тарихий ривожланиш натижасида вужудга келган ва жамият ижтимоий муносабатлар системасида маълум ўринга эга бўлган бирликлар. Бу турдаги гуруҳларга қуйидаги гуруҳларни киритиш мумкин:

- ❖ **социал синфлар,**
- ❖ **турли этник гуруҳлар (элат, халқ, миллат),**
- ❖ **касбий гуруҳлар,**
- ❖ **жинсга оид гуруҳлар(аёллар, эркеклар),**
- ❖ **ёшга оид гуруҳлар (ёшлар, кексалар) ва бошқа.**

Катта социал гуруҳларда кичик гуруҳларда йўқ бўлган хатти-ҳаракатни бошқариб турадиган ўзига хос куч мавжуд. Бу ҳуқуқлар, урф-одатлар ва анъаналардир.

Катта гуруҳ билан кичик гуруҳ ўртасида ўрта гуруҳ ҳам бор. Аммо гуруҳ муаммоси билан шуғулланаётган социологлар фикрича, ўрта гуруҳлар, уларнинг структураси, алоқаси, унда бўладиган ходиса ва жараёнлар моҳият жиҳатдан каттароқ гуруҳларга хосдир. Кичик ва катта гуруҳлар ўртасидаги фарқни кичик гуруҳнинг йириклашуви ва унинг катта гуруҳга айланиш жараёнида кўриш мумкин. Масалан, бир ёки бир неча таниқли кишилар атрофида бирлашган, 40—45 кишидан иборат партия кичик гуруҳдир, чунки бу гуруҳ вакиллариининг шахсан бир-бирларини танишлари (билишлари) кичик гуруҳга хос бўлган хусусиятни беради.

Кичик гуруҳлар деганда, кўпи билан бир неча ўнлаб аъзолардан иборат бўлган кам сонли гуруҳлар тушунилади. Бу гуруҳлар кўпинча самимий дўстлик муносабатлари билан боғланган бўлади, гуруҳ аъзолари ўртасида бевосита ўзаро алоқалар устун туради, гуруҳ аъзолари ўртасидаги муносабатлар норасмий институтлар ёрдамида тартибга солинади. Бундан ташқари, махсус вазифаларни бажаришга мўлжалланган, юқори даражада шаклланган кичик мақсадли гуруҳлар ҳам мавжуд. Бу гуруҳларда аъзолар ўртасидаги муносабатлар махсус хизмат кўрсатмалари билан тартибга солинади. Яширин ишлаётган партия ячейкаси бунга мисол бўла олади. **Кичик гуруҳларга оилани, дўстларни, қўшниларни, фермер хўжалигини, фирмаларни** ва бошқа гуруҳларни киритиш мумкин.

Кичик социал гуруҳларнинг турлари жуда кўп. Улар турли мезонларга қараб турларга ажратилади. Гуруҳ муносабатлари структурасига қараб **кичик социал гуруҳлар қуйидаги турларга бўлинади:**

- ❖ **расмий ва норасмий гуруҳлар,**
- ❖ **аъзолар ўртасидаги муносабатларнинг яқинлигига қараб бирламчи ва иккиламчи гуруҳлар,**
- ❖ **гуруҳга аъзо бўлиш ва бўлмаслигига қараб аъзоли ва референт руруҳлар.** Санаб ўтилган гуруҳларни бирма-бир кўриб чиқамиз.

Расмий ва норасмий социал гуруҳлар, гуруҳларни бундай тарзда турларга бўлиш биринчи бўлиб америкалик социолог Е. Мео томонидан

таклиф қилинган эди, гуруҳларни расмий ва норасмий гуруҳларга ажратиш асосида гуруҳ муносабатларнинг структураси ётади.

Расмий гуруҳлар — бу ҳуқуқий статусга эга бўлган социал институт, ташкилот қисми ҳисобланадиган мавжуд институт, ташкилотдаги меҳнат доирасида аниқ, мақсадга эга бўлган социал гуруҳлардир.

Расмий гуруҳларга қуйидаги белгилар хос:

- ❖ аниқ, ва изчил мақсад,
- ❖ иерархияга асосланган аниқ вазифалар,
- ❖ маълум қоидаларга мувофиқ келадиган ҳуқуқ ва бурчлар,
- ❖ аъзолар ўртасидаги расмий муносабатлар,
- ❖ гуруҳ фаолиятини назорат қиладиган расмий институтнинг мавжуд бўлиши ва бошқалар.

Расмий гуруҳларда гуруҳ мақсадлари, вазифалари хатти-ҳаракат қоидалари, хатто аъзолик шартлари махсус ҳужжатларда (дастур, инструкция, қонун ва бошқалар) қайд этилган бўлади.

Расмий гуруҳларга:

- ❖ **сиёсий партиялар,**
- ❖ **давлат,**
- ❖ **диний ташкилотлар**
- ❖ **турои хил ташкилотлар,**
- ❖ **ишлаб чиқариш коллективи,**
- ❖ **мактаб синфи,**
- ❖ **спорт командаси** ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ҳар қандай расмий гуруҳнинг ташкилоти бўлади. Гуруҳ ташкилоти - бу турли гуруҳ ва аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг яққол намоён бўлишидир. Муносабатлар турига қараб гуруҳ ташкилотлари 2 га бўлинади: **расмий ва норасмий**. Бу икки турдаги гуруҳ ташкилотлари ижтимоий муносабатларни яратувчиси ҳисобланади. Расмий ташкилот юқорида даражали система билан аниқ белгиланган вазифаларни бажариш учун ташкил этилади. Бу вазифалар маълум маънода индивидлар учун юзаки ҳисобланади. Масалан, ишлаб чиқариш корхонасининг социал ташкилоти ишлаб чиқариш бригадасининг асосий вазифаларини белгилаб беради. Бригада доирасида бу вазифалар ҳар бир бригада аъзосининг гуруҳда тутган индивидуал мартабасига қараб тақсимланади.

Шундай қилиб, **расмий социал гуруҳ деб, гуруҳ алоҳида аъзоларининг ўрни ва хатти-ҳаракати социал ташкилотнинг расмий қоидалари, қонунлари билан чегараланадиган гуруҳга айтилади.** Расмий гуруҳ аъзоларининг нуфузи (тутган ўрни) шахсий сифатлар билан эмас, уларнинг мартабалари билан аниқланади. Шахслараро муносабатлар расман ўрнатилган чегара доирасида амалга ошади. Расмий гуруҳнинг энг содда кўриниши сифатида ишлаб чиқаришни кўрсатиш мумкин. Унинг ҳажми, тузилиши, раҳбарнинг вазифалари ишлаб чиқариш ташкилоти қоидалари билан қатъий белгиланади.

Расмий гуруҳ — бу аниқ социал гуруҳ жамият социал структурасининг элементи. У объектив ҳолда мавжуд. Унинг структураси ва хатти-ҳаракат

шакллари кенг миқёсдаги гуруҳ ёки жамият томонидан бошланади. Индивид расмий гуруҳга аъзо бўлар экан, ўзининг шахсий сифатларини йўқотади ва расмий гуруҳ ташкилоти доирасидаги у ёки бу ролларни бажарувчи кишига айланади.

Расмий гуруҳлар ҳам расмий (корхона, бригада касаба уюшмаси, жамоат ва давлат ташкилоти), ҳам расмий структура томонидан тан олинмаган, яъни, норасмий (яширин ташкилот, норасмий гуруҳ ва ҳоказо) бўлиши мумкин.

Норасмий гуруҳлар, кўпинча бундай гуруҳлар «психологик гуруҳлар ёки «социал психологик гуруҳлар» деб аталади. Шунки бу гуруҳларнинг ташкил топиш заминида гуруҳ аъзолари ўртасидаги психологик, ҳиссий муносабатлар ётади. Норасмий гуруҳларнинг пайдо бўлишида вазият ва умумий манфаатлар мажмуи муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун ҳам бу гуруҳларни баъзан, манфаат юзасидан тузилган гуруҳлар ҳам деб аташади. Одамлар эҳтиёжлари турли-туман бўлганлиги сабабли норасмий гуруҳлар мавжуд.

Норасмий гуруҳ расмий гуруҳга қараганда бошқача тузилишга эга. Агар расмий гуруҳда гуруҳ социал структуранинг юқори органлар ва ҳатто жамият томонидан тузилса, норасмий гуруҳлар эса шахсий асосда, яъни уни ташкил этадиган индивидлар ташаббуси билан тузилади. Ташаббускор кишилар бу гуруҳда фаол рол ўйнайдилар ва ўз-ўзидан гуруҳда аъзоларнинг эҳтиёжларини қондиришга имконият берадиган ҳатти-ҳаракат системаси ривожланади.

Норасмий гуруҳлар расмий гуруҳлар доирасида ҳам, ундан ташқарида ҳам ташкил топиши мумкин. Биринчи навбатда, норасмий гуруҳ расмий гуруҳ ташкилотига нисбатан иккиламчи ҳисобланади. У ёки бу гуруҳ ташкилоти таркибидаги гуруҳ бўлиб қолади. Масалан, оддий ишлаб чиқариш корхонасидаги дўстлар гуруҳ — гуруҳнинг яққол кўринишидир. Иккинчи навбатда, норасмий гуруҳлар расмий гуруҳларга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлади. Улар:

- ❖ ҳудуд (территория) яқинлиги асосида (қўшнилар),
- ❖ қизиқишларнинг бир хиллиги асосида (турли хил коллекция йиғувчилар),
- ❖ психофизиологик хусусият бирлиги асосида (тенгдошлар, болаларнинг ўйин гуруҳлари),
- ❖ шахсий майл асосида пайдо бўлади.

Норасмий гуруҳ аъзолари ўртасидаги муносабатлар аниқ ифодаланган шахсий сифатларга эга. Бу алоқалар расмий гуруҳдаги алоқаларга нисбатан аъзолар учун аҳамиятлироқдир. Масалан, ишчилар гуруҳи доирасида юзага келган дўстлар муносабати фақатгина бирга ишлашлари билан эмас, бўш вақтларини кўпроқ бирга ўтказишлари, кўп учрашишлари, бир-бирига ўзаро ёрдам беришлари билан ҳам белгиланади.

Норасмий гуруҳлар мунтазам ташкилотга эга эмас, уларда расмий сайланган мартабали шахслар, низомлар, кун тартиби ва аниқ расмий мақсад бўлмайди, гуруҳда тартиб анъанага, ҳурмат ва обрў муносабатларига

асосланади. Бироқ норасмий гуруҳлар ҳар доим ўзига хос ахлоқий кодексларга эга эмас. Норасмий гуруҳлар расмий гуруҳларга қараганда анча беқарор, уларга аъзо бўлиш учун аниқ чегара йўқ.

Норасмий гуруҳларда ташкилот йўқ десак хато қилган бўламиз. Уларни бирлаштирадиган асосий омиллар бўлиб, аъзолар манфаатлари, майллари, одатлари ҳисобланади. Норасмий ташкилотнинг ўзига хос томони — унга норасмий лидернинг ва гуруҳга яқин бўлган шахсий хусусиятларнинг бўлишидир.

Агар расмий гуруҳ аъзоларининг фаолияти қайд қилинган норма ва қоидалар, ҳатто санксиялар воситасида назорат қилинса, норасмий гуруҳларда эса норасмий норма ва анъаналар ёрдамида амалга оширилади. Бу норма ва анъаналар моҳияти гуруҳнинг жипслик даражасига, унинг бошқа системалар билан муносабатига боғлиқ. Баъзи норасмий гуруҳда фаолият қоидалари бузилган тақдирда, айбдор шафқатсиз жазоланади: масалан, банда, мафияларда бундай жазо усуллари қўлланилади.

Шундай қилиб, норасмий гуруҳ деб, гуруҳ жипслигининг юқори даражаси, аъзолар алоқаларининг шахсий сифатлари, бошқа социал структуралардан мустақиллиги, гуруҳ фаолиятининг аниқ бўлмаган мақсади, норасмий назорат системаси билан характерланадиган гуруҳга айтилади. Гуруҳларни расмий ва норасмий гуруҳларга ажратиш нисбий характерга эга. Гуруҳ расмий гуруҳга айланиши мумкин. Масалан, дўстлар маълум бир ташкилот тузишлари мумкин. Бошқа томондан бир вақтнинг ўзида гуруҳ ҳам расмий, ҳам норасмий бўлиши мумкин. Масалан, синфдошлар, курсдошлар.

Бирламчи ва иккиламчи гуруҳлар. Шахснинг яқинлигига кўра, кичик гуруҳлар бирламчи ва иккиламчи гуруҳларга бўлинади. Фанга бирламчи гуруҳ терминини биринчи бўлиб америкалик социолог Ш. Кули томонидан XX асрнинг бошларида киритилган.

Бирламчи гуруҳ термини яқинлик яхши кўришлик, бевосита алоқа тушунчаларига синоним сифатида ишлатилади. Шунга боғлиқ равишда, **бирламчи гуруҳларда** муҳит самимий бўлади ва аъзоларнинг сидқидилдан ўзаро муносабатлари билан белгиланади. Мана шу хусусияти билан бирламчи гуруҳ бошқа гуруҳлардан фарқ қилади.

Бирламчи гуруҳларнинг характерли белгилари қуйидагилардан иборат:

- ❖ аъзолар сонининг камлиги,
- ❖ гуруҳ аъзоларининг ҳудудий яқинлиги,
- ❖ бевосита самимий муносабатлар,
- ❖ яшашнинг узок давом этиши,
- ❖ мақсадларнинг умумийлиги,
- ❖ гуруҳга аъзо бўлишнинг эркинлиги,
- ❖ аъзолар хатти-ҳаракати устидан норасмий назорат.

Шунга мувофиқ, «бирламчи гуруҳ термини турли кўринишдаги кичик гуруҳларни аниқлаш ва «иккиламчи гуруҳ» терминига қарама-қарши тарзда қўлланилади.

Бирламчи гуруҳ энг аввало оиладир, гуруҳни биринчи навбатда аъзоларнинг манфаатлари боғлайди.

Бундай характерга эга инсоннинг болалик ва ўсмирлик чоғидаги тенгдошлар гуруҳига ҳам эга, қўшнилар, маҳалла ҳам бирламчи гуруҳга айланиши мумкин. Бирламчи гуруҳлар расмий алоқага эга эмас. Агар бирламчи гуруҳ аъзолари ўртасида расмий алоқалар пайдо бўлса, бу гуруҳ кичик расмий гуруҳга айланганлигини билдиради.

Бирламчи гуруҳнинг шахсга таъсири катта аҳамиятга эга. Улар аъзоларининг ахлоқий томонини шакллантиради ва янгилайди, мустаҳкамлайди. Бу гуруҳларда кишиларнинг биринчи социализацияси (ижтимоийлашуви) амалга ошади, кишилар ўзларининг хислари ва хатти-ҳаракатларини жамият талабига мувофиқ келадиган тарзда шакллантиришади.

Иккиламчи гуруҳлар деб, бирор бир аниқ мақсадга эришиш учун тузилган ҳар қандай турдаги гуруҳларга айтилади, Уларда моддий алоқалар муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг фаолияти тартиб-интизом қоидалари билан бошқарилади. Умуман, иккиламчи гуруҳлар — бу катта гуруҳлардир. Баъзан бирламчи гуруҳлар ҳам иккиламчи гуруҳ бўлиши мумкин. **Иккиламчи гуруҳларга касбий, диний, сиёсий гуруҳларни киритиш мумкин.**

Референт ва аъзоли гуруҳлар. Кичик гуруҳларни ўрганишнинг жиҳатларидан бири бўлиб, «референт гуруҳ» деб аталадиган гуруҳларни таҳлил қилиш ҳисобланади. «Референт гуруҳ» термини америкалик социал психолог Мустафо Шериф томонидан киритилган. «Референт гуруҳ» термини (инглизча сўз, «мансуб бўлиш» деган маънони англатади) индивид онгли равишда қиладиган социал гуруҳларга (иқтисодий, сиёсий, маданий касбий) нисбатан ишлатилади.

Шахснинг «гуруҳ нормаларига» муносабати белгиларига мувофиқ гуруҳлар референт гуруҳлар ёки «эталонли» (ўлчовли) гуруҳларга бўлинади. Референт гуруҳлар ҳам кичик гуруҳлар, ҳам катта гуруҳлар — синф ёки ижтимоий табақа бўлиши мумкин.

«Референт гуруҳ» термини 4 хил маънода қўлланилади:

- ❖ **Индивид хатти-ҳаракати учун намуна, эталон ёки мезон бўлиб хизмат қиладиган гуруҳ.**
- ❖ **Индивид ўз ҳаракатларини шу гуруҳга йўналтирадиган гуруҳ.**
- ❖ **Индивид аъзо бўлишга интилаётган гуруҳ.**
- ❖ **Аъзоларнинг қадрият ва фикрлари бевосита шу гуруҳ аъзоси бўлмаган киши учун ўзига хос таққослаш ўлчови, социал «ўлчов доираси сифагида хизмат қиладиган гуруҳ.**

Реал ҳаётда «референт гуруҳ» назарияси шахснинг турли социал муҳитларга мослашуви жараёнида, социал ҳаракатларни ўрганишда қўлланилади.

Референт гуруҳлар реал ва идеал гуруҳларга бўлинади. Реал референт гуруҳнинг шахсга қулай социал норма ва қадриятларни эгаллаши учун эталон бўлиб хизмат қиладиган алоҳида кишилар ёки кишилар бирлигидир.

Идеал референт гуруҳ - бу маълум бир гуруҳнинг қадриятли ва норматив йўл-йўриқларини инсон онгида акс етишидир. Шахс бу гуруҳга ўз тасаввурлари ва ҳаракатлари билан мослашишига ҳаракат қилади.

Масалан, муҳандис ўзини реал ҳаётда муҳандислар гуруҳига мансуб дейиш билан бирга ўзини гуруҳ сифатида мавжуд бўлмаган маънавий “элитага”га мансуб деб ҳисоблайди.

Социал институт (лотинча – institutum, русча луғавий маъноси - установления) (ўзбекча маъноларда, биринчидан низом, қоидалар ёки уларнинг тўпламини, иккинчидан, маҳкама, муассасаларни билдиради. Социал институт тушунчаси социологияга ҳуқуқшунослик фанидан кириб келган. Юриспруденцияда социал институтлар дейилганда,- ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни идора қиладиган ҳуқуқий нормалар (меросхўрлик, мулкка эгалик, оила ва никоҳ институтлари) тушунилади.

Социал институтларни конкрет ташкилот ва гуруҳлардан фарқлаш лозим. Юзаки кўринишда, социал институт муайян вазифани бажарувчи одамлар, муассасалар, идоралар мажмуи сифатида гавдаланади. Мазмунига кўра эса, социал институт шахсларнинг конкрет вазиятларда амал қиладиган мақсадга мувофиқ, расмий ва норасмий, барқарор, стандартлашган тамойил, нормалар, ўрнашмаларини билдиради.

Социал институт, қисқача таърифда, одамлар социал ташкиллашган ва регуляция қилинадиган фаолиятларини англатади. Социал структурага кирувчи ҳар бир социал институт муайян ижтимоий аҳамиятдаги вазифаларни адо этиш учун ташкил топади, ҳар бир социал институт фаолият мақсади, унга эришишни таъминловчи конкрет вазифалар, ушбу институтга хос бўлган социал позиция ва роллар, шунингдек, мақсадга мувофиқ, керакли ҳатти-ҳаракатларни рағбатлантирувчи девиант (оғма) ҳатти-ҳаракатларга қарши қаратилган таъзияклар (санкациялар) тизими тавсифланади.

Жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий, ҳуқуқий ва ҳалқаро соҳаларига хос бўлган социал институтларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Сиёсий институтлар муайян ҳокимият мавжудлигини, иқтисодий институтлар эса моддий неъматларнинг ишлаб чиқарилишининг тақсимланишини таъминлайди. Жамиятнинг муҳим институтларидан бири – оила ҳисобланади. Унинг фаолияти (ота-оналар, ота-оналар ва болалар ўртасидаги тарбия усуллари) ҳуқуқий ва ижтимоий нормалар билан белгиланади. Бундан ташқари жамиятда бир қатор ижтимоий-маданий институтлар (маориф, соғлиқни сақлаш тизимлари, маданий-тарбиявий муассасалар, фан, дин институтлари) амал қилади.

Ижтимоий институтлар ижтимоий муҳит билан ўзаро таъсирда бўлади. Бу ўзаро таъсир нормал тарзда, шунингдек, норманинг бузилиши шароитида ҳам бўлиши мумкин. Ҳар қандай реал жамиятда норматив тартиботга бўйсунмайдиган аномик ҳодисалар бўлиш табиийдир.

Амал қилиш доираси ва вазифаларига қараб социал институтларнинг қуйидаги кўринишларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ❖ **Реляцион институтлар.** Бу институтлар жинс ва ёшдан тортиб то касб-машғулоти тури ва қобилияти мезонларига асосан жамиятнинг ролга оид таркибини аниқлаб беради.
- ❖ **Регулятив (идора этиш) социал институтлари.** Бу институтлар шахсий мақсадларнинг жамиятда амал қилиб турган нормаларига дахлсиз ҳолда амалга ошириш чегараларини ва бу чегарадан чиқиб кетилганда қўлланиладиган санкцияларни (бунда социал назоратнинг ҳамма механизмлари ҳам кириб кэтади) белгилаб беради;
- ❖ **Интегратив (уйғунлаштирувчи) социал институтлар.** Бу институтлар бир бутун тузумга жамият манфаатларини қондиришга масъул бўлган социал ролларни ифодалайди.
- ❖ **Анъанавий ижтимоий институтлар.** Бу институтлар одат, маросимлар ва қариндош-уруғчилик томонидан қатъий белгиланган нормалар билан боғлиқдир.

Маданий социал институтлар: дин, санъат, адабиёт билан боғлиқ.

Социал институтларнинг бажарадиган асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

- ❖ бошқариш,
- ❖ назорат,
- ❖ ҳимоя ва ҳавфсизликни таъминлаш,
- ❖ ишлаб чиқариш, тақсимот ва истеъмол қилиш,
- ❖ жамият аъзоларини такрор ишлаб чиқариш, қайтадан тиклаш,
- ❖ социализация (индивидга ижтимоий аҳамиятли бўладиган қадрият ва нормаларни етказишнинг турли хил шакллари),
- ❖ тартибга риоя қилиш ва ахлоқни сақлаб туриш.

Жамият тараққиётнинг ҳар бир босқичи унга мос бўлган муайян социал институтлар амал қилишини тақазо этади. Ҳозирги замон цивилизацияси томон қадам ташлаётган мустақил мамлакатимизда янги мақомга монанд бўлган социал институтлар шаклланиши жараёни рўй бермоқда. Булар иқтисодий соҳада – бозор иқтисодиёти амал қилишига хизмат қиладиган социал институтлар, сиёсий соҳада – демократик ҳокимият турли бўғинлари фаолиятини таъминловчи социал институтлар, жамият барча жабҳаларига янги жамият тарзига ҳозирловчи турли хил социал институтлардир. Президент И.А.Каримов изчил тадбиқ қиладиган концепцияга мувофиқ, янги социал институтлар анъанавий социал институтларга мутлақо қарама-қарши қўйилмасдан, балки жамиятимизнинг ўтмиши, ҳозирги ва келажаги ворислигини таъминлашга хизмат қиладиган, жамиятдан бегоналашмаган, мамлакатимиз минтақасига мос келадиган социал институтлар фаолиятига йўл очиб берилмоқда.

Социал институтлари сингари социал тизим амал қилишини таъминлайдиган ижтимоий структуранинг асосий «ҳужайра»ларидан бири социал ташкилотлардир. Социал институтлардан фарқли равишда, **социал ташкилотлар одамларнинг иш жараёнида муайян вазифаларни бажаришдаги ихтиёрий ёки мажбурий уюшмаси тушунилади.**

Социал ташкилотнинг бошқа социал гуруҳлашувлардан фарқи уни ташкил этувчи индивидлар қатъий равишда муайян социал роль ва позицияларни ижро этишларидадир. Социал ташкилотлар индивидларнинг эҳтиёж ва манфаатларининг маълум бир қатъий меъёрида қондирилишига хизмат қилади.

Социологияда махсус йўналиш социал ташкилотлар икки бўлади: **расмий ва норасмий ташкилотлар** ажратилади. Расмий ташкилот махсус маъмурий аппаратга эга бўлади. Бу маъмурий аппаратнинг асосий вазифаси – ташкилот мавжудлигини таъминлаш. Бундай индивид биринчи навбатда шахс эмас, балки махсус социал ролни ижро этувчи ташкилотнинг бўлагидир. Ташкилот нечоғлик катта ва мураккаб бўлса, маъмурий аппарат ҳам шу даражада мураккаб вазифаларни бажаради. Ташкилотнинг бюрократлашув даражаси маъмурий муаммоларни ҳал қилиш учун сарфланадиган кучлар билан ташкилот мақсадига эришиш учун сарфланадиган кучлар миқдорларининг нисбатига боғлиқдир. Айрим ҳолларда маъмурий мақсадлар ташкилотнинг асл мақсадларини мутлақо четлаштиришлари ҳам мумкин. Бундай ҳол ташкилотда жамиятга эмас, балки ўз-ўзига хизмат қилишга «бепарволик»ка олиб келади.

Социал ташкилотларда қатъий бюрократик тамойилларга асосланган ташкилий иерархик (ташкилот аъзоларининг бир-бирига нисбатан босқичма-босқич расман тобеликда) муносабатлардан ташқари норасмий муносабатлар ҳам мавжуддир. Бу муносабатлар қатъий маъмурий қоидалар тизими шароитида ташкилот самарадорлигини оширади ва қуйидаги ижобий вазифаларни бажаради: иш вазифасига кўра бўйсинувчи индивидлар ва мансабдор шахслар ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган зиддиятларни юмшатади, ташкилот аъзоларининг бирдамлигини мустаҳкамлайди, шахсий кадр-қиммат ҳиссини сақлаб қолади.

Социологияда ташкилотларни таҳлил қилишда уч асосий ёндашувни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ❖ **рационал ёндашув,**
- ❖ **табиий ёндашув ,**
- ❖ **норационал ёндашув.**

Рационал ёндашув нуктаи назаридан ташкилот «асбоб» аниқ қўйилган мақсадларга эришиш воситаси деб қаралади. Ташкилот бу ҳолда бир-бирларини алмаштиришлари мумкин бўлган, лекин бу билан ташкилотнинг бутунлигига, яхлитлигига дахл этмайдиган алоҳида мустақил бўлақлар йиғиндиси, мажмуи деб қаралади. Рационал ёндашув кўп ҳолларда ташкилотда мавжуд бўлган норасмий муносабатларни инобатга олмайди.

Рационал ёндашув фарқли ўлароқ, **табиий** ёндашув тарафдорлари ташкилотни «табиий бутунлик», ўзига хос организм сифатида ўрганадилар. Бу организм учун табиий ўсиш, ўз мавжудлигини давом эттириш ва тизим мувозанатини сақлаб қолишга интилиш хосдир. Бу нуктаи-назарга кўра, ташкилот қўйилган мақсадларига эришгандан кейин ҳам ўз мавжудлигини давом эттириши мумкин. Асосий вазифа ташкилотдаги мувозанатни

таъминлашдир. Ташкилотга табиий ёндашувда норасмий муносабатларга кўпроқ эътибор берилади.

Ҳар икки ёндашувнинг ижобий томонларини қўшишга интилиш натижасида янги ёндашув — ташкилотнинг нораціонал модели вужудга келди. Ғарб социологиясида Блау, Гоулднер ва бошқалар рационал ва табиий ёндашувни қўшишни, ташкилодаги рационаллик ва норасмий муносабатларни уйғунлаштиришни ёқлаб чиқишди.

Ҳар бир ижтимоий гуруҳ, айрим олинган шахс, ҳам жамият ижтимоий таркибида ўз ўрнига эга бўлади. Шахс ўзининг жинси, ёши, ижтимоий келиб чиқиши, маълумоти, мутахассислиги, оилавий аҳволи, миллати ва бошқа шу кабилар билан муайян ижтимоий таркибига киради.

2.Оила -социал институт.

Оила социал институт сифатида социология фанининг тармоқ соҳаларидан(йўналишларидан) бири бўлган оила социологиясининг объектидир.

Оила социологияси — социологиянинг асосий йўналишларидан бўлиб, бу фан оилани никоҳ асосида ташкил топган, жамият тараққиётида муҳим ижтимоий вазифаларни бажарувчи социал институт сифатида ўрганади. Оила социологиясининг алоҳида ўз вазифалари мавжуддир. Уларга:

- ❖ жамият тараққиёти давомида оиланинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва мавжудлик қонуниятларини ўрганиш,
- ❖ оиланинг моҳияти ва фаолияти ўзгариб боришини аниқлаш,
- ❖ никоҳ ва оила турлари эволюциясини ўрганиш,
- ❖ оилани ташкил топиши ва тараққётида авлодларнинг ўзаро таъсирини аниқлаш,
- ❖ оила тарбияси,
- ❖ оиланинг рекреатив фаолиятининг ва оила ҳуқуқининг ижтимоий моҳиятини очиқ бериш,
- ❖ меҳнат тақсимоотида оила ўрни,
- ❖ оиладаги муаммоларни, ажралиш сабабларини ўрганиш кабилар киради.

Оила социологияси оиланинг табиий биологик, никоҳ, қариндошлик, маънавий, иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар асосида инсонларни бириктирувчи жамиятнинг кичик бир бўлаги сифатида ўрганар экан, унинг жамият билан ўзаро боғлиқлигига асосий эътиборини қаратади. Шунки жамият ташкил топишида унинг давомийлигини таъминлашда оила асосий ижтимоий, демографик манба ҳисобланади.

Инсоннинг дунёга келиши, янги авлод пайдо бўлиши — авлодлар алмашуви асосан оилада содир бўлади. Фарзанд туғилиб, камолга этиб, шахс сифатида шакллангунга қадар лозим бўлган барча таълим, тарбия оила муҳитида берилади. Инсоннинг ота-она, қариндош-уруғига, қарияларга, атроф-муҳитга ва табиатга бўлган муносабатлари дастлаб оилада шаклланади. Шу билан бирга оила урф-одатларини, қадриятларини авлоддан-авлодга етказувчи социал институт ҳисобланади.

Оила асосини эркак билан аёл ўртасидаги никоҳ бирлиги ташкил этади. Оила фақатгина эркак билан аёл муносабатини эмас, эр билан хотин, ота-оналар билан болалар муносабатини ифодалайди. Оила жамият бағрида ташкил топди, тараққий этиб борар экан, ўзи ҳам ана шу жамиятнинг кичик бир бўлаги сифатида намоён бўлади. Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар оила тараққиётига таъсир этади. Оиладаги таълим-тарбия хусусиятлари эса жамиятда ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам оила ва жамият ўзаро боғлиқ ҳолда тараққий этиб, ривожланади.

Оила тараққиёти қуйидаги уч йўналишда боради:

1. Оиланинг демографик тараққиёти.
2. Оиланинг ижтимоий тараққиёти.
3. Оиланинг иқтисодий тараққиёти.

Оиланинг демографик тараққиёти - деганда оиланинг миқдори, шаклланиш ва демографик таркиби (Оиланинг, оилада яшаётган кишилар миқдorigа қараб гуруҳларга бўлиниши) маълум даврларда ўзгариб бориши тушунилади.

Оиланинг ижтимоий тараққиёти - эса оила аъзоларининг маълумотлилиги даражаси, ижтимоий мавқеи, саломатлиги борасида ўзгариши, ҳамда уларнинг таълим-тарбия, урф-одат, фан ва маданият, табиатга ва жамиятга бўлган муносабатларини такомиллашиб боришидир.

Оиланинг озиқ,-овқат, кийим-кечак, уй жой ва бошқа яшаш учун зарур бўлган нарсалар билан таъминлашиш даражасининг ўзгариб бориши унинг **иқтисодий тараққиёти**ни белгилайди.

Кўриниб турибдики, оила ўз моҳияти билан жамият ҳаётида турли қирраларини акс эттиради. Шунинг учун ҳам оила қатор фанларнинг ўрганиш мавзусидир. Буларга этнографик, демографик, психология, педагогика, тиббиёт, ҳуқуқ, иқтисодиёт, тарих ва социология фанлари киради.

Улар оила вазифаларини ва тараққиёт йўналишларининг алоҳида томонларини ўрганадилар. Масалан, иқтисодиёт оила жамият тараққиётида истеъмолчи гуруҳ сифатида ўрганса, этнография оиладаги урф-одатлар қадриятларни этник кўламда ўрганади, демография эса

асосий эътиборини оиланинг энг муҳим вазифаси бўлмиш авлод давомийлигини таъминлашга қаратади. Оила социологияси эса юқорида қайд этилганидек оилани жамият тараққиётида муҳим вазифаларини, жамият тараққиётида, муҳим вазифаларни бажарувчи социал институт сифатида ўрганади. У ўз тадқиқоти давомида оилани ўрганувчи барча фанлар олиб борган тадқиқот натижаларидан кенг фойдаланади ва улар билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланади.

Маълумки, оила пайдо бўлганидан то ҳозирги даврга қадар унинг турлари ва ижтимоий-демографик таркиби мунтазам ўзгариб борди. Оила турлари ва таркибида содир бўлган ўзгаришлар ва уларга таъсир этувчи омилларни жамият тараққиётининг ҳар бир босқичлари учун алоҳида ўрганиш ҳам оила социологиясининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Оила социологиясининг асосий йўналишларидан бири оиланинг моҳияти ва фаолиятини ўрганишдир.

Оила моҳияти унинг фаолияти, яъни у **бажараётган вазифалар** билан белгиланади. Оиланинг вазифалари:

- ❖ репродуктив (авлодни дунёга келтириш);
- ❖ фарзандларни тарбиялаш, уларни ўзаро табиатга, жамиятга бўлган муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш,
- ❖ оила аъзоларининг дам олишини ташкил этиш,
- ❖ саломатлигини сақлаш ва тиклаш,
- ❖ иқтисодий вазифаси (оила аъзоларини озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа яшаш учун зарур бўлган воситалар билан таъминлаш).
- ❖ ҳимоя қилиш,
- ❖ самимий мулоқот, юксак ахлоқий тамойилларга асосланган муносабатларда бўлиш,
- ❖ болаларни оила куришга тайёрлаш,
- ❖ қариялар тўғрисида ғамхўрлик қилиш.

Оила социологияси оила вазифаларини турли тарихий даврларда, ижтимоий гуруҳларда, халқларда, давлатларда бажарилиши омиллари ва хусусиятлари оила вазифаларига бўлган муносабатларни ҳам атрофлича ўрганади. Оиланинг энг муҳим вазифаси бу **фарзандларнинг туғилиши**, яъни жамият давомийлиги таъминловчи янги авлод яратишдир. Туғилиш дунёдаги турли халқларда турлича кўрсаткичларга эга.

Ер шари бўйлаб туғилишнинг ўзаро фарқ қилиши аввало мамлакатлар аҳолисининг моддий ва маданий турмуш даражаси, асрлар давомида шаклланиб, сақланиб келган урф-одатларига, динига боғлиқдир. Булардан ташқари туғилишга аҳолининг жинсий ёши бўйича тақсимлаши, никоҳ ва ажралиш жараёнлари, тиббиётнинг ривожланиш даражаси, шунингдек ҳар бир давлат томонидан олиб

борилаётган демографик сиёсат ҳам таъсир этади. Юқорида келтирилган маълумотлар таъсирида оиланинг болага бўлган талаби, жамиятнинг болага бўлган талаби, ўзгариб боради. Оила социологияси жамият тараққиётининг ҳар бир босқичларида, дунёга барча халқлар ва давлатлар миқёсида туғилишнинг ўзгариб боришига оиланинг болага бўлган эҳтиёжига таъсир этувчи омилларни, аҳолининг турли деморафик ва ижтимоий гуруҳларининг ҳамда эр-хотиннинг оилада фарзандлар миқдорида бўлган муносабатларини социологик тадқиқотлар ўтказиш йўли билан аниқланиб беради.

Оиланинг бугунги шаклида оила аъзолари бир-бирлари билан умумий турмуш, иқтисодий-мулкӣ, маънавий-ҳуқуқӣ, психологик муносабатлар, ўзаро жавобгарлик ҳис-туйғулари билан боғланиб турадилар. Оилада ҳар бир оила аъзоларининг ўз ижтимоий ўрни бордир.

Маълумки оиланинг асосини — ядросини эр-хотин ташкил этади. Ундан ташқари оилада эр-хотин фарзандлари билан бирга уларнинг ота-оналари, ака-укалари ва бошқа қариндош-уруғлари ҳам бирга яшашлари мумкин. Оила муҳити, унинг жамоада тутган ўрни оила аъзоларига, уларнинг хулқ-атворларига бевосита боғлиқдир. Айниқса оила муҳитида аёлнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам оила аъзоларининг оилага, атроф-муҳитга ва ўзаро муносабатларини ўрганиш ҳам оила социологиясининг вазифаларидан биридир.

Оиланинг ташкил топиши, шаклланиши ва ривожланишида **демогарфик вазият муҳим аҳамиятга эгадир**. Оиланинг ижтимоий-демографик таркиби ва унга таъсир этувчи ижтимоий омилларни ўрганиш ҳам оила социологияси ўрганадиган муҳим масалалардан ҳисобланади, Оиланинг ижтимоий-демографик таркиби деганда, оилада яшаб келаётган кишиларнинг никоҳ қондошлик-қариндонлик муносабатлари, ижтимоий гуруҳлари ва миқдори асосида турларга бўлиниши тушунилади. Оиланинг энг кўп тарқалган ижтимоий, турли нуклеар оддий оила бўлиб, унда эр-хотин никоҳга кирмаган, яъни турмуш қурмаган фарзандлари билан яшайди. Агар бирорта фарзанд турмуш қуриб, шу оилада бирга яшаса, унда бу оила кенгайган ёки мураккаб оилага айланади. Мураккаб оилада икки ёки ундан кўп оддий оилалар, 3 ва ундан кўп авлод вакиллари истиқомат этишади. Маълумки, оиланинг асосини - ядросини эр-хотин ташкил этади. Агар оилада эр-хотин мавжуд бўлса, яшаса, унда оила тўла, тугал оила, уларнинг бири оилада яшамаса (бўлмаса), тугалмас оила ҳисобланади. Ундан ташқари оилада эр-хотин фарзандлари билан бирга уларнинг ота-оналари, ака-укалари ва бошқа қариндош-уруғлари ҳам бирга яшашлари мумкин. Ана шундай ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда оилани қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Эр-хотин болалари билан ёки боласиз яшайдиган оилалар;
2. Эр-хотин, болалари ёки боласиз, ота-оналарининг фақат биттаси билан яшайдиган оилалар;
3. Эр-хотин, болалари ёки боласиз, ота-оналарининг фақат биттаси (ёки уларсиз) ва бошқа қариндошлари билан яшайдиган оилалар;
4. Икки ёки ундан ортиқ. оддий оила (никоҳ жуфтлари)болалари билан ёки боласиз, ота-оналарининг бири (ёки уларсиз)ва бошқ қариндошлари билан (ёки уларсиз) яшайдиган оилалар;
5. Она ва болалар билан яшайдиган оилалар;
6. Ота ва болалар билан яшамайдиган оилалар;
7. Она-болалар ва онанинг (ёки отанинг) ота-оналаридан бири яшайдиган оилалар;
8. Ота-болалар, отасининг (ёки онасининг) ота-оналаридан бири билан яшайдиган оилалар;
9. Бошқа оилалар.

Оила унинг аъзоларининг ижтимоий гуруҳларига қараб ҳам турларга бўлинади;

1. Оила аъзолари бир хил ижтимоий гуруҳга мансуб оилалар.
2. Турли гуруҳга мансуб оилалар:

Оилаларнинг оила аъзолари миқдорига қараб турларга бўлиниши унинг демографик таркибини ташкил этади. Ўзбекистон учун шартли равишда оиланинг 3 та демографик турга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

1. Кичик оилалар — 2—4 киши истиқомат этувчи оилалар;
2. Ўрта оилалар — 5—6 киши истиқомат этувчи оилалар;
3. Катта оилалар — 7 ва ундан ортиқ кишилар истиқомат этувчи оилалар.

Оила социологияси ўрганадиган навбатдаги демографик жараён бу **никоҳдир**. Маълумки, оила никоҳдан бошланади. Никоҳ жамият тараққиётининг маълум босқичида пайдо бўлди ва қатор ижтимоий-иқтисодий омиллар, дин, урф-одатлар, қадриятлар таъсирида шаклланиб боради. Никоҳ ва унинг турлари, тарихий эволюцияси, унинг турли халқлар ижтимоий гуруҳлар, ҳудудлар бўйича хусусиятларини, никоҳ. қонуниятларини, оилада меҳнат тақсимотини ва ёшларни никоҳга психологик, иқтисодий томонидан тайёрлаш ва аҳолини никоҳга бўлган муносабатларини ўрганиш ҳам оила социологиясида муҳим аҳамиятга эгадир.

Оила таркибида ҳамда ривожланишига бевосита таъсир этувчи демографик омиллардан яна бири — никоҳнинг бекор этилиши, яъни **ажралишдир**. Маълумки, оилада эр-хотиннинг ажралиши биринчи навбатда оиланинг таркибига таъсир этади. Оила тугал оиладан, тугалмас оилага айланади. Оилада фарзандлар туғилиши маълум

даражада камаяди. Бу эса, ўз навбатида, оилани давом эттирувчи авлод яратилишига, оиланинг такрор барпо бўлишига салбий таъсир этади. Оила социологияси мустақамлигига салбий таъсир этувчи ажралиш жараёнини ўрганар экан, унинг сабабларини турли тарихий даврларда, давлатларда, халқларда ва ижтимоий гуруҳлардаги хусусиятларини очиб беради.

Аҳоли миграцияси ҳам оиланинг ижтимоий-демографик таркибига таъсир этувчи омиллардандир. Инсоннинг бир ижтимоий-иқтисодий муҳитдан иккинчи ижтимоий-иқтисодий муҳитга ўтиши (масалан, шаҳардан қишлоққа, қишлоқдан шаҳарга кўчиши), унинг оилага бўлган демографик, ижтимоий-иқтисодий муносабатларига таъсир этади.

Маълумки, **оила пайдо бўлиб то тугагунга қадар бир қанча босқичлардан ўтади.** Улар оиланинг ташкил топиши (никоҳга кириш) биринчи фарзандни туғилиши (фарзанд кўриш фаолиятини бошланиши), охириги фарзанд туғилиши (фарзанд кўриш фаолиятини тугалланиши), охириги фарзандни оилалаи бўлиши, оиласини ташкил этган эр ёки хотинни дунёдан кўз юмиши (оиланинг тугалланиши). Юқорида келтирилган жараёнлар оиланинг ҳаётий даврлари бўлиб, оила давомийлигиги мунтазам қайтарилиб туради. Ушбу даврларнинг ҳар бирини ўзига хос хусусиятларини, ижтимоий-иқтисодий муаммолари мавжуддир. Ана шу муаммолар ҳам оила социологиясининг ўрганиш доирасига мансубдир.

Оила тарбияси масалаларини ўрганиш ҳам оила социологиясида кенг ўрин олгандир. Оила тарбияси оилада ота-оналар, катта кишилар томонидан болаларни тарбиялаш бўлиб, ёш авлодни ҳар томондан ривожланишида муҳим аҳамиятга эгадир. Оила тарбиясида оилавий тартиб, оила аъзоларининг бир-бирига муносабати, ота-она ва катта кишиларнинг ҳулқ-атвори, маданий ва сиёсий савияси, оила бюджети, шароити асосий омил ҳисобланади.

Оила ҳуқуқи ҳам оила социологияси томонидан ўрганилиб, унда асосий эътибор никоҳ, қариндошлик, болаларни фарзандликка ва тарбияга олишдан келиб чиқилган муносабатларни, никоҳга кириш муносабатларини, эр-хотин, ота-она билан болалар ва оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги шахсий ва мулкый ҳомийлик, васийликдан келиб чиқадиغان муносабатларни ҳамда никоҳнинг бекор қилиниши билан боғлиқ масалаларни ўрганишга қаратилади.

Оила социологияси қатор ижтимоий ва табиий фан йўналишлари билан узвий алоқада тадқиқот ўтказади ва ривожланиб боради. Буларга психология, демография, этнография, тарих, ижтимоий география, сиёсацхунослик, аҳоли социологияси, туғилиш социологияси, ўлим

социологияси, миграция социологияси, никоҳ социологияси, математика, статистика, экология каби фанлар кирази.

Оила социологияси ўз тадқиқотларида социологик тадқиқотлар ўтказиш, тарихий таққослаш, статистик ва математик усуллардан фойдаланади.

Оила социологияси фан йўналишининг тадқиқот натижалари оиланинг келажак истиқболини аниқлашда, давлат томонидан оила ва никоҳ мустақамлигини таъминловчи қонун ва тадбирлар жорий этилишида илмий асос ва йўлланма сифатида қўлланилади.

3.Давлат ва жамиятнинг сиёсий тизими.

Абу Наср Фаробий ўзининг “Фозил шаҳар аҳли қарашлари ҳақида китоб”, “Сиёсат ал – мадания” каби асарларида олийжаноб жамиятнинг сиёсий тизими, давлат, адолатли тузум, одил ҳукмдорлар ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини баён қилган. У давлатни ижтимоий тизимни бошқарувчи ташкилот деб, уни муваффақиятли бошқариш эса кўп жиҳатдан давлат бошлиғи, ҳокимнинг характериға, фазилатлариға боғлиқ деб билган. “Фозил шаҳрининг биринчи бошлиғи”, деб таъкидлайди Фаробий, - шу шаҳар аҳолисиға имомлик қилувчи оқил киши бўлиб, у табиатан ўн иккита ҳислат фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур дейди.

Жамиятнинг сиёсий тизими қуйидагилардан ташкил топган:

- ❖ давлат,
- ❖ сиёсий партиялар,
- ❖ ижтимоий ҳаракатлар,
- ❖ оммавий ахборот воситалари,
- ❖ халқаро ташкилотлар.

Улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ.

Давлат бошқарув аппарати бўлиб, ўз тузилишиға эға. Унинг асосий белгилари қуйидагилар:

- ❖ ҳудуди, аниқ белгиланган чегаралари билан,
- ❖ аҳолиси,
- ❖ пул бирлиги,
- ❖ тили,
- ❖ армияси,
- ❖ солиғ ва божхонаси,
- ❖ рамзлари,
- ❖ хавсизлиғни таъминлаш химати.

Социология фанининг муҳим тармоқ йўналишларидан бири бўлган сиёсат социологияси жамиятнинг сиёсий тизимини илмий-назарий ва амалий ўрганади.

Сиёсат социологияси қуйидаги масалаларни талқик этади:

- ❖ сиёсат, давлат ҳақидаги назарияларни,
- ❖ давлатнинг пайдо бўлиш тарихини, турларини, вазифаларини ролини
- ❖ сиёсий етакчиларнинг фаолиятини,

- ❖ сиёсий жараёнларга таъсир этувчи омилларни,
- ❖ давлатларнинг олиб борган ва бораётган ички ва ташқи сиёсатларини,
- ❖ сиёсий жараёнларда сиёсий партияларнинг фаолиятини,
- ❖ жамият ҳаётида нодавлат ва нотижорат ташкилотларнинг ўрни,
- ❖ сиёсий жараёнларда ижтимоий ҳаракатларнинг роли,
- ❖ Ўзбекистонда маҳалла институтининг роли ва аҳамияти,
- ❖ давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнларини,
- ❖ халқаро ташкилотларнинг фаолияти.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2010 йилнинг ноябрь ойида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да қуйидаги устувор йўналишларни белгилаб берди:

- ❖ давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш,
- ❖ суд-ҳуқуқтизимини ислоҳ этиш,
- ❖ ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш,
- ❖ сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш,
- ❖ фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш,
- ❖ демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш.

4. Иқтисодий институтлар, уларнинг кўринишлари ва вазифалари.

Иқтисодий институтлар кўринишлари:

- ❖ меҳнат,
- ❖ меҳнат жамоалари: фермер хўжаликлари, маҳсулот ишлаб чиқарувчи фирмалар,
- ❖ мулк,
- ❖ бозор,
- ❖ савдо-сотиқ,
- ❖ маош,
- ❖ банк,
- ❖ биржа,
- ❖ менеджмент,
- ❖ маркетинг,
- ❖ солиғ ташкилотлари,
- ❖ божхона ташкилотлари.

Иқтисодий институтлар қуйидаги вазифаларни бажарадилар:

- ❖ жамият аъзолари учун зарур бўлган сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш,
- ❖ маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва уларни истеъмол қилувчилар манфаатларини, талабларини қондириш,

- ❖ иқтисодий тизим ичида ижтимоий – иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш,
- ❖ назорат ҳамда тартибни сақлаш,
- ❖ налқаро иқтисодий алоқаларни амалга ошириш,
- ❖ маҳсулот айрбошлаш ва сотиш,
- ❖ тайёр маҳсулотларни сақлаш.

Иқтисодий институтлар иқтисод соқиологиясининг тадқиқот объектидир.

Иқтисод соқиологияси фан сифатида XX асрнинг 50 йилларининг ўрталарида АКШда шаклланиб, дастлаб тор доирадаги олимларни кизикриган бўлса, эндиликда бу фан жуда тарққий этган ва унинг муаммолари тадқиқот билан кўпгина мамлакатлар олимлари жиддий шуғулланадилар.

Ҳозирги даврда бу фан ҳам ғарбда, ҳам шарқда соқиологик билим тарққийетининг марказий йуналишларидан бири ҳисобланади. Иқтисод соқиологияси предмети бу одамлар ва жамиятни эҳтиёжлари учун товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги фаолиятини социал муносабатини ўрганувчи фандир.

Иқтисод соқиологияси-одамларни маданий ва маънавий эҳтиёжларининг қондириш учун юзага келган иқтисодий муносабатларини ўрганадиган фан. Иқтисодий муносабатни ташкил этишда иштирок этадиган социал муносабатларнинг ўрни ва роили аниқлайди ва белгилаб беради.

Иқтисод соқиологияси ўрганадиган масалаларни қуйидаги йўналишларда кўрсатиш мумкин:

инсонни ҳаётий эҳтиёжларни ва уларни қондирш йўллари.

иқтисодий муносабатни шаклланиши учун зарур булган социал шарт-шароитлар.

жамиятининг истиқболини яъни келажагини ривожлантириш учун инсон билан иқтисодиётни манфаатини бир-бирига мувофик келтиришида ҳал қилувчи роль ўйнайдиган омилларни топиш.

Ҳозирги кунда ижтимоий фанлар қаторида, хусусан “Соқиология” фани олдида шаклланиб келаётган янги ижтимоий муносабатлар ва унинг хусусиятлари, бозор муносабатларига ўтиш жараёни ҳамда унинг келгусидаги ижтимоий оқибатларини, меҳнат муносабатларининг янги шароитидаги ўзига хос жиҳатларини ўрганиш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Соқиология ва унинг махсус назарияси- меҳнат соқиологияси доирасида бу муаммоларнинг ҳам назарий, ҳам амалий томонлари ўзаро деалектик боғлиқ ҳолда олиб қаралиши лозим. Меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган жамият ҳаётининг барча жиҳатлари, жараёнлари конкрет соқиологик тадқиқот асосида ўрганилади.

Ўзбекистон давлати иқтисодий асосларини, уларнинг тарққийбий функционал қатламини меҳнат соқиологияси доирасида ўрганиш муаммоси ҳозирги куннинг энг муҳим масалаларидан биридир. Соқиологиянинг бу махсус назарияси меҳнат соҳасидаги тадқиқотларнинг хусусий принциплари, категориялари ва усулларидан фойдаланади. Меҳнат соқиологиясининг

таркиб топиши ва ривожланиши ғарб социологияси билан марксистик социологияда деярли бир даврда – XX асрнинг 20-йилларидан бошланди. АҚШда меҳнат социологияси Ф.Тейлор, Э.Мейо, К.Левин, Дж.Морено, Ф.Херцбергларнинг социологик концепциялари асосида шаклланиб, ўзининг юксак илмий даражасига эришди.

Россияда эса шу даврдан бошлаб академик С. Г. Струмилин, академик В. М. Бехтерев, А. К. Гастев, П. М. Корженцев, О. А. Ерманский, Н. А. Вейке, В. В. Добринин, Э. К. Дрезин каби йирик олимларнинг илмий тадқиқот ишчилари билан марксистик асосдаги меҳнат социологияси ривожланди.

АҚШда ва Ғарбий Оврўпада меҳнат социологиясига эътиборнинг ортишига, асосан Россия ва бир қатор Оврўпа мамлакатларида рўй берган ижтимоий инқилобларнинг содир бўлиши, меҳнаткашларнинг мавжуд сиёсий-иқтисодий тузумга қарши бош кўтариб чиқиши ва синфий курашнинг ортиши сабаб бўлди. XX асрнинг 20-йилларида бир қатор капиталистик мамлакатларда бир неча бор такрорланган, иқтисодий инқирозлар эса сиёсий вазиятни янада кескинлаштириб қўйган эди.

қандай бўлмасин сиёсий вазиятни юмшатиш ва иқтисодий тангликдан чиқиш муаммоси мавжуд капиталистик ижтимоий-иқтисодий тузумнинг ҳаёт мамот масаласига айланиб қолди.

Буларнинг барчаси эски ишлаб чиқариш муносабатларини ислоҳ қилиш йўли билан, тадрижий суратда янгиланиб бориш, яъни замонавий меҳнат муносабатларининг таркиб топишига олиб келди. Меҳнат социологияси худди шу тарихий миссияни бажаришга хизмат қилди. АҚШда меҳнат социологияси асосан бошқарув социологияси доирасида ўрганиб келинди. Ғарбий Оврўпа мамлакатларида эса алоҳида фан сифатида ўрганилиб келинмоқда.

XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб ғарб меҳнат социологияси доирасида меҳнатни гуманизациялаш тенденцияси ўрганила бошланди. Меҳнат шароитини яхшилашга кўпроқ эътибор берилди. Ғарб социологларининг фикрича, меҳнат инсонга азоб-уқубат эмас, балки, ҳузур бағишлаши керак. Бу тамойил айниқса бизда, келажаги буюк давлат куриш йўлида янада муҳим аҳамият касб этмоғи лозим. Ҳозирги ўтиш даврининг асосий вазифаларидан бири “... сермахсул меҳнат қилиш учун яхшироқ рағбат билан имкониятлар яратишдан, иқтисодий йўл танлаш ва фаолият кўрсатиш эркинлигига бўлган кафолатли ҳуқуқни қарор топтиришдан, аҳолининг меҳнат ва ижтимоий фаоллигини оширишдан ҳам иборатдир”

Бу йўлда, меҳнат социологиясининг муҳим вазифаларидан бири меҳнат унумдорлигини оширувчи социологик омилларни ва захираларни таҳлил қилиб ўрганишдан иборатдир. Унинг асосий ижтимоий вазифаларидан яна бири, жамият ҳаётида, халқ ҳўжалигидаги иқтисодий муносабатларни, меҳнат соҳаси билан боғлиқ бўлган барча ижтимоий муносабатларни ўрганишни ўз ичига олади.

Меҳнат социологияси қуйидаги асосий ижтимоий муносабатлар жараёнини ўрганади: ишлаб чиқариш воситаларига ва мулкка бўлган муносабатлар, меҳнат кооперацияси ва тақсмоти, бажарилаётган

меҳнатнинг шароити ва мазмуни, меҳнат турларининг ўзгариши, меҳнатга қараб тақсимлаш, жамият аъзоларининг ижтимоий фойдали меҳнатга бўлган эҳтиёжларининг ўсиб бориши, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат шароити ва турмуш тарзига қараб, турли ижтимоий шарт-шароит ва омиллар таъсирида меҳнат хулқининг ўзгариб бориши, меҳнат хулқи мотивлари ва типлари, шахсий даромадларнинг миқдори ва уни олиш йўллари, меҳнат кадриятлари ва бошқалардир. Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Бозорга ўтиш дастурини рўёбга чиқаришдаги ижтимоий таянчлардан бири, биринчи навбатда, жамиятнинг ижтимоий фаол қатламларидир. Шу боис ислохотлар иккинчи босқичининг энг муҳим вазифаси ҳар бир киши меҳнатининг қадрини ошириш, унинг ижодий фаолият кўрсатиш имкониятларини номоён этиши учун шароит яратишдан иборат. Ҳар бир кишининг иқтисодий эркинлигини унинг ўз муваффақияти ҳамда ўз оиласининг фаровонлиги учун иқтисодий масъуллиги билан қовуштириб боришга асосланган иқтисодий муносабатларни қарор топтириш керак. Ўз ижодий қобилиятлари ва имкониятларига таянишни назарда тутган муносабатлар ҳар бир киши фаровонлигининг муҳим ва ягона манбаидир”.

Меҳнатнинг ижтимоий шакллари ва шарт - шароитлари

Умумий меҳнат ўзида мураккаб тузилишни ифодалайди. Бунинг натижасида у тўла фанлар қаторида ўрганиш мавзуси бўлиб ҳисобланади. Меҳнат социологиясини таҳлил қилишнинг бир неча йўналишлари мавжуд: бизнес, ишлаб чиқариш ва ҳоказоларни бошқаришнинг тузилиши ва иерархиясини ўрганувчи ташкилотлар социологияси; у ёки бу фаолиятнинг афзалликларини ўрганувчи касблар социологияси, қимматбаҳо ориентациялар, касбга лаёқатлилиқ ва бошқалар; меҳнат фаолияти ижтимоий жараён сифатида; меҳнат унумдорлигини оширувчи ижтимоий омиллар; технологик ва ижтимоий шароитларнинг меҳнат муносабатларига таъсири ва ҳоказо.

Ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назаридан меҳнат инсонларнинг табиатга тўғридан-тўғри таъсири жараёнидан иборат бўлиб, унинг натижасида истеъмол баҳоси, моддий ва маънавий манфаат пайдо бўлади. Меҳнат «шундай жараёнки, унда инсон ўз хусусий фаолияти билан табиат ва ўзи ўртасидаги модда алмашувини воситалайди, бошқаради ва назрат қилади». Меҳнат бутун инсон ҳаётида биринчи ва асосий шарт-шароитдир, чунки меҳнат инсоннинг ўзини яратади. Меҳнат биз томондан кишилиқ жамияти ҳаёт фаолиятининг асосий шакли, турмушнинг муҳим шarti сифатида кўриб чиқилади. Меҳнат жараёни ўз ичига уч лаҳзани киритади: 1) инсоннинг фойдали фаолияти ёки меҳнатнинг ўзи; 2) меҳнат мавзуси, яъни бу фаолиятнинг нимага йўналтирилганлиги; 3) ишлаб чиқариш қуроллари, булар билан инсон ушбу мавзуга таъсир кўрсатади.

Инсониятнинг турли ривожланиш босқичларида меҳнат давр ижтимоий муносабатларнинг ривожланиш кўрсаткичлари ҳисобланган турли шаклларда кўринади.

Ҳозирги пайтда биз доимо эшитиб турадиган иккита ўхшаш тушунчаларни тақсимлашимиз зарурдир: якка тартибдаги меҳнат ва якка

тартибдаги меҳнат фаолияти. Биринчи тоифа шахсий иш жойини, яъни ўз субъекти, мажбурият ва функциялар доирасига эга бўлган меҳнат зонасини билдиради - бу меҳнатнинг технологик тақсимотининг таркибий қисмидир. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти - меҳнатнинг иқтисодий тақсимоти таркибий қисмидир. Бу фуқароларнинг ижтимоий - фойдали фаолияти бўлиб, у алоҳида бир шахс ва унинг оила аъзолари шахсий меҳнатка асосланган. Бундай фаолият асосини шахсий мулкка бўлган меҳнат воситаси, уй-жой биноси ва қурилмалари, ер, ишлаб чиқариш маҳсулотлари, транспорт воситалари ва ҳоказолар. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти жамият ичидаги меҳнатнинг тақсимланиши элемент бўлиб катнашади.

Меҳнат мазмуни унинг техник функционал томонларини, меҳнатнинг мазмундорлиги эса - социал-психологик тузилишини ифодалайди. Агар хусусий режа бўйича тузилган бўлса, меҳнат мазмуни ва ижодий субъект сифатида кўрилади. Бегона ҳокимликни иродага бўйсундириш - психологик ва ижтимоий йироқлашишга йўл. Мана шунинг учун ишчилар, ходимлар олдида мақсад вазифани қўйиш ва бу мақсадга эришиш йўллари танлашда, шубҳасиз, унинг фаолиятини назорат билан назорат қилиш орқали улар фантазиясига кенг йўл очиб беришга интилиш муҳимдир.

Ишлаб чиқаришда меҳнатни ташкил қилиш, уни бошқаришда, бизнесда, ҳуқуқшунослик идорасида меҳнатни рағбатлантириш ва асослаш катта аҳамият касб этади. Рағбатлантириш - бу тўғри ва қисман шаклда ифодаланган меҳнатни кучайтиришни моддий ва маънавий мукофатлаш тизимидир. Рағбатлантириш – мажбурий меҳнатдан ихтиёрийга қадам. Меҳнат асослари - ихтиёрий меҳнатга бошқача, янада кенгрок қадам, муҳим инсон эҳтиёжларини қондиришга асосланган фаол меҳнат фаолиятига майиллик (кучли шахсларга, фаол бизнесменларга ва бошқаларга мансублик мавқеини аниқлаб олиш). Асослар қадриятлар ва йўл-йўриқлар билан узвий боғлиқдир. Асослар у ёки бу ҳолатни, далилни субъектив баҳолашга мўлжалланган, улар нисбийдир. қадриятлар асосида жамият томонидан ниманидир шак-шубҳасиз нормалар сифатида объектив тан олиниши ётади, қадриятлар ахлоқий талаб бўлиб, улар абсолютдир.

«Меҳнат социологияси» дарслиги муаллифларининг ҳаққоний таъкидлашларича, меҳнат мазмундорлигининг асосий элементлари бўлиб, агар уни меҳнат фаолиятининг ижтимоий-психологик тузилиши сифатида тушунилса, қуйдагилар ҳисобланади:

- мақсад - олдиндан сезиладиган натижаларни тан олинган образи бўлиб, таъсир қилишнинг идеал режаси;
- меҳнатга муносабат - унинг асосида меҳнатнинг онглилигини ва мақсадга тегишлиликни ўзиникидек сезиш, атроф олами, шахсий режа бўйича қайта ривожлантириш;
- меҳнатни рағбатлантирувчи омиллар - меҳнат фаоллигига ундовчи ташқи омиллар;
- меҳнат асослари - муҳим бир нарсаси тан олинувчи эҳтиёж, ички рағбатлантирувчи омиллар;

– қадриятлар ва уларга қараб мўлжаллаш - меҳнат фаолиятининг ахлоқий талаби.

Меҳнат жамоаларининг ижтимоий характери ва асосий функциялари

Меҳнат жамоалари ижтимоий ҳаётнинг ноёб ҳодисасидир, улар ҳозирги жамият ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Шу муносабат билан беш жиҳатни таъкидлаб ўтамыз.

Биринчидан, меҳнат жамоалари барча асосий моддий ва маънавий бойликларни яратувчилардир.

Иккинчидан, иш билан банд аҳолининг ҳамма асосий категориялари – барча миллатларга мансуб ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, хизматчилар меҳнат жамоаларида жамланган.

Учинчидан, меҳнат жамоалари – умуминсоний ва синфий, шунингдек бизнинг шароитдаги миллий жиҳатлар диалектикасининг, уларнинг демократик негизидаги ўзаро ҳамкорлигининг, гарчи ягона бўлмасада тимсолидир.

Тўртинчидан, меҳнат жамоалари жамиятимиз ижтимоий структурасининг алоҳида «қават»ини ташкил этувчи ижтимоий субъектлар бўлиб, буржуа давлатларида уларни социаллаштириш сари бўлган барча ҳаракатларига қарамай, бунга ўхшаш «қават» умуман мавжуд эмас. Ана шу «қават» субъектлари ўзаро меҳнат тақсимооти ҳамда бошқа алоқаларнинг яхлит системаси билан бирлаштирилган. Меҳнат жамоаларининг ўз аъзолари-жонли кишилар билан алоқалари ҳам жуда катта аҳамиятга эга, зеро уларнинг қизиқишлари ва хатти-ҳаракатлари ана шу коллективларнинг ўз фаолиятига қараганда хилма-хилроқ, бойроқдир, чунки у «ўртачалаштирилган» сифатида майдонга чиқади.

Меҳнат жамоси ишлаб-чиқариш корхонаси, муассаса ва ҳоказолар базасида фаолият кўрсатувчи ижтимоий гуруҳдир.

Бешинчидан, бозор муносабатларига ўтиш муаммоси сабабли, меҳнат жамоаларининг аҳамияти ҳақидаги масала алоҳида актуаллик касб этмоқда. Агар биз меҳнат жамоаларини ривожлантириш асосий ҳаракатлантирувчи кучи деб эътироф этсак, собиқ тоталитар тузум учун ана шундай механизмларни шакллантиришдан муҳимроқ юмуш бўлмайди.

Меҳнат жамоаларининг ҳаракатларини уюштириш орқали бутун жамиятимиз учун фойдали бўлган бир қатор мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқариш зарур:

Меҳнат жамоаларининг куч-ғайрати энг йирик техник-иқтисодий, социал, сиёсий, маданий муаммоларни ҳал этишга йўналтирилади. Хўжалик юритиш шакллари танлашда жамоаларнинг мустақиллиги, меҳнатдаги интизом, уюшқоқлик, масъулиятлилик, жон қуярлик билан тадбиркорликни бирлаштириш таъминланади. Шу жумладан ўз-ўзини самарали бошқариш негизида тадбиркор-рахбарлар билан ишлаш меҳнат жамоалари ўртасида яқиндан ўзаро ҳамкорлик ўрнатилишига эришилади.

«Самараси, конструктив иш йўлида плюрализм» шиори остида меҳнат жамоаларини интеграциялаш потециали кўпайтирилади.

Минтақавий дастурларни ишлаб чиқиш ва бажаришда меҳнат жамоаларининг куч-ҳаракатлари бирлаштирилади.

Гуруҳий худбинлик, миллатчилик ва бошқа салбий тенденцияларга қарши турилади.

Меҳнат соҳасида ижтимоий бирликнинг асосий кўриниши меҳнат жамоаси ҳисобланади. Меҳнат жамоаларидаги меҳнаткашларнинг ўзаро муносабатлари, меҳнат жараёнидаги ижтимоий вазиятлар ва меҳнат муносабатлари шулар жумласидандир. Меҳнат муносабатлари меҳнат жараёнидаги иштирокчилар ўртасида юзага келиб, истеъмол қийматини яратиш ва меҳнат кооперацияси ҳамда меҳнат тақсимоти асосида содир бўлади.

Меҳнатнинг ҳуқуқий муносабатлари меҳнат жамоаси касаба уюшмаларининг корхона, ташкилот маъмурияти, хусусий тадбиркорлар билан бўладиган ўзаро ҳуқуқий алоқаларни ҳам ўз ичига олади.

Меҳнат унумдорлиги, маҳсулот сифати, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат ва давлат интизоми, ишчи ва хизматчиларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишни такомиллаштириш билан боғлиқ тақлифлар, меҳнат жамоаси кенгаши билан касаба уюшмаси кўмитасининг бирлашган кенгашида, корхона маъмурияти иштирокида муҳожама қилинади. Шундан сўнг тушган қўшимчлар ва тақлифлар билан қайта кўриб чиқилган жамоа шартнамаси корхона меҳнат жамоасининг умумий йиғилишига муҳожама ва қабул қилиш учун тавсия этилади.

Жамоа шартномаси таркибий қисмлари ва мазмунини меҳнат жамоаси, корхона маъмурияти ва касаба уюшмаси комитети мустақил равишда белгилайди.

Жамоа шартномаси Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланадиган халқ ҳўжалиги тармоқларининг мустақил балансга эга бўлган ва юридик шахс ҳисобланадиган корхона ва ташкилотларда тузилади. Меҳнат социологиясида ўзаро алоқадорлик тушунчаси қўлланилиб, у икки асосий муносабатни ўз ичига олади. Булар ўзаро ҳамкорлик ва рақобатдир. Ўзаро ҳамкорликда турлича ижтимоий қизиқишлар, манфаатлар ўзаро мос тушади. Рақобатда эса, аксинча, ўзаро манфаатлар зид келади. Бу тенденцияларни ўрганиш айниқса, ҳозирда республикада хусусий мулкчилик шаклланаётганлиги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг таркиб топиши жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

1996 йил 1 апрелда амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат кодекси» бозор муносабатларига асосланган янги ижтимоий-иқтисодий тузумини таркиб топишида муҳим ўрин тутди. Кодексида меҳнат муносабатларини янги шароитда тартибга солишга қаратилган қонун қоидалар 294 моддани ташкил қилади. Бу қонун-қоидалар меҳнат бозорининг самарали амал қилишига хизмат қилади.

5. Дин социомаданий институт сифатида.

Дин масаласи кўплаб соҳалар: диншунослик, теология, дин фалсафаси, дин психологияси, дин маданияти, дин социологияси ўрганади.

Диншунослик диннинг пайдо бўлиши, фаолияти ва тараққиётини, унинг тузилиши ва жамиятдаги ўрнини фалсафий ва илмий ўрганади.

Теология (юнонча teos-худо, logos-таълимот) **илоҳиёт**— худо ҳақидаги диний таълимот. Илоҳиёт у ёки бу диннинг асосий ақидаларини, қоидаларини ишлаб чиқиш, илоҳий китоблардаги ғояларни тушунтириш ва уларни тарғиб этишга қаратилган. **Православ теологи П.Флоренский**нинг (1882-1937) фикрича, «дин-бу, руҳнинг нажот топишини таъминлагувчи ҳаракатлар ва кечинмалар тизимидир. Диннинг асосий ўрни – қалбдир».

Дин психологияси. Америкалик У.Джемс (1842-1910) и австриялик З.Фрейд (1856-1939) диннинг мавжудлигини инсоннинг ички руҳий дунёси билан боғлайдилар.

Немис файласуфи И. Кант (1724-1804) биринчилардан бўлиб, фалсафа соҳасида динга алоҳида бўлим ажратди. У динни ахлоқий ғоялар мажмуаси сифатида тушуниш масаласини илгари сурди. Унинг фикрича, «Оламда Олий саодатнинг ўрнатилиши Ахлоқ Қонунияти (Худо) томонидан белгиланадиган хоҳиш-ироданинг зарурий мақсадидир. Мазкур Қонуният (Худо) биринчи навбатда, Олий саодатнинг бош ва асосий қисми бўлган –ахлоқ ва эзгуликни тўлиқ руёбга чиқишини талаб қилади. Ироданинг ахлоқ қонунияти билан мутаносиб бўлиши айнан муқаддаслик - комилликнинг ўзидир. Оламнинг яратилиш сабаби-ахлоқ ва биз буни тан олишимиз керак. (изох: Ахлоқ, Гегель таърифича, муайян объектларнинг субъектив томони, яъни инсонга, ўзи баҳолашича, ўз хулқи (яъни хулқ-атвор нормалари, ростгўйлик, ҳалоллик, меҳрлилик, ва шунингдек, «ўлдирма, ўғирлама, ёлгон сўзлама» каби талаб нормалари) ўзига қандай кўринишини аниқлаш. Бир сўз билан айтганда, ахлоқ-бу, инсоннинг ўз хулқ-атворида, содир этаётган хатти-ҳаракатларига қанчалик масъул эканини белгиловчи кўрсаткичдир.

Инсон жисмга эга махлуқ сифатида табиат билан узвий боғлиқ. У табиат қонунларига буйсунади. Шу билан бирга, ирода эркинлигига (руҳга) эга. Бундай эркинлик жисмоний боғлиқликдан холи бўлса-да, ахлоқ билан чегараланган. Кант анъанавий эътиқод - китобий дин билан соф диний эътиқод - соғлом мантикий эътиқодни бир-биридан фарқлайди. Анъанавий эътиқод мажбурийдир. Хушхулқ эътиқод эса эркиндир. Кант дин моҳиятини «ботинан махфий, аммо зоҳиран ҳаёт тарзида намоён бўлувчи фикрнинг ахлоқий ифодасида» кўради. Ахлоққа асосланган дин мунтазам равишда эзгу ҳаёт тарзига интилувчи диндир. Инсонларга нисбатан ўз бурчларини бажариш –илоҳий фарзларни бажармоқ демакдир. Хулқ-атвор одобга алоқаси бўлгани учун ҳам, доиман Худо йўлида бўлишни тақозо этади. Анъанавий динда одамлар ўзларининг Худони олдидаги бурчларини қандайдир ибодатларни бажаришдан иборат деб биладилар. Бунда ахлоқий қадриятларга виждонан содиқ бўлмасаларда ва ахлоқан тубан бўлсалар-да, кўпроқ зоҳирда Худонинг буюрганларига амал қилишга, Унга ёқишга ҳаракат қиладилар.

Шуни назарда тутадиган бўлсак, динни фақат Илоҳий ваҳий бўлгани учун қабул қилиш мумкин. Анъанавий дин, аслида, ҳақиқий динни тарқатиш воситаси, холос. Инсон қалбида Худо иродаси билан азалдан муҳрланган

Ахлоқ аталмиш Қонун эса ҳар бир ҳақиқий диннинг асоси бўлиб, уни яратувчидир. Кант Эзгулик қонуниятларига буйсунувчи одамларнинг ахлоқий бирлашувини (ахлоқий-фуқаролик жамияти) ижтимоий тартибда оммавий ҳуқуқий қонунларга буйсунадиган сиёсий бирлашувидан (ҳуқуқий-фуқаролик жамияти) фарқлайди. Кейингиси мажбурий, биринчисиди эса, одамлар ҳар қандай мажбуриятдан холи Эзгулик қонунлари асосида бирлашадилар.

Машхур дин олими ва арбоби Александр Мен ўзининг «Дин тарихи (История религии. М.,1994) китобида диннинг ғайритабиий табиатини шундай асослайди: «Дин, бежиз лотинча « religare», -яъни алоқа боғлаш деган сўздан олинмаган. Дин оламларни ўзаро боғловчи, яратилмиш ва Илоҳий Рух ўртасидаги кўприқдир. Бу алоқа диний тажриба – руҳий билишнинг ўзига хос шакли орқали амалга ошади Диний тажриба - бу, ўз вужудимизда, ҳаётимизда, бутун борликда ва оламда қандайдир Олий Ибтидони ҳис этиш жараёнини бошдан кечириш Унинг Оламнинг ва бизнинг ҳаётимизни бошқараётгани ва маъно бераётганини англаб етишимиздир».

Дин социологияси қуйидаги масалаларни илмий-назарий ўрганада:

- ❖ дин тушунчасининг мазмун- моҳиятини,
- ❖ дин тўғрисидаги турли назарияларни,
- ❖ диннинг жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни ва ролини,
- ❖ диннинг бажарадиган вазифаларини,
- ❖ диннинг пайдо бўлиши ва тарқалишини,
- ❖ давлат ва дин ўртасидаги ўзаро муносабатларни,
- ❖ жамият аъзоларининг динга бўлган муносабатларини,
- ❖ турли дин вакиллари ўртасидаги муносабатларни.

Дин тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: дин – бутун оламларни, ерда ва осмондаги барча жараёнларни ҳаракатга келтириб, бошқарувчи худога нисбатан эътиқодни шакллантирувчи таълимотдир. Эътиқод – худонинг мавжудлигини тан олиш асосида шаклланган дунёқараш. Дин-эътиқод, таълимот, дунёқараш тизими.

Диннинг таркибий қисмлари:

- муқаддас китоблар, таълимотлар,
- ибодатлар,
- дин ҳуқуқшунослиги,
- диний туйғулар,
- диний фаолият,
- муносабатлар,
- ахлоқий қоидалар, меъёрлар,
- маросим ва байрамлар,
- ташкilotлар: диний таълим муассасалари, мечит, черковь, синагогалар.

Диннинг жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни ва роли у бажарадиган вазифалар билан белгиланади. Дин қуйидаги вазифаларни бажаради:

- дунёқарашни шакллантириш,
- мададкорлик вазифаси,
- бирлаштириш вазифаси,

- тартибга солиш вазифаси,
- назорат қилиш вазифаси,
- табиялаш вазифаси,
- башорат қилиш вазифаси,
- маданиятнинг давомийлигини таъминлаш вазифаси.

Диннинг турлари:

Инсоният тарихида мавжуд бўлган барча динларни куйидаги **учта асосий гуруҳларга бўлиш мумкин:**

- 1.Ибтидоий динлар.
- 2.Миллий динлар.
- 3.Жаҳон динлари.

1. Ибтидоий динларга(уруғ-қабила динларига) қуйидагилар киради:

- фетишизм.
- анимизм.
- тотемизм
- шаманизм ва культлар
- магия-сеҳргарлик

Уруғ-қабилачилик тузуми тахминан 40 минг йиллар аввал, юқори палеолит даврида пайдо бўлган бўлиб, уч асосий босқичда: илк матриархат, сунгги матриархат (етук) ва патриархат босқичларини босиб ўтган. Ҳар бир даврга хос эътиқодий тасаввур ва қарашлар мавжуд бўлган. Масалан:

Илк матриархатга – тотемизм,

Сўнгги матриархатга – деҳқончилик культлари,

Патриархатга – шаманизм и аждодлар култи.

Фетишизм - (португалча feiticо – сеҳрли нарса, жодуланган нарса) қандайдир нарсаларга ғайритабиийлик, илоҳий қудрат бағишлаш. Эътиқод объекти бўлган фетишлар турли-туман бўлиши мумкин. Масалан, дарахтлар, тошлар, турли тасвирлар-санамлар ва бошқалар.

Ҳозирги динларда фетишизм баъзи нарсаларни муқаддаслаштиришда кўринади. Масалан, муқаддас булоқлар, тошлар, иконалар, крест ва бошқалар. Шунингдек, кўздан сақловчи (ўсимликлар, хайвон аъзолари ва бош.), яъни амулетлар ва бахт келтирувчи (масалан, тақа) талисманлар ҳозирги пайтгача сақланиб ёлган.

Анимизм. Бу эътиқод тури қадимги эътиқодлар ичида юқори даража ҳисобланади. У латинча «anіma» - рух сўзидан олинган бўлиб, рухларга эътиқодни билдиради.

Тотемизм. Шимолий америкалик «ожибву» номли қабилада «тотем» дегани «унинг уруғи» деган маънони англатган. Уруғнинг ҳудуд билан фарқланиши, ундаги хайвонот ва ўсимлик дунёси билан боғланиши одамларда уларга нисбатан қон-қардошлик туйғуларини келтириб чиқарган. Тотемизм – бу, инсон ёки гуруҳларнинг муайян хайвонлар, ўсимликлар, жонсиз нарсалар билан қон-қардошлик туйғуларига эътиқод туридир. Тотемизмнинг дастлабки ва анча кенг тарқалган элементи-бу, муайян уруғ аъзоларининг қандайдир хайвондан ёки ўсимликдан тарқалганлиги ҳақидаги

тасаввурдир. Ўша нарса уларнинг тотеми ҳисобланган. Уруғ тотеми уларнинг ҳомийси ва муҳофаза қилувчи куч деб қаралган.

Шаманизм. Қадим турклар эътиқодий қарашларида ислом динигача шаманизм кучли бўлган. Шаманизм-бу, диний онгнинг илк шаклларида бўлиб, бир тизим шаклида учрамайди. У турли халқлар орасида турли кўринишларда примитив ва мураккаб шаклларда намоён бўлган. Унинг моҳияти шундаки, олам кўплаб эзгу ва ёвуз руҳларга тўла. Уларнинг истиқомат манзиллари тоғ, ўрмон, сув ҳавзалари, уйлар ва бош. Ҳар бир нарса олов, тош, дарахт ва бош., ўз руҳига эга. У тотемизм ва анимизм билан бир вақтда пайдо бўлган. Шаман сўзи тунгус тилида «сеҳргар» маъносини англатади. У «магия» билан бир маънода қўлланилади, функциялари ҳам бир бўлишига қарамай, шаманлик кўпроқ туркий ва Узоқ шарқ халқлари эътиқоди тарихининг қадим давларига хос ҳодисадир.

Деҳқончилик култи – бу, аслини олганда экин-текинга, ҳосилга таъсир қилувчи табиатнинг у ёки бу ҳодисалари кўринишига сиғиниш ни англатади. Ўша давларда деҳқонларнинг табиатга қарамлиги ва аёлларнинг етакчилик роли уларнинг эътиқодий қарашларида ўз аксини топган. Бу эътиқодий қараш тизимига хос баъзи хусусиятларни қуйидагича тасаввур қилиш мумкин: Биринчиси ва асосийси - деҳқончилик руҳларига сиғиниш. Иккинчиси- аёлларнинг жамиятни бошқаришдаги ролларидан келиб чиқиб, барча руҳлар аёллар кўринишида тасаввур қилинган. Учинчи хусусият - ўлим ғояси ва баъзи руҳларнинг қайта тирилиши ва тўртинчиси – ердан осмонга кўтарилиб, марҳумлар салтанатига кўчиш. Бу давларда бош сиғиниш объекти она-Ер бўлган.

Аждодлар култи. Уруғчилик жамоасининг тараққий этган даврида, яъни патриархат даврида аждодлар култи ривожланган. Унда жамоа ижтимоий ҳаётида катта ўрин тутган одамлар - дунёдан ўтиб кетган оталар руҳига сиғинганлар. Ўша аждоднинг тасвири (санам, бут) сиғиниш объекти бўлган. У тирик уруғдошларининг ҳимоячиси ҳисобланган.

Магия (юнонча *mageia*-сеҳргарлик) – бу, табиатга таъсир кўрсатишнинг ғайритабиий воситаларига эътиқоддир. У инсонларнинг ғайритабиий тарзда ўзларини ўраб турган нарса-ҳодисаларга махсус сеҳр-жоду амаллари билан таъсир кўрсатишларидир.

2. Миллий динлар:

Яхудийлик – яхудий миллатининг дини. Муқаддас китоби Таврот ҳисобланади, асосчиси Мусо пайғамбар

Ҳиндуийлик, жайнийлик, сикхизм –ҳинд миллатининг динлари.

Конфуцийлик, даосизм – ҳитой миллатининг дини.

Синтоизм – япон миллатининг дини.

3. Жаҳон динлари:

Буддавийлик дини. Миллоддан аввалги 6 - 5 асрларда Шимолий Ҳиндистонда вужудга келган. Муқаддас китоби - Трипитака (уч сават деган маънони англатади). Иккита асосий йўналишлари мавжуд: хинаяна (кичик ғилдирак) ва махаяна (катта ғилдирак). Буддавийликда нирвана (қайта

туғилишдан халос бўлиш)га эришиш асосий ғоя ҳисобланади, бунинг учун тўртта ҳақиқатни англаш ва унга риоя қилиб яшаш жуда муҳим ҳисобланади.

Христианлик дини. Милодий 1асрнинг бошида вужудга келган. Муқаддас китоби Инжил. Учта йўналиши мавжуд: католиклар, православлар, протестантлар.

Ислом дини. Милодий 7 асрнинг бошида вужудга келган. Муқаддас китоби-Қуръони карим (114 та суралардан иборат). Асосчиси Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар. Ислом динида иккита йўналиш мавжуд: сунийлик ва шиалик. Суннийликда тўртта мазҳаб мавжуд: ханафийлик, моликийлик, ханбалилик, шофийлик. Ислом оламининг 93 %ини суннийлик ташкил этади.

Ўзбекистонда мустақиллик йиллари ислом дини мавқеи тикланди, диний маросимлар, миллий қадриятларимиз, асрий байрамларимиз халққа қайтарилди, мусулмонларнинг муқаддас Ҳаж ва Умра амалларини адо этиш имконияти ратилди, диний-ахлоқий китоблар чоп этилди, диний эркинлик ва бағрикенглик таъминди. Қуръони Карим ва ҳадислар чоп этилди. 1991 йилда Қуръони Карим илк бор ўзбек тилида Алоуддин Мансур таржимаси ва Имом ал-Бухорийнинг “Саҳиҳи Бухорий” – 4 жилдлик ҳадислар тўплами ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди. 1991 йил 14 июлда Ўзбекистон ҳукукий тажрибасида биринчи бор “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган, виждон эркинлиги, давлат ва дин ўртасидаги муносабатлар конституцион тамойиллар асосида тартибга солинди. 1998 йил 1 май куни ушбу қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди.

1992 йил 27 март кунида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рўза ҳайити ва Қурбон ҳайитининг биринчи кунларини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида”ги Фармони имзоланди. Ўзбекистон Президентининг 1990 йил 2 июндаги “Мусулмонларнинг Саудия Арабистонига Ҳаж қилиш тўғрисида”ги Фармонига биноан Ўзбекистон халқи вакиллари тарихида биринчи марта бевосита ҳукумат ҳомийлигида ҳар йили Ҳаж ва Умра амалларини адо этиш имкониятига эга бўлди. Мустақиллик йилларида 32 мингдан ортиқ ўзбекистонликлар Макка ва Мадинада Ҳаж сафарида бўлдилар. Юзлаб масжидлар мусулмонларга қайтарилди, янгилари барпо этилди. “Ислом нури” газетаси ва “Ҳидоят” журнали нашр этилмоқда.

Президентимизнинг 1992 йил 7 мартдаги Фармони билан ислом дини омилидан, унинг маънавий имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича қўмита ташкил этилди. Унинг тасарруфида Халқаро ислом-тадқиқот институти ва 10 та мадраса фаолият кўрсатмоқда. Уларда 1000 дан ортиқ талаба-ёшлар таълим олмоқда. Диққатга сазовор томони, давлатимиз раҳбари ташаббуслари билан ислом таълимоти ва фалсафасини кенг ўрганиш, ўзбек халқининг диний, тарихий ва маданий меросини чуқур илмий тадқиқ этиш, юқори малакали диншунос ва иқтисодчиларни тайёрлаш мақсадида 1999 йил 7 апрелда Тошкент ислом университети ташкил этилди.

2007 йил – Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва

маданият масалалари бўйича муассасаси – АЙСЕКСО (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳри Ислом маданиятининг 2007 йилдаги пойтахти деб эълон қилинди. 2007 йил 14-15 август кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Тошкент шаҳрининг “Ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилинишига бағишланган “Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси” мавзуида халқаро конференция ўтказилиб, унда 30 дан ортиқ давлатлардан келган олимлар қатнашди.

Бугунги кунда республикамизда 17 та диний конфессия рўйхатга олинган ва расман фаолият кўрсатмоқда. 170 дан ортиқ диний ташкилотлар ишлаб турибди. Шунингдек, 1,7 мингдан ортиқ масжидлар, христиан ибодатхоналари ва бошқа диний марказлар таъмирланди ва янгидан қурилди.

6. Таълим социал институт сифатида.

Таълим — шахснинг яшаш фаолияти ва ижтимоийлаштиришнинг турли табақалари ривожланиши ва шаклланишида ҳаммадан ҳам бошланғич ва шу сабабдан зарур бўлган асосий омилдир. Шахснинг ижтимоий статусини аниқлашда, жамият ижтимоий тузилишини такрор ишлаб чиқариш ва ривожланишида, ижтимоий тартиб ва барқарорликни қўллаб-қувватлашда, ижтимоий назоратни амалга оширишда муҳим аҳамият касб етиш унга хосдир. Таълим социологияси объекти бўлиб, таълим тизими ижтимоий институт сифатида олинган бутун бир жамиятда ва шу жамият ҳаётидаги соҳалар ва бошқа ижтимоий институтлар билан ўзаро ҳаракати ва ўзаро алоқаси ҳисобланади. У таълим тизимини унинг тараққиётида, фаол кўрсатишида, тузилишида, ташкил топишида ва ривожланишида кўриб чиқади. Е. Деркгейм таълимнинг асосий фаолиятини юқори савиядаги устун маданият бойликларини беришда деб кўрган. Америкалик социолог Н.Смелзер таълимни институционал(формал) жараён, яъни унинг асосида жамият бутун бойликлари, билимлари ва моҳирликлари бир инсондан, гуруҳлардан, уюшмалардан бошқаларга берилиши сифатида аниқлайди. Формал, институционал таълим—бу мактаблар, техникумлар, олий ўқув юртлари, курслар ва малака ошириш институтлари ва бошқалар, уларда таълим бериш у ёки бу даражада жамият томонидан ундаги устун маданий стандартлар ижтимоий-сиёсий йўл-йўриқлар ва идеаллар асосида расмий бошқарилади. Формал бўлмаган таълим бугунги кунда шубҳасиз, анчагина кам, ёрдамчи, тобе рол ўйнаши, формал бўлмаган, институционаллаштирилмаган, тизимлаштирилмаган, тартибсиз таълим бериш билан атрофдаги ижтимоий муҳит билан мулоқат давомида (масалан, тенгдошлари, касбдошлари ва бошқалар) ёки индивидуал асосда бойликларни ва билимларни эгаллаши (масалан, оммавий ахборот воситаларининг шахсга таъсири натижасида) билан боғлиқдир.

Таълим ўзгача бир ижтимоий институт сифатида доим мавжуд бўлмаган. У янги авлод томонидан билим ва тажрибаларни эгаллаш ишлаб чиқариш ва ижтимоий жараёнларга қўшилиб кетган ва мактаблар, ўқитувчилар ва бошқалар бутунлай йўқ бўлган ибтидоий примитив жамиятда бўлмаган. Таълим институтининг алоҳида ажралиши индустриаллаштирилган жамиятгача меҳнат ижтимоий тақсимооти чуқурлашуви ва кенгайиши асосида, табақа тенгсизлиги ривожланиши ва давлат тизими жамиятнинг имтиёзи қатламлари вакиллари махсус тайёргарлик билан таъминлаш мақсадида бошланади. Одамларнинг қолган қисми керакли кадриятлар ва билимларни оилада ва ишлаб чиқариш таълими жараёнида ўзлаштирганлар (ўқувчилар, шогирдлар ва бошқалар). Ўрта аср Европасида диний мактаблар ва бошланғич университетлар пайдо бўла бошлади, уларда фақат жуда камчиликни ташкил қилувчи бой ва юқори табақалардагилар ўқиши мумкин бўлган. Фақат Улуғ Француз инқилобидан кейингина ҳақиқий таълим инқилоби содир бўлди, ҳолбуки илғор мамлакатларда алоҳида элитар бўлишдан тўхтаган ва оммавий, демократик, ҳаммабоп характерга эга бўлган ижтимоий таълим институтлари тузилмоқда ва тасдиқланмоқда. Таълим тизимининг тенгсиз янада юқори даражаси ва улкан қулоқ ёйиши XX асрда қўлга киритилди, айниқса, унинг иккинчи ярмида, илмий-техникавий инқилоб ва замонавий саноат ишлаб чиқаришнинг талаблари таъсирида малакали кадрларга умумий эҳтиёж кескин ўсди. Бу даврда маданият жиддий равишда ўсди ва инсонларнинг ҳаёт тарзи ҳам ўзгарди, нафақат бошланғич ва тўлиқ бўлмаган ўрта, балки тўлиқ ўрта таълим кўплаб мамлакатларда оммавий ва мажбурий бўла бошлади, олий таълим ва Ўрта махсус таълим кескин кенгайди ва ҳоказо. Бежизмаски, 60-йиллардаги чуқур маданий-таълим ислохотлари қарийб барча дунёдаги индустриал мамлакатларни қоплаб олди. Ҳозирги замон илғор индустриал давлатларнинг таълим тизими — шахсни социализациялашда, унинг у ёки бу ижтимоий статусни олишга тайёргарликда ва ижтимоий тизимларни мукаммаллаштиришда, интеграциясида ва барқарорлашувида мос муҳим ролни бажарувчи жамият аъзолари билимлари ва маҳоратларини узлуксиз такомиллаштирувчи жуда кенг ва юқори ривожланган дифференцияланган кўп даражали ижтимоий тизим (жамиятнинг кичик тизими) дир. Таълим социологияси — у таълим тизимини янада кенгроқ ижтимоий тизимларни кичик тизимлар сифатида ва унинг бошқа кичик тизимлар ва бутун бир жамият билан ўзаро нисбати ва ўзаро ҳаракатини ўрганувчи социология соҳасидир; бу таълим ижтимоий тамойилларини таълим тизимларининг ўзаро ҳаракати қонуниятларини ижтимоий институт ва жамият, ижтимоий гуруҳлар ва

шахслар бўлган ижтимоий ташкилотлар сифатида ўрганувчи фандир. Бу ерда таълим социологиясининг таълим тизимини ўрганишга ёндашиши билан педагогиканинг ёндашиши ўртасидаги фарқ аниқ, равшан. Педагогика аввало педагогика фаолияти таълим жараёнларининг ички хусусиятлари ва қонуниятларни, унинг дидактик асосларини бевосита ўрганган бир пайтда таълим социологияси — уларнинг янада кенгроқ ижтимоий асосларини, ижтимоий тизимлар ва таълим кичик тизимлари хусусиятлари ва қонуниятларини ўрганади. Бу таълим социологияси шуғулланувчи ушбу муаммо мазмунини таҳлил қилиш ва аниқлашда аниқ кўриниб турибди.

Таълим социологиясининг муҳим муаммолари

Социологиянинг ўзига хос соҳаси сифатида, таълим социологияси даставвал таълим тизими ва жамиятнинг ўзаро ҳаракати ва ўзаро муносабатлари умумий масалалари, унинг ўрни ва ижтимоий тизимдаги ролини ўрганади. Буларга тараққётнинг ижтимоий шароитлари, турли таълим тизимининг ишлаб туришида ва ривожланишида, биринчи навбатда замонавий, уларни ижтимоий жараён ва илмий-техник талаблар билан юзага келтиришлик, таълим институти ижтимоий вазифалари ва унинг жамият ҳаётидаги роли таълим тизимида ижтимоий тенглик (ёки нотенглик) принципларини амалга ошириш, унинг жамият ижтимоий тузилиши ва ижтимоий ҳаракатчанлик билан ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро ҳаракати, таълим тизимида жамият эҳтиёжлари ва талабларини, ижтимоий гуруҳлар ва шахслар, ижтимоий тузилиш ўзгаришида ва такрор ишлаб чиқаришда таълим тизимининг ролини, таълим тизимининг бошқа ижтимоий институтлар билан ўзаро муносабатлари ва ҳоказо муаммолари киради. Таълим социологияси таълим ва социумнинг чуқур ва мустақил ўзаро боғлиқлигини тан олишдан келиб чиқади. Бир томондан, айнан ижтимоий шароитлар ва омиллар бевосита таълим тизимининг хусусияти, турини аниқлайдилар ва шунинг учун таълимнинг оптимал тизимига еришиш учун мос ижтимоий дастлабки шарт-шароитлар ва фикрлар зарурдир; бошқа томондан, ушбуларнинг керакли ўзгаришисиз таълим тизимини мукаммаллаштирмасдан туриб, еришиб бўлмайди. Бунда шуниси муҳимки, жамият ишлаб чиқаришининг еришилган ривожланиш даражасига нисбатан илмий-техник ва ижтимоий тараққиётни, таълим ривожланишининг илгарилаб кетишини шундай таъминлаши керакки, яъни у нафақат бир лаҳзалик балки келажак ижтимоий талабларга жавоб берсин. Реал ҳаётда шу асосда жамият талаблари билан юзага келган хусусияти жиҳатидан етарли консерватив бўлган таълим тизими ўртасида доим турли қарама-қаршиликлар пайдо бўлади ва ечилади. Бу қарама-қаршиликлар ва уларни ечиш жараёнларини тадқиқот қилиш

таълим социологияси вазифасига киради. Таълим қуйидаги муҳим вазифаларни бажаради:

- а) маданиятни тарқатиш ва авлоддан-авлодга кўрсатиш вазифаси;
- б) жамият маданиятини сақловчи ва генератор вазифаси;
- в) шахсни социализациялаш вазифаси, айниқса, ёшларни ва уларнинг жамиятга интеграцияси, ҳолбуки, маданий меросни ўзлаштирмасдан жамият тараққиёти ва шахс ривожланишини тасаввур қилиб бўлмайди;
- г) ижтимоий танлов (селексия), жамият аъзоларини дифференциациялаш вазифаси, биринчи навбатда ёшларни, чунки жамият ижтимоий тузилиш ўзгариши ва ишлаб чиқаришни индивидуал ва ижтимоий ҳаракатчанлик таъминлайди, модомики, шахснинг ижтимоий статусини аниқлашда бугунги кунда муҳим ўлчов бўлиб хизмат қилади;
- д) ижтимоий маданият ўзгаришлари вазифаси, айти пайтда айнан таълим тизимида янги технологияларни тадбиқ, қилишга ва унинг маданиятини бойитишга йўналтирилган кўплаб янги фикрлар, назариялар, ихтиролар ишлаб чиқилмоқда;
- е) ижтимоий назорат вазифаси.

Таълим социологиясида таълим тизими ўз ижтимоий тамойилларини ўрганиш муҳим ўрин эгаллайди; ўқув юртлари ижтимоий тизим, ижтимоий институт ва ижтимоий ташкилотлар сифатида; ўқув фаолияти таълим соҳасида ижтимоий фаолиятнинг асосий кўриниши сифатида; таълим тизими ижтимоий тузилиши (ўқувчилар, педагоглар, таълим ташкилотчилари ва бошқалар), ўқувчилар, ўқитувчилар ҳаёт тарзи ва ижтимоий кўриниши, ижтимоий роллари, ижтимоий статуси ва бошқалар.

Таълим тизимидаги кенг кўламли ислохотларнинг моҳияти ва аҳамияти. Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлардан мақсад юртимизда соғлом ва баркамол, билимли, юксак маънавий-ахлоқий ғазилатларга эга бўлган авлодни шакллантиришдан иборат. Айнан шу мақсадга эришиш учун мамлакатимизда 1997 – 2010 йилларда кенг миқёсдаги Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилди. Унинг замирида аҳолининг узлуксиз таълим олишини таъминлаш, 12 йиллик мажбурий таълимга, жумладан, 9 йиллик мактаб таълими ва ундан кейинги 3 йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълимига босқичма-босқич ўтилди. Бу давр оралиғида 1500 дан зиёд ўрта махсус касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар куриб битказилди. Таълимнинг барча босқичларида ўқув дастурлари қайта кўриб чиқилди ва замонавий халқаро талабларга мос ҳолга келтирилди. 2004 – 2010 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури амалга оширилди. Бу давр мобайнида 7800 тадан зиёд умумтаълим мактаби янгитдан қурилди, таъмирланди ва реконструкция қилинди, уларнинг умумий сони эса 9860 тага етди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва

Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастурини муваффақиятли амалга ошириш натижасида таълим жараёнининг барча босқичларини қамраб оладиган, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозланган умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, олий таълим муассасаларидан иборат, юқори талабларга жавоб берадиган узлуксиз таълимнинг яхлит тизими яратилди (1, 2 ва 3-жадваллар).

1-жадвал

Мактаб таълими ривожининг кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	1990 йил	2000 йил	2005 йил	2009 йил
Дарсликлар билан таъминлаш	55,4	76	99,5	100
Компьютер ўқув хоналари билан таъминлаш (мактаблар сони фоиз нисбатида)	2,4	10,4	46,4	68,2
Замонавий лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлик (мактаблар сонига нисбатан фоиз хисобида)	16,4	21,5	69,3	71,5
Мактабдан ташқари таълим муассасаларисони	371	483	563	575

2-жадвал

Болалар спортининг ривожланиши

Кўрсаткичлар	1990 йил	2000 йил	2010 йил	2012 йил
Болалар спорти масканлари сони	1825	2783	5980	6190

3-жадвал

Олий таълимнинг ривожланиш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	1990- 1991 ўқув йили	2000- 2001 ўқув йили	2010- 2011 ўқув йили	2012- 2013 ўқув йили
Олий ўқув юртлари сони	37	60	66	66
Хорижий олий ўқув юртлари филиаллари	—	1	6	6

Шу билан бирга, амалдаги олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида амалга оширилаётган таълим тизимидаги ўзгаришларнинг мантиқий давоми сифатида тубдан ислоҳ қилишнинг объектив зарурати бугунги кунда яққол намоён бўлди. Илмий кадрларни аттестациядан ўтказишнинг амалдаги икки босқичли тизими (фан номзоди ва

фан доктори) ривожланган демократик давлатларда қабул қилинган олий малакали илмий кадрлар тайёрлашнинг замонавий, халқаро тан олинган талабларига мос келмайди. Бугунги кунда амал қилаётган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизими таълим жараёни бакалаврият ва магистратура стандартларига ўтказилганидан сўнг номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш моҳиятан ортиқча эканини кўрсатмоқда ҳамда фан доктори илмий даражасини олиш учун тўғридан-тўғри диссертация ҳимоя қилишни назарда тутадиган олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимини жорий қилиш зарурлигини такозо этди.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг устувор вазифаларини ва мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ва демократик ислохотларни, илғор жаҳон тажрибаси ва илмий кадрларни аттестациядан ўтказишнинг халқаро стандартларини ҳисобга олган ҳолда, олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш мақсадида 2012 йил 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Президент Фармонида кўра, 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб, умумий қабул қилинган халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ, диссертация ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий қилинди. Шунингдек, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институти бекор қилиниб, унда таълим олаётган шахслар, олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимининг янги талабларига мувофиқ, аттестациядан ўтказилиб, диссертация тадқиқотлари мавзулари танқидий қайта кўриб чиқилиб, катта илмий ходим-изланувчилар институтига ўтказилди.

2012 йил 16-17 февраль кунлари Тошкентда ўтказилган халқаро конференция узлуксиз таълим ва ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашнинг миллий моделини яратишда Ўзбекистон тажрибасини ўрганишга бағишланди. Унда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш натижасида мамлакатимиз танлаган тараққиётнинг “ўзбек модели”нинг ажралмас таркибий қисми экани алоҳида таъкидланди.

Олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлаш, узлуксиз таълимни ислоҳ қилишнинг жаҳонда тан олинган, тажрибада исботланган 4 та модели мавжуд. Булар АҚШ, Франция, Германия ва Япония мамлакатларининг моделларидир. Улар гарчи умумий қоида ва йўналишлар бўйича бир-бирига якин бўлса-да, лекин мазкур мамлакатларнинг ҳозирги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳолати, миллий хусусиятлари ҳамда фуқароларнинг яшаш шароитидан келиб чиқиб фарқланади. Масалан, Япония таълим тизимида оила омилига катта эътибор берилган. АҚШ ва Францияда эса маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда пуллик мактаблар жорий этилган. Лекин

айрим мамлакатларда ўзини оқлаган ва самара берган моделларни ўзга давлатлар учун тўғридан-тўғри қўллаб ёки татбиқ этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатлар тажрибалари чуқур ўрганилиб, миллий ҳамда юртимизга хос бўлган хусусиятлар, шароитлар инобатга олинган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимининг янги модели ишлаб чиқилди. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари: шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш тизимларининг яхлит маърифий-тарбиявий, ижтимоий-маънавий муштараклигидан ташкил топган.

Мамлакатимизда жаҳоннинг етакчи олий ўқув юртлари филиаллари ташкил этилгани юртимизда илм-фан соҳасидаги илғор ютуқ ва тажрибаларни кенг оммалаштириш, кадрлар малакаси ва маҳоратини юксалтиришда алоҳида ўрин тутмоқда. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, айтилиши вақтда Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган Халқаро Вестминстер университети, Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Г.В.Плеханов номидаги Россия давлат иқтисодий университети, И.М.Губкин номидаги Россия нефть ва газ университетининг филиалларида талабалар жаҳон таълими стандартлари бўйича таълим олаётгани эътиборга моликдир. Шунингдек, таълим муассасаларининг Европадаги таълим жамғармаси, Германиядаги Техникавий ҳамкорлик ташкилоти, Япониядаги JAYKO халқаро ташкилоти, Кореянинг КОУКА агентлиги, YUNESKO, Жаҳон банки, TESIS-TEMPUS очиқ жамият институти, АҚШ, Англия, Франция, Япония, Хитой ва бошқа давлатлар олий таълим вазирликлари билан ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда.

Албатта, миллий моделнинг амалиётга бу каби муваффақиятли жорий этилишини таъминлашда таълимнинг молиялаштирилиши муҳим аҳамиятга эга. Шу боис бугунги кунда республикаимизда таълим соҳасини ривожлантириш, ислоҳ қилиш учун сарфланаётган йиллик харажатлар миқдори ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 %, давлат бюджети харажатларидаги улуши эса 35 %дан ортиқ маблағни ташкил этаётгани миллий таълим тизими ривожига ва соҳада қўлга киритаётган ютуқларимизнинг муҳим омилларидан бири бўлаётгани шубҳасиздир.

Мамлакатимиз таълим тизимидаги ўзига хос ютуқлар жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳақли равишда эътироф этиб келинмоқда. Хусусан, Франциядаги дунёнинг энг нуфузли бешта бизнес мактаби қаторига кирадиган “Inssad” халқаро бизнес мактабининг Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликдаги 2012 йилги “Инновацияларнинг глобал индекси” маърузасида дунёнинг 141 та мамлакатадаги инновацион ривожланиш комплекс тарзда таҳлил этилган. Таҳлилнинг асосий таркибий қисмларидан бири инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўлиб, мазкур кўрсаткич бўйича мамлакатимиз 35-ўринни, таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса иккинчи ўринни банд этгани, албатта, юртимизда таълимга қаратилаётган юксак эътиборнинг муносиб баҳосидир.

Асосий тушунчалар:

Гуруҳ-бу хатти-ҳаракатлари расмий ва норасмий институтлар томонидан бошқариладиган, маълум норма ва қадриятларга эга бўлган, бошқа бирликлардан ўзининг хусусиятлари билан фарқ қиладиган, бир-бирлари билан ижтимоий муносабатлар системаси билан боғланган кишилар йиғиндисидан иборат бўлган социал бирлик.

Тасодифий гуруҳлар-стихияли пайдо бўладиган ва қисқа вақт мавжуд бўладиган гуруҳлар.

Расмий гуруҳлар — бу ҳуқуқий статусга эга бўлган социал институт, ташкилот қисми ҳисобланадиган мавжуд институт, ташкилотдаги меҳнат доирасида аниқ, мақсадга эга бўлган социал гуруҳлар.

Референт гуруҳ (инглизча сўз, «мансуб бўлиш» деган маънони англатади)- индивид онгли равишда кирадиган социал гуруҳ (иқтисодий, сиёсий, маданий касбий).

Социал институт (лотинча – institutum, русча луғавий маъноси – установления) ўзбекча маъноларда, биринчидан низом, қоидалар ёки уларнинг тўпламини, иккинчидан, маҳкама, муассасалар, ташкилотлар, уюшмаларни билдиради.

Социал ташкилотлар-одамларнинг иш жараёнида муайян вазифаларни бажаришдаги ихтиёрий ёки мажбурий уюшмаси.

Оиланинг демографик тараққиёти - оиланинг миқдори, шаклланиш ва демографик таркиби (оиланинг, оилада яшаётган кишилар миқдорига қараб гуруҳларга бўлиниши) маълум даврларда ўзгариб бориши.

Оиланинг ижтимоий тараққиёти-оила аъзоларининг маълумотлилиги даражаси, ижтимоий мавқеи, саломатлиги борасида ўзгариши, ҳамда уларнинг таълим-тарбия, урф-одат, фан ва маданият, табиатга ва жамиятга бўлган муносабатларини такомиллашиб бориши.

Оиланинг иқтисодий тараққиёти- озиқ,-овқат, кийим-кечак, уй-жой ва бошқа яшаш учун зарур бўлган нарсалар билан таъминлашиш даражасининг ўзгариб бориши.

Теология (юнонча teos-худо, logos-таълимот) **илоҳиёт**– худо ҳақидаги диний таълимот. Илоҳиёт у ёки бу диннинг асосий ақидаларини, қоидаларини ишлаб чиқиш, илоҳий китоблардаги ғояларни тушунтириш ва уларни тарғиб этишга қаратилган

Фетишизм - (португалча feítico – сеҳрли нарса, жодуланган нарса) қандайдир нарсаларга ғайритабiiйлик, илоҳий қудрат бағишлаш. Эътиқод объекти бўлган фетишлар турли-туман бўлиши мумкин. Масалан, дарахтлар, тошлар, турли тасвирлар-санамлар ва бошқалар.

Анимизм. Бу эътиқод тури қадимги эътиқодлар ичида юқори даража ҳисобланади. У лотинча «anima» - рух сўзидан олинган бўлиб, рухларга эътиқодни билдиради.

Тотемизм – инсон ёки гуруҳларнинг муайян хайвонлар, ўсимликлар, жонсиз нарсалар билан қон-қардошлик туйғуларига эътиқод тури.

Магия (юнонча mageia-сеҳргарлик) – бу, табиатга таъсир кўрсатишнинг ғайритабиий воситаларига эътиқод

Таълим — шахсни социализациялашда, унинг у ёки бу ижтимоий статусни олишга тайёргарликда ва ижтимоий тизимларни мукаммаллаштиришда, интеграциясида ва барқарорлашувида муҳим ролни бажарувчи жамият аъзолари билимлари ва маҳоратларини узлуксиз такомиллаштирувчи жуда кенг ва юқори ривожланган дифференцияланган кўп даражали социал институт.

Мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш учун блиц-сўров ўтказиш саволлари:

1. Социал гуруҳ, унинг турлари ҳақида гапириб беринг.
2. Социал институтнинг қандай турларини биласиз?
3. Социал институтлар қайси асосий вазифаларни бажаради?
4. Оиланинг қандай турларини биласиз?
5. Оила қандай вазифаларни бажаради?
6. Ҳозирги куда оилалардаги ажралишларнинг асосий сабаблари қайсилар?
7. Давлатнинг асосий белгиларини айтинг.
8. Жамиятнинг сиёсий тизимига кирувчи элементларни санаб беринг.
9. Иқтисодий институтлар, уларнинг кўринишлари ва вазифалари ҳақида нималарни биласиз?
10. Диннинг таркибига кирувчи элементлар қайсилар?
11. ”Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун” қачон қабул қилинган?
12. Ўзбекистонда “Таълим тўғрисидаги қонун” қачон қабул қилинган?
13. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш неча босқичдан иборат?

Дарслик ва ўқув қўлланмалар:

1. Алиев Б., Рафиқов Ғ., Султонов Т., Муллажонова М., Раҳмонов Б. ва бошқалар. Социология. (Ўқув қўлланма). –Тошкент: ТДЮИ нашриёти. 2006.
2. Социология //Ўқув қўлланма. Убайдуллаева Р.А., Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б. ва бошқ. –Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси, 2002.
3. Социология. Маърузалар курси. Алиқориев Н.С, Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б., ва бошқ. – Тошкент, 2001
4. Умумий социология. (Алиқориев Н.С ва Убайдуллаева Р.Т таҳрири остида) – Тошкент: 1999.

Қўшимча адабиётлар:

1. Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: А.Қодирий номидаги нашриёт, 1993.
2. Вебер М. Избранные произведения. – М.: Прогресс, 1990.
3. Ганиева М.Х. Этносоциология. Учебное пособие для студ. высших учебных заведений. – Ташкент: Университет, 2006.

4. Ганиева М.Х. Введение в социальную работу. –Ташкент., 2011. 98 с.
5. Гараджа. В.И. Социология религии. – М., 2005.
6. Гиддингс Э. Социология. – Тошкент, 2002
7. Кравченко А.И. Социология. – М., 2006.
8. Латипова Н.М. Политическая социология. Методическое пособие. – Ташкент., 2010.
9. Современная западная социология. Словарь. – М.: Прогресс, 1990.
10. Социология религии. В.И.Гараджа. – М., 2005.
11. Социология //Учебное пособие. Под редак. д.ф.н. Мухамедовой З.М., – Ташкент: Sanat, 2010
12. Қодиров А.Қ. Социология. –Тошкент, 2006.
13. Saitxodjayiv Н.В. Sotsiologiya. Ma`ruzalar kursi. –Тошкент: Академия, 2008.
14. Ҳолбеков А.Ж., Идилов У.Ю. Социология: изоҳли луғат-маълумотнома. –Тошкент: Ибн-Сино номидаги нашриёт, 1999.
15. Холбеков. А.Ж. Бошқарув социологияси (ўқув қўлланма). –Тошкент: Akademiya, 2007.
16. Убайдуллаева Р.А., Ота-Мирзаев О.Б. ва бошқ. Социологик тадқиқотлар амалиёти (Ўқув-услубий қўлланма). –Т.: «Ижтимоий фикр», 2001.
17. Фарфиев Б.А., Нуруллаева У.Н. Социология тарихи. (Услубий қўлланма). Тошкент: Университет, 2009.
18. Бекмурадов М.Б. Роль общественного мнения в социально-культурном развитии общества: Дис....док.социол.наук. – Ташкент, 1997.
19. Фарфиев Б.А. Ўзбекистонда жамиятни демократиштириш жараёнида тафаккур тарзини такомиллаштиришнинг ижтимоий маъданий хусусиятлари: Дис....социол. фан.ном. – Тошкент:, 1999.
20. Калонов К.К. Ўзбекистон ўзини ўзи бошқарув тизими динамикаси таҳлил қилишда авторитетнинг тутган ўрни: Дис....социол. фан.ном. – Тошкент, 2000.
21. Юнусов А.Б. Ўсмир ёшларда ижтимоий девиантлик ҳолатларининг социологик хусусиятлари: Дис....социол. фан.ном. – Т: ЎзМУ, 2004.
22. Норбеков А.Ш. Ўзбекистонда ижтимоий кафолат тизимини яратиш муаммолари: сиёсий-социологик таҳлил. Дис....социол. фан.ном. – Тошкент, 2004.
23. Латипова Н.М. Роль молодых специалистов в трансформации социальной структуры узбекистанского общества: Дис.... канд. социол. наук. – Ташкент, 2009.
24. Ганиева М.Х. Общественное мнение как фактор развития межнациональных отношений: Дис....док.социол.наук. – Ташкент. – Ташкент. 2009

Электрон таълим ресурслари:

1. <http://www.lib.socio.msu.ru>
2. <http://www.socioline.ru>
3. <http://www.socio.rin.ru>
4. <http://www.sociologos.narod.ru>

5. [http: www.socionet.narod.ru](http://www.socionet.narod.ru)

6. [http: www.sociograd.ru](http://www.sociograd.ru)

5-Мавзу: Шахс социологияси ва девиант хулқ-атвор

Режа:

1. Шахс тушунчаси.
2. Шахснинг ижтимоий мавқеи, манфаати ва ижтимоий роли.
3. Шахснинг ижтимоийлашуви.
4. Девиант феъл-атвор ва унинг турлари.
5. Социал назорат кишилар ҳатти-ҳаракатини тартибга солиш механизми сифатида.

1.Шахс тушунчаси.

Маълумки, исталган жамият ушбу жамиятнинг бир томонлама табиатига мос, иккинчи томондан эса унинг жамий борлиғини ўзида мужассамлаштирган шахсларнинг узвий бирлиги ва муносабатидан иборатдир. Шунинг учун ҳам исталган тарихан конкрет жамиятнинг ижтимоий табиатини ва унинг истиқболини белгилашда ушбу жамият шахснинг моҳиятини асосий хусусиятларини ва функцияларини унинг ижтимоийлашув жараёнининг механизмини ўрганмоқ керак. Юртбошимиз И.А.Каримов “Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш” асарларида “Жамиятнинг ислох қилиш ва янгилаш бўйича кўп қиррали фаолиятимиз марказида инсон, суверен Ўзбекистон фуқароси туради. Ислохотларнинг мазмуни айни ҳар бир фуқаро ўз қобилиятини, ўз истеъдодини намоён этишга, шахс сифатида ўзини кўрсатиш имкониятида эга бўлишга қаратилган деган эдилар”. Ижтимоий муносабатларнинг дастлабки ва бирламчи асоси, уларни келтириб чиқарувчи манбаи – шахс ҳисобланади. Социологияда шахснинг шаклланиши, ижтимоий бирликлар билан боғлиқ ҳолда ривожланиб боровчи, унинг эҳтиёжларини, шахс ва жамият, шахс ва ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги функционал муносабатларни, шахс ҳуқуқини ўз-ўзидан бошқарилиши жараёнларини ўрганади.

Шахс моҳиятини нима ташкил этади? Социология тарихидан шахс моҳияти турли назарияларда баён этилган, жумладан Ч.Кули, Р.Дарендорф, Р.Мертонларнинг шахс назарияси шулар қаторига киради. Америка социологлари Г.Знанецкий ва Ч.Томаслар шахс моҳиятини тушунтиради, унинг дунёқараши ва қадриятларига бўлган муносабатини асос қилиб олишган. Дж.Мид ва Р.Мертонлар эса шахснинг ролига катта аҳмият берадилар. Р.Мертон ва Т.Парсонас, Р.Дарендорфлар эса буни янада ривожлантириб, шахснинг “ижтимоий мавқеи” ва “ижтимоий роли” орқали шахс моҳиятини тушунтиришга ҳаракат қилишган. Шахс – ижтимоий муносабатлар мажмуи, жамият махсули сифатида ўрганилади. **Шахсий қарашларга эга бўлган, ўзини идора қила оладиган, ўзининг келажагини режалай оладиган инсонга *шахс* дейилади.** Шу сабабли шахс тушунчаси

социология фанининг объекти ва субъекти сифатида шу фаннинг марказида бўлади. Индивид сифатида намоён бўлган мавжудот ижтимоий муҳит таъсирида шахс сифатида шаклланади. Индивиднинг жамият билан ўзаро муносабати уни маълум бир ижтимоий жамоа вакилига айлантирувчи турли гуруҳлар орқали юзага келади. У муносабатни амалга оширишда мулоқот асосий роль ўйнайди. Чунки, мулоқот шахснинг асосий ижтимоий муносабатлар системасига ўзининг мақомига эга бўлишида, фаолияти жараёнида ва кундалик турмуш тарзида асос сифатида шаклланганлигини ва бошқа шахсларнинг ижтимоий муҳитнинг ҳақиқий субъекти ёки унинг ижрочиси шаклланиши тўғрисида тушунчага эга бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли шахс жамиятдаги барча муносабатларнинг шаклланиши ва ижтимоий динамик характери билан белгиланганда асос бўлиб хизмат қилади.

Демак, шахс кишининг ҳаёт кечириши шароитларида ижтимоий гуруҳлар, ижтимоий институтлар, ижтимоий ташкилотлар таъсирида фаолият жараёнида шаклланади. Шахснинг шаклланишида **гуруҳлар ва жамоалар** етакчи роль ўйнайди. Шахснинг шаклланиши, биринчидан, унинг ривожланиш даври ва унинг натижаси, иккинчидан, шахснинг мақсадга йўналтирилган тарзда тарбияланишидан иборатдир. Шахснинг ривожланишини унинг фаолиятида ўзгариб турувчи эҳтиёжлари билан уларни қондиришнинг имкониятлари ўртасидаги зиддиятларда аниқланади.

Шахс конкрет ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида намоён бўлиши инобатга олинганда бўлса, шахснинг асосий ижтимоий сифатлари конкрет ижтимоий гуруҳлар, жамоалар фаолияти ва муносабатидан таркиб топади. Шу сабабли шахснинг ижтимоий сифатлари учта кичик системадан иборат:

- а) шахснинг индивидуаллиги;
- б) унинг шахслараро муносабатлари;
- в) муносабатлар субъекти сифатида мавжуд бўлиши.

Шахснинг индивидуаллиги ундаги характер, дунёқараш, ирода, билим даражаси, тушунча, тасаввур, шахсий фикр, мақсад, ғоя ва туйғулар, ахлоқий фазилатлари, фаолият жараёнидаги баъзи бир хусусиятлар билан белгиланади. Ундаги индивидуал хусусиятлар унинг амалий фаолиятида намоён бўлади. Индивидуал хусусиятлар амалий фаолиятлар жараёнида ташкилотчилик ва бошқарувида шу фаолиятнинг асосий характери билан белгилайди. Бу хусусият объектидаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Социологик тадқиқотлар натижасини ички ёки ташқи кузатиш методлари орқали унинг индивидуал хусусиятини билиш шахснинг ижтимоий фаолият жараёнидаги ролини белгилайди.

Шахснинг шахслараро муносабати шу муносабатлар системасининг элементларидан бири эканлигини билдиради. Шахслараро муносабат шахс ривожланишининг, унинг комил инсон сифатида таркиб топишининг асоси сифатида хизмат қилади. Шу сабабли шахснинг шахслараро муносабатлари унда инсонийлик, поклик, ростгўйлик, самимийлик каби ҳислатларнинг шаклланишида ва такомиллашиб боришида алоҳида ўрин тутади.

Шахснинг ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида мавжуд бўлиши унинг шу муносабатларидаги субъект сифатидаги мақоми белгилайди.

Шахс маълум ижтимоий хусусиятли ҳодисаларнинг оқибатигина эмас, балки сабаби ҳамдир. Жамиятнинг тарихий шаклланган турининг иқтисодий, сиёсий, мафкуравий ва ижтимоий сифатлари ўзгаради ва турлича намоён бўлади. Ҳар бир шахснинг ижтимоий сифатлари унинг амалий фаолиятининг мазмун ва характерини белгилайди. Айнан фаолият жараёнида киши атрофидаги муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини ишлаб чиқади. Ижтимоий хусусиятлар шахснинг ички ҳолати таъсирида унинг фаолиятида ўраб турган воқеликка шахсий муносабат сифатида намоён бўлади. Ижтимоий хусусиятлар бу маълум бир муҳим шароитларида индивидлар ўртасидаги ўзаро таъсирлар жараёнида юзага келадиган алоқалар системасидир. Шахснинг ижтимоий хусусияти кишининг фаолияти ва ҳатти-ҳаракатида, унинг ижтимоий сифати шаклида намоён бўлади. Шахснинг ижтимоий сифатида ўзида маълум тарзда ўзаро боғлиқ ва шахснинг бошқа одамлар билан конкрет тарихий шароитларда маълум тарзда шартланган элементлари мажмуасини намоён қилади. **Шахснинг ижтимоий сифатларини ташкил қилувчи элементларга:**

- шахс фаолиятининг ижтимоий белгиланган мақсади;
- ўз фаолияти жараёнида амал қилувчи норма ва қадриятлар;
- фойдаланиладиган белгилар системаси;
- ўз ролини бажариш ва ташқи дунёга нисбатан эркин ҳаракат қилиши учун ёрдам берувчи билимлар мажмуаси;
- билим ва қарор қабул қилишда мустақиллик даражаси киради.

У ёки бу ижтимоий жамоага кирувчи шахсларнинг такрорланувчи, моҳиятли ижтимоий сифатлари мажмуасининг умумлашган акси “шахснинг ижтимоий тури” тушунчасида ифодаланади, ҳар бир одам шахсий фикр ва мақсадларга, ғоя ва туйғуларга эга. Бу индивидуал хислатлар унинг, мазмуни ва характерини белгилайди. Индивид тушунчаси орқали одатда у ёки бу ижтимоий жамоанинг яқка вакили тушунтирилади, унинг фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари бу тушунча таркибига кирмайди. Шахс эса инсон моҳиятининг конкрет ифодаси бўлиб, маълум жамиятнинг ижтимоий муносабат ва ижтимоий хусусиятларининг маълум тарзда амалга оширилган умумлашмасидир. Социология учун шахснинг фақатгина индивидуал эмас, балки уларнинг фаолияти жараёнидаги ҳаракатида намоён бўладиган ижтимоий хислатлари ҳам катта аҳамият касб этади. Социологик тадқиқотлар объекти бўлиб алоҳида шахсларнинг манфаат ва муносабатлари эмас, балки ўхшаш ижтимоий характерли, ўз фаолиятларини ўхшаш объектив шароитларда амалга оширувчи кишиларнинг манфаат ва муносабатлари, уларнинг конкрет тарихий шароитларда намоён бўладиган манфаат ва муносабатлари хизмат қилади.

Ҳар бир шахс ўзини ижтимоий амалиёт тизимида, ҳаётнинг у ёки бу соҳаларида бажарадиган маълум бир ҳатти-ҳаракатлар орқали намоён қилади, ишлаб чиқариш, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларда амалга

ошириладиган бу хатти-харакатлар йиғиндиси шахснинг ижтимоий функцияси ташкил қилади. Бошқача, қилиб айтганда, ҳар қандай ижтимоий функцияси шахснинг у ёки бу ҳаётий вазиятлар бажариши лозим бўлган, кўпинча унинг онги ва иродасига боғлиқ бўлмаган, хатти-харакатлар ва хулқи-атворлари йиғиндисини ташкил этади. Шунинг учун бу ижтимоий функциянинг бажарилиши бир томондан, шахсда зарур билимлар, хусусият ва сифатларнинг бўлишини талаб қилади, иккинчи томонда эса – уларнинг шахсда шаклланиши ва ўрнашишига восита бўлиб хизмат қилади.

Демак, шахс ижтимоий функциясининг бажарувчиси сифатида ижтимоий ривожланишнинг субъекти бўлиб қолди. Шунинг учун ҳалқни ташкил этувчи шахсларнинг маълум бир ижтимоий функцияларни бажаришини ҳисобга олмасдан туриб, ижтимоий тизимнинг ҳаракатини тушуниш мумкин эмас. Уларнинг субъектив фаолияти объектив қонунларнинг эркин фаолиятига ёрдам бериб, бу билан ижтимоий ривожланиш жадаллаштириши ҳам мумкин, ёки уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилиб, ривожланишни тўхтатиб қўйиши ҳам мумкин. Шахснинг тизимга таъсири даражаси эса унинг жамиятда тутган, унинг ижтимоий мавқеи (статус)га боғлиқ.

2. Шахснинг ижтимоий мавқеи, манфаати ва ижтимоий роли.

Шахснинг ижтимоий мавқеи – бу шахснинг унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ёши, жинси, келиб чиқиши, касби, оилавий аҳволига мос равишда жамиятда эгаллаган ўрнидир. Шахснинг ижтимоий мавқеини иккига ажратиш мумкин:

1. Шахснинг туғма мавқеи: ижтимоий келиб чиқиши, жинси, миллати, ирқи, қобилияти ва б.

2. Шахснинг ижтимоий мавқеи: эгаллаган маълумоти, малакаси, касби, оилавий аҳволи, жамиятда эгаллаган ўрни ва б. Ижтимоий мавқеини шахснинг бирламчи гуруҳда унинг инсон сифатида қандай баҳоланишига боғлиқ ҳолда тутган ўрни, яъни шахсий мавқеидан фарқлаш лозим.

Демак, ижтимоий мавқеи шахснинг муайян ижтимоий тизимда эгаллаган конкрет ўрнини ифодалайди, ижтимоий роль эса унинг ижтимоий тизимда эгаллаган мавқеидан келиб чиқиб амалга ошириладиган фаолияти ифодалайди.

Шахс фаолияти деганда, унинг ички ва ташқи тенденцияларининг ижтимоий ҳаётда намоён бўлиш хусусиятларига айтилади. Ижтимоий фаоллик инсоннинг шахс сифатидаги даражасининг асосий ифодаси бўлиб, унинг юксак кадриятли эҳтиёжларини қондириш усули ва сифат кўрсаткичидир. Демак, ижтимоий фаоллик шахснинг муҳим сифатидир.

Шахс фаоллиги унинг ҳаётини бошқариш билан, касб танлашини амалга ошириши билан боғлиқ бўлади. Шу жиҳатдан шахс фаолияти социологияда кенг ва тор ижтимоий даражаларда ўрганилади. Шахснинг бундай даражаларда ўрганилиши методологик аҳамият касб этади.

Кенг ижтимоий даражада шахс фаолиятининг жамият, ижтимоий синф, миллат, давлат миқёсида намоён қиладиган хусусиятлари тадқиқ қилинади. Масалан, Ўзбекистонда, бозор мунсабатларига ўтиш жараёнида шахс миллий туйғусининг, ватанпарварлигининг ортиб бориш тенденциялари, давлат

томонидан олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларидаги иштироки, сиёсий фаоллигининг намоён бўлиш жиҳатлари умумназарий жиҳатдан ўрганилади.

Нисбатан, тор ижтимоий доирада шахс фаоллиги, оила, иш жойи, кичик жамоалар даражасида конкрет социологик тадқиқот усуллари ёрдамида ўрганилади. Кичик ижтимоий даражада шахс фаоллиги тўғрисида олинган социологик маълумотлар таҳлил қилиб умумлаштирилади ва улар кенг ижтимоий даражада умумназарий хулосалар чиқаришга, таъриф беришга хизмат қилади. Ғарб ижтимоий ҳаётида шахс индивидуаллиги, автономлиги мавжуддир. Ундан фарқли шарт, хусусан Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида шахс фаолияти ўзи яшаётган кичик ижтимоий муҳитда, жамоаларда, маҳаллада кўпроқ намоён бўлади. Шунинг учун, бизнинг шароитда шахс ижтимоий фаоллигини кичик ижтимоий даражада ўрганиш анча қулай ва кўплаб эмпирик маълумотлар бера олади.

Хулоса қилиб айтганда, шахс фаоллигини кичик ва тор ижтимоий даражаларда ўрганиш услубиёти ўзаро диалектик боғлиқдир.

Шахс манфаати – бу индивид фаолиятининг у ёки бу эҳтиёжни қондириш билан боғлиқ йўналганлигидир. Манфаат шахсни мавжуд шароитда ҳаёт шаклини ўзгартириш ёки сақлаш учун курашишга ундовчи ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Манфаатлар асосида кишиларнинг эҳтиёжлари ётади. Улар ижтимоий қонунлар талабларини ифодалайди, бунинг натижасида манфаат эҳтиёжни англашда муҳим омил сифатида намоён бўлади. Бундан ташқари, манфаатлар орқали шахс фаолиятини амалга ошириши жараёнидаги ҳаракатида акс этади. **Манфаатнинг тўрт тури** фарқланади:

1. Муносабат манфаат шахснинг фаолияти жараёнида у ёки бу объектдаги воқеа ва ҳодисаларга нисбатан қизиқувчанлигини англатади. Муносабат манфаат шахсда шу воқеаларга нисбатан эътиқодининг шаклланишидан пайдо бўлади. Шу сабабли муносабат манфаат ижтимоий муносабатлар системасида муҳим ўрин тутати. Муносабат манфаат шахсда шаклланишига кўра икки кўринишда фарқланади. Биринчиси: асосий муносабат манфаат – бу шахснинг ҳаётий фаолияти жараёнида мақсад ва вазифасини белгилаб олиб қилган ҳаракатларини ўз ичига олади. Иккинчиси: ёрдамчи ва иккинчи даражадаги муносабат манфаат. Бу шахснинг фаолияти жараёнида ўзининг мақсад ва вазифаларини белгилаб олиб қилган ҳаракатидан ташқарида ёки ундаги воқеаларга қизиқишини билдирадиган манфаатдир.

2. Ҳаракат манфаат шахснинг у ёки бу фаолият соҳасида қатнашишида намоён бўладиган манфаат шахснинг фаолият жараёнининг активлиги ёки пассивлигини билдиради. Мақсадли ҳаракат манфаат эса ўз бошланғич фаолияти билан чекланиб қолган ва тор доирадаги ҳаракат манфаатдир.

3. Таянч манфаат шахснинг бошқа шахслар, гуруҳлар билан узок ижтимоий таъсирлашув жараёнида шаклланиган ва турли шахслараро, гуруҳлараро муносабатларда маълум бир фаолиятда ёки ижтимоий муносабатларда шаклланади ва ижтимоий динамик хусусиятга эга бўлади.

Таянч манфаат шахсда ўзининг имкониятларини юзага чиқаришда, унда стереотипларнинг шаклланишида асос бўлиб хизмат қилади.

4. Йўналиш манфаат манфаатлар ичида мураккаб ҳисобланади, чунки шахс манфаатларидан биринчи, яъни ўзи учун муҳимини танлашини талаб қилади. Шахс манфаатлари маълум бир ижтимоий муҳитда шаклланади ва ижтимоий динамик хусусиятга эга бўлади. Ижтимоий муҳитнинг ўзгариши шахсдан ўз манфаатларини ўзгартиришни талаб қилади.

Шахс ўз манфаатларини янги ижтимоий вазиятда ўзгартира олмайдиган ҳолатларда уни ўзгартиришга мажбур қиладиган ижтимоий адаптация механизми ишга тушади. Ижтимоий адаптация механизмлари ўзгарган шароитга шахсий муносабатни шакллантириш имконини беради ва шу билан бирга шахс фаолияти натижасидан келиб чиқадиган кескинликни юмшатиш имконини беради.

3.Шахснинг ижтимоийлашуви.

Ижтимоийлашувнинг жамиятни «ташқил этувчи механизми» сифатидаги моҳиятини шахсни бир вақтнинг ўзида ҳам ижтимоий таъсирининг объекти, ҳам ижтимоий фаолият субъекти сифатида қаралганда очиш мумкин. Бу биринчи навбатда шахснинг муҳит билан ўзаро актив фаолияти жараёнидир. Бу ўзаро фаолият бир томондан, муҳит томонидан шахсга унинг ривожланиш жараёни йўналишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатилишида, намоён бўлса, иккинчи томонидан шахснинг муҳитга актив кириб бориши ва бу жараёнда мукаммллашиб, ўз ҳаётий позициясини, қадриятли йўналишини белгилаб олишида намоён бўлади.

Шахснинг ижтимоий муҳит билан ўзаро фаолияти бир неча этапда ўтади: **индивидларнинг бирламчи ижтимоийлашуви** (индивидуал тажриба орттириш, ижтимоий-шартланган реакцияларни ишлаб чиқиш).

Индивиднинг ижтимоий жамоа билан ўзаро фаолияти (гурӯҳ ичидаги ўзаро ҳатти-ҳаракат ва б.), ва ниҳоят, **индивиднинг бутун жамият билан ўзаро фаолияти** (ижтимоий адаптация, индивидуал ҳуққ-атвор мотивациясида ижтимоий кўникмалар ва б.).

«**Ижтимоий муҳитнинг**» шахсга таъсири жараёни кўп қирралидир, чунки, у ижтимоий системанинг барча томонлари, жараёнларининг мажмуасини ифодалайди:

- моддий элементлар,
- индивидни ўраб турган, ўз конкрет ижтимоий роли, позицияси, қарашларига эга бўлган одамлар,
- индивид томонидан ўзлаштириладиган, қабул қилинмайдиган (ёки индивид тан олмайдиган, қабул қилмайдиган) ижтимоий ҳуққ-атвор нормалар,
- жамиятда объектив мавжуд бўлган ижтимоий имкониятлар,
- ижтимоий «кўникмалар»,
- талаблар структураси.

Индивидларни тарбиялаш ва уларнинг кундалик турмушининг ижтимоий шарт-шароитларни яхшилаш шахснинг ижтимоий муҳит билан ўзаро фаолияти жараёнининг мақсадли йўналтирилган бошқарувини билдиради. Бу

ўзаро фаолиятнинг муҳим таркибий қисми қилиб шахс ва уни ўраб турган одамлар ўртасидаги муносабатларни олиш мумкин.

Ижтимоийлашувда **мафкура** уни ўқитиш тизими муҳим ўрин тутати. У бир томондан, ғоялар, қарашлар, концепцияларни оммалаштириш ва «истъемол қилиш» ўз ичига олади, булар асосан оммавий ахборот воситалари, мактаблар ва бошқа мафкуравий институтлар томонидан амалга оширилади.

Ижтимоийлашувда **ижтимоий меъёрлар** тизими ҳам ўзига хос ўринга эга. Уларга **ижтимоий нормалар, баҳоловчи мезонлар, урф-одатлар, анъаналар** ва бошқалар кириди. Улар шахснинг жамиятга, синфга, коллективга оила ва бошқаларга нисбатан мажбуриятларини белгилайди, унинг ҳуққ-атворини бошқаради. Бунда ҳуққ-атворнинг мажбурий ва мумкин бўлган типик вариантларини акс эттирувчи ижтимоий нормалар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ижтимоий меъёрлар тизимида **баҳоловчи мезонлар – сиёсий, ҳуқуқий, эстетик, педагогик** ва бу ўзига хос аҳамиятга эга. Улар индивидуал эмас, балки умумий характерга эга нормалардан фарқли ўлароқ улар мажбурий ҳуққ - атворни белгиламайди, балки амалга оширилган ёки мумкин бўлган ҳуққ-атворнинг умумий характеристикасини ташкил этади. Масалан, **санъат**нинг баҳоловчи критериялари типик шахснинг бадиий образи орқали кўринади ва шу образ орқали шахсга реал таъсир кўрсатади.

Шахснинг ижтимоий мавқеи, роли ва функциялари тизими ҳақида гапирадиган бўлсак, улар шахснинг ижтимоий алоқалар ва муносабатлар системасида тутган ўрнининг кўрсаткичлари сифатида шунга мос ижтимоий позицияларни шакллантиради, ижтимоий системанинг турли соҳалардаги ўз ҳаётий фаолияти жараёнида ҳуққ-атвор тажрибасини ўзлаштириш усули ва характерида катта таъсир кўрсатади.

Инсоннинг ижтимоийлашув ва тарбия асосидаги шахсга хос хусусиятларининг шаклланиш жараёнини қатор объектив ва субъектив факторлар билан асослаш мумкин:

- 1) ижтимоий эҳтиёжлар ва қизиқишлар;
- 2) ижтимоий йўналишлар ва позициялар;
- 3) ҳуққ-атворни стратегик ташкил этиш;
- 4) ижтимоий активлик;

Ижтимоий эҳтиёжлар ва қизиқишлар тизими, илгари айтиб ўтганимиздек, шахснинг ижтимоийлашуви ва тарбияси асосини ташкил этади. Эҳтиёжлар инсон фаолиятининг ва ҳуққ-атворининг бирламчи, асосидир, уларни юзага келтирувчи кучдир. Ижтимоийлашув жараёни жамиятнинг ҳамда шахснинг ўзининг объектив ва қизиқишларини англаб етишда, уларни ижтимоий аҳамиятга эга ҳуққ-атвор мотивига айлантиришда, уларга нафақат ташқи зарурат юзасидан, балки ички ишонч юзасидан ҳам риоя қилишда ўз аксини топади.

Шахснинг ижтимоий йўналиши ва дунёқараши системасига программалар, мақсадлар, ишонч-эътиқодлар ва баҳоловчи критерийлар йиғиндиси киритилади. Улар шахснинг афзалроқ ва мажбурий феъл-атворини белгилайди. Дунёқараш шахснинг мавқеидан келиб чиқади ва

унинг ташқи дунёга ички дунёга ички субъектив муносабатини билдиради. У танлаш хусусиятига эга ва шахснинг у учун табиий бўлган масалаларга устунроқ турувчи муносабатини бошқаришга, феъл-атворини баҳолашга ва объектив ижтимоий воқелик билан актив муносабат ўрнатишга эга.

Феъл-атворни ички стратегик ташкил этиш тизимини (яъни мақсадларга эришиш, умумий ғоялар ва дунёқараш принципларга эргашиш) ижтимоийлашувининг асословчи механизмларини ҳаракатга келтириш «воситаси» сифатида қараш мумкин. У бир томондан шахснинг эҳтиёжлари қизиқишлари ориентациялари (йўналиш) ва позициялари (дунёқараш) ва иккинчи томонда унинг активлиги ўртасида «кўприк» сифатида намоён бўлади. Бу тизим туфайли маълум бир эҳтиёжлар, талаблар ва объектив шарт-шароитларга мос келувчи ҳатти-ҳаракатга ўтилади.

Ижтимоийлашувнинг шахсга хос тизимлари конкрет – тарихий характерга эга ва шахснинг ижтимоийлашуви жараёни моҳиятини очиб берувчи ижтимоий муносабатлар типи ва характериға боғлиқ. Агарда жамиятда унинг аъзоларининг эҳтиёжлари, қизиқишлари, ориентациялари ва феъл-атворининг меркантиль йўналиши ҳукмрон бўса, у ҳолда одамларнинг ҳоҳиш ва интилишларида шахс ижтимоийлашувининг асосий моҳияти сифатида қаралувчи қадриятли – эҳтиёжли ориентацияси, индивидуализм «қадрият»лари устунроқ туради.

Бозор муносабатларига ўтиш йўлидаги мулкчиликнинг турли кўринишларида, тадбиркорликнинг ривожланишида, шунингдек, халқ маънавиятининг тикланишида инсонга ўз ижтимоий табиатининг кўрсатишга, жамиятнинг актив аъзоси сифатида ижтимоий функцияларини бажаришга ёрдам берувчи мутлақо янги ижтимоийлашув типи учун объектив асослар юзага келмоқда.

Демак, шахснинг жамиятга, ижтимоий жамоаларнинг турли типларига маданият элементлари, ижтимоий норма ва қадриятларни ўзлаштириш орқали содир бўладиган жараён ижтимоийлашув деб аталади. Индивиднинг ижтимоий ташкилот элементлар бўлиши қай тарзда рўй беришидан, бир томондан, ижтимоий ташкилотнинг шахсга таъсир этиши орқали қобилиятини шаклланиши, иккинчи томондан, шахснинг бошқа одамлар таъсирига берилиши қобилиятининг шаклланишига боғлиқдир.

Шахснинг ижтимоийлашуви жараёнини икки босқичга ажратиш мумкин:

1. ижтимоий адаптация.

2. ижтимоий интериоризация.

Ижтимоий адаптация индивиднинг ижтимоий шароитларга, функцияларга, ижтимоий нормаларга, ижтимоий гуруҳларга, ташкилот ва институтларга, яъни муҳитга мослашиши босқичидир. Ижтимоий адаптация жараёни асосан оиладан бошланади ва шаклланади. Оиладаги ҳар қандай муносабатлар шахснинг ижтимоийлашуви жараёнида ўз аксини топади. Шу сабабли индивиднинг шахс сифатида шаклланишида оила муҳим роль ўйнайди.

Ижтимоий интериоризация ижтимоий норма ва қадриятларнинг индивиднинг ички дунёсига киришиши жараёнидир. Шахс ижтимоий

муҳитга қоришиб кетмайди, балки унга мустақил бирлик сифатида киради. Кўпгина назарияларда шахснинг ижтимоийлашуви ташқи таъсир объекти сифатидагина қаралади. Бу назарияларда асос қилиб фақатгина ижтимоийлашув ёрдамида ижтимоий ўзгарадиган инсоннинг табиий моҳияти олинад, шахснинг активлиги ва унги бериладиган биологик хусусиятлар ҳисобга олинмайди. Ижтимоийлашув шунга асосланадики, одам ижтимоий фаолиятчи сифатида ўзининг ҳам, ижтимоий ҳаётнинг ҳам шароит ва вазиятларини белгиловчи омилдир. Шахс – ижтимоий таъсирланишнинг объекти ва субъектидир. Ижтимоийлашув жараёнида белгилар тизими муҳим аҳамиятга эга. Белгилар ёрдамида жамият индивидлар фаолиятини бошқаради. Индивид ижтимоий фаолияти кўрсатиши учун ижтимоий жамоада қабул қилинган белгилар ва уларни ишлатиш усуллари ўзлаштирган бўлиши керак. Индивид фаолият қилувчи мавжудотдир, у ташқи муҳитга шунчаки, жавоб бермайди, балки амалий фаолият жараёнида ҳам ташқи муҳитнинг объектив қонуниятларни, ҳам инсон сифатидаги ўзининг тараққиёт ва фаолияти қонуниятларини англайди ва бу англаш асосида ўзининг фаолиятини бошқариш фақат объектив ва субъектив қонуниятларни билишини эмас, балки шу қонуниятлар элементларининг маълум шароитидаги шакл ва хусусиятларини ҳам билишни тақозо қилади.

Шахсларнинг ижтимоий фаолияти ва ижтимоий ҳаракатининг бошланғич нуқтаси маълум эҳтиёж ва манфаатларни юзага келтирувчи объектив ҳаёт шароитларидир. Фаолият турлари кўпгинадир, лекин энг муҳими уларнинг барчаси шахсни моддий ва маънавий асосини ташкил қилувчи, эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, эҳтиёжлар шахснинг ташқи муҳитга объектив боғлиқлигини билдиради. Шу сабабли шахснинг амалий фаолияти эҳтиёжларни қондириш шакли сифатида қаралиши, объектив шароитларнинг инъикоси ва уларни қондиришнинг реал имкониятларни англаш сифатида қаралиши мумкин, эҳтиёжларнинг икки кўриниши фарқланади: табиий ва жамият томонидан пайдо бўлинган эҳтиёжлар, яъни ижтимоий эҳтиёжлар.

4. Девиант феъл-атвор ва унинг турлари.

Девиация (лотинча четга оғувчи феъл-атвор деган маънони беради) кўпгина ҳолларда ижтимоий санкцияларга муҳтож бўлади. Девиациянинг шундай кўринишлари борки, улар одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар нормаларининг бузилиши билан боғлиқ бўлиб, жамиятга жиддий зарар етказмайди. Улар ижтимоий фикр ва ўзаро муносабатлар қатнашчиларининг ўзлари томонидан бошқарилади.

Девиациянинг позитив ва негатив кўринишлари мавжуд. Позитив девиация ҳоллари нормалар эскириб, талабга жавоб бермай қолганда ва улардан оғиш тизимнинг ривожига, феъл-атворнинг мавжуд консерватив стандартларини ўзгартиришга ёрдам бериши мумкин бўлганда учрайди. Негатив девиация ижтимоий патологиядир ва унинг кўринишлари конкрет шахсга ва бутун жамиятга жиддий зарар етказди.

Бугунги кунда, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида административ бошқарув тизими томонидан юзага келтирилган ва кутилган натижаларни бермаётган илгариги феъл-атвор нормаларининг девальвациясига олиб

келувчи сифатга хос ўзгаришлар рўй бераётган даврда девиация муаммоси долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш, эски иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий муносабатларининг бузилиши, одамларининг моддий аҳволида негатив акс этаётган ишлаб чиқаришнинг стабил бўлмаган ривожланиши билан боғлиқ муаммолар, кутилган натижа ва реаллик ўртасида қарама-қаршилиқларга, жамиятда жиддийликнинг ва одамларнинг ўз феъл-атвори ўзгартиришга ва мавжуд нормалар чегарасидан чиқишга мойиллигига олиб келди.

Девиациянинг қуйидаги классификацияси мавжуд:

- жиноятчилик,**
- алкоголизм,**
- гиёҳвандлик,**
- суицид,**
- фоҳишабозлик.**

Жиноятчилик франко-белгиялик олим математик статистик Л.А.Кетле ўзининг «Ижтимоий-физика» (1835 йил) китобида шундай хулосага келадики, ҳар қандай ижтимоий тузум ўзининг ташкил топишига кўра келиб чиқувчи жиноятларнинг маълум бир миқдори ва тартибини белгилайди. Бу соҳада олиб борилган тадқиқотлар жиноятни бир қатор объектив ва субъектив факторлардан келиб чиқишидан кўрсатди: ижтимоий ўрин (мавқе), фаолият тури, маълумот даражаси, қониктирмайдиган моддий аҳвол, индивид ва ижтимоий гуруҳ ўртасида муносабатларни пасайиши, маданий чегараларнинг йўқлиги, ижтимоий назоратни талабга жавоб бермаслиги.

Жаҳон амалиёти кўрсатганидек, бозор муносабатларига ўтишда, айниқса, биринчи даврларда жиноятни кучайиши кузатилади. Жиноятчиликни аҳволига носоғлом конкуренция, ишга жойлашишга қийинчиликлари, инфляция катта таъсир кўрстади. Жиноят бу инсониятни барча нуқсонларини акс эттиришидир. Ҳеч қайси жамият уни йўқ қилишга эришгани йўқ. Шундай бўлсада, жамиятни мажбурий бўлган вазифаси ўсиш темпларини пасайишига эришиш ва жиноятчиликни ижтимоий чидамкорлик даражасида назорат устида ушлаб туришидир.

Алкоголизм (ичкиликбозлик), байрам, тантанали маросимлар, оилавий тантаналарни ўтказишда, шунингдек, шахсий муаммоларни ҳал этиш йўлида спиртли ичимликлар ичиш мажбурий бўлиб қолганлиги анъанаси инсонлар ҳаётида алкогольни қаттиқ ўрнашиб қолганлигига асос бўлади. Лекин бу ижтимоий-маданий анъана жамиятга қимматга тушмоқда. Статистикага кўра, собиқ иттифоқ даврида майда безориликни 90%, тажавузкорликни 90%, бошқа жиноятларни қарийиб 40% ичкиликбозлик билан боғлиқ бўлган.

Тарих гувоҳлик берадики, жамият алкоголизмга қарши 2 йўл билан курашган:

1) Спиртли ичимликларни чегаралаш, уларни ишлаб чиқаришни ва сотишни қисқартириш, нархини ошириш, таъқиқ ва чегараларни бузганлиги учун жазони кучайтириш йўлидир.

2) Бу алкогольга эҳтиёжни камайтиришга қаратилган чора тадбирларни кучайтириш, ҳаётни ижтимоий ва иқтисодий шароитларини яхшилаш,

умумий маданий ва маънавиятни ўсиши, алоҳида алкогольсиз феъл-атвор стереотипларини шакллантириш йўлидир. Иккинчи йўл мақсадга мувофиқдир, лекин бу алкоголизмга қарши курашни административ йўлини рад этмайди. Бу 2 йўлни бирга онгли равишда мувофиқлаштириш лозим.

Гиёҳвандлик (наркомания). Шахсга ва жамиятга бугун бузғунчи таъсир кўрсатувчи, оғир ижтимоий оқибатларига кўра гиёҳвандлик асосий ўрин тутади. Социологик тадқиқотлар кўрсатишича, одамлар роҳат олиш, ўтқир хиссиётларга киришиш учун гиёҳванд моддаларга берилиб қоладилар. Гиёҳвандлар асосан ёшлар ичида кўп учрайди. Тадқиқотлар яна шуни кўрсатадики, кўпчилик бошқа одамлар таъсири остида, асосан дўстлари, танишлари орқали гиёҳванд моддаларга берилиб қолмоқдалар. Хавфли томни шундаки, наркотиклар қабул қилишни бошланиш этапларида одам ҳеч қандай ёмон таъсир, оғир сезмайди, аксинча гиёҳванд моддани қабул қилганда кайфият кўтарилади. Жисм шундай роҳат оладики, буни кўпчилик соғлиқга яхши ёрдам беради, тинчлантиради деб ўйлайди. Жисмоний ва психик деградация босқичида эса, улар боши берк кўчага кириб қолганлигини англаб етадилар. Лекин бу одатдан вос кечишга кучлари етмайди, унга бўйсуниб қоладилар. Гиёҳвандлик билан курашида ижтимоий, иқтисодий, маданий характердаги чора-тадбирлар ва шунингдек махсус медицинага оид, ҳуқуқий чора-тадбирлардан фойдаланилади.

Суицид (ўз-ўзини ўлдириш). Суицид бу одамнинг ўзини-ўзи ўлдиришга ҳаракат қилишдир. Кўп ҳолларда суицид четга оғувчи феъл-атвор сифатида ечилиши мумкин бўмаган муаммолардан, умуман ҳаётдан қутулиш усули бўлиб келади. Бундай ҳоллар кузатилиб, ўрганилиб, шундай ҳулосага келиндики, улар маълум даражада жинс, ёш маълумот, ижтимоий ва оиладаги тутган ўрнига боғлиқ ҳолда келиб чиқади. Суицидлар, асосан ривожланган давлатларда кўп учрайди ва бугунги кунда уларни кўпайиши кузатилмоқда. Эркаклар орасида содир этилаётган суицид ҳоллари аёл орасидагига қараганда кўпроқ оғир аҳволларга олиб келади. Ўз жонига қасд қилиш 20 ёшгача ва 55 ёшдан ошганлар ичида учрайди. Ҳозирги ўз-ўзини ўлдириш ҳоллари 10-12 ёшли болалар ичида ҳам кучаймоқда. Жаҳон статистикасига кўра, суицид феъл-атвор кўпинча шаҳарларда, ёлғиз яшовчи одамлар орасида кузатилади. Марказий Осиёда 60-йиллардаёқ аёллар ичида ўз жонига қасд қилиш ҳоллари кузатилган. Асосан ўзини ёқиш кўпайган. Бунинг ижтимоий сабаби аёлларга бўлган нотўғри муносабатлар, уларга жамият томонидан бефарқ қаралганлиги турмушдаги қийинчиликлар, аёлларни ижтимоий ишлаб чиқаришга, ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб этишда зарур шарт-шароитни яратиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни маҳаллий бошқариш органлари томонларидан нотўғри ҳал этилганлигидир.

Фоҳишабозлик. Бу термин латинча «Prostitutio» сўзидан олинган бўлиб, ор-номусни йўқотиш, хўрлаш, топташ деган маъноларни беради. Меҳнат тақсимооти, шаҳарларни вужудга келиши жараёнида пайдо бўлган фоҳишабозлик капиталистик муносабатлар билан бир қаторда ривожланиб бори. XX асрнинг 20 йилларининг бошларидан Европада ҳам, Шимолий Америкада фоҳишабозликни камайиши кузатилмоқда. Бу анъанани сабаби

тадқиқотчиларни фикрига кўра аёлларни иқтисодий аҳволини яхшиланиши, бировга қарам бўлиб қолмаслигидир. Собиқ иттифокда фоҳишабозлик тўғрисида гапирилмас эди, яқиндан бошлаб тадқиқот натижалари очиқ матбуотда эълон қилина бошланди, қаерлардадир бу ҳаракатлар қонунийлаштирилган. 20-йилларда кўп аёллар бундай иш билан очлик ва етишмовчилик туфайли шуғулланишган. Улар асосан маълумоти паст аёллар эди. Бугунги кунда ижтимоий ва ёш базасини кескин кенгайиши кузатилмоқда. Аёллар бундай ишни очликдан, йўқчиликдан эмас, балки моддий аҳволини янада яхшилашга, «чиройли ҳаёт»га интилишлари туфайли қилмоқдалар. Фоҳишабозликка қарши турли сиёсатлар олиб борилган: прогибиционизм (таъқиқ), регламентация (рўйхатга олиш ва медицинага оид кўрсатиш), аболиционизм (профилактика), тушунтириш-тарбиялаш ишлари. 1-2 формани етарлича эффектив эмаслиги маълум бўлди. Моддий манфаатдорликни ўсиши билан аёлларни ахлоқий ўсиши фоҳишабозликни бора-бора четга чиқишига ёрдам беради.

Ҳозирги кунда ўсмирлар орасида девиант феъл-атворни ўсиши долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Ўсмирлар кўпинча четга оғувчи ҳатти-ҳаракатларни онгсиз равишда, беҳосдан қиладилар. Шунинг учун уларнинг кўпчилиги қилган ишларини моҳиятини англаб етмайди, ўз хатосини, айбини кўрмайди. Сўровлар натижасига кўра, ўсмирларни кўпчилиги ўз жиноий ишларини сабабини ташқи шарт-шароитлардан қидирадилар, ташқи дунёни айблайдилар, сўралганларни тўртдан бир қисми ўхшаш вазиятда ҳар бири шудай ҳатти-ҳаракат қилишини айтиб ўтганлар. Ўсмирларни ҳатти-ҳаракатида четга оғиш ҳолларини асосида ижтимоий-маданий эҳтиёжларни ривожланмаганлиги, маънавий дунёни етишмовчилиги ётади. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, ёшлар девиацияси-жамиятдаги ижтимоий муносабатларни акс эттишидир. Четга оғувчи феъл-атвор сабабларини топиш, ижтимоий ёрдам тизимини ташкил қилиш, тушунтириш тарбия ишларини олиб бориш бўйича яхши ўйланган, мақсадли йўналтирилган ишлар қилиш керак. Инсон тарбиясида энг биринчи ва энг муҳим ижтимоий назорат институти бу – оиладир. Фарзанд тарбиясида ва баркамол авлодни шакллантиришдан соғлом оила муҳитини ўрни каттадир. Қолаверса, инсон ҳатти-ҳаракати ва хулқ-атвори, фаолиятини таълим муассасалари, маҳалла, меҳнат жамоаси, умумдавлат миқёсида эса қонунни ҳимоя қилиш органлари (суд, прокуратура, милиция) ҳам назорат қилиб боради ва ушбу шахсга нисбатан ижтимоий назорат институтлари вазифасини бажаришади.

5.Социал назорат кишилар ҳатти-ҳаракатини тартибга солиш механизми сифатида.

Социал назорат - кишилар ҳатти-ҳаракатини тартибга солиш механизмидир.

Социал назорат турлари:

- ички назорат(ўз-ўзини назорат қилиш),
- ташқи назорат(жамоатчилик фикри)

П.Бергернинг социал назорат тўғрисидаги таълимоти.

Социал назорат элементлари: меъёрлар ва санкциялар.

Социал санкциялар турлари:

- позитив ва негатив,
- расмий ва норасмий.

Социал меъёр турлари:

- хукукий,
 - диний,
 - анъанавий,
 - ахлоқий.
- қилиш муаммоси.

Асосий тушунчалар:

Бегоналашув — одамлар, ижтимоий гуруҳларнинг бир- бири билан ёнма-ён яшашларига қарамай, уларнинг муносабатларидаги азалий бирликнинг бузилиши ва унга олиб келадиган жараён.

Социал назорат — жамиятнинг соғлом ижтимоий тартибни таъминлаш мақсадида индивид хатти-ҳаракати ва хулқ-атворида мақсадли таъсири,индивид ижтимоийлашувининг омили. Ижтимоий назорат шакллари: оддий (мажбурловчи) санкциялар (таъйиқлар); жамоатчилик фикри; ижтимоий институтлар. Ижтимоий назорат механизми: 1) жисмоний таъйиқлаар (индивидни гуруҳ меъёрларини бузганлик учун жазолаш); 2) иктисодий таъйиқлар («қурқитиш», «жарима»); 3) маъмурий таъйиқлар.

Ижтимоий меъёр — 1) мавжуд ижтимоий шароитлар учун мақбул равишда ривожланиши учун белгиланган меъёрлар гуруҳи кўрсаткичи; 2) ижтимоий ривожланишнинг ижтимоий ҳодиса, жараённинг тадрижий кечиш йўлига мослиги; 3) зарур биргаликдаги хулқ-атвор, хатти-ҳаракатга нисбатан талаблар, шартлар ва истаклар.

Такрорлаш учун саволлари:

- 1.Шахс, инсон ва индивид тушунчаларига таъриф беринг.
- 2.Шахснинг ижтимоий мавқеи қайси меъёрларга асосланиб белгиланади?
- 3.Шахснинг манфаатини қайси турларга бўлиш мумкин?
- 4.Шахснинг ижтимоий роли деганда нимани тушунаси?
- 5.Шахснинг ижтимоийлашуви.
- 6.Девиант феъл-атвор деганда нимани тушунаси?
- 7.Девиант феъл-атворнинг қандай турларини биласиз?
- 8.Социал назорат деганда нимани тушунаси?
- 9.Социал назоратнинг элементлари: меъёрлар ва санкциялар ҳақида маълумот беринг.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар:

1. Алиев Б., Рафиқов Ғ., Султонов Т., Муллажонов М., Раҳмонов Б. ва бошқалар. Социология. (Ўқув қўлланма). –Тошкент: ТДЮИ нашриёти. 2006.

2. Социология //Ўқув қўлланма. Убайдуллаева Р.А., Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б. ва бошқ. –Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси, 2002.

3. Социология. Маърузалар курси. Алиқориев Н.С, Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б., ва бошқ. – Тошкент, 2001

4. Умумий социология. (Алиқориев Н.С ва Убайдуллаева Р.Т таҳрири остида) – Тошкент: 1999.

Қўшимча адабиётлар:

1. Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: А.Қодирий номидаги нашриёт, 1993.
2. Вебер М. Избранные произведения. – М.: Прогресс, 1990.
3. Ганиева М.Х. Этносоциология. Учебное пособие для студ. высших учебных заведений. – Ташкент: Университет, 2006.
4. Ганиева М.Х. Введение в социальную работу. –Ташкент., 2011. 98 с.
5. Гараджа. В.И. Социология религии. – М., 2005.
6. Гиддингс Э. Социология. – Тошкент, 2002
7. Кравченко А.И. Социология. – М., 2006.
8. Латипова Н.М. Политическая социология. Методическое пособие. – Ташкент., 2010.
9. Современная западная социология. Словарь. – М.: Прогресс, 1990.
25. Социология религии. В.И.Гараджа. – М., 2005.
26. Социология //Учебное пособие. Под редак. д.ф.н. Мухамедовой З.М., – Ташкент: Sanat, 2010
27. Қодиров А.Қ. Социология. –Тошкент, 2006.
28. Saitxodjayiv Н.В. Sotsiologiya. Ma`ruzalar kursi. –Тошкент: Академия, 2008.
29. Ҳолбеков А.Ж., Идилов У.Ю. Социология: изоҳли луғат-маълумотнома. –Тошкент: Ибн-Сино номидаги нашриёт, 1999.
30. Холбеков. А.Ж. Бошқарув социологияси (ўқув қўлланма). –Тошкент: Akademiya, 2007.
31. Убайдуллаева Р.А., Ота-Мирзаев О.Б. ва бошқ. Социологик тадқиқотлар амалиёти (Ўқув-услубий қўлланма). –Т.: «Ижтимоий фикр», 2001.
32. Фарфиев Б.А., Нуруллаева У.Н. Социология тарихи. (Услубий қўлланма). Тошкент: Университет, 2009.
33. Бекмурадов М.Б. Роль общественного мнения в социально-культурном развитии общества: Дис....док.социол.наук. – Ташкент, 1997.
34. Фарфиев Б.А. Ўзбекистонда жамиятни демократилаштириш жараёнида тафаккур тарзини такомиллаштиришнинг ижтимоий маъданий хусусиятлари: Дис....социол. фан.ном. – Тошкент., 1999.
35. Калонов К.К. Ўзбекистон ўзини ўзи бошқарув тизими динамикаси таҳлил қилишда авторитетнинг тутган ўрни: Дис....социол. фан.ном. – Тошкент, 2000.
36. Юнусов А.Б. Ўсмир ёшларда ижтимоий девиантлик ҳолатларининг социологик хусусиятлари: Дис....социол. фан.ном. – Т: ЎзМУ, 2004.
37. Норбеков А.Ш. Ўзбекистонда ижтимоий кафолат тизимини яратиш муаммолари: сиёсий-социологик таҳлил. Дис....социол. фан.ном. – Тошкент, 2004.
38. Латипова Н.М. Роль молодых специалистов в трансформации социальной структуры узбекистанского общества: Дис.... канд. социол. наук. – Ташкент, 2009.

39. Ганиева М.Х. Общественное мнение как фактор развития межнациональных отношений: Дис...док.социол.наук. – Ташкент. – Ташкент. 2009

Электрон таълим ресурслари:

1. [http: www.lib.socio.msu.ru](http://www.lib.socio.msu.ru)
2. [http: www.socioline.ru](http://www.socioline.ru)
3. [http: www.socio.rin.ru](http://www.socio.rin.ru)
4. [http: www.sociologos.narod.ru](http://www.sociologos.narod.ru)
5. [http: www.socionet.narod.ru](http://www.socionet.narod.ru)
6. [http: www.sociograd.ru](http://www.sociograd.ru)

6-Мавзу: Жамият социал структураси ва стратификацион жараёнлар

Режа:

- 1.Социал структура тушунчаси.**
- 2. Социал структура тўғрисидаги антик давр мутафаккирларининг таълимотлари.**
- 3. Социал стратификация тўғрисидаги назариянинг моҳияти ва аҳамияти.**
- 4. Стратификация асослари ва мезонлари.**
- 5. Социал стратификация ва социал ҳаракатчанлик (мобиллик) назарияси.**
- 6.Ўзбекистонда бозор муносабатлари шароитида социал стратификация ва социал мобиллик жараёни.**

1.Социал структура тушунчаси.

Жамиятнинг социал структураси – социал гуруҳлар, уларнинг социал ҳаётдаги ўз мавқеи билан фарқ қилувчи томонлари мажмуасидан иборатдир.

Жамиятнинг социал структурасини кишиларнинг қуйидаги муайян социал бирлик сифатидаги уюшмалари ташкил қилади:

катта-катта гуруҳлар: синфлар, миллатлар, миллий-этник, социал-демографик;

нисбатан кичик тизимлар: ўқув-тарбиявий, оила-турмуш ва бошқа гуруҳлар;

социал ташкилотлар, бирлашмалар, иттифоқлар

Улар тарихий ривожланиш босқичларида турли социал асосларда шаклланадилар. Яшаш шароитига, ривожланиш хусусиятларига, социал эҳтиёжга, манфаатларга ва муайян мақсадга эга бўлади. Социал тизимлар занжирида турли ўзига хос ҳалқага эга бўладилар. Ички ташкилий тузилиши, характери, функционал ва ривожланиш даражаси, турмуш тарзи, фаолият шакли ва усуллари билан қадриятлар тизими, норма, ғоялари, қарашлари ва бошқа жиҳатлари билан фарқ қиладилар.

Жамиятнинг социал структурасини конкрет – тарихий давр кесимида олиб қараш талаб қилинади. Чунки, турли тарихий даврлар социал структураси ўзаро сифат ва хусусиятлари билан фарқ қилади.

Жамиятнинг социал структурасини социологик жиҳатдан ўрганишда уни уч маънода олиб қараш зарур:

- энг умумий,
- махсус кенг
- хусусий тор маънода.

Умумий маънодаги социал структура – жамиятнинг бир бутун структурасини ташкил қилади.

Иккинчи **махсус кенг маънодаги** социал структурага социал-тарихий бирлик мажмуаси ва улар ўртасидаги алоқа, муносабатлар киради. Бу структура миллий-этник, социал-демографик, мутахассислик ва бошқа шу каби кишилар гуруҳларини ўз ичига олади.

Тор, хусусий маънодаги социал структура тушунчасига меҳнат жамоалари, ҳудудий бирлик, нисбатан тез ўзгарувчан гуруҳлар киради.

«Социологиянинг умуназарий муаммолари» асарида америкалик социолог Т.Парсонс жамият структуравий тузилишининг функционал моделини ишлаб чиқди. Унга мувофиқ, ҳар қандай социал тизим қуйидаги тўртта структуравий иерархик даражадан иборат:

1.»Бирламчи» ёки «техник» даража социал тизим элементларининг бевосита алоқадорлигини ифодалайди.

2.Бошқарув ёки «менеджериял» даража, бирламчи даражадаги социал тизимлар элементларининг ўзаро алоқадорлигини тартибга солиб туради. Бу даража ташқи структуравий алоқалар бўғинлари билан муносабатлар ўртасида воситачилик ролини бажаради. Социал тартибни назорат қилади, кузатади, кишиларнинг моддий жиҳатдан таъминотини бошқаради.

3.»Институтли», даража янада умумийроқ, масалалар билан шуғулланади. Бунга турли бошқарув институтлари ва раҳбарият, маъмурий идора органлари, уларнинг вакиллари киради.

4.Олий даражадаги, умудавлат даражасидаги жамият ташкилотлари. Бунга давлат, ҳокимият, ҳуқуқий ва бошқа ташкилотлар киради. Улар қуйи даражалар устидан назорат қилади ва уларни тартибга келтиради.

Ҳар бир социал гуруҳ, айрим олинган шахс, ҳам жамият социал структурасида ўз ўрнига эга бўлади. Шахс ўзининг жинси, ёши, социал келиб чиқиши, маълумоти, мутахассислиги, оилавий аҳволи, миллати ва бошқа шу қабилар билан муайян социал структурасига киради.

2. Социал структура тўғрисидаги антик давр мутафаккирларининг таълимотлари.

Жуда қадим замонларда жамият турли гуруҳлардан иборат бўлган. Масалан, қадимги Ҳиндистонда жамият юқори табақа – брахманлар, ўрта табақа – кшатрийлар(жанги тоифаси) ва шудралар (қора халқ(дан иборат гуруҳларга ажратилган. Қадимги юнон файласуфи Афлотун эрамиздан аввалги IV асрда жамият аъзоларини 3 гуруҳга ажратиб кўрсатган: файласуфлар (юқори табақа бўлиб, давлатни бошқарувчилар сифатида), ҳарбий жангчилар ва қуйи табақа –хунармандлар, деҳқонлар савдогарлар.

3. Социал стратификация тўғрисидаги назариянинг моҳияти ва аҳамияти.

Ғарб социологиясида жамият социал тақриби социал стратификация тушунчаси асосида ўрганилади. Стратификация (лотинча strato – қатлам ва фацио – бажариш маъносини англатади) ғарб социологиясининг асосий тушунчаларидан бири ва махсус соҳаси бўлиб, жамият социал структурасининг социал табақаларга, гуруҳларга ажратилганини, жамиятдаги социал тенгсизликни ифодалайди.

Социал стратификация назарияси марксизм социологиясининг синфлар ва синфий кураш назариясига зид бўлиб, жамиятнинг синфларга бўлиниши сабаби мулкӣ муносабатларда эканлигига табиӣ-тарихий қонуният сифатида қарайди. Бу синфларни социал қатламлар ва гуруҳларнинг маълумоти, психологик жиҳатлари, турмуш шароити, социал бандлик, даромади ва шу каби хусусиятлари билан фарқлайди. Социал стратификация назариясида бир хил, битта аломати билан ўзаро фарқ қилувчи гуруҳларни ўрганишда «бир ўлчовли стратификация» билан, кўплаб хусусиятлари орқали фарқ қилувчи гуруҳларни «кўп ўлчовли стратификация» дан ажратиб кўрсатилади.

Социал стратификация назарияси дастлаб Э.Дюркгейм, Г.Спенсер, Ф.Гиддинс, П.Сорокинларнинг илмий фаолияти натижасида шаклланди ва ривожланди. Э.Дюркгейм ўзининг «социал меҳнат тақсимоти» (1893) асарида шундай ёзади: «Ўз-ўзидан, табиӣ куч асосида кишилар лаёқатига кўра фарқ қилинадилар. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Шундай қилиб, ҳар бир индивиднинг лаёқати ва уларнинг ҳолати ўртасида уйғунлик структура топади». П.Сорокин ҳам «Социология тизими» асарида социал стратификация хусусида шунга ўхшаш фикр билдирган.

Социал стратификация назарияси америкалик социолог Т.Парсонс томонидан янада ривожлантирилди. «Стратификация, - деб ёзади Т.Парсонс, - социал тизим структуравий зиддиятининг асосий юзага келтирувчиси».

Ҳозирда Б.Барбер, Д.Белл, В.Вильчек, Р.Дарендорф, Г.Миреал, О.Тоффлер, А.Турен, Л.Уорнер каби йирик Америка ва Ғарбий Оврупо социологлари социал стратификация назариясининг ривожланишига ўз хиссаларини қўшганлар.

Социал стратификация назариясининг намоёндалари ҳозирда ғарб мамлакатларида жамиятни буржуазия ва пролетариатдан иборат антоганистик синфларга бўлинганлигини рад этадилар. Унинг ўрнига жамият «юқори», «ўрта» ва «қуйи» синфлар ва социал қатламларга бўлинганлиги тўғрисидаги концепцияни илгари сурадилар. Масалан, Ғарбий Германиялик социолог Р.Дарендорф жамиятни бошқарувчи ва бошқарилувчилар тоифасига ажратиб кўрсатади. Ўз навбатида бошқарувчилар тоифаси икки гуруҳдан: мулкдор бошқарувчилар ва мулкдор бўлмаган бошқарувчилар – маъмурий бюрократ менеджерлардан иборат, ҳисоблайдилар. Бошқарилувчилар тоифаси ҳам икки гуруҳдан: юқори – «ишчи аристократияси» ва қуйи – малакаси паст даражадаги ишчилардан иборат. Бу икки социал тоифа ўртасида «янги ўрта синф» мавжуд бўлиб, у бошқарувчилар ва ишчи аристократиясининг қўшилишидан шаклланмоқда, деб фикр билдиради.

Социал стратификация назарияси ҳозирги замон социологиясида дифференциациянинг мураккаб структураси ва тизимларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Жамиятнинг социал структураси турли социал бирликлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳам ифодалайди. Масалан:

социал-синфий, гуруҳлараро: синфлар, социал гуруҳлар табақалар, катламлар,

социал-демографик: ёшлар, ўрта ёшлилар, кексалар, аёллар, эркеклар,

социал-этник: миллатлар, халқлар,

социал-профессионал: касбга қараб: ўқитувчилар, инженерлар, тиббиёт ходимлари, темирчилар, косиблар,

социал-худудий: минтақа, шаҳар, қишлоқ, туман, маҳалла аҳолиси.

Стратификация асослари ва мезонлари:

-иқтисодий ҳолат,

-мавқе,

-таълим,

-ҳокимият.

Жамият социал структурасидаги социал гуруҳлар ўзаро моддий неъматларнинг тақсимоли ва истеъмол қилиш даражаси билан фарқ қилади. Бу даражаларни социология доирасида ўрганиш давлатнинг социал сиёсат юритишида муҳим аҳамият касб этади. Улар ўртасидаги социал муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади.

Демак, социологияда социал гуруҳлар худудий, тармоқли (соҳа) ва социал мавқе каби йўналишларда тадқиқ қилинади. Масалан, марказий шаҳарларда, пойтахтда яшовчи аҳоли турмуш шароити туман марказлари ва қишлоқ шароитида яшовчи аҳоли турмуш шароитидан кескин фарқ қилади. Шу жиҳатдан, айрим марказий шаҳарлар аҳолисининг турмуш даражаси, истеъмол даражаси, маданий ва маиший имкониятлари айрим вилоят шаҳар ва қишлоқларининг аҳолисининг турмуш даражаси юқори. Ўз навбатида, ҳар бир худудий бирликда яшовчи аҳоли структураси ҳам ўзаро соҳа ва мавқеи даражаси, истеъмол даражаси, маданий ва маиший имкониятлари билан фарқ қилади. Юқори қатламдагиларнинг турмуш даражаси қуйи қатламдагилардан баланд бўлади. Бу эса кишиларнинг, социал гуруҳларнинг қуйидан юқори даражага табиий онгли интилишига олиб келади.

Шу ўринда ғарб социологиясида кенг ўрганиладиган социал мобиллик тушунчаси хусусида тўхталиб ўтиш талаб этилади.

5. Социал стратификация ва социал ҳаракатчанлик (мобиллик) назарияси.

Социал стратификация назариясига асос солган ва уни янада ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшган, юқорида номлари келтирилган ғарб социологлари социал мобиллик тўғрисида ҳам ўз фикрларини билдирганлар.

П.Сорокин ўзининг “Инсон. Цивилизация. Жамият” асарида алоҳида бобни социал стратификация ва социал мобилликка бағишлаган. “Социал мобиллик” тушунчаси социологияга биринчи бор 1927 йилда П.А.Сорокин

томонидан киритилган. Унинг қарашича, социал мобиллик кишиларнинг социал поғоналардан икки йўналиш бўйича ҳаракат қилишидир. Биринчиси, **вертикал йўналиш**да бўлиб, унда юқори ва паст даражаларга қараб, иккинчиси эса **горизонтал йўналиш**да бўлиб, унда бир социал даражадаги ўзгаришни англатади. Француз социологлари П.Берту ва Р.Бурдонлар ҳам социал мобилликнинг жамият ҳаётининг ривожланишидаги муҳим аҳамиятини кўрсатиб берганлар. Кейинги йилларда рус социологларида академик Т.И.Заславская ва профессор Р.В.Ривкиналар ҳам социал мобилликнинг Россия социал ҳаётидаги аҳамиятини тадқиқ қилмоқдалар.

Социал мобиллик деб айрим шахс ёки гуруҳларнинг жамият структурасидаги ўз ўрнини, мавқеини ўзгартиришига айтилади.

Социал мобиллик социал ривожланиш қонунларининг амал қилиши билан боғлиқ бўлиб, айрим шахс ва гуруҳларнинг социал мавқеининг қуйига ёки юқорига ўзгариб боришини ифодалайди.

Социал мобиллик **вертикал ва горизонтал** тартибда бўлиши мумкин.

Вертикал социал мобиллик – социал мавқе тизимида юқори ёки пастга қараб ўзгариб боришидир.

Горизонтал социал мобиллик – индивид ёки гуруҳнинг социал даража бўйлаб ўзгаришини ифодалайди.

Социал мобилликнинг қуйидаги кўринишлари ва йўналишлари мавжуд:

-асосий ва асосий бўлмаган, иккинчи даражали

-зарурий ва тасодифий,

-оммавий ва хусусий.

-авлодлар бўйича- авлоддаги социал позициянинг ўзгаришини ифодалайдиган социал мобиллик кўринишлари:

-бир авлод бўйича,

-икки авлод бўйича (ота ва болалар),

-уч авлод бўйича (бобо, ота ва болалар), ҳам амал қилади.

Тўлақонли демократия шароитдагина социал мобиллик учун имконият яратилади. Сиёсий истибдодга асосланган ғарб мамлакатларида эса социал мобиллик учун шароит бўлмайди. АҚШ ва демократик тузумга асосланган ғарб мамлакатларида жамиятнинг табақалаштирилган тўсиқлари олиб ташланиб, социал эркинлик учун кенг имкониятлар яратилиб бориши билан социал гуруҳ ва айрим шахсларнинг социал мобиллик даражаси ҳам ортмоқда.

Социал мобилликда маълумотнинг, ўз касбини пухта эгаллаш ва тадбиркорликнинг аҳамияти катта. Ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш жараёнида, эски маъмурий – буйруқбозликка асосланган тузумнинг емирилиб, янги социал муносабатларнинг шаклланиб келаётганлиги натижасида социал мобиллик жамиятимиз аъзоларининг фаоллигининг, социал муносабатларнинг кучаювида стимул бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, у шаҳар билан қишлоқ, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги алоқадорликни кучайтиради.

Социал мобиллик концепциясига кўра, демократик тузум шароитида кишилар ўзларининг шахсий қизиқишлари, тиришқоқликлари билан жамият

социал структурасидаги мавқеларини яхшилаб бориш имкониятига эга бўладилар. Жамият тараққиётида унинг структуравий тузилиши, функционал алоқадорлик ўзининг «табiiй қонунлари», эволюцион ривожланиши, социал соҳаларининг бир маромдаги мутаносиблиги асосидагина ривожланиб бориши зарурлигини ҳаёт кўрсатади. Эндиликда социал революциялар даври ўтди. Инсоният юқори интеллектуал тараққиёт босқичига қадам қўймоқда. Социал тараққиётнинг бу босқичи янги, ўзига хос қонуниятлар асосида бориши турган гап.

Жамият социал структураси социологиясининг яна бир йўналиши – мамлакат халқ ҳўжалигида банд бўлган социал гуруҳлар структурасини ўганиш ҳисобланади. Аҳолини уй-жой билан таъминланганлик даражаси, иш ҳақи даражаси, маиший хизмат турлари ва уларнинг хизмат турлари ва уларнинг хизмат кўсатиш даражаси кабилар социал бандлик структурасига таъсир қилувчи омиллар ҳисобланади.

Соҳа (тармоқ) йўналишдаги социал структурага мутахассислик, таълим даражаси кабиларни аниқлаш назарда тутилади. Унда социал мавқе номенклатура принципига асосланилади. Бу социал структура изчил иерархик тузилишга эга. Унда пастдан юқорига қараб фаоллик кўрсатиш амал қилади. Унинг ҳар бир даражаси ўзининг моддий мазмунига эга. Шунинг учун ҳам кишиларда фаол интилиш хусусияти бўлади.

Мансаб лавозимидан фойдаланиб, ўз вазифасини суистеъмол қилиш ҳолларини ҳам ўрганиш муҳимдир. Чунки, унинг ўсиш ёки камайиш даражаси социал структуранинг бошқа соҳаларига жиддий таъсир кўрсатади. Коррупция, порахўрлик, субъективизм, хизмат лавозимларини сотиб олиш ва сотиш ҳоллари социал структуранинг соғлом ривожланишига тўсқинлик қилади, уни ичидан емиради ва жамиятни чиришга, емирилишга олиб боради.

Социал структурада **ҳудудий йўналиш** ҳам мавжуд бўлиб, у минтақавий, вилоят, шаҳар, қишлоқ, маҳалла каби ҳудудий бирликларни ўз ичига олади. Бу структуравий бирликларда айрим олинган ҳудуд доирасида социологик тадқиқот олиб бориш талаб қилинади. Сўнгги йилларда бу масалага жиддий қаралмоқда. Айниқса, шаҳар, қишлоқ, маҳаллага оид муаммоларни ўрганиш зарурати ортмоқда.

Демократик жамиятда конституция ишлаб чиқарилади, парламент ва бошқа вакиллик муассалари тузилади, фуқароларнинг умумий сайлов ҳуқуқи ва сиёсий эркинликлари (сўз эркинлиги, виждон эркинлиги ва бошқалар) таъминланади. Демократик жамият учун характерли нарсa – унда парламентнинг мавжудлигидир, яъни унда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятнинг роли тобора ошиб боради.

6.Ўзбекистонда бозор муносабатлари шароитида социал стратификация ва социал мобиллик жараёни.

Мустақил Ўзбекистонда бозор муносабатларининг таркиб топиб бориши, хусусий ва бошқа мулк шакллариининг қонуний деб эълон қилиниши билан кишиларнинг, ижтимоий гуруҳларнинг фаоллиги ортмоқда. Ҳар бир киши

ўзидаги қобилият, омилкорлиги, тадбиркорлиги ва ишбилармонлиги билан ижтимоий тараққиёт кўламига таъсир кўрсатишига имкон туғилди.

Жамият ижтимоий таркибида ҳар бир шахс қайси ижтимоий гуруҳга ва ундаги ҳудудий, тармоқ (соҳа) ва ижтимоий мавқе йўналишига мансублиги билан характерланади. Балардан ташқари яна шахс жинси, ёш жиҳати, оммавий аҳволи, ижтимоий келиб чиқиши, миллий мансублиги, маълумоти, илмий даражаси каби параметрлар билан ҳам ўрганилади. Ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш даврининг иқтисодий қийинчиликлари ижтимоий гуруҳ ва айрим шахслар қанчалик моддий имкониятга эгалиги, жамғарма маблағи миқдори каби томонлари ўрганишни ҳам талаб этади.

Ҳозирги ижтимоий муносабатларда жамиятимиз учун мутлақо янги бўлган асослар яратилди. Хусусий мулкчиликка асосланган кўп укладли, дунё сари очик юз тутган иқтисодиёт пайдо бўлди. Шунинг учун ҳам янги иқтисодий ва тақсимот муносабатлари социологиясини ишлаб чиқиш социология фанининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирда меҳнатнинг мазмунини чуқур ва ҳар жиҳатдан ўзгартирмай туриб, жамиятимиз ижтимоий таркибида сифат ўзгаришига эришиб бўлмайди. Бунинг учун, энг аввало, меҳнатга янгича муносабатни таркиб топтириш, янги технологияни яратиш, фанни янада тараққий эттириш, малакали кадрлар тайёрлаш, таълимни тубдан янгилаш, модернизация қилиш лозим.

Республиканинг аста-секин бозор муносабатларига ўтиб бориши даврида президент И.А.Каримов томонидан белгиланган қуйидаги беш тамойилга асосланган тарзда сиёсат юргизилмоқда:

- иқтисодиётнинг сиёсатдан устун бўлиши, уни ҳар қандай мафкурадан озод қилиш лозимлиги;

- иқтисодиётни бошқаришда, айниқса, бозор иқтисодиёти қурилаётганда, янги тузум барпо этилаётганда давлат бошқарув тизимини қўлдан чиқармаслиги, яъни давлат асосий ислохотчи бўлмоғи лозимлиги;

- қонунларга барча барабар риоя этишини таъминлаш;

- кучли ижтимоий сиёсат юритиш;

- бозор иқтисодиётида шошқалоқликка йўл қўймай босқичма-боқич ўтиш зарурлиги.

Тақсимот муносабатлари жамият ҳаётини, айниқса, унинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишида муҳим ўрин тутди. Ўзбекистонда мулкчиликнинг турли шакллари жорий қилинди ва улар давлат ҳимоясига олинди. Бу эса, ўз навбатида, жамият иқтисодий ривожланишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ўз миллий пулига эга бўлиши муносабати билан иқтисодий ва тақсимот муносабатларига сезиларли таъсир кўрсатди. Ўзбекистон ички бозорини тўлдириш – давлат сиёсати даражасида олиб борилди, Ўзбекистон давлатнинг бу соҳадаги сиёсати «миллий бойликнинг қўлланишини, республиканинг мустақамлигини, одамларнинг муносиб турмуш ва иш шароитларини таъминлайдиган қудратли, барқарор ва жўшқин ривожланиб боровчи иқтисодиётни барпо этиш» дан иборат буюк мақсадни кўзламоқда.

Жамиятнинг ижтимоий таркибида ижтимоий-синфий муносабатлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Совет социологиясида синфий муносабатлар, синфий кураш масалаларига жуда кенг ўрин берилиб, бу муносабатлар ижтимоий таркибидаги бошқа барча элементлар, муносабатлар ичида энг муҳим ва белгиловчи ҳисобланган. Ўтган даврда, асосан, икки синф – ишчилар ва деҳқонлар синфи ва интеллигенция қатлами мавжуд деб кўрсатилиб, жамият ижтимоий таркибидаги бошқа гуруҳлар (масалан, юқори табақа чиновниклари, мафия гуруҳлари ва шу кабилар(нинг аҳамияти мутлақо тилга олинмас эди.

Ишчилар синфи кўп қиррали ижтимоий бирлик ҳисобланади. Унинг ички таркиби демографик (жинси ва ёши билан), профессионал-тайёргарлиги билан (меҳнатнинг мазмуни ва характери билан), ҳудудий (ижтимоий – ҳудудий бирлик билан), этник (миллий фарқ) ва маданий-маълумоти билан фарқ қилувчи таркибий тузилишга эга.

Ҳозирда Ўзбекистон давлати миқёсида миллий ишчилар синфининг таркиб топиши учун шарт-шароит яратилди. Жаҳон талабларига жавоб бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун моддий замин тайёрланди. Чет эл фирмалари билан қўшма корхоналар яратилди. Юқори технологияга асосланган саноат ишлаб чиқаришида малакали ишчи-инженерлар гуруҳи шаклланди.

Ишчилар синфи ривожланиши истикболларига уларни миқдорий жиҳатдан кўпайтириш билан эришиб бўлмайди. Унда меҳнатнинг интеллектуал мазмунини бойитиш, замонавий шарт-шароитларни барпо қилиш зарур. Амалга оширилиши керак бўлган бундай тадбирлар қишлоқ хўжалиги деҳқонлари ҳамда интеллигенция қатлами учун ҳам таалуқли.

Жамиятимиз ижтимоий таркибида деҳқонлар синфининг ўрни каттадир. Ҳозирда мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон ҳукумати деҳқонлар мавқеини кўтаришга алоҳида эътибор берилмоқда. Уларнинг турмуш даражасини оширишда катта ишлар олиб борилмоқда. Уй-жой қуриш учун бепул ер ажратилди, моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Экинзор ерлар ижарага берилмоқда. Фермерларнинг сони ортмоқда. Етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини шаҳарга олиб келиб сотиш учун имкониятлар яратилди. Уларнинг оладиган йиллик даромадлари ортди.

Деҳқонлар синфи ичида табақаланиш жараёни тез суръатлар билан бормоқда. Уларнинг таркибида ишбилармон, тадбиркор, фермер хўжаликлари пайдо бўлди. Ижарачилар гуруҳи ҳам борган сари қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги иқтисодий муносабатларнинг таркиб топиб бориши билан қишлоқ ишчилар синфи шаклланишига моддий замин яратилди. Бошқача қилиб айтганда, қишлоққа саноат кириб келмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалигида мавжуд ортиқча иш кучини иш билан таъминлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиради.

Жамият ижтимоий таркибида зиёлилар қатлами ҳам салмоқли ўрин тутди. Интеллигенция ақлий меҳнат мутахассислари бўлиб, ижтимоий-профессионал гуруҳлардан иборат бўлади. Унинг таркибига илмий, ишлаб

чиқариш – техник, маданият, маърифат, тиббиёт, ҳарбий ва бошқарув аппарати ходимлари киради. Зиёлилар таркибини яна шаҳар ва қишлоқ, ижтимоий бандлик соҳалари бўйича (ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида), меҳнатнинг ижодий характери даражаси билан, малака ва бошқа жиҳатлари билан фарқлаш мумкин.

Социологияда миллий муносабатлар иқтисодий, сиёсий ва маънавий-мафкуравий муносабатлардаги ўзаро узвий алоқадорлиги назарда тутилган ҳолда конкрет этник муҳит доирасида олиб қараб ўрганилади. Шунингдек, миллатлараро муносабатларнинг жамият ижтимоий ҳаётига таъсири ва уларнинг ижтимоий оқибатлари ўрганилади. Шу жиҳатдан, Ўзбекистоннинг кўп миллатли давлат бўлганлигини эътиборга олган ҳолда, унда истиқомат қилаётган миллатлар ва халқларнинг ижтимоий турмуши, ўзаро алоқаси ва шу каби муносабатларни социологик тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Жамият ижтимоий таркибий тузилишининг ижтимоий-демографик муносабатлари, асосан, аҳолининг жинсий тузилиши, ёши, оилавий ва генетик жиҳатларини ўз ичига олади.

Ҳар қандай давлат ижтимоий сиёсатининг таркибига демографик сиёсат ҳам киради. Демографик муносабатларга мамлакат аҳолисининг қатламлари мансуб. Ижтимоий-демографик таркибга статистик жиҳатдан ўрганиладиган аҳоли ўртасида туғилиш, ўлим, никоҳ, оилавий қўйди-чиқдилар, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг миграцияси, ҳудудий миграция қабилар киради.

Ўзбекистон ижтимоий-демографик жиҳатдан ниҳоятда мураккаб тузилишга эгадир. 51 фоизи хотин қизлар, 9,6 млн. аҳоли 16 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлардан иборат. Фарғона водийси аҳолисининг зичлиги жуда катта. Андижонда ҳар бир квадрат километр майдонга 485 та одам тўғри келади. Бундай демографик ҳолат жамият ҳаётининг бошқа барча соҳаларида ҳам турли мауммоларни келтириб чиқариши табиий.

Аҳолининг ёш жиҳатидан таркибий тузилишини ўрганиш мамлакатнинг нафақат меҳнат ва ишлаб чиқариш потенциалини аниқлашга, балки унинг ривожланиш динамикасини аниқлашга ҳам хизмат қилади. Бу жаҳатдан Ўзбекистон баъзи Оврупо ва Япония мамлакатларига нисбатан «ёш» мамлакат ҳисобланади.

Аҳоли таркибининг жинсий тузилишини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу мамлакат ишлаб чиқаришини ташкил этиш, аёллар учун меҳнат турларини ташкил этиш ва иш билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Хотин-қизлар ижтимоий аҳволининг ўзига хос хусусиятлари уларнинг меҳнат билан бандлиги, меҳнат тури, оилавий, турмуш шароити ва шу қабиларда акс этади. Уларни оғир жисмоний меҳнатдан халос қилиш масаласи ҳозирда энг муҳим масалалардандир. Президент И.А.Каримовнинг ташаббуси билан илгари сурилаётган соғлом авлод учун курашиш миллат келажагини таъминлашнинг энг муҳим масаласидир.

Аҳолининг оилавий таркиби сони, моддий турмуш даражаси, даромади, оилавий муносабатларни ва шу каби масалаларни ўз ичига олади. Оилани озиқ-овқат ва истеъмол моллари билан таъминлаш муаммолари давлат ижтимоий сиёсатининг асосий мақсадини ифода этади. Оилавий таркибни

социологиянинг махсус соҳаси – микросоциологияда ҳам чуқур тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир.

Социологияда аҳолининг генетик таркибини ўрганиш борган сари моддий аҳамиятга эга бўлмоқда. Унга аҳолининг табиий ва миграцион ҳаракати киради. Ўзбек миллати бошқа миллатларга нисбатан ўз туғилиб ўсган жойига кўпроқ боғланган бўлади.

Ўзбекистонда генетик таркибий ўрганишга ҳозирча етарли эътибор берилмаган. Унинг ижтимоий-демографик муносабатлардаги аҳамияти катта. Ижтимоий-демографик муносабатларни аниқлашда мамлакат миқёсида ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш муҳим аҳамиятга эга. Аҳолининг рўйхатга олиниши, айниқса, ҳозирда, бозор муносабатларига ўтиш даврида юзага келадиган кўплаб ижтимоий-иқтисодий, маиший турмуш соҳаларидаги муаммоларни ҳал этишда аҳамияти катта.

Қишлоқ аҳолисининг ижтимоий таркиби жамият ижтимоий таркибининг муайян бўлаги ҳисобланади. Қишлоқ аҳолисининг ижтимоий муносабатларининг муҳим белгилари: ягона меҳнат, ер, мулкӣ бошқарув муносабатларини ўз ичига олади. Ҳозирда қишлоқ аҳолисининг таркибида ҳам табақалашув жараёни кучаймоқда. Айниқса, қишлоққа саноатнинг кириб келиши, савдо-сотиқнинг ривожланиши ва бошқа омиллар оқибатида қишлоқ аҳолиси турли гуруҳлардан иборат бирлик сифатида ривожланмоқда.

Хулоса қилиб айтилганда, мамлакат ижтимоий таркибини социология фани доирасида ўрганиш, унинг ривожланиш истикболларини, ўзига хос хусусиятларини, мавжуд ижтимоий муаммоларини тадқиқ этишда ва зарур илмӣ-амалӣ тадбирлар ишлаб чиқаришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Асосий тушунчалар:

Жамиятнинг социал структураси - социал гуруҳлар, уларнинг социал ҳаётдаги ўз мавқеи билан фарқ қилувчи томонлари мажмуасидан иборат

Стратификация (лотинча strato – қатлам ва фацио – бажариш маъносини англатади) социологиянинг асосий тушунчаларидан бири ва махсус соҳаси бўлиб, жамият социал структурасининг социал табақаларга, гуруҳларга ажратилганини, жамиятдаги социал тенгсизликни ифодалайди.

Социал мобиллик-шахс ёки гуруҳларнинг жамият структурасидаги ўз ўрнини, мавқеини ўзгартириши

Вертикал социал мобиллик – социал мавқе тизимида юқори ёки пастга қараб ўзгариб боришидир.

Горизонтал социал мобиллик – индивид ёки гуруҳнинг социал даража бўйлаб ўзгаришини ифодалайди.

Мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш учун блиц-сўров ўтказиш саволлари:

1. Социал структура нима?
2. Антик давр мутафаккири Платон нима жамият аъзоларини неча тоифага бўлган?
3. Антик давр мутафаккири Аристотель жамият аъзоларини неча тоифага бўлган?
4. Социал стратификация нима?

5. Стратификация асослари ва мезонларини нималар ташкил этади?
6. Притирим Сорокин социал мобилликни неча турга бўлган?
7. Социал стратификация ва социал ҳаракатчанлик (мобиллик) назарияси.
8. Ўзбекистонда бозор муносабатлари шароитида социал стратификация ва социал мобиллик жараёни ҳақида нималарни биласиз?
9. "Ўрта синф"нинг жамиятдаги роли ва аҳамияти ҳақида гапиринг.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар:

1. Алиев Б., Рафиқов Ғ., Султонов Т., Муллажонова М., Раҳмонов Б. ва бошқалар. Социология. (Ўқув қўлланма). –Тошкент: ТДЮИ нашриёти. 2006.
2. Социология //Ўқув қўлланма. Убайдуллаева Р.А., Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б. ва бошқ. –Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси, 2002.
3. Социология. Маърузалар курси. Алиқориев Н.С, Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б., ва бошқ. – Тошкент, 2001
4. Умумий социология. (Алиқориев Н.С ва Убайдуллаева Р.Т таҳрири остида) – Тошкент: 1999.

Қўшимча адабиётлар:

1. Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: А.Қодирий номидаги нашриёт, 1993.
2. Вебер М. Избранные произведения. – М.: Прогресс, 1990.
3. Ганиева М.Х. Этносоциология. Учебное пособие для студ. высших учебных заведений. – Ташкент: Университет, 2006.
4. Ганиева М.Х. Введение в социальную работу. –Ташкент., 2011. 98 с.
5. Гараджа. В.И. Социология религии. – М., 2005.
6. Гиддингс Э. Социология. – Тошкент, 2002
7. Кравченко А.И. Социология. – М., 2006.
8. Латипова Н.М. Политическая социология. Методическое пособие. – Ташкент., 2010.
9. Современная западная социология. Словарь. – М.: Прогресс, 1990.
10. Социология религии. В.И.Гараджа. – М., 2005.
11. Социология //Учебное пособие. Под редак. д.ф.н. Мухамедовой З.М., – Ташкент: Sanat, 2010
12. Қодиров А.Қ. Социология. –Тошкент, 2006.
13. Saitxodjayiv Н.В. Sotsiologiya. Ma`ruzalar kursi. –Тошкент: Академия, 2008.
14. Ҳолбеков А.Ж., Идиров У.Ю. Социология: изоҳли луғат-маълумотнома. –Тошкент: Ибн-Сино номидаги нашриёт, 1999.
15. Холбеков. А.Ж. Бошқарув социологияси (ўқув қўлланма). –Тошкент: Akademiya, 2007.
16. Убайдуллаева Р.А., Ота-Мирзаев О.Б. ва бошқ. Социологик тадқиқотлар амалиёти (Ўқув-услугий қўлланма). –Т.: «Ижтимоий фикр», 2001.
17. Фарфиев Б.А., Нуруллаева У.Н. Социология тарихи. (Услугий қўлланма). Тошкент: Университет, 2009.
18. Бекмуродов М.Б. Роль общественного мнения в социально-культурном

- развитии общества: Дис....док.социол.наук. – Ташкент, 1997.
19. Фарфиев Б.А. Ўзбекистонда жамиятни демократилаштириш жараёнида тафаккур тарзини такомиллаштиришнинг ижтимоий маъданий хусусиятлари: Дис....социол. фан.ном. – Тошкент:, 1999.
 20. Калонов К.К. Ўзбекистон ўзини ўзи бошқарув тизими динамикаси таҳлил қилишда авторитетнинг тутган ўрни: Дис....социол. фан.ном. – Тошкент, 2000.
 21. Юнусов А.Б. Ўсмир ёшларда ижтимоий девиантлик ҳолатларининг социологик хусусиятлари: Дис....социол. фан.ном. – Т: ЎЗМУ, 2004.
 22. Норбеков А.Ш. Ўзбекистонда ижтимоий кафолат тизимини яратиш муаммолари: сиёсий-социологик таҳлил. Дис....социол. фан.ном. – Тошкент, 2004.
 23. Латипова Н.М. Роль молодых специалистов в трансформации социальной структуры узбекистанского общества: Дис.... канд. социол. наук. – Ташкент, 2009.
 24. Ганиева М.Х. Общественное мнение как фактор развития межнациональных отношений: Дис....док.социол.наук. – Ташкент. – Ташкент. 2009

Электрон таълим ресурслари:

1. [http: www.lib.socio.msu.ru](http://www.lib.socio.msu.ru)
2. [http: www.socioline.ru](http://www.socioline.ru)
3. [http: www.socio.rin.ru](http://www.socio.rin.ru)
4. [http: www.sociologos.narod.ru](http://www.sociologos.narod.ru)
5. [http: www.socionet.narod.ru](http://www.socionet.narod.ru)
6. [http: www.sociograd.ru](http://www.sociograd.ru)

7-Мавзу: Социал муносабатлар

Режа:

- 1. Социал муносабатлар тушунчаси.**
- 2.Социал муносабатлар турлари.**
- 3. Иқтисодий ва тақсимот муносабатлари.**
- 4. Ижтимоий – синфий муносабатлар.**
- 5. Ижтимоий – демографик муносабатлар.**
- 1. Социал муносабатлар тушунчаси.**

Социология фани тизимида социал муносабатлар жуда муҳим ўрин касб этади. Чунки у орқали жамият аъзолари бир-бирлари билан маълум бир муомала ва ижтимоий ҳамкорликка интиладилар. Социологиядаги бу махсус соҳа ўзининг ўта долзарблиги ва муҳимлиги билан бошқа муаммо ва масалалардан ажралиб турсада, у ҳали мутахассислар томонидан тўлиқ илмий ва системали равишда ўрганилмаган ҳамда илмий адабиётларда етарли даражада ёритилмаган. Бу салбий йўлнинг асосий сабабларидан биринчиси, аввало собиқ Иттифоқ фалсафий – социологик адабиётларида бу масаланинг бир ёқлама талқин қилинганлиги бўлса, иккинчиси эса илғор

ғарб ижтимоий адабиётларининг, бу соҳаси бўйича тўлиқ тадқиқот маълумотларининг бизда йўқлигидир.

Социал муносабатлар тушунчасининг ўзи ҳали социология фанида аниқ ва бир илимий таърифи ҳозирча ўз ифодасини топгани йўқ. Авваламбор, шуни таъкидлаш зарурки, социал муносабатлар кўпинча ижтимоий муносабатлар тушунчаси билан тенглаштирилади ёки социал муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг бир хусусий кўриниши деб талқин қилинади. Мавжуд адабиётларни чуқурроқ таҳлил қилинадиган бўлса, шундай хулосага келиш мумкинки, юқорида кўрсатилган фикрларда қимматли асослар борлигини билса бўлади.

Социал муносабатлар тушунчаси кўпгина адабиётларда 2 хил даражада: кенг ва тор маънода талқин қилинган. Кенг маънода тушуниш – социал муносабатларни бутун бир ижтимоий муносабатлар тизими билан тенглаштиришдир ва улар орасидаги фарқларга кўп эътибор бермаслик билан боғлиқдир.

Тор маънода социал муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг бир муҳим элементи ва тури деб интерпретация қилинади. Социал муносабатлар кенг маънода қуйидагича таъриф билан белгиланган.

Социал муносабатлар бу табиат ҳодисаларидан ўлароқ бўлиб, унда ижтимоий муносабатларнинг бутун бир тизими мужассамлашгандир.

О. Конт ўзининг позитивистик таълимотида социал муносабатлар муаммоларини худди биологик ҳодисалар методи билан ўрганиш принципларини кенг тарғиб қилади. Позитивистик-натуралистик йўналишнинг ашаддий рақиби бўлган феноменологик социология социал ҳаёт ва социал муносабатларни бундай усулда талқин қилганлиги учун О. Конт ва унинг издошларини кескин танқид қилади. Натурализмнинг ва жиддий камчилик ва ҳатоликларини бартараф этиш учун феноменологик социология инсон онгининг фаоллиги бу муаммолар ечимининг асосий омилидир деб исботлашга интилади. Бу йўналиш вакиллариининг фикрича фақатгина инсон ва унинг тафаккури туфайли социал воқеликни ҳамда социал муносабатларни конструкциялаш (яратиш) мумкин бўлади. Чунки социал реаллик ва социал муносабатлар инсоннинг интерпретацион фаолияти орқалигина вужудга келади. Феноменологик социологиянинг таниқли вакилларида бири Д. Силверман юқоридаги ғояларни асослаш учун позитивистик социология назариясини танқид қилади.

Албатта, бу ижтимоий фикрлар вужудга келгандан бери анча вақтлар ўтди, янги жуғрофий-сиёсий мақомлар пайдо бўлди. Энг муҳими эса тоталитар тузум барҳам топиб, янги давлатлар вужудга келди, янги жамиятда бир партиявийлик ҳукмронлиги емирилди ва мустақил суверен давлатлар барпо бўлдилар. Энди эса жамиятдаги жараёнларни, жумладан социал муносабатлар муаммоларини кенг плюралистик принцип орқали тадқиқ қилиш даври келди. Бу тамойил орқали, социал муносабатларнинг муаммо ва вазифаларини турлича таҳлил қилиш имконияти туғилди. Ушбу ижобий имкониятларнинг ҳосили сифатида республикамызда социал муносабат

муаммолари жаҳон илмий тафаккурининг ҳар-хил йўналиш натижалари асосида тадқиқ қилинаётганлигини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, социал муносабатлар муаммосини янги, юқори илмий даражада тадқиқ қилиш имкониятлари вужудга келди. Энди бу муаммони конкрет социологик тадқиқот билан ўрганиш жоиздир. Чунки социология нафақат бу муаммонигина эмас, балки бутун ижтимоий ҳаёт жараёнларни кенг қамровда комплекс характерда ва амалий натижалар асосида чуқур тадқиқот қилади.

2.Социал муносабат турлари.

Социал муносабатни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

- ҳамфикрлик,
- кооперация,
- конфликтлар,
- кураш,
- бегоналашув,
- бефарқлик,
- кризис,
- камситиш,
- нотенглик.

Социал бирдамлик тушунчаси социал муносабатлар тизимида муҳим ўрин тутди. Чунки бирдамлик - бу кўпгина маънавий омилларнинг мажмуасидан ташкил топган социологик категория бўлиб, у ижтимоий ҳаётда фаолият кўсатаётган инсонларнинг ижтимоий тараққиёт масалаларини ҳал қилишларидаги ҳамкорлигининг кўринишидир. Аввалом бор шуни таъкидлаб ўтишимиз жоизки, социология фанига бу термин социал жипслашувни билдирадиган тушунча сифатида биринчи бўлиб О.Конт томонидан киритилган эди. Бу муаммога кўгина мутафаккилар ўзларининг кенг этиборларини қаратганлар. Айниқса Э.Дюркгейм, Г.Спенсерлар бу муаммони чуқур таҳлил қилганлар, лекин улар ўз тадқиқотларини турли хил йўналишларда олиб борганлар. Э.Дюркгеймнинг фикрича, социал бирдамлик, бу ахлоқий принцип ва олий универсал қадрият бўлиб, у жамиятнинг ҳар бир аъзоси томонидан тан олинади. О.Конт ва Г.Спенсерларнинг тадқиқотларида социал бирдамликнинг асосини иқтисодий мафаатлар ташкил қилиш марказий ўринни эгаллайди. Г.Спенсер ўзининг бирдамлик таълимотида мажбурий ва кўнгилли бирдамликни ажратиб кўрсатади. Унинг фикрича, кишилик жамияти ўз ривожланиш йўлида иккита ҳарбий ва саноат даврларига бўлинади. Бутун ҳаёт бу ерда интизомга асосланган. Саноат туридаги жамият эса осойишта ижтимоий ҳамкорликнинг эркин шакллари ифода этади. Муаммонинг худди иккита жиҳатга ажратиб таҳлил қилинишни Д.Дюркгеймнинг ҳам илмий фаолиятида кўриш мумкин. У ўз таълимотини механик ва органик бирдамликка ажратади. Ривожланмаган ва эски жамиятларда ҳукумронлик қиладиган бирдамликни Дюркгейм механик бирдамлик деб атади.

Механик бирдамлик - бу «жамоа туридаги» бирдамлик бўлиб, у бу жамоадаги индивидларнинг ўхшашликлари билан белгиланади ва улар

томонидан ижтимоий вазифалар бир хил турда бажарилади. Жамиятда ижтимоий меҳнатнинг тақсимлашиши туфайли индивидлар махсус вазифаларини бажарадилар ва бу ҳислатлар сабабли жамият жонли организмни эслатади. Шу жамиятда вужудга келган янги турдаги бирдамликни Дюркгейм органик бирдамлик деб атади. Меҳнатнинг тақсимланиши индивидларда ўзларига хос қобилиятларнинг ривожланишига омил бўлади. Энди ҳар бир индивидларнинг ўзи эса бир-бирларига боғлиқ бўладилар ва улар социал муносабатларнинг ягона тизими орқали бирдамлик туйғуларига эришадилар.

Кўпгина ғарб олимлари ижтимоий мулкка асосланган кооперациянинг сер маҳсуллигини инкор этиб келадилар. Уларнинг фикрича, бутун жамият билан ишлаб чиқариш воситаларини гуруҳлар мулки қилиб бериш керак. Агар ишлаб чиқариш воситалари ижтимоий мулк хусусиятига эга бўлса, «маъмурият» халқдан ажралиб қолади ва шу сабаб туфайли бюрократ бошқарувчилар ташкилоти вужудга келиши мумкин. Ўз-ўзидан табиийки, бу жараёнлар натижасида ишчилар ўз меҳнатларидан мафаатдорликни ҳис қилмайдилар.

Мазкур тахминларнинг аксарияти ўз исботларини топдилар. Айниқса, ярим мустамлакачилик даврида, бизнинг диёрда сохта бирдамлик асосидаги кооперациялаштириш кўплаб салбий оқибатларни келтириб чиқарди. Меҳнатнинг ижтимоий тақсимоти ва кооперация ниқоби остида бизнинг худуд хом-ашё етиштирадиган республикага айланди. Жамиятимизда туб маънодаги бирлашма жараёни фаолият кўрсатмади.

Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаб кўрсатганларидек, “Ўз-ўзини бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига жуда хос бўлган усули — маҳаллалар тизими сўнгги йилларда жуда катта нуфузга эга бўлиб бормоқда... Энг адолатли муҳит, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият фақат маҳаллада бўлиши мумкин. Ҳеч бир корхона, ҳеч бир давлат идораси ёки жамоат ташкилоти бу борада маҳалла билан тенглаша олмайди».

3. Иқтисодий ва тақсимот муносабатлари

Жамият ижтимоий таркибида ҳар бир шахс қайси ижтимоий гуруҳга ва ундаги худудий, тармоқ (соҳа) ва ижтимоий мавқе йўналишига мансублиги билан ҳарактерланади. Булардан ташқари яна, шахс жинси, ёш жиҳати, оммавий аҳволи, ижтимоий келиб чиқиши, миллий мансублиги, маълумоти, илмий даражаси каби параметрлар билан ҳам ўрганилади. Ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш даврининг иқтисодий қийинчиликлари ижтимоий гуруҳ ва айрим шахслар қанчалик моддий имкониятга эгаллиги, жамғарма маблағи миқдори каби томонларни ўрганишни ҳам талаб этади.

Ҳозирда ижтимоий муносабатларда жамиятимиз учун мутлақо янги бўлган асослар яратилмоқда. Хусусий мулкчиликка асосланган кўп укладли, дунё сари очик юз тутган иқтисодиёт пайдо бўлаётир. Шунинг учун ҳам янги иқтисодий ва тақсимот муносабатлари социологиясини ишлаб чиқиш социология фанининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирда меҳнатнинг мазмунини чуқур ва ҳар жиҳатдан ўзгартирмай туриб, жамиятимиз ижтимоий таркибида сифат ўзгаришига эришиб

бўлмайди. Бунинг учун, энг аввало, меҳнатга янгича муносабатни таркиб топтириш, янги технологияни яратиш, фанни янада тараққий эттириш, муносиб малакали кадрлар тайёрлаш, маорифни тубдан янгिलाш каби кечиктириб бўлмайдиган вазифалар амалга оширилмоғи лозим.

Иқтисодиёт социологияси ишлаб чиқариш ва меҳнат жараёнини, тақсимот муносабатлари, моддий таъминот, аҳолининг моддий турмуш даражаси ва шу каби жамиятнинг иқтисодий ривожланиш соҳасидаги қонуниятларни ўрганади.

Жамиятнинг ижтимоий ривожланиши, энг аввало, унинг иқтисодий асослари билан боғлиқ бўлади. Ижтимоий ривожланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, ижтимоий ҳаётдаги бошқа соҳаларнинг ривожланиш даражаси ҳам шунга мос равишда тараққий қилиб боради. Масалан, АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Европо мамлакатларининг иқтисодий ривожланганлиги ва аҳолининг турмуш даражаси маданияти, хизмат кўрсатиш соҳаларининг тараққиётини белгилаб беради.

Иқтисодий муносабатларни ўрганишда асосий эътибор: меҳнатнинг ижтимоий муаммолари, меҳнат фаолияти ва тақсимот муносабатларига қаратилади.

Жамият аъзолари томонидан яратилган моддий бойликлар улар ўртасида қандай тарзда ва қай миқдорда тақсимланишидаги фарқ ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги фарқни келтириб чиқаради. Хусусий мулкнинг қонуний деб эълон қилиниши билан жамиятимиз ижтимоий таркибидаги текисчилик аста-секин ўз ўрнини ижтимоий мавқеи жиҳатидан ва етиштирилаётган моддий неъматларнинг тақсимоли жиҳатидан фарқ қилувчи ижтимоий гуруҳ ва табақаларга бўлиниши ортиб бормоқда.

Республиканинг аста-секин бозор муносабатларига ўтиб бориш даврида Президент И. А. Каримов томонидан белгиланган беш тамойилга асосланган тарзда сиёсат юргизилмоқда. Буларнинг биринчиси – иқтисодиётнинг сиёсатдан устун бўлиши, уни ҳар қандай мафкуравий тазйиқлардан озод қилиш лозимлиги.

Иккинчиси – давлат асосий ислохотчи.

Учинчиси – қонун устиворлиги.

Тўртинчиси – кучли ижтимоий сиёсат юритиш.

Бешинчиси – бозор иқтисодиётида босқичма-босқич ўтиш зарурлиги.

Тақсимот муносабатлари социология предметига тааллуқли бўлиб, унинг таркибига ишлаб чиқариш қуроллари тақсимоли, жамият аъзоларининг ишлаб чиқаришнинг турли тармоқлари бўйича жойлашуви ва жамият томонидан ишлаб чиқарилган моддий неъматлар, ишлаб чиқариш қуроллари ва истеъмол моллари киради. Моҳият эътибори билан тақсимот муносабатлари мавжуд ишлаб чиқариш муносабатлари ҳарактерига мос келади.

Алоҳида кишилар ва ижтимоий гуруҳларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаолиятининг моҳияти тақсимот муносабатлари ҳарактери билан белгиланади. Ижтимоий гуруҳлар, табақалар ва алоҳида олинган кишиларнинг реал даромадлари даражаси, бу даромадларнинг ўзгариши ва

ривожланиши истикболлари уларнинг ижтимоий-сиёсий позицияларини белгилайди.

Совет тузуми даврида ижтимоий гуруҳларнинг моддий даромадларини тенглаштириш сиёсати юргизилган. Натижада кишиларнинг меҳнатга муносабати сусайиб, ижодийлик, омилкорлик, ишбилармонлик, тадбиркорлик, моддий манфаатдорлик каби ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим стимуллари йўқала борган.

Демак, тақсимот муносабатлари жамият ҳаётини, аynиқса, унинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишида муҳим ўрин тутади.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш муносабати билан, Ўзбекистонда мулкчилик турли шакллариининг жорий қилиниши ва уларнинг давлат ҳимоясига олиниши тақсимот муносабатларида тубдан ўзгаришларга олиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, жамият иқтисодий ривожланишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ўз миллий пулига эга бўлиши муносабати билан иқтисодий ва тақсимот муносабатларига сезиларли таъсир кўрсата бошлади. Ўзбекистон ички бозорини тўлдириш — давлат сиёсати даражасида олиб борилмоқда. Ўзбекистон давлатининг бу соҳадаги сиёсати “миллий бойликнинг кўпайишини, республиканинг мустақиллигини, одамларнинг муносиб турмуш ва иш шароитларини таъминлайдиган қудратли, барқарор ва жўшқин ривожланиб боровчи иқтисодиётни барпо этишдан иборат буюк мақсадни кўзламоқда.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодиёт ва тақсимот муносабатлари социология фани доирасида тадқиқот объекти сифатида муҳим ўрин тутади.

4. Ижтимоий – синфий муносабатлар

Жамиятнинг ижтимоий таркибида ижтимоий-синфий муносабатлар ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Совет социологиясида синфий муносабатлар, синфий кураш масалаларига жуда кенг ўрин берилиб, бу муносабатлар ижтимоий таркибдаги бошқа барча элементлар, муносабатлар ичида энг муҳим ва белгиловчи ҳисобланган. Бунинг сабаби, унда жамиятнинг иқтисодий таркиби бошқа ижтимоий гуруҳлардагига нисбатан тўлароқ ва аниқроқ акс этади, - деб кўрсатилган. Ҳақиқатдан ҳам, давлат социализми даврида мавжуд ишчилар ва деҳқонлар синфи жамиятнинг энг кам таъминланган, қуйи даражадаги синфларни ташкил қилди. Интеллигенция ижтимоий қатлами эса моддий таъминланганлик жиҳатидан улардан унчалик фарқ қилмаган. Ўтган даврда, асосан, икки синф — ишчилар ва деҳқонлар синфи ва интеллигенция қат-лами мавжуд деб кўрсатилиб, жамият ижтимоий таркибидаги бошқа гуруҳлар (масалан, юқори табақа чиновниклари, мафия гуруҳлари ва шу кабилар)нинг аҳамияти мутлақо тилга олинмас эди.

Ишчилар синфи кўп қиррали ижтимоий бирлик ҳисобланади. Унинг ички таркиби демографик (жинси ва ёши билан), профессионал — тайёргарлиги билан (меҳнатнинг мазмуни ва характери билан) ҳудудий (ижтимоий-ҳудудий бирлик билан), этник (миллий фарқи) ва маданий-маълумоти билан фарқ қилувчи таркибий тузилишга эга.

Ҳозирда Ўзбекистон давлати миқёсида миллий ишчилар синфининг таркиб топиши учун шарт-шароит яратилди. Жаҳон талабларига жавоб бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун моддий замин тайёрланди. Чет эл фирмалари билан қўшма корхоналар яратилди. Эндиликда, юқори технологияга асосланган саноат ишлаб чиқаришининг малакали ишчи - инженерлар гуруҳи шакллана бошлади.

Ишчилар синфи ривожланиш истиқболларига эришиш учун уларни миқдорий жиҳатдан кўпайтириш билангина эришиб бўлмайди. Аввало меҳнатнинг интеллектуал мазмунини бойитиш, замонавий автомат-технология билан жиҳозланган иқтисодий шарт-шароитларни барпо қилиш зарур. Амалга оширилиши керак бўлган бундай тадбирлар бевосита қишлоқ хўжалиги деҳқонлари ҳамда интеллигенция қатлами учун ҳам тааллуқлидир.

Иқтисодиётни интенсив равишда ривожлантириш ижтимоий-таркибий алоқаларга таъсири кучли таъсир этади. Шунингдек, ижтимоий таркибдаги иқтисодий ва тақсимот муносабатларининг ижобий ривожланиши мамлакат табиий ресурслари, ҳудудий ўзига хос хусусиятлар, сиёсий барқарорлик, миллатлар ўртасидаги муносабатларга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Мамлакат қишлоқ хўжалиги соҳасида банд бўлган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштираётган деҳқонлар ҳам ижтимоий таркибда синф сифатида ўрин тутди. Ўзбекистонда аҳолининг 60 фоизи қишлоқ жойларида яшайди. Миллий даромаднинг 44 фоизидан кўпроғи бугунги кунда қишлоқ хўжалигидан олинади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимиз бўйича меҳнатга яроқли кишиларнинг 39,3 фоизи чорвачилик ва қишлоқ хўжалигида меҳнат қилади. Баъзи районларда бу кўрсаткич 80-90 фоизни ташкил этди.

Булардан кўриниб турибдики, жамиятимиз ижтимоий таркибида деҳқонлар синфининг ўрни каттадир. Ҳозирда мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон ҳукумати деҳқонлар мавқеини кўтаришга алоҳида эътибор бермоқда. Уларнинг турмуш даражасини оширишда катта ишлар олиб борилаёпти. Уй-жой қуриш учун бепул ер ажратилди. Моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Экинзор ерлар ижарага берилмоқда. Фермерларнинг сони ортмоқда. Етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини шаҳарга олиб келиб сотиш учун имкониятлар яратилди. Уларнинг оладиган йиллик даромадлари бир неча бор ортди.

Деҳқонлар синфи ичида ҳам табақаланиш жараёни тез суръатлар билан бормоқда. Уларнинг таркибида ишбилармон, тадбиркор фермер хўжаликлари пайдо бўлди. Ижарачилар гуруҳи ҳам борган сари қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги **иқтисодий муносабатлар**нинг таркиб топиши билан қишлоқ ишчилар синфи шаклланишига моддий замин тайёрланмоқда. Бошқача айтганда, қишлоққа саноат кириб келмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалигида мавжуд ортиқча иш кучини иш билан таъминлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқда.

Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаб, задики, — «Ўзбекистон иқтисодиётининг бир томонлама — хомашёвий йўналишига қатъий барҳам

бериш республика ички сиёсатининг энг муҳим стратегияси ҳисобланади. Фақат хом ашё етиштирувчи ва сотувчи ўлка сурункали ночорликка гирифтор бўлади».

“Дастлабки ҳисоб-китоб шуни кўрсатадики, агар биз республикада бор хом ашё ва чала маҳсулот ишлаб чиқаришни тугал жараёнга етказиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйсак, республикада ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқаришни икки баробардан зиёд, миллий даромадни эса тахминан уч баробар кўпайтиришимиз мумкин”.

Жамият ижтимоий таркибида зиёлилар қатлами ҳам салмоқли ўрин тутди. Интеллигенция ақлий меҳнат мутахассислари бўлиб, ижтимоий-профessional гуруҳлардан таркиб топмоқда. Жамият ижтимоий таркибида интеллигенция ақлий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқиши оқибатида шаклланди. Ҳозирда, фан, илмий техника тараққиётининг жадал бориши билан интеллигенциянинг professional малакаси янада мураккаблашмоқда. Унинг таркибига илмий, ишлаб чиқариш-техник, маданият, маърифат, тиббиёт-ҳарбий ва бошқарув аппарати ходимлари кириб келди.

Зиёлилар таркибини яна шаҳар ва қишлоқ, ижтимоий бандлик соҳалари бўйича (ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида) меҳнатнинг ижодий характери даражаси билан, малака ва бошқа жиҳатлари билан фарқлаш мумкин.

Собиқ совет даврида зиёлилар сон жиҳатидан ортди-ю, аммо унинг сифат даражаси анча паст бўлиб қолаверди. Чунки зиёлилар қатлами, аввалам бор, меҳнат характери билан белгиланади, Ўтган даврда олий маълумот олган қанчадан-қанча кишилар ҳозирда ишчи бўлиб, ёки тижорат ва бошқа соҳаларда ишламоқдалар. Улар зиёлилар таркибига кирмайди.

Социологияда **миллий муносабатлар** иқтисодий, сиёсий ва маънавий-мафкуравий муносабатлардаги ўзаро узвий алоқадорлик назарда тутилган ҳолда конкрет этник муҳит доирасида, ижтимоий жамоалардаги, оиладаги, ҳудудий тартибдаги муносабатлар доирасида олиб қараб ўрганилади. Шунингдек, миллатлараро муносабатларнинг жамият ижтимоий ҳаётига таъсири ва уларнинг ижтимоий оқибатлари тадқиқ этилмоқда.

Собиқ Иттифок даврида муайян иқтисодий-сиёсий ва идеологик режим асосида ушлаб турилган, бошқарилган миллий муносабатлар эндиликда аста-секин тикланмоқда. Шу жиҳатдан, Ўзбекистоннинг кўп миллатли давлат бўлганлигини эътиборда тутган ҳолда, унда истиқомат қилаётган миллатлар ва халқларнинг ижтимоий турмуши, ўзаро алоқаси ва шу каби муносабатларни социологик тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Яқин ўтмишимизда содир бўлган Фарғона, Андижон, Ўзган ва Ўш воқеалари қайта такрорланмаслиги учун, Ўзбекистонда бундан кейин ҳам миллатлараро ҳамдўстликни ривожлантириш, ўзаро аҳил, бир оила бўлиб яшаш талаб этилади. Президентимиз И.А.Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон ҳукуматининг асосий мақсади ҳам Марказий Осиё, ҳудудида ҳар қандай миллий низоларнинг олдини олишдан иборат.

Социология доирасида ҳам ижтимоий-этник муносабатлар илмий таҳлилга муҳтож бўлади. Айниқса, ижтимоий-иқтисодий, психологик жиҳатларини тадқиқ қилиш муҳимдир. Шунинг учун ҳам бу масалалар социология, этнопсихология ва бошқа ижтимоий, гуманитар фан соҳаларида кенг ўрганилиши шарт.

5. Ижтимоий – демографик муносабатлар

Социологияда жамият ижтимоий таркибий тузилишининг ижтимоий-демографик муносабатлари ҳам муҳим ўрин тутди. Бу муносабатлар, асосан, аҳолининг жинсий тузилиши, ёши, оилавий ва генетик жиҳатларини ўз ичига олади.

Ҳар қандай давлат ижтимоий сиёсатининг таркибига демографик сиёсат ҳам киради. Демографик муносабатларга мамлакат аҳолисининг барча қатламлари мансуб.

Ижтимоий-демографик таркибга статистик жиҳатдан ўрганиладиган аҳоли ўртасида туғилиш, ўлим, никоҳ, оилавий кўйди-чиқдилар, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг миграцияси, ҳудудий миграция қабилар киради.

Ўзбекистон ижтимоий-демографик жиҳатдан ниҳоятда мураккаб тузилишга эгадир. Туб аҳолининг 51 фоизи хотин-қизлар, 9,6 млн. аҳоли 16 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлардан иборат. Фарғона водийси аҳолисининг зичлиги жуда катта. Андижонда ҳар бир квадрат километр майдонга 485 нафар одам туғри келади. Бундай демографик ҳолат жамият ҳаётининг бошқа барча соҳаларида ҳам турли муаммоларни келтириб чиқариши табиий.

Аҳолининг ёш жиҳатдан таркибий тузилишини ўрганиш мамлакатнинг нафаҳат меҳнат ва ишлаб чиқариш потенциални аниқлашга, балки унинг ривожланиш динамикасини ҳам аниқлашга хизмат қилади. Бу жиҳатдан Ўзбекистонда баъзи Европо ва Япония мамлакатларига нисбатан «ёш» мамлакат ҳисобланади.

Аҳоли таркибини жинсий тузилишини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу, мамлакат ишлаб чиқаришини ташкил этиш, аёллар учун қулай меҳнат турларини ташкил қилиш ва иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Хотин-қизлар ижтимоий аҳолининг ўзига хос хусусиятлари уларнинг меҳнат билан бандлиги, меҳнат тури, оилавий, турмуш шароити ва, шу қабиларда кўринади. Уларни оғир жисмоний меҳнатдан ҳалос этиш масаласи ҳозирда энг муҳим масалалардандир. Собик совет даврида ўзбек хотин-қизлари қишлоқ хўжалигида а, всиз эксплуатация қилинди. Натижада уларнинг саломатлиги кескин монлашди. Касалманд, нимжон оналардан ҳеч қачон соғлом фарзанд дунёга келмайди. Ўзбек ёшларининг ҳар учтадан биттаси, ҳатто ҳарбий хизматга қодир бўлмай қолган эди. Президент И. А. Каримов ташаббуси билан илгари сурилган «Соғлом авлод давлат дастури» учун курашиш миллат келажagini таъминлашнинг энг муҳим масаласидир.

Аҳоли оилавий таркибининг сони, моддий турмуш даражаси, даромади, оилавий муносабатларни ва шу қабил масалаларни ўз ичига олади. Оилани озик-овқат ва истеъмол моллари билан таъминлаш муаммолари давлат

ижтимоий сиёсатининг асосий мақсадини ифода этади. Оила таркиби социологиянинг махсус соҳаси – микросоциологияда ҳам чуқур тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Унда унинг иқтисодий, психологик жиҳатларини эътиборда тутиш зарур. Никоҳ муносабатлари, диний яшовчиларни, оилавий бузилиш сабабларини ўрганиш жамият ижтимоий таркиби ҳаётини ижобий ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Оддий бир мисол: диний муносабатларда илгари никоҳ муқаддас саналар эди. Собик совет тузуми даврида диннинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеига путур етказилиши ва даҳрийликнинг кучайиши оқибатида никоҳ муносабатлари муқаддас деб қаралмай қўйилди. Никоҳ шунчаки, расмий рўйхатга олишдан иборат бўлиб қолди. Натижада оила муқаддаслиги йўқолиб, қўйди-чиқдилар қўпайди. Бу эса жамиятнинг нафақат иқтисодиётига, балки маънавий-ахлоқий, психологик муносабатларнинг барқарорлигига салбий таъсир кўрсата бошлади. Ноахлоқий тенденцияларнинг кучайишига олиб келди. Ёш авлод тарбиясига зарар етказилди. Жамиятда тирик етимлар сони қўпайди. Давлат етимхоналарининг сони ортди. Моддий ва бошқа жиҳатдан етарлича таъминланганлигига қарамай уларда тарбия топган болалар оилада, ўз ота-оналари бағрида вояга етган болалардан фарқ қила бошлади.

Социологияда **аҳолининг генетик таркибини** ўрганиш борган сари моддий аҳамиятга эга бўлмоқда. Унга аҳолининг табиий ва миграция ҳаракати киради. Ўзбек миллати бошқа миллатларга нисбатан ўз туғилиб ўсган жойига кўпроқ боғланган бўлади. Айниқса, Фарғона водийси аҳолисида бундай хусусият кучли. Шунинг учун ҳам водийда аҳоли зичлиги бошқа ҳудудларга нисбатан ортиқ.

Ўзбекистонда генетик таркибни ўрганишга ҳозирча етарли эътибор берилмаган. Унинг ижтимоий-демографик муносабатлардаги аҳамияти катта. Ижтимоий-демографик муносабатларни аниқлашда мамлакат миқёсида ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш муҳим ўрин топади. Аҳолининг рўйхатга олиниши айниқса ҳозирда, бозор муносабатларига ўтиш даврида юзага келаётган қўплаб ижтимоий-иқтисодий, маиший турмуш соҳаларидаги муаммоларни ҳал этишда жуда катта роль ўйнайди. Айниқса, унинг шаҳар муаммоларини ҳал этишдаги аҳамияти катта.

Қишлоқ аҳолисининг ижтимоий таркиби жамият ижтимоий таркибининг муайян бўлаги ҳисобланади, қишлоқ аҳолиси ижтимоий муносабатларининг муҳим белгилари: бу, ягона меҳнат, ер, мулкӣ бошқарув муносабатларини ўз ичига олади. Ҳозирда қишлоқ аҳолисининг таркибида ҳам табақалашув жараёни кучаймоқда. Айниқса, қишлоққа саноатнинг кириб келиши, савдо-сотиқнинг ривожланиши ва бошқа омиллар оқибатида қишлоқ аҳолиси турли гуруҳлардан иборат бўлган ижтимоий бирлик сифатида ривожланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, жамият ижтимоий таркибини социология фани доирасида ўрганиш, унинг ривожланиш ис-тиқболларини, ўзига хос хусусиятларини, мавжуд ижтимоий муаммоларини тадқиқ этишда ва зарур илмӣ-амалӣ тадбирлар ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эгадир.

6. Бегоналашув ва таназзул ҳамда ижтимоий оқибатлар

Ҳозирги жамият ҳаётида қуйидаги бегоналашув турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Иқтисодий.
2. Сиёсий.
3. Маданий.
4. Ижтимоий.
5. Рухий.

Бу бегоналашув турлари ўзларининг маълум бир шаклларига эгадирлар. Масалан, **иқтисодий бегоналашув учта шаклга эга:**

1. Фаолиятдан бегоналашув.
2. Фаолият бошқарувидан бегоналашиш.
3. Фаолият натижаларидан бегоналишиш.

Сиёсий бегоналашиш сиёсий ҳокимиятдан бегоналашишдан; **маданий бегоналашиш** мулоқатдан, инсонларнинг бир-биридан; **психологик бегоналашув** ўз-ўзидан бегоналашишдан иборат бўлади.

Бегоналашув жараёни ва таназзул бир-бирларига боғлиқ ҳодисалардир. Агар жамиятда ишлаб чиқариш суръатлари кескин пасайса, хўжалик алоқалари узилса, пулнинг қадри тушиб кетиб, нархлар тез суръатларда ошиб кетса, бошқарув тузилмалари издан чиқса ва сиёсий тангликлар вужудга келса, биз жамиятнинг ҳамма соҳалари таназзулга учраган деб фикр юритишимиз мумкин.

Бу чуқур таназзул инсонларнинг кучли бегоналашув оламига салбий таъсир қилиши, баъзи тартиблар киргизиши аниқ. Ўз навбатида бегоналашув жараёни қанчалик кенгайса таназзул ҳам шунчалик, чуқурлашиб бораверади. Масалан, ишлаб чиқариш жараёнида меҳнатнинг тақсимланиши рўй беради. Бу эса тараққиёт учун қўйилган улкан қадамдир. Лекин шу билан бирга ижтимоий мулкчиликка асосланган ижтимоий муносабатларнинг шундай бир тури - ишлаб чиқариш муносабатлари шаклланадики, унинг асосида бевосита ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқариш воситаларидан узоқлашиб, аста-секинлик билан ўз меҳнати натижасида бегоналашиб боради. Энди бу ишлаб чиқарувчи шахс учун меҳнат унумининг ҳам қизиғи йўқ. Марксизм таълимоти бўйича хусусий мулк ижтимоийлаштирилгач ишлаб чиқариш воситаларига энди бевосита ишлаб чиқарувчилар умумий эгалик қилишлари керак эди. Лекин ижтимоий амалиётда эса бунинг акси бўлиб чиқди. Сиёсий ҳокимиятни босиб олган пролетариат ишлаб чиқариш воситаларини давлат мулкига айлантирди. Социалистик революция мантикига кўра, бу тадбирлар бегоналашув жараёни илдизига болта уруши керак эди. Лекин 70 йиллик тарих давомида бизга уқтириб келинган ижтимоий мулк давлат мулки эди. Бу мулк эса хусусий мулкнинг энг жирканч, адолатсиз тури бўлиб чиқди. Чунки давлат мулки ўзининг реал эгасига эга эмас. У бир мавҳум тушунча эди. Меҳнат кишиси эса яна мулкдан бегоналашди. Давлат мулки эса давлат апаратининг хусусий мулкига айланиб, бу номенклатурани «янги» синфга айлантирди. Бу салбий жараёнлар натижасида ишлаб чиқариш ўзининг ҳақиқий эгасини топа олмади.

Сиёсий жабҳада ҳам сиёсий ҳокимиятдан жамиятнинг кўпгина аъзолари бегоналаштирилдилар. Яъни, сиёсий ҳокимият халқ ҳокимияти умумхалқ, ҳокимияти деб эълон қилинган бўлсада, аслида у маълум бир гуруҳнинг - элитанинг хусусий мулкига айланди. Бунинг асосида эса бутун бир халқ давлат сиёсий ҳокимиятидан бегоналашди ва бу бегоналашган омма билан номенклатура орасида улкан жарлик пайдо бўлди. Ўз навбатида бу жараёнлар сиёсий таназзулга олиб келди ва бу таназзул туфайли ташқи душман енга олмаган тоталитар давлат ўз-ўзидан парчаланиб кетди.

Маданий соҳадаги бегоналашув ҳам анчагина чуқур салбий оқибатларга олиб келадиган маънавий таназзулни келтириб чиқарди. Жамиятда соғлом муҳитни яратишда маънавият ва маданиятнинг ўрни ўзгача. Чунки, улар индивидларнинг баркамол бўлиб шаклланишларига катта таъсир кўрсатадилар. Агар жамият аъзолари ўз маънавиятлари бой маданий меросларидан узоқлашиб кетиб, ундан бегоналашсалар, улар энди ўзларининг келиб чиқишларидан тортиб, то ўз миллатларининг ҳам миллий урф-одатлари, анъаналарини ҳам инкор қила бошлайдилар. Агарда яқин ўтмишимизга, унинг тирихига мурожаат этсак ушбу сатрларимизнинг яққол исботини кўрамиз. Масалан, бой маданий меросимиздан бегоналашувимиз бизларни атоқли адиб Чингиз Айтматовнинг таъбирича, манқуртларга айлантирай деди, яъни биз ўз халқимиз тарихи, миллий озодлик ҳаракатлари ва уларнинг саркардалари, динимиз ва ўзлигимиздан узоқлашиб қолдик. Давлатимиз мустақиллигига эришиб, маданий бегоналашувни бартараф этишни бошладик. Социалогиядаги муҳим бегоналашув ҳисобланган социал бегоналашиш инсонларни мулоқотдан, бир-бирларидан узоқлашишлари натижасида юзага келади. Инсон ўз моҳиятига кўра, ижтимоий хусусиятга эгадир. Ўзаро фаолият туфайли пайдо бўлган эҳтижлар асосида доим инсонлар бир-бирлари билан муносабатларда мулоқотларда бўладилар. Мулоқотнинг ижтимоий маъноси шундаки, у маданият шакллари ва ижтимоий тажрибаларни узатиш воситаси бўлиб химат қилади. Лекин иқтисодий таназзул кўпгина инсонларни қийин иқтисодий аҳволга солиб кўяди. Натижада жамият аъзоларининг аксарияти бозор иқтисоди муносабаларига кўникишлари қийин кечади. Оқибатда инфляциядаги эҳтиёжлар тизимининг чекланиши ва нормаллаштириш инсонларда агрессивлик кайфияти, жоҳиллашиш фуқароларда анъана ва урф-одатлар, маънавий кадрятларни йўқотишга олиб келади. Шу каби салбий омиллар инсонларнинг бир-бирларидан бегоналашувларини кучайтиради ва ҳамма ўз ҳолича деган норасмий қонун пайдо бўлади.

Рухий бегоналашув - бу инсоннинг ўз моҳиятидан узоқлашишдир. Ушбу муаммони немис мутаффакири Эрих Фромм жуда яхши ишлаб чиққан. Унинг фикрича, инсон моҳияти доим ўзига душманлик кайфиятида бўлган социал тузилма таъсири остидаги инсон ўз-ўзидан бегоналашувининг ҳар бир даражасига маълум бир социал характер - дунёпараслик, эксплуататорлик, рецептив (андозалик, қолип), бозорга оидлик хосдир.

Замонавий жамиятни Э. Фромм инсон моҳиятини «машиналаштириш», «компьютерлаштириш» ва «роботлаштириш» жараёнлари ёрдамида

бегоналашув унинг даражасининг бир маҳсули деб таърифлайди. Бозорга йўналтирилган социал ҳаракат пайдо бўлиб, унда истеъмолга интилиш, иккиланишлар ҳиссиёти, яккаланиб қолишлик ва бошқа салбий ҳолат, ҳиссиётлар марказий аҳамият касб этади.

Худди шу ерда психологик ва социал бегоналашуш бир-бирлари билан жуда уйғунлашиб кетишларини кўриш мумкин. Инсонлар бир-бирларидан муносабатда, мулоқотда бегоналашсалар, ўз-ўзларидан бегоналашуш ҳам юз беради, чунки инсонларнинг бир-бирларидан бегоналашувлари оқибатида, улар яккаланиш, зерикиш ва ҳаётга қизиқишлари сўниши вужудга келиши мумкин. Бунинг натижасида инсон ўз келажагига, орзу-ниятларига ишончи йўқолиб, у ўзини бегона деб ҳисоблайди ва бу жараён кўпинча салбий оқибатларга олиб келади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, жамият ҳаётидаги турли хил бегоналашув жараёнлари тезроқ илмийлик ва уйғунлик асосида бартараф қилинсагина жамият соғлом шароитда тараққий этади ва салбий ижтимоий ҳодисаларнинг ўз вақтида олди олинади. Масалан, меҳнатдан бегоналашушликни бартараф этиш учун биринчи галда инсонларнинг ўз меҳнатлари натижаларидан манфаатдор бўлишлари ва унинг оқибатида эса уларнинг меҳнатга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириб, қизиқиш ва куч-ғайратлари билан ишлашларини ташкил этиш даркор.

Ишлаб чиқаришни бошқаришдан бегоналашуш муаммосини бартараф этиш ҳам жуда муҳим маъно касб этади. Бунинг учун ишлаб чиқариш муносабатларини чуқур демократиялштириш, корхона, ташкилот ва муассасалардаги мавжуд бошқарув тизимларини демократик йўллар билан такомиллаштириш ва ишчи, хизматчиларга ҳўжалик эгасининг аниқ вазифаси, ҳуқуқи ва масъулиятлиликларини билишлари керак.

Маданиятдан бегоналашувни бартараф этиш учун маданий меросга муносабатни такомиллаштириб бориш, жамиятнинг ҳар бир аъзоси маънавий кадриятлардан яхши хабардор бўлиш ва маданий қурилишга етарли маблағ ажратилишини таъминлаш зарур.

Ижтимоий бегоналашувни бартараф қилиш учун инсонларнинг бир-бирлари билан муносабатлари, муаммоларни ҳақиқий бирдамлик ва ҳамкорлик асосида қуриш керакки, шунда ҳар бир инсон ўзини бошқалар учун ҳам керак эканлигини чин юракдан сезсин.

Рухий бегоналашувни бартараф этиш чоралари социал бегоналашувни бартараф этишнинг узвий давомидир. Инсон ўзини кимгадир кераклигини руҳан ҳис қила олсагина у ҳақ қачон тушкунликка тушмайди. Яккаланиш, изтиробга тушиш хавфидан холос бўлади, оқибатда унинг ўз-ўзидан, ўз моҳиятидан бегоналашувига ҳақ қандай сабаб қолмайди.

Биз қураётганбугунги янги жамият ўз олдига бу бегоналашув жараёнларини тезроқ бартараф этиб, ҳақиқий ривожланишга, эркинликка, озодликка эришиш учун ҳозирги қийинчиликларни собитқадамлик билан енгиб бормоқда. Яқин йиллар ичида бу ҳаракатларнинг натижаларида, албатта юзага чиқади, деб умид қилишга ҳамма асослар мавжуддир. Шу боисдан ҳам Президентимиз Ислом Каримов 2-чақириқ Олий Мажлис 1-

сессиясида таъкидланганидек, «Ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини демократлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, янги маъно-мазмун билан бойитиш, унинг изчиллиги ва самарасини таъминлаш – мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислохотларнинг мазкур босқичида олдимизда турган энг долзарб вазифадир»

Асосий тушунчалар

Бирдамлик - бу кўпгина маънавий омилларнинг мажмуасидан ташкил топган социологик категория бўлиб, у ижтимоий ҳаётда фаолият кўсатаётган инсонларнинг ижтимоий тараққиёт масалаларини ҳал қилишларидаги ҳамкорлигининг кўринишидир

Менталитет (лот. mens — ақл, тафаккур) — индивид ёки ижтимоий гуруҳнинг, миллатнинг ўзига хос тафаккур тарзи, воқеликни маълум бир тарзда тушуниши ва биргаликда ҳаракат қилишга тайёрлиги ва мойиллиги.

Миграция (лот. migratio — кўчиб ўтиш) — индивидлар ёки ижтимоий гуруҳларнинг доимий яшаш жойларини ўзгартириш жараёни бўлиб, у бошқа жўғрофий ҳудуд ёки мамлакатга кўчиб ўтишда ифодаланади.

Микросоциология (юнон. micros - кичкина ва социология) — социологияда нисбатан катта бўлмаган ижтимоий тизимлардаги ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни таҳлил қилишга қаратилган, алоҳида олинган ҳодисаларнинг микродаражадаги жараёнлар билан алоқасини эмпирик тасвирлаш билан чегараланадиган йўналиш.

Модал шахс (фр. mode, лот. modus — меъёр) — жамиятнинг кўпчилилик аъзолари қабул қилган маданий наъмуналарга риоя этувчи инсон.

Мотивация (фр. motif — ҳаракатлантираман) — инсоннинг шахсий ёки гуруҳий эҳтиёжларини амалга оширишга ҳаракатлантирувчи истаклар.

Талабаларнинг индивидуал ўзлаштиришларини аниқлаш учун саволлар:

1. Социал муносабатлар нима?
2. Социал муносабатларнинг қандай турларини биласиз?
3. Социал бирдамлик қандай аҳамиятга эга?
4. Иқтисодий муносабатлар ҳақида гапириб беринг.
5. Иқтисодий ва тақсимот муносабатларини ривожлантириш учун қандай ишларни амалга ошириш керак?
6. Ижтимоий – синфий муносабатлар деганда нималарни тушунасиз?
7. Ижтимоий – демографик муносабатлар нима?
8. Оилавий муносабатларнинг маънавий-ахлоқий асослари ҳақида нималарни биласиз?
9. Миллий-этник муносабатларда мавжуд бўлиши мумкин бўлган муаммоларнинг сабаблари нималарда деб биласиз?
10. Инсонлараро муносабатларда толерантлик(бағрикенглик) тамойилининг аҳамияти ҳақида гапиринг.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар:

1. Алиев Б., Рафиқов Ғ., Султонов Т., Муллажонова М., Раҳмонов Б. ва

бошқалар. Социология. (Ўқув қўлланма). –Тошкент: ТДЮИ нашриёти. 2006.

2. Социология //Ўқув қўлланма. Убайдуллаева Р.А., Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б. ва бошқ. –Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси, 2002.

3. Социология. Маърузалар курси. Алиқориев Н.С, Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б., ва бошқ. – Тошкент, 2001

4. Умумий социология. (Алиқориев Н.С ва Убайдуллаева Р.Т таҳрири остида) – Тошкент: 1999.

Қўшимча адабиётлар:

1. Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: А.Қодирий номидаги нашриёт, 1993.
2. Вебер М. Избранные произведения. – М.: Прогресс, 1990.
3. Ганиева М.Х. Этносоциология. Учебное пособие для студ. высших учебных заведений. – Ташкент: Университет, 2006.
4. Ганиева М.Х. Введение в социальную работу. –Ташкент., 2011. 98 с.
5. Гараджа. В.И. Социология религии. – М., 2005.
6. Гиддингс Э. Социология. – Тошкент, 2002
7. Кравченко А.И. Социология. – М., 2006.
8. Латипова Н.М. Политическая социология. Методическое пособие. – Ташкент., 2010.
9. Современная западная социология. Словарь. – М.: Прогресс, 1990.
10. Социология религии. В.И.Гараджа. – М., 2005.
11. Социология //Учебное пособие. Под редак. д.ф.н. Мухамедовой З.М., – Ташкент: Sanat, 2010
12. Қодиров А.Қ. Социология. –Тошкент, 2006.
13. Saitxodjayiv Н.В. Sotsiologiya. Ma`ruzalar kursi. –Тошкент: Академия, 2008.
14. Ҳолбеков А.Ж., Идилов У.Ю. Социология: изоҳли луғат-маълумотнома. –Тошкент: Ибн-Сино номидаги нашриёт, 1999.
15. Холбеков. А.Ж. Бошқарув социологияси (ўқув қўлланма). –Тошкент: Akademiya, 2007.
16. Убайдуллаева Р.А., Ота-Мирзаев О.Б. ва бошқ. Социологик тадқиқотлар амалиёти (Ўқув-услубий қўлланма). –Т.: «Ижтимоий фикр», 2001.
17. Фарфиев Б.А., Нуруллаева У.Н. Социология тарихи. (Услубий қўлланма). Тошкент: Университет, 2009.
18. Бекмуродов М.Б. Роль общественного мнения в социально-культурном развитии общества: Дис....док.социол.наук. – Ташкент, 1997.
19. Фарфиев Б.А. Ўзбекистонда жамиятни демократилаштириш жараёнида тафаккур тарзини такомиллаштиришнинг ижтимоий маъданий хусусиятлари: Дис....социол. фан.ном. – Тошкент., 1999.
20. Калонов К.К. Ўзбекистон ўзини ўзи бошқарув тизими динамикаси таҳлил қилишда авторитетнинг тутган ўрни: Дис....социол. фан.ном. – Тошкент, 2000.
21. Юнусов А.Б. Ўсмир ёшларда ижтимоий девиантлик ҳолатларининг социологик хусусиятлари: Дис....социол. фан.ном. – Т: ЎЗМУ, 2004.

22. Норбеков А.Ш. Ўзбекистонда ижтимоий кафолат тизимини яратиш муаммолари: сиёсий-социологик таҳлил. Дис....социол. фан.ном. – Тошкент, 2004.
23. Латипова Н.М. Роль молодых специалистов в трансформации социальной структуры узбекистанского общества: Дис.... канд. социол. наук. – Ташкент, 2009.
24. Ганиева М.Х. Общественное мнение как фактор развития межнациональных отношений: Дис....док.социол.наук. – Ташкент. – Ташкент. 2009

Электрон таълим ресурслари:

1. [http: www.lib.socio.msu.ru](http://www.lib.socio.msu.ru)
2. [http: www.socioline.ru](http://www.socioline.ru)
3. [http: www.socio.rin.ru](http://www.socio.rin.ru)
4. [http: www.sociologos.narod.ru](http://www.sociologos.narod.ru)
5. [http: www.socionet.narod.ru](http://www.socionet.narod.ru)
6. [http: www.sociograd.ru](http://www.sociograd.ru)

8-Мавзу: Ижтимоий тараққиёт социологияси

Режа:

- 1.Социологияда ижтимоий тараққиёт тушунчаси.**
- 2. Ижтимоий ўзгаришларнинг шакллари: прогресс, регресс, эволюция ва революция.**
- 3. Эволюцион ривожланиш ва унинг афзалликлари.**
- 4.Ўзбек моделининг ўзига хос хусусиятлари.**
- 5. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувни демократиялаштириш жараёнларининг ўзига ҳослиги**
- 6.Ижтимоий тараққиётни бошқариш.**

1.Социологияда ижтимоий тараққиёт тушунчаси.

Ижтимоий тараққиёт – бу жамият тараққиёти. Жамият тараққиёти бу – унинг ўтмишдан ҳозир орқали келажак сари ўрганиб боришдан иборат бўлган жараёндир. Инсоният бир неча минг йиллик тарихга эга. Унинг ривожланиш жараёнини тарих фани ўрганади. Тарих юнонча historian сўзидан олинган бўлиб, ўтмиш воқеалар ҳақида хикоялар, бўлиб ўтган ходисалар, деган маънони англатади.

Инсоният ўтмишининг ўзига ҳослиги кўп хилликни ўрганиш асосида ижтимоий билимлар ҳосил бўлади. Тарихий жараёнларнинг фалсафий таҳлили билан тарих фалсафаси ёки историософия шугулланади.

Қадимдан олимлар тарихни фалсафий жихатдан англашга интиланлар.

Тарихни англаш, инсоният тарихининг моҳиятини, йўналишини тушуниш, демакдир. Бундай англашнинг асосида «инсоният жамияти тарихий тараққиёт жараёнида ўзгариб борадими, агар ўзгариб борса, бу ўзгаришлар қандай тарзда кечади деган саволларга жавоб беришни ишлаб

чиқди. Таъикдлаш жоизки, тарихий жараёнларни англаш масаласи қадимдан файласуфларни қизиқтириб келган.

Жамиятлар тараққиёти «ижтимоий прогресс» тушунчаси орқали ифодаланади. Прогресс лотинча илгариланма ҳаракат, мувофиқаият деган маъноларни ифодалайди. ижтимоий прогресс жамият тараққиётининг ифодалайдиган тушунча ҳисобланади. Прогресснинг зиди, унинг тескарисси регресс. Агар ижтимоий прогресс инсоният жамияти тараққиётининг куйидан юқорига, номукаммалликдан мукамаллик сари боришини ифодаласа, регресс – унинг тескарисси: жамиятнинг юқори босқичидан орқага, ижтимоий ҳаётнинг куйи даражасига тушиб қолишини ифодалайди. жамиятга олга қараб тараққий этиш – прогрессга ҳос бўлгани сингари орқага қайтиш, издан чиқиш, яъни регресс ҳам ҳосдир.

Инсоният тараққиётининг асосини нима белгилайди? Ижтимоий прогресснинг мезонлари борми? Бу масала ижтимоий фалсафий фикрлар тарихида турлича ҳал қилинган. Масалан, Ғарбий Европа маърифатпарварлари инсон онги, ақлу-заковатини ижтимоий прогрессни белгилайдиган мезон, деб ҳисоблаганлар. Кейинчалик, XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари ижтимоий прогресс мезонидир, деган қараш илгари сурилди. Ҳозирги давр нуқтаи-назаридан қараганда, ижтимоий прогресснинг мезони жамиятнинг инсонпарварлик даражасидир.

Ижтимоий тараққиёт нима? У қандай тарзда кечади? Тарихий жараёнларнинг моҳиятини нима ташкил этади? Инсоният тараққиёти тарихи қайси йўналишда амалга ошади? Деган саволларга қадимдан олимлар жавоб излаганлар. Тарихий жараёнлар, унинг мақсади, йўналишлари ҳақида қадимдан бир қатор назариялар яратилган.

Булар:

1. Тарихий жараёнлар, ижтимоий тараққиётнинг чизиқли назариялари
2. Тарихий айланма назарияси.
3. Тарихий тараққиёт ҳақидаги ҳозирги замон назариялари.

Тарихий тараққиётнинг чизиқли тараққиёт эканлиги ҳақидаги қарашлар деганда оламнинг яратилишдан бошланган тараққиёт йўли бир йўналишда, текис давом этиши назарда тутилади.

Кўпгина антик давр олимлари тарихий тараққиётни чизиқли тараққиёт сифатида изохлаганлар.

Антик давр олимлари Пифагор (э.р.ав. 480-410 йиллар) ва Демокрит (э.р.ав. 460-370 йиллар) инсоният тарихи доимо илгарилама тараққий этган, бу ёввойиликдан олтин асрга қараб борадиган тараққиёт, деб ҳисоблаганлар.

Айрим файласуфлар, масалан Гесиод, Сенека, (мил.ав. 5-4 й., э.р.ав. 6-5 йил) жамият тараққиётини регресс – орқага қайтиш тарзида тушунганлар. Уларнинг фикрича, ижтимоий тараққиёт «олтин аср»дан «темир асри»га қараб боради, яъни орқага қайтади. Бунда жамият емирилади, ахлоқ йўқолади.

Ижтимоий тараққиётининг доиравийлиги тарихий айланма назарияси қадимий Юнон файласуфлари Платон, Аристотель томонидан илгари

сурилган. Улар инсоният тараққий этиб боради, лекин бу тараққиёт доиравий тарзда содир бўлади ва жамият унинг натижасида доимо ўзининг бошланғич ҳолатига қайтади, деб ҳисоблаганлар.

Ўрта аср файласуфлари ижтимоий тараққиётни инкор этмаганлар, лекин бу тараққиётни Худога боғлаб тушунтирганлар.

2. Ижтимоий ўзгаришларнинг шакллари: прогресс, регресс, эволюция ва революция.

Жамиятнинг яшаши, ҳаёти ва фаолияти тартибсиз, фатал равишда кечадиган жараён эмас. У маълум бир қонуниятлар асосида тараққий этади. Жамият ўзининг мавжудлик ҳолатини ана шу қонуниятлардан асосийлари ҳисобланган прогресс ва регресс жараёнини объектив равишда ўз бошидан кечиради. Бу диалектик жуфтлик жамиятнинг бутун ҳаётини ўзаро ўрин алмашган ҳолда белгилайди.

Прогресс – илданма ҳаракат, **регресс** – орқага ҳаракат маъноларини ифодалаб, бошқача айтганда прогресс-тараққиёт, ривожланиш жараёнини, аксинча регресс эса таназзул, инқироз, деградация ҳолатини ифодаловчи тушунча сифатида қўлланилади. Бу икки жараённи ажратиб турувчи учинчи ҳолат ҳам мавжуд бўлиб, бу турғунлик тушунчаси орқали ифодаланади ва аксарият ҳолатларда салбий маънода қўлланилади.

Тарихга назар ташласак, бутун жамият ҳаёти мана шу учлик асосида кечганлигини кўришимиз мумкин. Тарихда хали ҳеч бир жамият мутлак прогрессив ҳаёт кечирмаган. Унинг прогрессивлигини таъминлаб турган омиллар ва шарт-шароитларнинг ўзгариб туришига қараб гоҳ турғунлик, гоҳида регресс ҳолатларини бошидан кечирган.

Ўз тараққиётининг энг юқори босқичини бошидан кечирган жамиятлар албатта прогресс-таназзул ҳолатини ҳам бошидан кечирганлар. Бу жамиятга нисбатан “йўқ бўлиш” дегани эмас, балки сифат ва миқдор жиҳатдан ўзини ўзи ташкил қилиш демакдир. Давлатларда эса регресс аксарият ҳолларда аксинча ўзини ўзи ташкил қилиш ва бошқариш қобилятини йўқотиш эвазига парчаланиш ва йўқ бўлиш кўринишида намоён бўлади. Бу дегани, жамиятнинг бошқарувчи ва тартибга солиб турувчи механизмнинг ишдан чиқиши демакдир. Тушунарлики регресс биринчи навбатда давлатни таназзули кўринишида намоён бўлади. Бу ҳар доим ҳам салбий маъно касб этмайди, чунки барқарорлик ва прогрессив жараённи ушлаб тура олмаган давлат аппарати(ташкилот) жамият томонидан табиий равишда инкор этилади. Соддароқ тарзда шундай ўхшатишни мисол тариқасида келтириш мумкин: совуқдан асрай олмаган кийим бошнинг янги ва сифатли кийим бошга алмаштирилиши.

Ижтимоий прогресс қуйидаги критерий (тамойил)ларга асосланади:

- ижтимоий тизим структурасининг тўғри ташкил этилиши;
- ижтимоий тизим таркибий элементларинг бир-бири билан ўзаро органик тарзда боғланганлиги;

- ижтимоий тизим элементларининг функционал жиҳатдан ўз вазифасини аъло даражада бажариши;
- ижтимоий тизимни ташкил этган инсонларнинг ижтимоий фаоллиги;
- жамият аъзоларининг манфаатдорлик асосида эркин фаолият юритиш имкониятининг мавжудлиги;
- жамият аъзолари манфаатларининг муштараклиги;
- давлат миқёсида элитанинг ижтимоий тизимни бошқаришга қобиллиги;
- жамият аъзоларининг ўз келажагига нисбатан оптимистик қарашларга эга эканлиги (прогрессив ғоялар ҳукмронлиги);
- ҳаракатчан (мобил) ижтимоий ва индивидуал онгнинг мавжудлиги ва б.

Регресс эса юқоридагиларнинг акси сифатида қуйидаги тамойилларга асосланади:

- Ижтимоий тизим элементларининг тўғри ташкил этилмаганлиги, яъни талабга жавоб бера олмай қолган структуранинг қайта ташкил этилмаганлиги;
- ижтимоий тизим таркибий элементларинг бир-бири билан ўзаро органик тарзда боғланмаганлиги, номувофиқлик;
- ижтимоий тизим элементларининг функционал жиҳатдан ўз вазифасини бажариш қобилиятининг энг минимал даражадан ҳам пастлиги;
- ижтимоий тизимни ташкил этган инсонларнинг ижтимоий пассив фаоллиги;
- жамият аъзоларининг манфаатдорлик асосида эркин фаолият юритиш имкониятининг ўта чекланганлиги;
- жамият аъзолари манфаатларининг муштарак эмаслиги, ижтимоий зиддиятларнинг ўта кескинлашуви;
- давлат миқёсида элитанинг ижтимоий тизимни бошқаришга ноқобиллиги (ижтимоий муаммоларни ҳал қила олмаслик);
- жамият аъзоларининг ўз келажагига нисбатан пессимистик қарашларнинг кучайиши (регрессив ғоялар ҳукмронлиги);
- ижтимоий ва индивидуал онгнинг ижоддан маҳрумлиги ва қотиб қолганлиги ва б.

Шунингдек жамиятнинг регресс ўпқонига тушиб қолишига ҳарбий урушлар ва экологик тангликлар ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Прогресс ва регресс ҳолатларини тарихнинг маълум даврларини қамраб олган цивилизациялар ва давлатлар мисолида кўришимиз мумкин.

Цивилизациялардан қадимги Шарқ цивилизациялари – Миср, Месопотамия, Хитой ва Ҳиндистон цивилизациялари, Юнон-Рим, Майя ва бошқа цивилизацияларнинг ҳам қисмати регресс жараёнини четлаб ўта олмаган. Ҳозирда мавжуд бўлган цивилизациялардан пешқадами бўлган замонавий Европа цивилизацияси прогресс жараёнини бошдан кечираётган бўлсада, аммо айрим файласуфлар назарида бу цивилизация ҳам регресс ўпқонига томон яқинлашмоқда (Шпенглер, Хантингтон, Фукуяма, Бьюкенен).

Шу давргача мавжуд бўлган цивилизациялар регресс ҳолатини ўз бошидан кечирган бўлса ҳам, аммо инсоният жамияти ўз-ўзини қайта ташкил этиш орқали ўз мавжудлигини сақлаб қола олган. Аммо ўтмишга қараб бундан кейин ҳам жамият регрессдан ўз мавжудлигини сақлаб қолади, деган ҳулосага келмаслик керак. Чунки экологик регресс (танглик), ядро уруши ҳавфи жамиятга бундай имконият қолдирмаслиги ҳам мумкин.

Прогресс ва регресс жараёнини конкрет давлатлар мисолида аниқроқ кўриш мумкин. Македониялик Искандар империяси, Рим империяси, Чингизхон империяси, Усмонли турклар империяси, Чор Россияси империяси, СССР ва бошқа империя кўринишидаги давлатлар ҳам маълум вақт прогрессив тараққиёт пешқадамлигини қўлга киритган бўлсалар-да (Гегель ибораси билан айтганда “эстафета таёқчаси”ни қўлга киритган халқлар), охир-оқибат регресс ҳолатида айримлари бутунлай йўқ бўлиб кетди, айримлари эса ўз тараққиёт йўлини, яшаш тарзини ислоҳ қилиш орқали ҳаётийлигини сақлаб қола олди.

Собиқ СССР давлатини мисол тариқасида келтирадиган бўлсак, ягона мафкура асосида (гарчи реал ҳаётдан узоқ бўлган) жамият аъзоларини бир мақсад йўлида бирлаштира олган бу давлат, табиий захираларни имкон қадар ўзлаштириш, инсон руҳияти ва онгини бошқариш йўли билан ўз прогрессив тараққиётини қисқа муддатгача таъминлаб тура олди ҳолос. Инсон эркинлигини таъминлай олмаган, механик бирдамлик асосига қурилган, манфаатдорлик туйғусини ҳисобга олмаган, қадриятларни қайта баҳолай олмаган ўта консерватив бу давлат аввал турғунлик, сўнгра регресс ҳолатида парчаланиб кетди.

Ҳозирги даврда бизнинг жамиятимиз ва давлатимиз ижтимоий прогресс жараёнини таъминлаш учун юқоридаги регрессга олиб боровчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда давлат аппарати ислохотчилигида тараққиётнинг куйидаги тамойилларига асосланмоқда:

- индивидуал эркинлик ва мулкый манфаатдорлик;
- қадриятларни қайта баҳолашда шошма-шошарликка йўл қўймаслик;
- ижтимоий ва индивидуал онг мутаносиблигини таъминлаш;
- манфаатлар уйғунлигини таъминлаш;
- келажакка ишонч уйғота оладиган ғоялар ва мафкура асосида ижтимоий бирдамликни мустаҳкамлаш;
- ижодий ва эркин фикрлайдиган, воқеаларга рационал-маънавий муносабатда бўла оладиган баркамол жамият аъзосини тарбиялаш;
- тинч-тотув ҳаётни, ижтимоий ҳавфсизликни таъминлаш ва б.

Ҳулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ҳар қандай жамият, ҳар қандай давлат доимо прогрессив тараққиёт йўлидан боришида маълум бир тамойилларга таянмоғи объектив заруриятдир. Бунинг асосий мазмуни шундан иборатки, жамиятнинг ҳар бир аъзосининг фаровонлигини таъминлаш учун керакли шарт-шароитлар: эркин ва ижодий фикрлаш, ҳамжиҳатлик, тинчлик ва ҳавфсизлик, муаммоларни биргаликда ҳал этиш, барчанинг манфаатини ҳисобга олиш, жамият келажакига оид оптимистик фикрлаш

тарзини қарор топтириш жамиятнинг прогрессив ривожланиш жараёнида барқарорлигини таъминлашнинг энг асосий шарт-шароитлар ва тамойиллар ҳисобланади.

Ижтимоий тараққиётнинг муҳим муаммоларидан бирини унинг қай тарзда кечиш муаммоси ташкил этади. Ижтимоий тараққиёт диалектик зиддиятли жараён, унинг оқибатида эски, аввалги жамиятнинг ўрнини янги жамият эгаллайди. Демак, жамият тараққиёти унинг бир сифат босқичидан иккинчисига ўтишдир. Бундай ўтиш ўз характериға кўра икки турда намоён бўлади.

1) Эволюцион тараққиёт;

2) Инқилобий тараққиёт.

Эволюция латинча *evolutio* сўзидан олинган бўлиб, ривожлантириш, авж олдириш маъноларини англатади. Эволюцион ўтиш тадрижий ривожланиш усули ҳисобланади. Бунда ижтимоий тараққиёт аста-секинлик билан содир бўлади. Жамият тараққиётининг инқилобий йўли унинг бир сифат босқичидан иккинчисига портлаш йўли билан, зўрлик йўли билан ўтишдир. Инқилоб арабча сўз бўлиб, ағдарилмоқ, кўтарилмоқ маъноларини ифодалайди. Инқилоб жамият тараққиётининг босқичма-босқич, тадрижийлик ҳолатидан кескин сифат ўзгаришларига ўтиш жараёнларини англатади. Жамиятнинг бир ҳолатидан иккинчисига портлаш йўли билан ўтиши социал инқилоблар орқали амалга оширилади. Ижтимоий инқилоб жамият ҳаётининг барча соҳалари – иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ҳаётдаги кескин бурилишларни, кескинсифат ўзгаришларини келтириб чиқаради. Ижтимоий инқилоб деб сиёсий тизимни зўрлик билан ағдариб ташлаш назарда тутилади. Улуғ мутафаккирлар инқилоб вайронгарчиликка асосланганодамларнинг моддий ва маънавий асосларига зарар етказадиган, кадриятларни йўқ қиладиган ижтимоий ҳодиса эканлигини кўрсатганлар.

Ўз мустақиллигини кўлга киритган Ўзбекистон ижтимоий тараққиётининг эволюцион йўлини танлаб олди. Бу йўл ижтимоий тараққиётнинг «ўзбек модели» номи билан мавжуд. Бу йўл моҳияти Республика Президенти И.Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида назарий жихатдан асослаб берилган. Тараққиётнинг «ўзбек модели» ижтимоий ларзаларсиз, инқилобий сакрашларсиз, ўзимизга хос тадрижий йўлдан бориш, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишни назарда тутди.

3. Эволюцион ривожланиш ва унинг афзалликлари

Эволюция латинча *evolutio* сўзидан олинган бўлиб, ривожлантириш, авж олдириш маъноларини англатади. Эволюцион ўтиш тадрижий ривожланиш усули ҳисобланади. Бунда ижтимоий тараққиёт аста-секинлик билан содир бўлади. Жамият тараққиётининг инқилобий йўли унинг бир сифат босқичидан иккинчисига портлаш йўли билан, зўрлик йўли билан ўтишдир. Инқилоб арабча сўз бўлиб, ағдарилмоқ, кўтарилмоқ маъноларини ифодалайди. Инқилоб жамият тараққиётининг босқичма-босқич, тадрижийлик ҳолатидан кескин сифат ўзгаришларига ўтиш жараёнларини англатади. Жамиятнинг бир ҳолатидан иккинчисига портлаш йўли билан

ўтиши социал инқилоблар орқали амалга оширилади. Ижтимоий инқилоб жамият ҳаётининг барча соҳалари – иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ҳаётдаги кескин бурилишларни, кескинсифат ўзгаришларини келтириб чиқаради. Ижтимоий инқилоб деб сиёсий тизимни зўрлик билан ағдариб ташлаш назарда тутилади. Улуғ мутафаккирлар инқилоб вайронгарчиликка асосланганодамларнинг моддий ва маънавий асосларига зарар етказадиган, кадриятларни йўқ қиладиган ижтимоий ходиса эканлигини кўрсатганлар.

Ўз мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистон ижтимоий тараққиётининг эволюцион йўлини танлаб олди. Бу йўл ижтимоий тараққиётнинг «ўзбек модели» номи билан мавжуд. Бу йўл моҳияти Республика Президенти И.Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида назарий жихатдан асослаб берилган. Тараққиётнинг «ўзбек модели» ижтимоий ларзаларсиз, инқилобий сакрашларсиз, ўзимизга хос тадрижий йўлдан бориш, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишни назарда тутди.

4. Ўзбек моделининг ўзига хос хусусиятлари

Ижтимоий ривожланишнинг ўзбек модели бутун инсониятнинг илғор тажрибасига, халқимизнинг миллий хусусиятлари ва менталитетига таянади.

Инсоният тажрибаси ижтимоий ривожланишнинг кескин инқилобий ўзгаришлар йўли номақбул ва яроқсиз эканлигини, жамиятнинг тадрижий (эволюцион) тараққиёти нормал-табiiй ривожланиш йўли эканлигини кўрсатди. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ижтимоий тараққиётнинг тадрижий йўли моҳиятини • шундай изоҳлайди: «Сохта инқилобий сакрашларсиз эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга ўтиш-танлаб олинган йўлнинг асосий мазмуни ва моҳиятидир». «Бозор иқтисоди сари буюк сакрашлар, инқилобий қайта ўзгаришлар йўли билан эмас, балки собитқадамлик ва изчиллик билан босқичма-босқич ҳаракат қилиш керак. Ҳар бир босқичнинг қанча давом этиши ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар доирасига, ташқи омиллар қанчалик қулай бўлишига, аҳолининг меҳнат фаолиятига боғлиқдир» (И.А.Каримов Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 1992. 10-41-46-бетлар). Ўзбек моделининг асосий тамойиллари:

- иқтисоднинг сиёсатдан устуворлиги;
- давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги;
- қонун устуворлиги;
- кучли ижтимоий сиёсат;
- бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш.

Ўзбек моделининг ўзига хос хусусиятлари миллий давлатчилик асосларининг барпо этилишида, миллий кадриятларнинг тикланишида, миллий ўзлиқнинг англанишида, умуминсоний кадриятлар миллий кадриятлардан устуворлигининг эътироф этилишида, миллий менталитет хусусиятларининг тикланиши ва ривожланишида, миллий ғоя ва миллий мафкура ижтимоий-сиёсий фаолликнинг муҳим омили эканлигининг эътироф

килинишида, демократик кадриятларнинг ривожлантирилиши ва инсон ҳуқуқларининг кафолатланишида, ўз имкониятларига таянишида, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ишлаб чиқилишида, хорижий мамлакатлар билан турли соҳалардаги муносабатларни йўлга қўйишнинг янги принциплари ишлаб чиқилишида ўз ифодасини топти. «Биз танлаб олган йўл ўзбек халқининг асрий анъаналарига, одатларига, маданияти ва тилига, шунингдек, жаҳон цивилизацияси ютуқларига асосланган ҳолда мазкур тузилмаларни янги мафкуравий негизга ўтказиш, мослаштиришдан иборат эди»¹. Ўзбек моделининг ҳаётийлиги жаҳон жамоатчилиги, етук фан, сиёсат, санъат арбоблари томонидан эътироф қилинди.

Ўзбекистон тажрибаси қатор мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда ва уни ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Ўзбекона тараққиёт йўли маънавий ҳаёт ва иқтисодий ривожланишни бир-бири билан узвий боғлиқликда амалга оширишда, маънавият, маърифат, маданиятга бўлган эътиборнинг кучайишида яққол кўзга ташланади. Маънавий салоҳиятнинг кучайиши, инсон интеллектуал ва ахлоқий қобилиятларининг ривожланиши иқтисодий ривожланиш учун пухта замин яратади. Кишиларда янгича иқтисодий тафаккур, тадбиркорлик қобилиятлари ривожланишида замонавий илм-фан, техника ва технология асосларини эгаллаш муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий ривожланишнинг асосий мақсад ва вазифалари, уни амалга ошириш усуллари миллий ғоя ва мафкурада ўз ифодасини топади. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келтириш, хусусий мулкчиликни қўллаб-қувватлаш, тараққий этган мамлакатлар билан қўшма корхоналар куриш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, чет мамлакатлар билан илмий, маданий ва техникавий ҳамкорликнинг миллий манфаатлар йўлида хизмат қилиши миллий ғоя ва мафкуранинг моҳиятидан келиб чиқади. Миллий мафкура ўзида жамият аъзоларининг эзгу орзу-умидларини, мақсадларини ифодалайди; уларнинг меҳнат фаоллиги, ижтимоий-сиёсий активлигини оширади, жамиятни такомиллаштириш учун хизмат қилади.

5. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувни демократиялаштириш жараёнларининг ўзига хослиги

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш борасида ҳам анча ютуқларга эришилди. Мамлакатимиз мустақиллигининг биринчи кунлариданоқ Президентимиз миллий хусусиятларимиздан келиб чиқиб, ўзимизга хос бўлган мустабид, маъмурий-буйруқбозлик, режали тақсимот тизимидан воз кечиб, “Ўзбек модели” деган узоқ муддатга мўлжалланган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳаларни қамраб оладиган мустақил тараққиёт йўлини ишлаб чиқди. Бу йўлнинг нақадар тўғрилигини шу 22 йилда босиб ўтган давр исботлади. Айниқса жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида унинг тўрилиги яна бир бор исботланди. Шунинг учун ўтган қисқа даврда бир қанча ютуқларни қўлга киритдик:

Биринчидан, ҳокимиятнинг учга бўлинишига эришилди, яъни **қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро ҳокимияти ва мустақил суд ҳокимияти** шакллантирилди. Тўртинчи ҳокимият сифатида оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солишчи ва ривожлантирувчи қонуний ҳужжатлар қабул қилинди.

Иккинчидан, миллий парламентимиз ривожлантириди. Қонун чиқарувчи ҳокимият, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали парламентга айлантирилди. Қуйи палата мунтазам фаолият кўрсатадиган профессионал – Қонунчилик палатасига, ҳудудлар манфаатини ифода қиладиган вакиллик органи сифатида юқори палата Сенат ташкил қилинди.

Учинчидан, ижро ҳокимияти бошлиғи сифатида Президент роли қайта кўриб чиқилди. Илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти эгаллаб турган Вазирлар Маҳкамаси раиси лавозими тугатилди. Эндиликда Бош вазир Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади, унга раҳбарлик қилади, Вазирлар Маҳкамаси мажлисларига раислик қилади, ҳукумат ҳужжатларини имзолайди, давлат ва хўжалик бошқаруви масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади. Энди у ижро ҳокимиятининг самарали ишлаши учун шахсан жавоб беради.

Тўртинчидан, ягона ҳукумрон мафкурага эга бўлган коммунистик партия тугатилиб, кўп партиявийликка асосланган партия тизими шаклланди. Уларнинг жамиятни бошқаришдаги роли йилдан-йилга ошиб бомоқда. Партиялар олдин сайловларга иштирок этиш асосида қонунчилик ҳокимиятини шакллантиришга иштирок этган бўлса, эндиликда ҳукуматни шакллантиришда ҳам уларнинг роли оширилди. Бу билан давлат қурилиши соҳасида демократик ислохотларни чуқурлаштириш йўлида муҳим қадам ташланди.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78, 80, 93, 96, ва 98 моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди (Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 4 мартда қабул қилнган ва Сенат томонидан 2011 йил 25 мартда маъқулланган). Натижада демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлат ҳокимиятининг учта субъекти: давлат бошлиғи Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлашга эришилади.

Олтинчидан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига номзодни қўйишда сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашиш тартиби, уни амалга оширишнинг парламент томонидан қатъий белгиланган тартиби ва механизми жорий этилди. Шунингдек, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсири кучайтирилди.

Еттинчидан, Давлат ҳокимияти марказий органларининг бир қатор ваколат ва вазифалари маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллаларга босқичма-босқич берилиб бормоқда.

«Кучли давлатдан кучли жамият» шаклланмоқда. Нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг жамиятни бошқаришдаги роли ошмоқда. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда 6000 тадан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда ва бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 2,5 баробар кўп демакдир. Бугунги кунда босма ва электрон ОАВ сони 1200 тага етди. 100 тадан зиёд давлат ва нодавлат телерадиостудияси фаолият кўрсатмоқда. **Саккизинчидан**, давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги роли кескин камайтирилди. Марказий ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқарув тузилмалари ва маъмурий органларнинг вазифалари ўзгартирилиб, уларнинг бошқариш, тартибга солиш ва тақсимлаш борасидаги ваколатларини, ҳўжалик тузилмалари фаолиятига бевосита аралашувини кескин қисқартиришга эришилмоқда, яъни давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги роли жиддий камайтирилмоқда. Ҳўжалик юртувчи субъектлар бозор талаблари ва принциплари асосида эркин фаолият кўрсатиш йўлига тушиб олди ва бу жараён муттасил такомиллаштирилиб борилмоқда.

Мухтарам Президентимиз давлат ва жамият қурилиш борасида эришилган жуда кўп мувоффақиятлар билан бирга яна такомиллаштирилиши лозим бўлган жиҳатлар ҳам борлигини эътироф этган ҳолда бир қанча таклифларни берди. Булар қуйидагиларда ўз аксини топган.

Биринчидан, Бош вазир лавозимига номзодларни таклиф қилиш ва тасдиқлаш тартибига ўзгартиришлар киритиш (Конституциясининг 98, 93-моддаларига ўзгаришлар)ни таклиф қилди. Бунга биноан ЎЗР Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар натижасида энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдорда овоз олган бир неча партиялар томонидан таклиф этилади. Ушбу номзодни Президент 10 кун муддатда кўриб чиқиб, тасдиқлаш учун Олий Мажлис палаталарига таклиф қилади. Номзод Бош вазир бўлиб сайланиши учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенаторларнинг ярмидан кўпроғининг овозини олиши лозим.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолари Бош вазир тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Учинчидан, Олий Мажлисга Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми ҳуқуқини тақдим этиш (Конституциясининг 98, 93-моддаларига ўзгаришлар) масаласини таклиф қилди. Бу Бош вазир билан Қонунчилик палатаси ўртасидаги зиддиятлар доимий тус олса ва Қонунчилик палатаси депутатларининг камида учдан бир қисми томонидан Президент номига расман таклиф критилган тақдирда амалга оширилади. Бунда Олий Мажлиснинг иккита палатаси депутатларининг учдан икки қисми овоз берса қабул қилинган ҳисобланади. Ушбу сайлов натижасига асосан Президент Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби истеъфога чиқади.

Тўртинчидан, янги Бош вазир номзоди Президент томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашган ҳолда Олий Мажлис палаталарига тасдиқлаш учун таклиф қилинади. Агар Бош вазир номзоди икки марта рад этилса, яъни сайланмаса Президент Бош

вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Олий Мажлисни тарқатиб юборади. Бешинчидан, Вазирлар маҳкамасини ваколатига киритилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқини Президент ваколатларидан чиқариш тавсия қилинди. Бу Конституциясининг 98, 93-моддаларига ўзгаришлар киритишни тақозо қилади. Олий Мажлис томонидан Бош вазирнинг ҳисобот тингланади. Вилоят ва тошкент шаҳар ҳокимларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш Бош вазир тавсиясига асосан Президент томонидан амалга оширилади. Олтинчидан,

мамлакатнинг амалдаги Президенти ўз вазифасини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенат раисининг зиммасига юклатилиши ва уч ой ичида мамлакат Президенти сайлови ўтказилиши тартибини ўрнатиш (Конституциясининг 96-моддаласига ўзгаришлар) тавсия қилинган. Мазкур вазифалар амалга оширилса, давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимлашишни таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтиради.

6.Ижтимоий тараққиётни бошқариш. Менежмент ва унинг хусусиятлари.

Бошқариш такомиллашган (биологик, техник, социал) тизимларнинг фаолияти таъминлаш учун, уларнинг дастур ва мақсадларини амалга оширишга хизмат қиладиган функциядир (вазифадир). Социал бошқариш эса жамият муайян тизимининг тартибланиши сақланиши, мукаммаллашуви ва ривожланишини таъминлайди. **Социал бошқариш жараёнининг асосий босқичлари** қуйидагилардан иборатдир:

- ахборотни йиғиш ва уни қайта ишлаш;
- уни анализ этиш; тақсимлаш;
- мақсадга эришишга қаратилган қарорнинг ишлаб чиқилиши;
- режалаштириш, дастурлаштириш;
- лойиҳалаштириш кўринишда умумий қарорни бажариш учун фаолиятни ташкил этади;
- бу фаолиятни назорат этиш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш билан биргаликда;
- фаолият натижалари ҳақидаги ахборотни тўплаш ва қайта ишлаш.

Социал бошқариш ижтимоий жараёнларни башорат қилши, олдиндан кўра билишга асосланади. Шунинг эътиборга олиш керакки, башорат категорияси икки маънода конкретлашади: олдиндан айтиб бериш (дескриптив, яъни тавсифлаш маносида) ва олдиндан кўрсатма бериш (прескриптив, ундов, амр, буйруқ. маъносида). «Олдиндан айтиб бериш» келажак тўғрисидаги ахборотни олиш, келажак муаммоларининг мумкин бўлган ёки кутилаётган, ҳохлаётган истикболлари, ҳолатлари, йечимларининг тавсифидир. «Олдиндан кўрсатиб бериш» И.С. Бестужев-Лада ибораси) — ўша муаммоларни ечиш, келажак ҳақидаги ахборотдан фойдаланиш, ахборотни шахс ва жамиятнинг мақсадига мувофиқ фаолиятига

айлантиришдир. Зотан, социал бошқаришнинг асосий вазифаси кишилар субъектив фаолиятининг объектив қонуниятлар талабларига мувофиқ келишига еришиш, бу қонуниятлардан самарали фойдаланишдир. Социал бошқариш бу маънода ҳам назарий, ҳам амалий фаолиятни ўз ичига олади.

XX аср бозор иқтисодиёти ривожланиши билан бошқариш хусусиятидаги фаолият менежмент пайдо бўлди. **Менежмент** (инглизча-менеджмент) — бир неча маънони билдиради. **Биринчидан**, менежмент ишбилармонлик фаолиятига, турмуш тарзи ва сиёсат соҳасига таъсир кўрсатувчи социал ва иқтисодий институт деб тушунилади. **Иккинчидан**, менежмент хусусий ва ижтимоий базис соҳасида бошқариш меҳнати билан шуғулланувчи шахслар мажмуини билдиради. **Учинчидан**, менежмент, ижтимоий ишлаб чиқаришни бошқаришнинг техникавий ташкилий, ҳуқуқий, руҳий ва социал жиҳатларни ўрганадиган фандир. Охирги маънода у индустриал социология ва бошқариш социологияси билан мос келади. Маълумки, индустриал социология ва бошқариш социологияси бошқариш тизимини, шахслараро муносабатлар тизими ва механизмини, меҳнат фаолиятини рағбатлантириш ва мотивациясини, ташкилий фаолиятини ўрганади. Менежментнинг мақсади — ҳар қандай ижтимоий тузумга мос келадиган бошқаришнинг умумий тамойилларини шакллантириш ва уларни амалда қўллашдир. Буларга бошқаришнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш, уларни бажариш учун конкрет тадбирларни ишлаб чиқиш, вазифаларни бажаришдаги кетма-кетликни белгилаш, ишни тақсимлаш, ташкилот ичидаги турли бўлинмалар ўзаро ҳаражатини мутаносиблаш, расмий иерархал (юқори-паст) структурани оптимлаштириш (ихчамлаштириш, қулайлаштириш), шунингдек раҳбарликнинг самарали услубини, социал масъулиятни аниқлаш киради.

Социал режалаштириш, лойиҳалаштириш ва прогнозлаштириш социал бошқаришнинг шакллари сифатида қаралиши мумкин. **Социал режалаштириш** — социал бошқаришнинг дастлабки босқичларига хосдир. Режалаштириш — ўзига хос социал бошқариш бўлиб, унинг мазмуни ижтимоий жараёнлар мақсадини, унинг устивор томонларини, уларга еришишнинг восита ва мақсадларини аниқлаш, режаларни ишлаб чиқиш ва уларни бажарувчиларга етказиш, режалар бажарилиши устидан назоратни ўз ичига олади. Одатда, директив ва индикатив ривожлантирини фарқлашади. Директив режалаштириш юқори органлар тасдиқлаган кўрсаткичлар мажбурий бажарилишини тақозо этади. Индикатив режалаштиришда режа кўрсаткичлари йўналтирувчи, ахборот тарзида бўлади. Собиқ социалистик мамлакатлар режалаштиришни мутлоқлаштирганлари учун, у жамият ривожланиши йўлидаги тўсикқа айланган эди. Бозор иқтисоди амал қилаётган кўпчилик ривожланган мамлакатларда индикатив режалаштириш кенг қўлланилади. Айниқса, Франция, Япония, Жанубий Кореяда режалаштириш яхши самара бермоқда. 1962 йилдан бери «режали» ривожланаётган Жанубий Корея жаҳонда етакчи ўринлардан бирига чиқди. Ҳозирги вақтда бу мамлакатда 1990—1994 йилларда фанда енг кўп

қўлланилаётган соҳаларни ривожлантириш бўйича режа қабул қилинган ва бажарилмоқда.

Социал бошқаришни яна бир шакли **социал лойиҳалаштириш** тушунчаси ҳали мавжуд бўлмаган, лекин яратилиши лозим бўлган, шунингдек, тубдан ўзгариш лозим бўлган объектларга нисбатан қўлланилади. Социал лойиҳалаштиришни социал режалаштиришнинг кўриниши деб ҳам айтиш мумкин. У ижтимоий муносабатлар, социал жараёнлар ва аҳоли яшаш шароитларни яхшилаш воситасидир. Социал режалаштириш мавжуд бўлмаган ёки тубдан ўзгариш лозим бўлган объектларга нисбатан «ривожланиш» иборасини қўллаш қийин. Улар яратилгандан сўнггина ривожланиши мумкин. Социал лойиҳалаштириш социал ривожлантиришни эмас, балки янги объектларнинг дастлабки социал ҳолатини лойиҳалаштиришдир. Ундан ташқари, агар социал режалаштиришда социал жараёнларнинг ҳамма бошланғич сифатий ва миқдорий кўрсаткичларни аниқ кўрсатилган объект билан иш кўрилса, социал лойиҳада эса бу бошланғич тавсифлар мавжуд бўлиб турган социал институтдагидек бўлмайди.

Социал боқариш шакллари орасида **социал прогнозлаштириш** алоҳида ўрин тутаяди. Инсон ва жамият фаолиятининг бевоситагина эмас, балки анча кейин рўй берадиган натижаларни кўра билиш ва шунга яраша социал ривожланишни бошқариш зарурияти социал прогнозлаштиришни келтириб чиқарди. Турли хил мезонлар — мақсади, вазифалари, вақти, усули, прогнозни ташкил этиши ва ҳоказоларга асосланиб ҳар хил прогнозларни ажратиш кўрсатиш мумкин. Вақт мезонига кўра қуйидаги прогнозларни қайд қилса бўлади:

- жорий прогнозлар - соатлар, кунлар, ҳафта ва ойлар;
- қисқа муддатли прогнозлар- 1-5 йил оралиғида;
- ўрта муддатли прогнозлар - 5-10 йил оралиғида;
- узоқ, муддатли прогнозлар - одатда, кейинги икки-уч ўн йилликни ўз ичига олади;
- ўта узоқ, муддатли прогнозлар — узоқ муддатлидан кейинги давр;

Социал прогнозлаштириш усуллари ғоят кўп. Уларнинг энг асосийлари қуйидагилардир:

- экстраполяция тарихий аналогия,
- компютерда моделлаштириш,
- келажак ценарийси,
- эксперт баҳолар.

Экстраполяция ҳозирги ижтимоий ривожланиш тенденцияларини келажакка кўчириш демакдир. Мазмуни ва бажарадиган вазифасига кўра **прогнозларнинг қуйидаги тўртта асосий турларини** кўрсатиш мумкин:

1. Қидирув прогнозлари. Бу прогнозлар «ривожланиш қайси йўналишда кетмоқда ҳозирги тенденциялар сақланиб қолганда нима рўй беради?» деган саволга жавоб беради;

2. Норматив прогнозлар. Бунда олдиндан аниқланган нормалар, мақсадлар, идеаллар асосида ижтимоий ходисаларнинг керакли ҳолатига

еришиш прогноз қилинади, бунинг учун махсус таклифлар — рекомандациялар тавсия этилади;

3. Аналитик прогнозлар. Келажакни тадқиқот этиш методларнинг илмий — билиш аҳамиятини аниқлаш амалга оширилади.

4. Прогноз огоҳлантиришлар. Тахмин қилинаётган нохуш келажакни олдини олиш, одамлар онгига таъсир этиш учун ишлаб чиқилади.

Прогнозлаштиришнинг усуллари ва турлари ўртасидаги тафовут қўлланиш объектига қараб нисбий бўлиши мумкин бўлган камчиликлар бир вақтнинг ўзида бошқалари қўлланилиши билан бартараф қилиниши мумкин.

Персонални бошқаришнинг зарур объекти - корхона ва ташкилотнинг ижтимоий муҳитини ривожлантиришдир. Бу муҳитни турли демографик ва касб-малака белгиларига эга бўлган персоналнинг ўзи, корхона ва ташкилотнинг ижтимоий инфратузилмаси ва ходимларнинг меҳнат ҳаёти сифатини маълум даражада белгилаб берадиган нарсаларнинг ҳаммаси, яъни уларнинг шахсий эҳтиёжларини мазкур корхона ва ташкилотдаги меҳнат воситаси орқали қондириш даражаси ҳосил қилади.

Ижтимоий муҳит корхона ва ташкилот фаолияти ва иқтисодий томонлари билан узвий равишда ўзаро боғлиқ бўлиб, улар билан биргаликда бир бутунликни ташкил этади. Маълумки, ҳар қандай корхона ва ташкилотнинг муваффақиятли ишлаши ҳамisha жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида бу корхона ва ташкилотда ишлаётганларнинг биргаликдаги фаолияти юқори даражада самарали бўлишига, уларнинг малакасига, касб тайёргарлиги ва маълумот даражасига кишиларнинг меҳнат ва турмуш шароитига моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга қанчалик қулайлик туғдираётганига боғлиқ бўлади.

Корхона ва ташкилотнинг ижтимоий ривожланиши унинг ижтимоий муҳитидаги ижобий томонга бўлган ўзгаришларни англатади. Бу муҳитга корхона ва ташкилот ходимлари меҳнат қиладиган, оила аъзолари билан биргаликда яшайдиган моддий, ижтимоий ва маънавий-ахлоқий шарт-шароитлар киради. Бу муҳитда жамоа томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тақсимланади ва истеъмол қилинади, кишилар ўртасида объектив алоқалар вужудга келади, улар ўртасида ўзбек халқига мос келадиган маънавий-ахлоқий қадриятлар намоён бўлади. Шунга мувофиқ корхона ва ташкилотларда ижтимоий ривожланиш биринчи навбатда қуйидагиларга қаратилиши керак:

-персоналнинг ижтимоий тузилишини такомиллаштириш, унинг демографик ва касб-малака таркибини яхшилаш, шу жумладан ходимлар сонини тартибга солиш, уларнинг умум таълим ва маданий-техник савиясини ошириш;

-ишлаб чиқариш жараёнида эргономик, санитария-гигиена ва бошқа шарт-шароитларини, ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

-самарали меҳнатни, ишга бўлган ташаббускорлик-ижодий муносабатни, ҳамкорликдаги гуруҳий ва яқка тартибдаги меҳнат натижалари

учун бўлган жавобгарликни моддий ва маънавий рағбатлантиришни ташкил этиш;

-жамоада соғлом ижтимоий-психологик вазиятни, шахслараро ва гуруҳлараро энг мақбул алоқаларни вужудга келтириш ва қўллаб-қувватлаш;

-ходимларнинг батартиб ва дўстона ишлашга, ҳар бир шахснинг ақлий ва ахлоқий потенциалини (салоҳиятини) очиб беришга, биргаликда амалга ошириладиган меҳнатда қониқиш ҳосил қилиш муҳитини яратиш;

-ходимларнинг ижтимоий суғурталанишини, уларнинг ижтимоий кафолатлари ва фуқаролик ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлаш;

-ҳар бир ходим ва уларнинг оилаларида турмуш даражасини таъминлаш, уй-жой ва маиший шинамликка бўлган, озиқ-овқат маҳсулотларига, саноат моллари ва хилма-хил хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, дам олиш вақтидан унумли фойдаланиш имконини яратиш ва ҳоказолар.

Ижтимоий ривожланишни бошқариш корхона ва ташкилотнинг нормал ишлаб туришига ва унинг потенциал имкониятларидан оқилона фойдаланишга, унинг асосий мақсадларига эришишга бўйсундирилишини тақозо этади. Ижтимоий ривожланишни бошқариш менежментнинг ўзига хос тури сифатида ўз объектига, усулларига, бошқарувга доир қарорларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш шаклларига эгадир.

Ижтимоий бошқариш ўзининг вазифасига кўра фақат инсон ва унинг камолотига қаратилади. Унинг асосий вазифаси корхона ва ташкилот ходимлари учун зарур бўлган меҳнат ва турмуш шароитларини яратиб бериш, уларнинг доимий равишда яхшиланиб боришига эришишдан иборат бўлиб, у мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар билан боғлиқдир.

Корхона ва ташкилотнинг ижтимоий ривожланишини бошқариш ижтимоий муаммоларни илмий ёндашув, ижтимоий жараёнларнинг содир бўлиш қонуниятларини билиш, аниқ аналитик ҳисоб-китоб ва текшириб кўрилган ижтимоий нормативлар асосида ҳал қилиш имконини берадиган усуллар, йўллар, тадбирлар йиғиндисидан иборатдир. У олдиндан ўйлаб кўйилган, мўлжалланган кўп томонлама, яъни ижтимоий муҳитга ҳар томонлама режали таъсир кўрсатиш, бу муҳитга таъсир этувчи хилма-хил омиллардан фойдаланишнинг ташкилий механизмидир.

Менежмент ва унинг хусусиятлари.

Менежментни жамиятнинг иқтисодий негизи билан боғлаб, шу билан бирга бошқарувнинг икки - ташкилий-техникавий ва ижтимоий-иқтисодий томонларини ҳисобга олган ҳодда ўрганиш лозим.

Ташкилий-техникавий бошқарув аниқ истеъмол қийматини олиш учун маҳсулот тайёрлашда меҳнат тақсимооти ва кооперацияси билан ажралиб туради. Ижтимоий-иқтисодий бошқарув мавжуд ишлаб чиқариш муносабатлари билан боғлиқ бўлиб, менежмент мақсадларини белгилайди. Ташкилий-техникавий бошқарув меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошиши учун шароит яратишга имкон берувчи фаолият туридан иборатдир. Ижтимоий-иқтисодий бошқарувнинг мақсади

ишловчилар самарали меҳнат қилиши учун шароит яратиш уларни ижтимоий химоя қилишнинг ишончли умумдавлат тизимини шакллантириш, бандликни таъминлаш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида» асарида кучли ижтимоий сиёсат, аввало сермахсул меҳнат қилиш учун яхшироқ рағбат ва имкониятлар яратишдан иборатлиги, иқтисодий йул танлаш ва фаолият кўрсатиш эркинлигига бўлган кафолатли ҳуқуқни қарор топтириш ҳамда аҳолининг меҳнат ва ижтимоий фаоллигани оширишдан иборатлигини алоҳида таъкидланади.

Менежментнинг моҳияти ишлаб чиқариш усули, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар даражаси, ишлаб чиқариш кучлари ривожланишига боғлиқ ҳолда ўзгаради. ишлаб чиқариш ривожланиши ва иқтисодий алоқалар мураккаблашуви билан бошқарув ҳам мураккаблашади ва мустақил фан сифатда ажралиб чиқади. Мулкчиликнинг турли ҳиллари мавжуд бўлган шароитда товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат вужудга келиб, у ишлаб чиқаришни бошқариш, фойдани кўпайтиришга йўналтирилади.

Менежментнинг асосини объектив иқтисодий, ижтимоий ва бошқа қонунларга асосланувчи ҳуқуқий илмийлик ташкил этади. Бу қонунларни ўрганиш ва уларнинг аниқ вазиятларда намоён бўлишини ҳисобга олган ҳолда ҳўжалик раҳбарлари республика халқ ҳўжалигини бошқаришнинг стратегия ва тактикасини белгилайдилар.

Жамият ҳаётининг барча томонлари демократик янгиланиши шароитида асосий масала иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий тараққиётни рағбатлантириш. Бошқариладиган бозор билан шахс ва жамоа манфаатларини самарали боғлаш масалаларидан иборатдир. Назарий ва амалий нуқтаи назардан ишлаб чиқариш эгалари бўлган меҳнаткашлар манфаатлари энг муҳим манфаат эканлиги, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий тараққиётни жадаллаштирувчи қудратли ҳаракатлантирувчи куч эканлиги шубҳасиздир. Бундан бошқарувни ислох қилишнинг стратегик ғояси меҳнаткаш кишининг обрўсини кўтаришдан, чунки, иқтисодиётни соғломлаштиришнинг асоси бўлиб виждонан ва маъсулият билан меҳнат қилишга хизмат қилади; ишчининг меҳнатида манфаатдорлигини кескин ошириш, ўз қобилиятини тўлиқ сарф этиш, уни жамиятни ҳаракатлантирувчи кучларининг умумий тизимига қўйишдан иборат. Бунга фақат ишчи ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий эгаси сифатида меҳнат қилган ҳолдагина эришиш мумкин, бу жуда мураккаб масала, чунки инсон фақат ижтимоий шахс, яъни жамиятга боғлиқ ва унинг таъсири остида бўлиб қолмай, табиий мавжудот ҳамдир. Худди шунга боғлиқ ҳолда унинг шахсий манфаатларини (унга боғлиқ ҳолда ҳулқи, ҳаракатлари) ҳар доим ҳам ижтимоий манфаатлар билан эмас, балки ўз идроки манфаатлари билан ҳам мос келмайди. Кишилар ўртасидаги иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар акс этувчи манфаатлар улар мақсадлари, меҳнат интизоми, фаоллигига бевосита таъсир кўрсатади ва уларнинг ҳаракатларини тартибга солади. Бозор муносабатларига ўтиш

ишлаб чиқариш ва бозорнинг самарали ўзаро таъсирини, давлат бошқаруви ва корхоналарнинг ўз-ўзини бошқаришнинг мутаносиб нисбатда бўлишини таъминловчи такомиллашган хужалик механизмини яратишга йўналтирилгандир. Давлат менежментининг асл мақсади барқарор ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришдан иборатдир.

Асосий тушунчалар:

Ижтимоий тараққиёт – бу жамият тараққиёти. Жамият тараққиёти бу – унинг ўтмишдан ҳозир орқали келажак сари ўзгариб, ривожланиб боришдан иборат бўлган жараён.

Ижтимоий прогресс - инсоният жамияти тараққиётининг қуйидан юқорига, номукаммалликдан мукамаллик сари бориши.

Регресс – прогресснинг тескараси, жамиятнинг юқори босқичидан орқага, ижтимоий ҳаётнинг қуйи даражасига тушиб қолиши.

Эволюция латинча *evolutio* сўзидан олинган бўлиб, ривожлантириш, авж олдириш маъноларини англатади. Эволюцион ўтиш тадрижий ривожланиш усули ҳисобланади. Бунда ижтимоий тараққиёт аста-секинлик билан содир бўлади.

Революция-жамият тараққиётининг инқилобий йўли унинг бир сифат босқичидан иккинчисига портлаш йўли билан, зўрлик йўли билан ўтишдир.

Бошқариш такомиллашган (биологик, техник, социал) тизимларнинг фаолиятини таъминлаш учун, уларнинг дастур ва мақсадларини амалга оширишга хизмат қиладиган функциядир (вазифадир).

Социал бошқариш - жамият муайян тизимининг тартибланиши сақланиши, мукаммаллашуви ва ривожланишини таъминлайди.

Менежмент (инглизча-манагемент) — бир неча маънони билдиради. **Биринчидан**, менежмент ишбилармонлик фаолиятига, турмуш тарзи ва сиёсат соҳасига таъсир кўрсатувчи социал ва иқтисодий институт деб тушунилади. **Иккинчидан**, менежмент хусусий ва ижтимоий базис соҳасида бошқариш меҳнати билан шуғулланувчи шахслар мажмуини билдиради. **Учинчидан**, менежмент, ижтимоий ишлаб чиқаришни бошқаришнинг техникавий ташкилий, ҳуқуқий, руҳий ва социал жиҳатларни ўрганадиган фандир.

Социал режалаштириш — социал бошқаришнинг дастлабки босқичларига хосдир. Режалаштириш — ўзига хос социал бошқариш бўлиб, унинг мазмуни ижтимоий жараёнлар мақсадини, унинг устивор томонларини, уларга эришишнинг восита ва мақсадларини аниқлаш, режаларни ишлаб чиқиш ва уларни бажарувчиларга етказиш, режалар бажарилиши устидан назоратни ўз ичига олади.

Социал лойиҳалаштириш- социал бошқаришни шакли, ҳали мавжуд бўлмаган, лекин яратилиши лозим бўлган, шунингдек, тубдан ўзгариш лозим бўлган объектларга нисбатан қўлланилади. Социал лойиҳалаштиришни социал режалаштиришнинг кўриниши деб ҳам айтиш мумкин. У ижтимоий

муносабатлар, социал жараёнлар ва аҳоли яшаш шароитларни яхшилаш воситасидир.

Социал прогнозлаштириш социал боқариш шакллари орасида алоҳида ўрин тутadi. Инсон ва жамият фаолиятининг бевоситагина эмас, балки анча кейин рўй берадиган натижаларни кўра билиш ва шунга яраша социал ривожланишни бошқариш зарурияти социал прогнозлаштиришни келтириб чиқарди.

Талабаларнинг индивидуал ўзлаштиришларини аниқлаш учун саволлар:

1. Социологияда ижтимоий тараққиёт тушунчасига қандай таъриф берилган?
2. Ижтимоий ўзгаришларнинг шакллари бири бўлган прогресс нима?
3. Ижтимоий ўзгаришларнинг шаклларида бири бўлган регресс нима?
4. Ижтимоий ўзгаришларнинг шаклларида бири бўлган эволюцион ривожланишнинг афзалликлари нималарда намоён бўлади?
5. Ижтимоий ўзгаришларнинг шаклларида бири бўлган революциянинг салбий оқибатларини тушунтириб беринг.
6. Ўзбек моделининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида гапириб беринг.
7. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувни демократиялаштириш жараёнларининг ўзига ҳослиги деганда нималарни тушунасиш?
8. Ижтимоий тараққиётни бошқариш нима?
9. Менежмент нима?

Дарслик ва ўқув қўлланмалар:

1. Алиев Б., Рафиқов Ғ., Султонов Т., Муллажонова М., Раҳмонов Б. ва бошқалар. Социология. (Ўқув қўлланма). –Тошкент: ТДЮИ нашриёти. 2006.
2. Социология //Ўқув қўлланма. Убайдуллаева Р.А., Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б. ва бошқ. –Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси, 2002.
3. Социология. Маърузалар курси. Алиқориев Н.С, Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б., ва бошқ. – Тошкент, 2001
4. Умумий социология. (Алиқориев Н.С ва Убайдуллаева Р.Т таҳрири остида) – Тошкент: 1999.

Қўшимча адабиётлар:

1. Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: А.Қодирий номидаги нашриёт, 1993.
2. Вебер М. Избранные произведения. – М.: Прогресс, 1990.
3. Ганиева М.Х. Этносоциология. Учебное пособие для студ. высших учебных заведений. – Ташкент: Университет, 2006.
4. Ганиева М.Х. Введение в социальную работу. –Ташкент., 2011. 98 с.
5. Гараджа. В.И. Социология религии. – М., 2005.
6. Гиддингс Э. Социология. – Тошкент, 2002
7. Кравченко А.И. Социология. – М., 2006.
8. Латипова Н.М. Политическая социология. Методическое пособие. –

- Ташкент., 2010.
9. Современная западная социология. Словарь. – М.: Прогресс, 1990.
 10. Социология религии. В.И.Гараджа. – М., 2005.
 11. Социология // Учебное пособие. Под редак. д.ф.н. Мухамедовой З.М., – Ташкент: Sanat, 2010
 12. Қодиров А.Қ. Социология. –Тошкент, 2006.
 13. Saitxodjayiv Н.В. Sotsiologiya. Ma`ruzalar kursi. –Тошкент: Академия, 2008.
 14. Холбеков А.Ж., Идиров У.Ю. Социология: изоҳли луғат-маълумотнома. –Тошкент: Ибн-Сино номидаги нашриёт, 1999.
 15. Холбеков. А.Ж. Бошқарув социологияси (ўқув кўлланма). –Тошкент: Akademiya, 2007.
 16. Убайдуллаева Р.А., Ота-Мирзаев О.Б. ва бошқ. Социологик тадқиқотлар амалиёти (Ўқув-услубий кўлланма). –Т.: «Ижтимоий фикр», 2001.
 17. Фарфиев Б.А., Нуруллаева У.Н. Социология тарихи. (Услубий кўлланма). Тошкент: Университет, 2009.
 18. Бекмурадов М.Б. Роль общественного мнения в социально-культурном развитии общества: Дис....док.социол.наук. – Ташкент, 1997.
 19. Фарфиев Б.А. Ўзбекистонда жамиятни демократилаштириш жараёнида тафаккур тарзини такомиллаштиришнинг ижтимоий маъданий хусусиятлари: Дис....социол. фан.ном. – Тошкент:, 1999.
 20. Калонов К.К. Ўзбекистон ўзини ўзи бошқарув тизими динамикаси таҳлил қилишда авторитетнинг тутган ўрни: Дис....социол. фан.ном. – Тошкент, 2000.
 21. Юнусов А.Б. Ўсмир ёшларда ижтимоий девиантлик ҳолатларининг социологик хусусиятлари: Дис....социол. фан.ном. – Т: ЎЗМУ, 2004.
 22. Норбеков А.Ш. Ўзбекистонда ижтимоий кафолат тизимини яратиш муаммолари: сиёсий-социологик таҳлил. Дис....социол. фан.ном. – Тошкент, 2004.
 23. Латипова Н.М. Роль молодых специалистов в трансформации социальной структуры узбекистанского общества: Дис.... канд. социол. наук. – Ташкент, 2009.
 24. Ганиева М.Х. Общественное мнение как фактор развития межнациональных отношений: Дис....док.социол.наук. – Ташкент. – Ташкент. 2009

Электрон таълим ресурслари:

1. <http://www.lib.socio.msu.ru>
2. <http://www.socioline.ru>
3. <http://www.socio.rin.ru>
4. <http://www.sociologos.narod.ru>
5. <http://www.socionet.narod.ru>
6. <http://www.sociograd.ru>

9- Мавзу: Эмпирик социологик тадқиқот ва унинг методлари.

Режа:

1.Эмпирик социологик тадқиқот, унинг асосий босқичлари.

2. Социологик тадқиқот дастури.

3.Сўров методи.

4.Кузатиш методи ва унинг моҳияти.

5.Хужжатларни ўрганиш методи.

6.Эксперимент методи.

1.Эмпирик социологик тадқиқот, унинг асосий босқичлари.

Социология фанини эмпирик социологик тадқиқот жараёнисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Эмпирик сўзи қадимги юнонча бўлиб, тажриба маъносини англатади. Эмпирик социологик тадқиқот – ягона дастур ва услубиёт билан амалий асосда ижтимоий ҳаёт ҳодиса ва жараёнлари тўғрисида олинган. Эмпирик маълумотларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, зарур амалий таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Эмпирик социологик тадқиқотда ижтимоий фактларни излаш, тасниф қилиш, тўплаш муҳим аҳамиятга эга.

Ижтимоий факт деганда, илмий асосланган, муайян вақт давомида реал ижтимоий воқеликнинг алоҳида жиҳадларини тасниф қилиш орқали олинган маълумотларга айтилади.

Ҳозирда, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида жамият ҳаётида рўй бераётган муҳим ўзгаришларни, кишилар ўртасидаги муносабатларни амалий социологик тадқиқотларсиз илмий асосда ўрганиб бўлмайди. Жамиятни илмий бошқариш доимо амалий социологик тадқиқот натижаларига таянмоғи зарур.

Мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этиб боришда, жамиятни ижтимоий ривожлантиришда ва уни режали прогноз бериш билан илмий асосда бошқаришда амалий социологик тадқиқот натижалари муҳим вазифаларни бажаради.

Социологик тадқиқотларнинг сифат даражасини ва самарадорлигини ошириш учун эмпирик маълумотларнинг ишончли эканлигини, илмий асосланганлигини таъминлаш учун, унинг методологик асосига алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим.

Амалий социологик тадқиқот жараёнини **4 асосий босқичга** бўлиб кўрсатиш мумкин. Бу босқичларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга ва муҳим жиҳатларга эгадир. Булар қуйидагилардан иборат:

1 - Босқич. Социологик тадқиқотни тайёрлаш ва ташкил қилиш:

- Амалий социологик вазифани белгилаш ва тадқиқот предметини танлаш;
- Социологик тадқиқот ўтказиш бўйича буюртма қабул қилиш ва уни ўтказиш бўйича шартнома тузиш;
- Бажариладиган ишлар бўйича календар режа, техник вазифаларни ва бюджет (сарф қилинадиган ҳаражатлар сметасини) тузиш;
- Дастур ишлаб чиқиш;
- Тадқиқот услубиёти, техникаси ва воситаларини ишлаб чиқиш.

II Босқич. Асосий бўлиб, амалий тадқиқот ишлари олиб бориш жараёнини ўз ичига олади:

Социологик тадқиқот танловини ўтказиш;

Пилотаж;

Дастлабки социологик маълумотларни йиғиш;

Эмпирик маълумотларнинг сифат ва аниқлик даражасини назорат қилиш;

III Босқич. Эмпирик маълумотларни қайта ишлаш:

Олинган эмпирик маълумотларни гуруҳларга ажратиш;

Тақсимий жадвал тузиш;

Эмпирик маълумотларни компьютерларга киритиш ва моделлаштириш;

IV Босқич. Яқунловчи босқич бўлиб, олинган маълумотларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, улардан илмий хулосалар чиқариш ва амалий таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқишни ўз ичига олади:

Тадқиқот маълумотларининг дастлабки таснифи ва назарий жиҳатдан фаҳмламоқ;

Илмий назарий хулосалар, муайян илмий-амалий таклифлар, тавсиялар ва тадбирлар ишлаб чиқиш;

Берилган вазифа бўйича илмий матнлар, ҳисоботлар тайёрлаш.

Ҳар қандай тадқиқот бирон-бир муаммонинг қўйилишидан бошланади. Бундай муаммо ташқаридан, буюртмачи томонидан берилиши ёки жамият ҳаётида ўзининг илмий ечимини кутаётган муаммо бўлиши мумкин. Шулардан келиб чиқиб, **социологик тадқиқотларни ташкил қилишнинг асосий шакллари:**

1. Давлат буюртмаси;

2. Хўжалик шартномаси асосида;

3. Жамоатчилик;

4. Аралаш тартибда бўлиши мумкин.

Эмпирик социологик тадқиқот объекти бўйича ўтказилган дастлабки таҳлиллار асосида мавжуд муаммони тадқиқ қилиш дастури ишлаб чиқилади.

2. Социологик тадқиқот дастури.

Илмий дастур ҳар қандай амалий ва назарий социологик тадқиқотнинг дастлабки зарур ҳужжати ҳисобланади. Дастур социологик тадқиқот объекти бўйича ишчи фаразни текширишга қаратилган, шунингдек, тадқиқот бўйича илмий фараз, бажариладиган асосий вазифаларни ва социологик тадқиқот методологик асосининг баёнидан иборат. Дастур мазмуни ҳақида қисқача маълумот берилиши **аннотация** деб аталади.

Ҳар қандай эмпирик социологик тадқиқот дастурининг умумий талаблари мавжуд. Буларга:

1. тадқиқотнинг асосий мақсад ва вазифаларини аниқлаш;

2. ишчи фаразни ишлаб чиқиш;

3. дастурни ишлаб чиқиш жараёнида компьютер техникасидан фойдаланиш кабилар киради.

Социологик тадқиқот дастури ички тузилиши жиҳатидан қуйидаги қисмлардан иборат бўлади:

I. Назарий-методологик қисм:

Социологик муаммони ишлаб чиқиш, тадқиқот мақсади ва вазифасини белгилаш.

Тадқиқот объекти ва предмети белгилаш.

Асосий тушунчаларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот предметининг дастлабки тахминий таҳлили.

Ишчи фаразни ишлаб чиқиш.

II. Амалий социологик тадқиқот иш жараёни қисми:

Тадқиқотнинг умумий режаси.

Асосий амалий иш жараёнлари.

Танлов ишлари

Дастлабки олинган социологик маълумотларни таҳлил қилиш усулларининг таснифи

Тадқиқот натижаларини умумлаштириш назарда тутилган йўналишлар.

III. Хулоса қисми:

Тадқиқот натижаларини мазмунан таснифи.

Буюртмачига тадқиқот натижаларини тақдим қилиш шакллари (асосий хулосалардан иборат ҳисобот, амалий таклифлар, тавсиялар ва тадбирлардан иборат).

Тадқиқот мақсади ва вазифаси. Дастурнинг ушбу қисмида социологик тадқиқот буюртмачиси ва бажарувчилар ўртасидаги муносабат ўзаро келишиб олинади. Тадқиқот учун сарф қилинадиган ҳаражатлар: молиявий ва меҳнат ресурслари ҳисоблаб чиқилади.

Социологик тадқиқот мақсади турлича бўлиши мумкин. Масалан, муайян ишлаб чиқариш корхонасида меҳнат унумдорлигини кўтариш муаммосини социологик тадқиқ қилиш зарур бўлса, бунда асосий мақсад меҳнат унумдорлигини пастлигининг биринчидан, асосий сабабларини аниқлаш, иккинчидан, мавжуд яширин иқтисодий имкониятларни қидириб топиш ва учинчидан эса мавжуд шарт-шароитни ўзгартиришдан иборат бўлади. Тадқиқотнинг асосий вазифаси эса белгилаб олинган мақсадни мазмунан, услубий ва ташкилий жиҳатдан янада ойдинлаштириб олишдан иборат бўлади.

Тадқиқот предмети ва объекти. Тадқиқот предмети — мавжуд социологик муаммонинг асосий масалаларидан бири ҳисобланади. Бир хил муаммоли ҳолатда ягона эмпирик тадқиқот объекти бўйича тадқиқот предмети бўладиган бир неча йўналишлар бўлиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, тадқиқот предмети танланганда, мавжуд муаммони ечиш йўллари бўйича илмий фараз тузилади, шу билан бирга, социологик тадқиқот ўтказиш усуллари ва шакллари таъриф берилади.

Социологик тадқиқот объекти деганда, социологик тадқиқот йўналтирилган ижтимоий ҳодиса, жараён ва тузилмалар тушунилади. Ҳар қандай социологик тадқиқот объекти тизимли хусусиятга, асосан, вақт, макон, имконият ва миқдорий ўлчов чегарасига эга бўлади. Эмпирик социологик тадқиқот дастурининг назарий-усулбий даражасида объектини танлаш муҳим аҳамиятга эга. Ҳал қилиниши зарур бўлган муаммо характери,

унинг долзарблиги, тадқиқот мақсади ва вазифаси, тадқиқот объектининг қандай бўлишлигини белгилайди. Агар тадқиқот объекти унчалик катта бўлмаса, социологик жиҳатдан уни тўлалигича қамраб олиш имконияти бўлса, бир бутун ҳолда тадқиқот объекти қилиб олиш мумкин. Баъзан эса мураккаб социологик тадқиқот объектини тўлалигича қамраб олиш имконияти бўлмайди. Шунинг учун бундай вазиятда тадқиқот объектининг нисбатан аниқ чегараси белгилаб олинishi шарт.

Дастурда аниқ кўрсатилиши зарур:

-эмпирик тадқиқот объекти;

-социологик тадқиқот объектни тўлалигича қамрайдими ёки унинг айрим жиҳатларини танлаб оладими?

-танлов асосида олиб бориладиган социологик тадқиқот асоси (рўйхат тузиш, картотека, социологик харита кабилар).

Социологик тадқиқот фарази. Мавжуд муаммо бўйича илмий фараз ишлаб чиқиш эмпирик социологик тадқиқотни назарий жиҳатдан тайёрлашнинг яқунловчи қисми ҳисобланади. Тадқиқот фарази – ўрганилаётган ижтимоий ҳодиса таркиби ёки унинг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик характери тўғрисидаги илмий фараздан иборат бўлади. Илмий фараз тадқиқ этилаётган объект тўғрисидаги мавжуд маълумотларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилади.

Фараз – бу, тадқиқот учун бошланғич нуқта бўлиб, кейинги олиб бориладиган амалий социологик тадқиқотларда илгари суриладиган фаразга боғлиқ бўлади. Шунини таъкидлаш лозимки, фаразни ишлаб чиқиш – эмпирик маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишдаги мантикий асосни ишлаб чиқиш демакдир.

Агар тадқиқотчи томонидан илмий фараз ишлаб чиқилган бўлса, эмпирик маълумотлар ва тадқиқот натижалари шу ишчи фаразнинг тўғри эканлигини текширишга, уни тасдиқлашга ёки бекор қилишга хизмат қилади. Эмпирик тадқиқот фарази бўлмаса, унда социологик тадқиқотнинг илмийлик даражаси паст бўлади.

Дастур таркибидаги амалий қисмнинг муҳим жиҳати – эмпирик тадқиқот услубиёти, техникаси, жараёни ва усулларини асослашдан иборат.

Социологик тадқиқот услубиёти – хусусий социологик усуллар мажмуи фойдаланилади. **Метод (усул)** тушунчаси кенг маънода билимлар тизимини юзага келтириш ва асослаш усули, воситаси демакдир. Социологияда усул сифатида **умумсоциологик принциплар** ҳам, ижтимоий воқеликдаги жараёнлар ва ҳодисаларни билишдаги **хусусий принциплар** ва **конкрет усуллар** – математик-статистик усуллар, социологик ахборотни йиғиш усуллари: кузатиш, сўроқлар, эксперимент ва ҳужжатларни ўрганиш усули ва бошқалар тушунилади.

Социологик тадқиқот техникаси – махсус усулларининг бирлигини англатиб, у ёки бу усулдан унумли ва ўз ўрнида фойдаланишни ифода қилади.

Социологик тадқиқот жараёни – тадқиқотни ташкил этиш усули, воситаси, барча билиш ва ташкилий фаолиятнинг тартиб билан бориш жараёнини англатади.

Амалий социологик тадқиқот олиб бориш жараёнида конкрет тадқиқот усулларининг аҳамияти катта. Улар ёрдамида дастлабки эмпирик маълумотлар йиғиб борилади. Улар **сўров, кузатиш, ҳужжатларни ўрганиш ва эксперимент** усуллариدير.

3.Сўров методи.

Социологик маълумотларни йиғиш усулларида бири сўров усулидир. Сўров усули ёрдамида бошқа ҳужжатли манбаларда учрамайдиган ва бошқа социологик тадқиқот усуллари ёрдамида олиш мумкин бўлмаган маълумотлар, ахборотларни олиш мумкин. Шунинг учун, кишилар, ижтимоий ҳаёт жараёнларига бўлган муносабатини, фикрини социологик жиҳатдан ўрганишда сўров усулининг аҳамияти беқиёс каттадир. Айниқса, ҳозирда, жамиятимизнинг бозор муносабатларига ўтиб бориш жараёнида, ижтимоий коммуникациянинг роли ортиб бориши билан сўров усулининг социологик тадқиқотлар олиб боришдаги ўрни ва аҳамият янада ортмоқда.

Сўров усулидан дастлабки социологик ахборотларни олиш учун фойдаланилади. Сўров ўз характери билан оғзаки ёки ёзма равишда бўлиши мумкин. Тадқиқотчининг **респондент** (инглизча – сўз бўлиб, жавоб бермоқ маъносини англатади, яъни анкета саволларига ва интервьюга жавоб берувчи тушунилади) билан мулоқотда бўлиш шакли ва шароитига қараб сўров усули қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

ёзма – анкета орқали

оғзаки – интервью олиш, **яшаш жойи ва уюшган аудиторияда** (меҳнат жамоасида, маҳаллада, ўқув юртида), **сиртдан** (рўзнома орқали, почта орқали анкета ўтказиш) ва **юзма-юз, телефон орқали, гуруҳли ёки индивидиуал** каби.

Формаллаштириш даражаси билан:

олдиндан режалаштирилган

эркин,

бир маротаба ва

такрор бўлиши мумкин.

Эксперт сўрови ҳам социологик тадқиқотларда муҳим ўрин тутмоқда. Олинган мавжуд социологик маълумотларни қайта текширишда, уларни қанчалик мос эканлигини аниқлашда эксперт сўрови туридан фойдаланилади.

Сўров усулидан қуйидаги ҳолларда фойдаланиш мумкин:

- 1) ўрганилаётган муаммо бўйича етарли даражада маълумотлар кам ёки мутлақо бўлмаганда;
- 2) тадқиқот предмети ёки унинг айрим жиҳатларини кузатиш имконияти бўлмаганда;
- 3) тадқиқот объекти сифатида эҳтиёж, манфаатлар, қизиқишлар, кайфият, кадриятлар, эътиқод, ишонч, ёклаш каби ижтимоий ёки индивидиуал онг элементларини ўрганиш жараёнида;

4) сўров усулининг имконият даражасини ошириш мақсадида қўшимча тарзда ва бошқа социологик тадқиқот усуллари ёрдамида олинган эмпирик маълумотларни қайта текшириш учун;

5) муайян ижтимоий муаммо устида олиб борилаётган социологик тадқиқот жараёнини қанчалик тўғри эканлигини назорат қилиб боришда.

Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, социологик тадқиқотларда сўров усулидан ёзма равишда – анкета орқали ва оғзаки – интервью олиш орқали фойдаланилади.

Анкета орқали сўров ўтказиш энг кенг тарқалган сўров тури ҳисобланади. Чунки, анкета саволлари орқали респондентлардан олинадиган жавобларни умумлаштириб, гуруҳлаштириш билан тадқиқ этилаётган ижтимоий муаммо тўғрисидаги жамоатчилик фикри ойдинлашади. Олинган маълумотларнинг қанчалик тўғри, объектив ва ҳаётий эканлиги эса тадқиқотчилар томонидан тузиладиган анкета саволларининг қанчалик моҳирона ва саводли эканлигига боғлиқ бўлади. Анкетага киритилган саволлар содда, тушунарли ва жавоб беришга қулай тузилиши шарт. Унда респондент характери, ёши, касби, маълумот даражаси ва руҳий жиҳатлари ҳисобга олинмоғи лозим. Акс ҳолда, анкета сўрови ўрганилаётган муаммо тўғрисида ишончли, объектив маълумотлар бермаслиги мумкин.

Анкета сўрови орқали эмпирик маълумотларнинг аниқ, ҳаётий бўлиши – анкета ўтказиш жараёнини қанчалик тўғри ташкил қилиш билан боғлиқ. Анкета ўтказишнинг асосий компонентлари – тадқиқотчи, сўроқ варақаси ва респондент ҳисобланади. Тадқиқотчи ёки тадқиқот ўтказилаётган объектнинг расмий ва норасмий вакиллари, раҳбарлари томонидан респондентларга анкетани тарқатиш ва уларни тўлдириш вақтида назорат қилишга йўл қўйилмаслиги, респондент томонидан мустақил, ўзгаларнинг маслаҳатисиз тўлдирилиши шарт. Анкета тўлдиришда респондентнинг исми-шарифи кўрсатилмаслиги керак. Чунки, анкета варақасига исми-шарифини кўрсатиш талаб қилинса, ўрганилаётган муаммо тўғрисида салбий ёки эътирозли фикр билдиришдан чўчиб, респондент ўз фикрини очик-ойдин ёзмаслиги мумкин. Сиёсий, маъмурий тазийқлардан юрагини олдириб қўйган ўзбек фуқароси буни жуда яхши тушунади. Бошқа жиҳатдан эса, кўпчилик кишиларга хос, юқори раҳбариятга яхши кўриниш, бошлиғига шахсий содиқлигини билдириб қўйиш мақсадида ҳам берилган саволларга нореал, «ўта ижобий» жавоб бериб, кимлигини билдириб қўйиш мақсадида исми-шарифини атайлаб кўрсатиб қўядиганлар ҳам учраб туради. Шунингдек, анкета саволларига, тадқиқот ишига қарши шахслар ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун, респондентлар билан жуда эҳтиёт бўлиб, чиройли, дўстона муомалада бўлиш зарур. Анкета ўтказиш давомида тадқиқотчидан юмшоқлик, ширинсуханлик талаб қилинади.

Анкета ўзининг таркибий тузилишига эга. Анкета сўрови:

1) энг аввало, анкета саволлари тизимини ишлаб чиқиш жараёнини ўз ичига олади;

2) анкета сўровини ким томонидан, қандай мақсадда ўтказилишини ва респондентларга анкета тўлдириб беришни ўз ичига олади;

3) анкета паспорти ҳам таркибда муҳим ўрин тутиб, унда респондентнинг ижтимоий-демографик характеристикаси тушунтирилади. Бунда респондентнинг ёши, жинси, миллати, ижтимоий келиб чиқиши ва ҳолати, маълумот даражаси, касби, партиявийлиги, оилавий аҳволи каби маълумотлар аниқланади. Кўпинча паспорт анкетанинг охирида берилади. Кўпчилик социологларнинг фикрича, агар паспорт анкетанинг бошида берилса, респондентни чўчитиб эмпирик маълумотнинг аниқ ва тўғри, ҳаётийлик даражасини пасайтириб юборади.

Асосий саволлар анкета таркибида марказий ўрин эгаллайди. Чунки, асосий саволларга бериладиган жавоблар социологик тадқиқотларнинг асосий маълумотлари ҳисобланади.

Анкета охирида якунловчи саволлар киритилади. Ўз моҳиятига кўра, якунловчи саволлар асосий саволларнинг мантикий давоми бўлиб, унда ўрганилаётган муаммо юзасидан респондентнинг индивидуал, қўшимча фикр ва мулоҳазалари олинади. Анкета сўнггида тадқиқот учун кўрсатилагн беминнат ёрдам эвазига самимий миннатдорчилик билдиришни унутмаслик керак.

Анкета саволларининг сони кўпайиб кетмаслиги керак. Қизиқарли, респондентни зериктирмайдиган ва ихчам тузилмоғи лозим. Ўз шаклига кўра, анкета саволлари **очик, ёпиқ, ярим очик ва ярим ёпиқ** бўлади.

Очик саволларда респондентга жавоблар варианти тақдим этилмайди, яъни у қандай ҳоҳласа шундай, эркин жавоб бериши мумкин бўлади.

Ёпиқ саволларда эса респондент фақат «ха» ёки «йўқ» тарзида жавоб бериши, ёки олдиндан ёзиб қўйилган жавоблардан бирини танлаши лозим.

Ярим очик ёки **ярим ёпиқ** саволларда эса респондентга тақдим этилган жавоблар вариантларидан ташқари «бошқа» деб номланган вариант ҳам берилади, яъни респондент берилган жавоблардан бирини танлаши ёки ўзининг жавобини тақдим этиши лозим бўлади.

Анкета ўтказишда унинг вақти 10-45 дақиқа давом этиши керак. Қисқа муддатда ўтказиладиган тезкор анкета ўтказиш муддати 10-45 дақиқадан ошмаслиги лозим. Анкета ўтказишнинг бундай усулида респондентнинг узоқ мулоҳаза қилишига, иккиланишига йўл қўйилмайди. Саволлар ҳам содда, қисқа ва аниқ қилиб тузилади. Натижада қисқа муддатда эмпирик социологик маълумотлар тўплашга эришилади.

Интервью ҳозирги кунда энг кўп ва кенг тарқалган сўров усулидир. Интервьюдан бу қадар кенг кўламда фойдаланишда радио, телевидение, кундалик матбуотнинг роли катта бўлмоқда. Шунинг учун ҳам интервью социология, психология, журналистика, статистика, этнография, педагогика, бошқарув сингари фанларда кенг ва муваффақиятли қўлланилмоқда. Айниқса, ҳозирда бозор муносабатларига ўтиш шароитида кундалик ҳаётимизда рўй бераётган жиддий ўзгаришлар тўғрисидаги омманинг ижтимоий фикрини аниқлашда интервью олишнинг салмоғи ортмоқда. Сўров усулининг бу турида интервью икки асосий функцияни бажаради:

1) муайян воқеа-ҳодиса, жараён тўғрисида маълумот йиғилади;

2) шу билан бирга, объектга – респондентга интервью орқали таъсир кўрсатилади.

Социологик тадқиқотларда интервью ўзига хос хусусиятларга эга. Энг аввало, шуни кўрсатиб ўтиш лозимки, интервью орқали эмпирик маълумотларни йиғиш шахснинг индивидуал жиҳатлари билан рўбаро келинади. Шу орқали респондент тўғрисида, унинг тадқиқ этилаётган муаммо тўғрисидаги карашлари, фикри тўғрисида ахборот олинади. Бериладиган саволларга нисбатан респондентнинг руҳий реакцияси кузатилади ва ҳисобга олинади.

Интервью олишда тадқиқотчи респондент билан яқин, самимий, юксак ахлоқий муомалада бўлиши шарт. Бериладиган саволлар аввалдан пухта ўйланган, респондентнинг шахсиятига тегмайдиган, мазмунли бўлиши талаб қилинади. Бундай шартлар респондентнинг интервью сўровига жиддий муносабатда бўлиб, бериладиган саволларга тўла ва ҳар томонлама жавоб беришини таъминлайди. Интервью олишда ўзига хос қийинчиликлар ҳам мавжуд. Бундай қийинчиликларга энг аввало интервью кўп вақт ва моддий сарф-ҳаражатлар талаб қилишини киритиш лозим. Ҳар бир респондент билан руҳий муносабат ўрнатиш зарур. Бунга эса доимо ҳам эришилавермайди. Ўта инжиқ, аламзада, ҳатто тажовузкор респондентлар ҳам учраб туради. Социологик тадқиқот ўтказиш маданияти эса интервью якунининг доимо муваффақиятли ва ижобий тугалланишини талаб қилади.

Интервью тайёрлаш, уни ўтказиш ва олинган натижаларни умумлаштиришнинг ўзи қийин жараён ҳисобланади. Чунки, ўрганилаётган муаммонинг моҳиятини, келиб чиқиш сабабларини, умумий тенденцияларини ва уни бартараф қилиш йўллариини ўрганиш учун юзлаб респондентлар билан мулоқотда бўлишга тўғри келади. 1-2 интервью олиш билан тадқиқот объекти бўйича объектив асосга эга бўлган илмий тасаввур ҳосил қилиб бўлмайди.

Социологик адабиётларга интервью бир неча турларга ажратиб кўрсатилган, қуйидагилар шулар жумласидандир:

Эркин интервью (стандартлаштирилмаган) – бунда респондент билан узоқ, эркин тарзда суҳбат ўтказилади. Респондентга аввалдан белгиланган саволларга қўшимча равишда саволлар билан ҳам мурожаат қилиш мумкин. Респондентга эркин ва кенг тарзда фикр юритиш имконияти яратилади. Интервьюнинг бундай турига ҳозирда телевидение орқали мунтазам равишда олиб борилаётган «Юзма-юз», «Тема» каби кўрсатувларни мисол қилиб олишимиз мумкин.

Стандартлаштирилган интервью – олдиндан режалаштирилган, муайян мавзунинг қатъий белгиланган доирасидан чиқмайдиган турига айтилади. Интервьюнинг бу тури асосан давлат раҳбарлари, сиёсий арбоблар, сиёсатчилар, масъул ва маъмурий шахслар - респондентлар билан ўтказилади.

Ярим стандартлаштирилган интервью эса қатъий белгиланган саволлардан ташқари респондентнинг ёки тадқиқот объектининг норасмий жиҳатларини ойдинлаштириш, улар тўғрисида қўшимча маълумотларга эга

бўлиш мақсадида ўтказилади. Айрим касб эгалари билан, масалан, артистлар, машҳур шахслар, тарбияси оғир болалар, жиноятчи ва бошқа шу каби респондентлар билан ўтказиладиган интервьюни мисол қилиб олиш мумкин.

Ўтказиш жараёнига кўра интервью:

- ❖ кўча-кўйда,
- ❖ гуруҳли,
- ❖ клиник,
- ❖ йўналтирилган каби шаклларга эга.

Мулоқот воситаси сифатида эса очик, юзма-юз, телефон орқали ёки ёпиқ тарзда бўлиши мумкин.

Айрим респондентлар билан ёпиқ тарзда интервью ўтказишга ҳам тўғри келади. Бунда респондентнинг шахси сир тугилади. Чунки, респондент очик интервью беришдан манфаатдор бўлмайди. Кўпинча, ёпиқ интервью давлат ички ишлар махсус бўлимлари вакиллар билан, айрим жиноятчилар билан, ор-номусни йўқотиб пушаймон бўлган шахслар – респондентлар билан олиб борилади.

Интервьюнинг ҳар қандай типидан (камида 50 дан ортиқ респондентдан) олинган эмпирик маълумотлар мазмун жиҳатдан гуруҳларга ажратилиб, умумлаштирилади. Бу эса социологик тадқиқот жараёнининг кейинги босқичида амалга оширилади.

4.Кузатиш методи ва унинг моҳияти.

Социологик тадқиқотларда кузатиш – дастлабки эмпирик маълумотларни йиғиш усули бўлиб, муайян мақсадга қаратилган, олдиндан пухта ўйлаб, мунтазам олиб бориладиган, ҳиссий қабулга асосланган бўлади. Бу усулдан фойдаланишнинг ўзига хос афзаллиги шундаки, тадқиқотчи муайян даражада тадқиқот олиб борилаётган объектидан мустақил бўлади ва унга бўйсунмайди. Кузатиш усулидан олинган илмий маълумотлар объектив, холис ва ҳаётий бўлиши билан ўзининг илмий қимматига эгадир. Шу билан бирга, кузатиш усулидан олинган илмий маълумотларда субъектив жиҳатлар ҳам бўлиши мумкин. Чунки, социологик тадқиқот тадқиқотчининг ижтимоий воқеликка, жараёнига нисбатан қандай муносабатда бўлиши ва қай йўсинда тавсифлаши асосида боради.

Кузатиш усулининг яна бир муҳим жиҳати унинг муайян даражада чегараланганлиги бўлиб, кўпинча тадқиқ этилаётган воқеликни қайта кузатиш имконияти бўлмаслигидадир. Бу усулнинг яна бир заиф жиҳати шундан иборатки, кузатиш орқали тадқиқотчини қизиқтирган саволга кузатилувчининг фикр ва ҳукмини билиш жуда қийин. Барча ҳолларда кузатиш ҳозирча фақат сўз билан ифодаланади. Аммо, баъзи хулқий-эҳтиросли муносабатларни, ҳолатларни бир тарзда ёзиш ва сўз орқали ифодалаш қийин бўлади.

Кузатиш жараёнининг характериға қараб уни қуйидаги типларға ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ❖ назоратли (очик),
- ❖ назоратсиз (инкогнито),
- ❖ тўла қамровли (стандартлаштирилмаган),

- ❖ **қамрамайдиган (стандартлаштирилган),**
- ❖ **дала шароитида**
- ❖ **лаборатория шароитида,**
- ❖ **ичкаридан ва**
- ❖ **четдан кузатиш.**

Назоратли, яъни **очик** кузатишда кузатилаётган гуруҳ олдиндан огоҳлантириб қўйилади, назоратсиз, яъни инкогнито кузатишда эса, аксинча, гуруҳ ўзини кузатилаётганликларини сезмайди.

Тўла қамровли, стандартлаштирилмаган кузатишда у аниқ бир ҳаракат режасисиз амалга оширилади, **стандартлаштирилган,** яъни тўла қамрамайдиган кузатишда кузатишда кузатувчи тадқиқот предмети ва жараёнига нисбатан аниқ чегараланган программага асосланади.

Дала шароитида кузатиш объекти қилиб социал воқеликнинг у ёки бу томони, жараёни олинади. Лаборатория шароитидаги кузатишда эса объект қилиб объектив воқеликки маълум бир даражада мослаштирилган модель олинади.

Ичкаридан кузатишда тадқиқотчи кузатаётган объектда рўй бераётган ижтимоий жараёнларда бевосита иштирок этади ва унга бўйсунди, четдан кузатишда эса тадқиқотчи объектга нисбатан мустақил бўлади ва унга бўйсунмайди. Ичкаридан кузатишга мисол қилиб Америка социологи Уильям Уайтнинг «Кўча бурчаклари жамияти» китобида ёритилган (1937) тадқиқотини олиш мумкин. Автор, Италия эмигрантлари оилаларидан чиққан ёшлар ичида рэкетнинг вужудга келиш жараёнини ўрганиш ниятида, шу муҳитда уч ярим йил яшаган, улар билан бир хил ҳаёт кечирган.

Социологик кузатиш объекти инсондир, шунинг учун тадқиқот жараёнида тадқиқотчининг мақсадини интуитив ҳолда ҳис қилиб, ўз хулқ-атвори ёки ҳаракатини ўзгартириши мумкин. Натижада, олинган маълумот социологнинг талабига жавоб бермайди.

Демак, социологик тадқиқотларда фақатгина кузатиш усулидан фойдаланиш билан чекланиб қолмаслик керак. Чунки, кузатиш усули орқали олинган маълумотлар, натижалар ўрганилаётган объект тўғрисида тўла маълумот бера олмайди. Бу усулдан кўпинча социологик тадқиқотнинг дастлабки босқичларида, объект тўғрисида дастлабки тасаввурга эга бўлиш учун ёки социологик тадқиқотларнинг бошқа усуллари ёрдамида олинган маълумотларни, статистик ҳужжатларни қўшимча равишда текшириш мақсадида фойдаланилади.

5. Ҳужжатларни ўрганиш методи.

Ҳужжатларни ўрганиш ҳам социологик маълумотлар йиғишда ўзига хос ўринга эга. Ҳужжатлар маълумотларни тўплаш усулига кўра (қўлёзма, босма, киноплёнка, магнит лента), авторлик типига кўра (шахсий ва ижтимоий), уларни йиғиш усулига кўра (жамиятда амал қилувчи, ташкилот, коллектив, корхона фаолияти жараёнига ташкилий қисм бўлиб қирувчи ҳужжатлар), йиғилаётган эмпирик материалга яқинлик даражасига кўра (мавжуд ҳолатни бевосита акс эттирувчи бирламчи ва мавжуд ҳужжатларга асосланиб қўрилган иккиламчи ҳужжатлар) турларга бўлинади.

Хужжатларни ўрганиш методларини икки катта гуруҳга ажратиш мумкин: **анъанавий, формаллаштирилган.**

Ўз навбатида, **анъанавий методлар** ҳам икки гуруҳга бўлинади: умумий (тушуниш, интуиция, англаб етиш),

махсус (манбаларга асосланиш, психологик, юридик методлар).

Формаллаштирилган методларга контент-анализни киритиш мумкин. **Контент-анализ** (таркибий анализ) (методи хужжатда маълум бир асосий тушунчаларнинг қанчалик кўп ишлатилишига асосланиб хулоса чиқаришдан ташкил топади. Мисол тариқасида иккинчи жаҳон уруши йилларида америка социологи Лассуэлнинг Лейтс билан бирга олиб борган контент-анализини олиш мумкин. Улар фашистик ориентацияга асосланган деб тахмин қилинган. Америка газеталаридан бирини тадқиқ қилдилар. Шу газетанинг 1943 йил 3 дан 31 декабргача бўлган даврдаги сонларини контент-анализ методи билан ўргандилар ва уларда Америкага қарши ва Германияни ёқловчи фикрлар қўлланиш ҳолларини ҳисоблаб, санаб чиқдилар. Натижада, тадқиқотчилар олган хулосалар ижобий эканлиги аниқланиб, бу газетада АҚШ Олий Суди томонидан таъқиқланган.

6.Эксперимент методи.

Социологик тадқиқотларда ўрганилаётган объект тўғрисида дастлабки эмпирик маълумотларни тўплашда тажриба ўтказиш алоҳида ўрин тутади. Собиқ Совет Иттифоқи даврида узоқ вақт социал фанларда тажриба ўтказиш (эксперимент) (усулидан фойдаланиш мунозарали масала бўлиб келди. Шу билан бирга, жамият ҳаёти 73 йил давомида кишилар бошига кўз кўриб, кулоқ эшитмаган қийинчиликлар солган социал экспериментлар кетма-кетлигидан иборат бўлади. Уларнинг деярли барчаси муваффақиятсизлик билан тугади.

Ижтимоий ҳаётнинг мураккаблиги, онг ва руҳий жараёнларни ўлчаш қийинчилиги, катта молиявий ҳаражатлар, кишилар гуруҳларини унга жалб этиш қийинлиги ва шу каби сабабларга кўра социал эксперимент ўтказиш ва ундан фойдаланиш даражаси пастдир.

Социал эксперимент усулининг асосий хусусиятларига қуйидагилар киради:

- объектив реаллик тизимига таъсир кўрсатиш;
- нисбатан ажратиб олинган экспериментал омилни тадқиқ қилинаётган объектга нисбатан режали асосда қўллаш;
- унинг оқибатларини режали назорат қилиб бориш;
- ўзгариш самарадорлигини, ижобий ва салбий жиҳатларини ўлчаш.

Социологик ва социал-психологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, эксперимент усулидан фойдаланиш икки асосий омилга боғлиқ бўлади: тадқиқот объектининг ўзига хослигига ва тадқиқот қилинаётган ижтимоий гуруҳ жавоб реакциясининг характериға. Бу усул ҳар қандай социал объектга ҳам қўлланилавермайди. Бу усулдан фойдаланишда энг аввало, тадқиқ этилаётган объектнинг эксперимент ўтказиш мумкин деб топилса, уни ўтказиш чегараси аниқ белгиланмоғи лозим. Эксперимент социал объект

(тизим) функционал муносабатларини бузмаслиги, издан чиқармаслиги керак. Собиқ Совет Иттифоқи даврида олиб борилган глобал социал экспериментлар ижтимоий тартиб ривожланиш қонуниятларини қўпол равишда бузилганлиги, сунъий, ҳаётий бўлмаган, ҳаёлий тарзда олиб борилганлиги оқибатида ҳам муваффақиятсизлик билан якунланди. Яқин ўтмишдаги М.Горбачевнинг жамият ҳаётини «қайта қуриш» каби аниқ ички қурилишга эга бўлмаган ҳаёлий социал экспериментал урунини фикримизга мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

Социал экспериментлар ўз вазифаси мазмуни, якуний натижаси билан ўзаро фарқ қилсада, барчасига хос ички тузилишга эга. Унинг ички унсурларига эксперимент ўтказувчи (тадқиқотчи, олимлар гуруҳи, илмий лаборатория), яратиладиган шарт-шароит тартиби – экспериментал омил, экспериментал ҳолат ва эксперимент натижалари қиради.

Социологияда эксперимент асосан 3 тартибда олиб борилади:

Экспост-факто эксперимент. Бунда эксперимент ўтмишдан ҳозиргача бўлган ижтимоий тадқиқот объекти қилиб олинганда ўтказилади.

Таққослаш тамойилига асосланган эксперимент. Бу тартибда ҳозирги давр ижтимоий жараёнлари тадқиқот объекти қилиб олинган бўлади.

Проекти эксперимент. У ҳозирдан келажакка йўналтирилган бўлади.

Булардан ташқари, **социал экспериментлар** қуйидаги тартибларга бўлинади.:

-тадқиқот хусусиятига қараб (фан соҳасидаги, ижтимоий жараёнларини бошқаришдаги экспериментлар);

-социал экспериментнинг таркибининг тартибига кўра;

-дала ва лаборатория шароитидаги;

-мантиқий таркибига кўра (параллел ва давомий тарзда)

Социал эксперимент ўтказиш муайян босқичларидан иборатдир:

Биринчи босқич – назарий босқич бўлиб, унда ўтказиладиган эксперимент тартиби белгиланади ва назарий жиҳатдан асосланади. Мавжуд имкониятлар эксперимент омиллар ва тадқиқот объектининг ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олинади.

Иккинчи босқич – эксперимент дастурида кўрсатилган асосий вазифалар ва методикаси ишлаб чиқилади.

Учинчи босқич – эксперимент дастурида кўрсатилган асосий вазифалар аниқ воситалар орқали объектга тадбиқ қилинади.

Тўртинчи босқич – сўнгги босқич бўлиб, унда экспериментдан олинган натижалар илмий таҳлил қилинади ва баҳоланади.

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, жамият ҳаётининг умумсоциологик муаммолари устида олиб бориладиган социал экспериментлар қутилган натижаларни бермайди. Бунда фақат ижтимоий муносабатларнинг функционал ва ривожланиш қонуниятларига путур етказилади, холос. Кишилар бошига оғир кулфатлар солиб, бартараф қилиниши қийин оқибатларга олиб келиши мумкин.

Жамият ҳаётининг махсус соҳалари доирасида, микросоциологик объектлар устида социал экспериментлардан фойдаланиш мақсадга

мувофикдир. Чунки, нисбатан кичик доирада, социал объектда ўтказилган эксперимент натижалари аниқ муддат ичида ўз натижаларини кўрсатиши мумкин ва унинг оқибатлари (агар салбий жиҳатларга эга бўлса) ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларига ёйилиб кетмайди. Бу натижалар эксперимент ўтказилган тадқиқот объектигагина тегишли бўлади. Ўтказилган экспериментнинг ижобий натижаларини эса ҳаётнинг бошқа соҳаларига ёйиш, тадбиқ қилиш мумкин бўлади.

Социологик маълумотларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, хулоса ясаш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Эмпирик социологик тадқиқотнинг якуний босқичида социологик маълумотларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш, изоҳлаш, умумлаштириш, хулоса ясаш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш каби вазифалар бажарилади. Эмпирик маълумотларни қайта ишлаш социологик тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятини оширишда муҳим роль ўйнайди ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

Эмпирик маълумотларни қайта ишлаш ва кодлаштириш. Бунда асосий вазифа эмпирик маълумотлар, ҳужжатлар бир хил шаклга келтирилади. Расмий тарзда ишлаб чиқилади ва белгиланган шартлар асосида тартибга келтирилади.

Олинган маълумотларни тадқиқот вазифасига мос ҳолга келтириш, яъни олинган эмпирик маълумотлардан тадқиқот мақсадига қанчалик эришилганлиги ва олдинга қўйилган вазифа қай даражада ҳал қилинганлиги аниқланади.

Статистик таҳлил. Социологик маълумотларни таҳлил қилиш жараёнида статистик таҳлил муҳим аҳамиятга эга. Статистик таҳлил орқали баъзи ижтимоий статистик қонуниятлар ва функционал муносабатлар ойдинлашади. Бу эса, ўз навбатида, тадқиқ этилаётган муаммо бўйича олинган билимларни умумлаштириш ва улардан илмий хулосалар чиқаришга асос бўлиб хизмат қилади.

Эмпирик тадқиқот усуллари ёрдамида олинган маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш тартиблаштириш, шкаллалаштириш, муносабатдорлик каби усуллардан ҳам кенг фойдаланиш мумкин. **Тартиблаштириш** – бу тадқиқ қилинаётган объектларнинг ўзаро нисбий аҳамиятини тартибли асосда аниқлашни билдиради. **Даражалаш** – ўрганилаётган объектни бошқа объектларга нисбатан хусусий жиҳатларига қараб сифат ва миқдорий даражасини аниқлаш демакдир. Даражалаш эксперт баҳолашнинг бошқа усуллари билан янада тўлдирилиши мумкин.

Эмпирик маълумотларни умумлаштириш жараёнида асосий эътибор тадқиқот объектининг фақат ижобий томонларигагина эмас, кўпроқ ечимини кутаётган муаммоларга қаратилмоғи лозим. Бу босқичда тадқиқот фарази олинган миқдорий кўрсаткичлар асосида текширилади. Маълумки, ишчи фараз – муайян ижтимоий объект тўғрисидаги тахминий фараз, холос. Социологик тадқиқот натижаларининг таҳлили эса, шу ишчи фаразнинг тўғри ёки нотўғрилигини тасдиқлайди. Ишчи фаразнинг қанчалик

ҳаққонийлигини текширишнинг самарали воситаси – ижтимоий амалиёт, кишиларнинг амалий, ҳаётӣй фаолияти ҳисобланади.

Социологик тадқиқот эмпирик маълумотларни назарӣй жиҳатдан умумлаштириш, муайян ҳулосалар ишлаб чиқиш, амалий тавсиялар ишлаб чиқиш билан якунланади. Социологик тадқиқот натижаларининг илмӣй таҳлили ва уларни умумлаштириш илмӣй ҳисобот тарзида тузилади. Илмӣй ҳисобот гуруҳлаштирилган ва тизимлаштирилган ҳолда тузилиб, келгусида ўтказиладиган тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилади.

Илмӣй ҳисобот таркиби асосан икки қисмдан иборат бўлиб, **назарӣй ва амалий бўлимларни** ташкил қилади. Социологик тадқиқотнинг илмӣй ҳисоботида қуйидаги асосӣй талабларга эътибор берилмоғи лозим.

1. Илмӣй ҳисоботда тадқиқот предметига мувофиқ муаммонинг барча ўзаро боғлиқ жиҳатлари чуқур акс этиши зарур. Бунда, социологик муаммонинг асосӣй моҳиятли жиҳати аниқ кўрсатилмоғи керак. Бажарилган ишлар эса мантиқӣй тартиб асосида ёзилиб чиқилади.

2. Илмӣй ҳисоботнинг ҳар бир боби икки қисмдан иборат қилиб тузилмоғи мақсадга мувофиқ. Биринчи қисм муаммо ва тадқиқот натижаларини ўз ичига олмоғи, иккинчи қисм эса – илмӣй ҳулосаларни, амалий таклиф ва тавсияларни ташкил этмоғи керак.

3. Илмӣй ҳисоботда анкета саволлари умумлаштирилган ҳолда ихчам қилиб ифодаланади. Ҳисобот аниқ, ҳаётӣй, ҳужжатли ва статистик маълумотлар асосида тасдиқланган бўлиши талаб этилади.

4. Илмӣй ҳисобот ихчам ва тўғри ёзилиши зарур. Кўпи билан 30-40 бетдан ошмаслиги зарур, жадваллар, диаграммалар илова тарзида ҳам берилиши мумкин.

Социологик тадқиқот натижаларидан амалий фойдаланиш. Социологик тадқиқот натижаларини илмӣй ва юксак савияда таҳлил қилиш, улардан ижтимоий бошқарув амалиётида унумли фойдаланиш имконини беради. Эмпирик маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш жараёнидаёқ ўрганилаётган объектнинг муҳим жиҳатлари кўрина бошлайди. Бу жиҳатларни назарда тутган ҳолда илмӣй таклифлар, тавсиялар ва тадбирлар ишлаб чиқиш, социологик тадқиқот натижаларидан амалиётда фойдаланиш учун асосӣй восита бўлиб хизмат қилади.

Социологик тадқиқот натижаларидан амалиётда фойдаланиш босқичи – иккиёқлама жараён бўлиб, унда олимлар, илмӣй ходимлар ҳам амалиётчилар ҳам фаол иштирок этади. Баъзи социологлар фаннинг асосӣй вазифаси аниқ маълумотлар йиғиб, зарур ҳулосалар ва ўрганилаётган ижтимоий муаммо хусусида зарур таклифлар ва тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат, уларни ҳаётга, амалиётга тадбиқ қилиш эса жамоат ташкилотлари, маъмуриятнинг иши деб ҳисоблайдилар. Бундай қараш илмӣй маълумотлар ва уларни бошқарувдаги ечими ўртасида узилишга олиб келади. Бизнингча, ҳар икки босқич ягона илмӣй-амалий дастур асосида бўлмоғи мақсадга мувофиқ.

Социологик тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этишнинг турли шакллари ва усуллари мавжуд:

Унинг муҳим шаклларида бири, олиб борилган тадқиқот натижаларини **мавжуд раҳбарият поғонаси** (маъмурият, касаба уюшмаси, бўлинма ва бошқалар) ва тадқиқот гуруҳлари (масалан, ишчи бригадаси, талабалар гуруҳи кабилар) **олдида химоя қилиш**.

Яна бир шакли, тадқиқот натижаларини **китоб шаклида, услубий қўлланма, мақолалар тўпламида ва матбуотда нашр этиш**.

Социологик тадқиқот натижалари бўйича **олимларнинг радио ва телевиденида чиқишлари** ҳам ўзига хос амалий аҳамият касб этади.

Илмий-амалий анжуманлар, семинарлар, симпозиумлар ташкил этиш ва ўтказиш каби шакллари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Социологик тадқиқот натижаларидан амалий фойдаланишда социал-психологик марказлар фаолиятининг аҳамияти катта. Афсуски, бундай марказлар бизнинг республикамызда жуда кам. Ҳар бир вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари қошида шундай марказлар ташкил қилинса, жамиятимиз инфраструктурасидаги мавжуд муаммоларнинг ҳал қилиб борилишида жиддий ўзгаришлар юз бериши аниқ.

Ҳозирда амалий социологиянинг муваффақиятли ривожланиши аниқ амалий вазифаларни, мавжуд ижтимоий муаммоларни ечиш билан боғлиқ. Аммо, шуни кўрсатиб ўтиш жоизки, ҳозиргача бизда бунга етарлича эътибор берилмаяпти. Социология фанининг жамиятимиз ҳаётидаги ижтимоий-амалий роли жуда паст даражада. АҚШ ва Оврупо мамлакатларида кенг ривожланган «ижтимоий муҳандислик» концепциясини биринчи бор ишлаб чиққан инглиз файласуфи ва социологи Карл Поппер фикрича, «ижтимоий муҳандислик» инсон фаолияти ва жамият ҳаётини оқилона асосда таъмирлаш демакдир. Ижтимоий ҳаёт муаммолари «муҳандислик» фаолиятининг натижасидагина тўғри ҳал қилиниши мумкин. «Ижтимоий муҳандислик»нинг асосий вазифаси ҳам шундан иборатдир.

Социологик мониторинг.

Бозор иқтисодиётига аввалроқ ўтган индустриал ривожланган давлатларда инсон омилига катта эътибор берилади. Давлат, тадбиркорлар ва аҳолининг кенг қатлами инсонга ажратиладиган инвестиция капиталининг энг кўп фойда ва самара бериш йўлидир. Буни АҚШ, Канада, Буюк Британия, Германия, Сингапур, Япония, Тайванда ўтказилган кўпгина социологик тадқиқотлар тасдиқлайди.

Бу тадқиқотларда аввало инсонга ажратиладиган инвестицияларнинг иқтисодий самарасига кўпроқ эътибор берилади, чунки инсон омили нафақат иқтисодий, балки сиёсий, маданий, умумбашарий аҳамиятга эгадир. Замон талабларида инсон биосферавий жараёнларда қатнашиб, коинот қаърига тобора чуқурроқ кириб бориб, коинот масштабидаги омилга айланади. Инсон келажакка, нафақат ўзига, балки бутун Ердаги ҳаёт учун жавобгардир. Шунинг учун, инсон табиатини, маънавиятини, ҳаётий қийматини ўзгаришида сайёрамизнинг кейинги эволюцион ҳаётига таъсири бор.

Инсон барча иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, биосферик жараёнларнинг бошида туради. У моддий ва интеллектуал хизматларнинг бажарувчиси ва истеъмолчисидир.

Инсон таъсири сифати ва миқдорининг ўсиши, унинг талабини, ҳаёт даражасини, маънавияти, ижтимоий ва ҳуқуқий ўрни, динамика ва ижтимоий жараёнларни фундаментал тадқиқ этиш инсон феноменига диққатнинг адекват ўсишини талаб қилади.

Инсон маънавиятининг шаклланиши ва ривожланиши базиси – бу билиш, шунинг учун жамият интеллектуал потенциални такомиллаштирувчи билим масканларини ривожлантириш замоннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Ҳозирги бозор иқтисодиётда инсоннинг билими ва қобилияти рақобатбардошликнинг, иқтисодий ўсишнинг, меҳнат унумдорлигининг ва самарали бошқаришнинг асосий омилидир. Жануби-Шарқий Осиё давлатлари юқори технология ва инсон капитали ёрдамида қисқа муддат ичида иқтисодий ўсишга эришдилар.

Шунинг учун ёш мустақил Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг тез ижро этилиши таълим тизими ривожланишига ва юқори малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида диққат қилинишини талаб қилади. Бу талаб юксак интеллектуал потенциалга эга инсон ўзгарувчан бозор иқтисодиётига тезроқ мослаша олиши учун янада долзарбдир.

Мутахассисни тайёрлаш ва таълим беришнинг самарасини ошириш иқтисодий, технологик, ижтимоий, ҳуқуқий омиллар мажмуасини талаб қилади.

Кўп йиллик тадқиқотларнинг кўрсатишича, бош омиллардан бири ижтимоий омилдир. Бу омиллар социология фанининг махсус қисми томонидан ўрганилиб, «таълим социологияси» деб номланади. Ҳозирги вақтда таълим социологияси Ўзбекистонда бу соҳадаги ижтимоий масалаларнинг услубий асосининг шаклланиши босқичидадир.

Ижтимоий жараёнлар бошқарувининг мукаммаллашуви ҳозирги шароитларда таълим тизими ахборотларини қайта ишлаб, таҳлил қилиб, йиғиш тизимини, яъни «социологик мониторинг» ни яратишни талаб қилади. Бу тизим профессор-муаллимлик таркибини, талаба ёшлар, ҳисоблаш математикасини, замонавий ҳисоблаш техникасини ва ижтимоий масалаларни ҳал қила олиш имкониятини ҳисобга олган ҳолда яратилади.

Мониторинг – бу социологик тадқиқотларни ўтказиш, социологик жараёнлар ҳақидаги ахборотлардан доимий фойдаланишни таъминловчи тизимдир.

Социологик амалиётга тушунча экологиядан кириб келган. Экологик тадқиқотларда у атроф-муҳитни узлуксиз назорат қилишни билдиради. Социологик мониторинг бошқарув жараёнининг социологик таъминотини сезиларли даражада яхшилайдиган. Социологик тадқиқотлар уюштирилганда одатда ижтимоий муҳит ҳолатини акс эттирувчи зарурроқ кўрсаткичлар аниқланади. Сўнгра такрорий тадқиқотлар усули билан меъёрий ва асосий кўрсаткичлардан фойдаланилган ҳолда узлуксиз равишда динамик ахборотни йиғиб таҳлил қилишни таъминлайдиган социологик ўлчовлар олиб борилади.

Тадқиқ қилинаётган ташкилотнинг бунга хос кўриниши нафақат жамият ва кузатилаётган объект ҳаётининг турли соҳалари ҳақида ҳаққоний ахборот олишни, таъминлайди, балки жамият жараёнлари муносабатлари ва қонуниятини очиқ ҳам беради.

Воқеаларнинг ривожланиш муносабати доимий назоратда ва объектнинг зарур параметрлари ўзгартирилганда, катта ахборот жадвали тўпланганда катта мониторинг турига кўра илмий тадқиқотларга талаб юзага келади. Бундай мониторинг тизимларга аввал метеорология ва сейсмологияда дуч келинди.

Ҳозирги вақтда бундай тизимлар статистика, банк иши, биржа, космонавтика, муҳофаа, ишлаб чиқаришда кенг кўламда қўлланилмоқда. Социологияга мониторинг тадқиқотлари усулбиёти ва амалиёти экологиядан ўтди. Динамиканинг мониторинг тадқиқотларида ва экологик ҳолатларда сифат ва миқдорий кўрсаткичлар устида кузатишлар олиб борилди. Бунда тизимларни барча компонентлари ҳақида маълумотлар жамламаси яратилди. Бизнинг республикамызда бундай тадқиқотлар Оролбўйи минтақасидаги экологик муаммолар муносабати билан 90-йилларнинг бошларида катта кўламда олиб борилди. Катта ҳажмдаги маълумотлар жамламаси йиғилди.

Социологик Тадқиқотлар Маркази ҳам 1989-92 йилларда Оролбўйи экологик танглиги оқибатларини ўрганишда қатнашди.

Мониторинг яратишдаги ишлар қўлланилмаган бўлсада, мониторинг ўлчовлар яратиш ғоялари фундаментал социологик тадқиқотлар олиб борилаётганда пайдо бўлди.

Социологик тадқиқотларга мониторинг тури бўйича жамоат фикрини динамик ўрганиш ҳам кирди. Мониторинг қўлловчи бўлиб Геллап Институти ҳисобланади. Россия Федерациясида ҳам асосан мониторинг тури қўлланилмоқда. Россияда социологик тадқиқотларнинг координацион маркази академик Т.И.Заславская бошчилигидаги Россия Социология Маркази саналади. 1994 йилдан бери Москвада турли ижтимоий муаммолар бўйича натижалар эълон қилувчи «Мониторинг ахборот бюллетени» нашр қилиб келинмоқда. Баъзи ривожланган давлатларда ва МДҲда таълим соҳаларида мониторингни яратиш ва қўллаш бўйича қизиқ натижалар олинди. Бизнинг мамлакатимизда ҳам мустақил бўлганимыздан сўнг социологик мониторинг яратиш бўйича ишлар бошлаб юборилди. Хусусан, ТошДУ социологик маркази ва Олий таълим вазирлиги томонидан Олий таълим мониторингининг усулбий асосини яратиш йўлида ишлар олиб борилди.

Асосий тушунчалар:

Эмпирик сўзи қадимги юнонча бўлиб, тажриба маъносини англатади.

Эмпирик социологик тадқиқот – ягона дастур ва услубиёт билан амалий асосда ижтимоий ҳаёт ҳодиса ва жараёнлари тўғрисида олинган эмпирик маълумотларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, зарур амалий таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Эмпирик социологик тадқиқотда ижтимоий фактларни излаш, тасниф қилиш, тўплаш муҳим аҳамиятга эга.

Ижтимоий факт деганда, илмий асосланган, муайян вақт давомида реал ижтимоий воқеликнинг алоҳида жиҳадларини тасниф қилиш орқали олинган маълумотларга айтилади.

Илмий дастур ҳар қандай амалий ва назарий социологик тадқиқотнинг дастлабки зарур ҳужжати ҳисобланади. Дастур социологик тадқиқот объекти бўйича ишчи фаразни текширишга қаратилган, шунингдек, тадқиқот бўйича илмий фараз, бажариладиган асосий вазифаларни ва социологик тадқиқот методологик асосининг баёнидан иборат.

Аннотация- дастур мазмуни ҳақида қисқача маълумот берилиши.

Гипотеза— бу, тадқиқот учун бошланғич нуқта бўлиб, кейинги олиб бориладиган амалий социологик тадқиқотларда илгари суриладиган фараз.

Метод-тушунчаси кенг маънода билимлар тизимини юзага келтириш ва асослаш усули, воситаси.

Социологик тадқиқот техникаси — махсус усулларнинг бирлигини англатиб, у ёки бу усулдан унумли ва ўз ўрнида фойдаланиш.

Социологик тадқиқот жараёни — тадқиқотни ташкил этиш усули, воситаси, барча билиш ва ташкилий фаолиятнинг тартиб билан бориш жараёни.

Респондент-инглизча — сўз бўлиб, жавоб бермоқ маъносини англатади, яъни анкета саволларига ва интервьюга жавоб берувчи тушунилади.

Эркин интервью (стандартлаштирилмаган) — бунда респондент билан узоқ, эркин тарзда суҳбат ўтказилади. Респондентга аввалдан белгиланган саволларга қўшимча равишда саволлар билан ҳам мурожаат қилиш мумкин. Респондентга эркин ва кенг тарзда фикр юритиш имконияти яратилади. Интервьюнинг бундай турига ҳозирда телевидение орқали мунтазам равишда олиб борилаётган «Юзма-юз», «Тема» каби кўрсатувларни мисол қилиб олишимиз мумкин.

Стандартлаштирилган интервью — олдиндан режалаштирилган, муайян мавзунинг қатъий белгиланган доирасидан чиқмайдиган турига айтилади. Интервьюнинг бу тури асосан давлат раҳбарлари, сиёсий арбоблар, сиёсатчилар, масъул ва маъмурий шахслар — респондентлар билан ўтказилади.

Ярим стандартлаштирилган интервью эса қатъий белгиланган саволлардан ташқари респондентнинг ёки тадқиқот объектининг норасмий жиҳатларини ойдинлаштириш, улар тўғрисида қўшимча маълумотларга эга бўлиш мақсадида ўтказилади.

Социологик тадқиқотларда кузатиш — дастлабки эмпирик маълумотларни йиғиш усули бўлиб, муайян мақсадга қаратилган, олдиндан пухта ўйлаб, мунтазам олиб бориладиган, ҳиссий қабулга асосланган

Мониторинг — бу социологик тадқиқотларни ўтказиш, социологик жараёнлар ҳақидаги ахборотлардан доимий фойдаланишни таъминловчи тизим.

**Талабаларнинг индивидуал ўзлаштиришларини
аниқлаш учун саволлар:**

- 1.Эмпирик социологик тадқиқот нима?
2. Эмпирик социологик тадқиқотнинг асосий босқичларини айтинг.
3. Эмпирик социологик тадқиқотнинг биринчи босқичи нималарни ўз ичига олади?
4. Эмпирик социологик тадқиқотнинг иккинчи босқичи нималарни ўз ичига олади?
5. Эмпирик социологик тадқиқотнинг учинчи босқичи нималарни ўз ичига олади?
- 6.Социологик тадқиқот дастури нима?
- 7.Метод нима?
- 8.Умумилмий методларга қайси методлар киради?
- 9.Эмпирик социологик тадқиқот методлари бошқа илмий методлардан нимаси билан фарқ қилади?
- 10.Эмпирик социологик тадқиқот методларининг аҳамияти нималардан иборат?
- 11.Сўров методи ҳақида гапиринг.
- 12.Кузатиш методи ва унинг моҳияти ҳақида гапиринг.
- 13.Ҳужжатларни ўрганиш методи ҳақида гапиринг.
- 14.Эксперимент методининг аҳамияти нималардан иборат?

Дарслик ва ўқув қўлланмалар:

1. Алиев Б., Рафиқов Ғ., Султонов Т., Муллажонов М., Раҳмонов Б. ва бошқалар. Социология. (Ўқув қўлланма). –Тошкент: ТДЮИ нашриёти. 2006.
2. Социология //Ўқув қўлланма. Убайдуллаева Р.А., Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б. ва бошқ. –Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси, 2002.
3. Социология. Маърузалар курси. Алиқориев Н.С, Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б., ва бошқ. – Тошкент, 2001
4. Умумий социология. (Алиқориев Н.С ва Убайдуллаева Р.Т таҳрири остида) – Тошкент: 1999.

Қўшимча адабиётлар:

1. Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: А.Қодирий номидаги нашриёт, 1993.
2. Вебер М. Избранные произведения. – М.: Прогресс, 1990.
3. Ганиева М.Х. Этносоциология. Учебное пособие для студ. высших учебных заведений. – Ташкент: Университет, 2006.
4. Ганиева М.Х. Введение в социальную работу. –Ташкент., 2011. 98 с.
5. Гараджа. В.И. Социология религии. – М., 2005.
6. Гиддингс Э. Социология. – Тошкент, 2002
7. Кравченко А.И. Социология. – М., 2006.
8. Латипова Н.М. Политическая социология. Методическое пособие. – Ташкент., 2010.
9. Современная западная социология. Словарь. – М.: Прогресс, 1990.
10. Социология религии. В.И.Гараджа. – М., 2005.
11. Социология //Учебное пособие. Под редак. д.ф.н. Мухамедовой З.М., –

Ташкент: Sanat, 2010

12. Қодиров А.Қ. Социология. –Тошкент, 2006.
13. Saitxodjayiv Н.В. Sotsiologiya. Ma`ruzalar kursi. –Тошкент: Академия, 2008.
14. Холбеков А.Ж., Идиров У.Ю. Социология: изоҳли луғат-маълумотнома. –Тошкент: Ибн-Сино номидаги нашриёт, 1999.
15. Холбеков. А.Ж. Бошқарув социологияси (ўқув қўлланма). –Тошкент: Akademiya, 2007.
16. Убайдуллаева Р.А., Ота-Мирзаев О.Б. ва бошқ. Социологик тадқиқотлар амалиёти (Ўқув-услубий қўлланма). –Т.: «Ижтимоий фикр», 2001.
17. Фарфиев Б.А., Нуруллаева У.Н. Социология тарихи. (Услубий қўлланма). Тошкент: Университет, 2009.
18. Бекмуратов М.Б. Роль общественного мнения в социально-культурном развитии общества: Дис....док.социол.наук. – Ташкент, 1997.
19. Фарфиев Б.А. Ўзбекистонда жамиятни демократилаштириш жараёнида тафаккур тарзини такомиллаштиришнинг ижтимоий маъданий хусусиятлари: Дис....социол. фан.ном. – Тошкент:, 1999.
20. Калонов К.К. Ўзбекистон ўзини ўзи бошқарув тизими динамикаси таҳлил қилишда авторитетнинг тутган ўрни: Дис....социол. фан.ном. – Тошкент, 2000.
21. Юнусов А.Б. Ўсмир ёшларда ижтимоий девиантлик ҳолатларининг социологик хусусиятлари: Дис....социол. фан.ном. – Т: ЎзМУ, 2004.
22. Норбеков А.Ш. Ўзбекистонда ижтимоий кафолат тизимини яратиш муаммолари: сиёсий-социологик таҳлил. Дис....социол. фан.ном. – Тошкент, 2004.
23. Латипова Н.М. Роль молодых специалистов в трансформации социальной структуры узбекистанского общества: Дис.... канд. социол. наук. – Ташкент, 2009.
24. Ганиева М.Х. Общественное мнение как фактор развития межнациональных отношений: Дис....док.социол.наук. – Ташкент. – Ташкент. 2009

Электрон таълим ресурслари:

1. <http://www.lib.socio.msu.ru>
2. <http://www.socioline.ru>
3. <http://www.socio.rin.ru>
4. <http://www.sociologos.narod.ru>
5. <http://www.socionet.narod.ru>
6. <http://www.sociograd.ru>